


Роберт Спраул



ХУДОНИНГ
МУҚАДДАСЛИГИ



Роберт Спраул

**Худонинг
Муқаддаслиги**

1-БОБ

Муқаддас граал

Ёрқин кийинган, шавкатли рицарь
Қуёш тиғида ва сояда ҳам
Олға бормоқда, қўшиқ айтмоқда
Эльдорадони топиш истағида.

ЭДГАР АЛАН ПО

Хонани тарк этишимга тўғри келди. Тенгсиз кучга эга бўлган даъват менинг уйқумни бузди; бу муқаддас даъват эди. Атрофда сокинлик ҳукмрон, фақат менинг столим устида турган соатнинг чиққиллашигина эшитилиб турарди. Соатнинг чиққиллаши, гўёки соат тубсиз сувли чуқурликка туширилган камерага жойлаштирилганга ўхшаб, бўғиқ ва нотабий эшитилар эди. Мен эндигина ухлай бошлаган, онглилик ва онгсизлик ўртасидаги аниқ чегара йўқоладиган бир ҳолатда эдим. Бу сен эндигина тун ҳукмронлигига ўтаётган, ташқи дунёдан келаётган овозлар эса ҳануз онгинга қуйилиб турган бир пайт ҳисобланади. Сен бу дақиқаларда ҳам ухлайсан, ҳам ухламайсан. Ҳамон тетиксан, аммо борлиқни тўлалигича идрок қила олмайсан. Ва аввалгидек: «Ўрнингдан тур. Бу хонадан чиқ», — деб гапираётган ички даъватни эшитасан.

Даъват кучаяди, борган сари саботли бўлиб боради ва унга бошқа эътибор бермасликнинг иложи бўлмай қолади. Бирдан қуйилиб келган тетиклик мени ўз ўрнимдан сакраб туришга мажбур қилди. Мен туриб, оёқларимни пастга туширган ҳолда ўтирдим. Уйқудан асар ҳам қолмади, жисмим ҳаракат қилишга тайёр бир ҳолда эди. Кўз очиб-юмгунча кийиндим ва

коллеж ётоқхонасидан кўчага чиқдим. Дарҳол соатимга қарадим — ўнта кам ўн икки.

Туннинг совуқ ҳавоси эрталаб ёққан қорни музли қатқалоққа айлантирган эди. Мен талабалар шаҳарчаси маркази томонга юрдим, оёғим остида эса қор ғирчилларди. Ой ўз нурлари билан коллеж биносини қоплаган, тарновлар эса улкан сумалаклар — ҳавода муаллақ қотиб қолган, музлаб қолган тишларга ўхшаш сув жилғалари билан безатилган эди. Табиатнинг бу мўъжизакор асарини инсон қўллари билан яратишнинг иложи йўқ.

Кўҳна Бош Минорадаги соат механизмининг ғичирлаган овози эшитилди, соат миллари тик ҳолатда бирлашдилар. Мен соат механизмининг оғир нафас олишини эшитдим ва бир неча дақиқадан сўнг бонг овози жаранглади. Тўрт оҳанг яна бир соат ўтганлигини маълум қилди. Кейин эса, соат ўн икки марта бонг урди. Мен ҳар доимгидек, уларни санадим. Бу соат ҳеч қачон хато қилмас эди. Минорадан, жаҳли чиққан ҳакамнинг болға билан металлга урганида чиқадиған овозга ўхшаш роппа-роса ўн икки бор бонг овози эшитилди.

Кўҳна Бош Миноранинг соясида кичкина ибодатхона турар эди. Готик услубда қурилган равоқ тагида — эман дарахтидан тайёрланган оғир эшик. Мен эшикни очдим ва даҳлизга кирдим. Эшик менинг ортимдан ёпилди ва унинг овози тош деворларда акс-садо берди.

Бу акс-садо мени ҳайратга солди. Бу овоз эшикнинг ибодатхонада кундузги кун бўладиган хизматлар пайтидаги овозидан кескин фарқ қилар эди. Кундуз куни очилаётган ва ёпилаётган эшикнинг овози оёқ товушлари, полнинг ғичирлаши — инсонларнинг иштирокини билдирувчи барча товушлар оқибатида унчалик сезилмас эди. Ҳозир, тунда, эшикнинг овози жимжитлик туфайли яққол эшитилди.

Мен кўзларим қоронғуликка кўниккунга қадар, бир неча дақиқа даҳлизда турдим. Ой нурлари деразанинг хира ойналари орқали ичкарига кириб турар эди. Қоронғуликда ўриндиқларни ва меҳробга чиқувчи зинапояларга олиб борувчи марказий йўлни ажратиш мумкин эди. Шипнинг гумбазсимон пештоқлари кишида фазовийлик ва улуғворлик ҳиссини пайдо қилади. Улар бир текисда гумбазга уланиб кетиб, киши нигоҳини ўзлари билан бирга юқорига тортар ва худди мени тутиб олиш учун узатилаётган улкан қўлга ўхшаб кетар эдилар.

Мен эҳтиёткорлик билан аста-секин меҳробнинг зинапоялари томон юрдим. Тош полдаги қадам товушлари онгимда ўзларининг нағал қоқилган этиклари билан тош кўчалардан ўтаётган немис солдатларининг кўрқинчли тасвирларини юзага келтирди. Ҳар бир қадам бўғиқ акс-садо берар эди. Ниҳоят, мен гилам ёпилган меҳроб ёнига келдим. Тиз чўқдим.

Бу жой йўлимнинг охири эди. Мен уйқумни бузган даъватнинг манбаи билан учрашишга тайёр эдим.

Мен ибодат қиладиган ҳолатда эдим, бироқ айтадиган гапим йўқ эди. Сукут сақлаб, тиз чўккан ҳолда Худонинг ҳозир бўлганлигини сездим ва бу ҳиссиёт бутун танамни қоплаб олишига ижозат бердим. Юрагим ҳаяжонга тушганимни билдирганича, қафасдаги қуш каби талпинар эди. Худди елкамдан совуқ сув қуйилаётганга ўхшарди. Мени кўрқув босди. Мен Кимнинг ҳозир бўлганлигини сезган бўлсам, ўша Зотдан қочиш истаги билан курашар эдим.

Кўрқув йўқолди, бироқ унинг ўрнини тез орада бошқа бир ҳиссиёт тўлқини эгаллади. Бу ҳис умуман бошқача эди. Менинг қалбимни сўз билан ифодалаб бўлмас даражада осойишталик эгаллади. Бу осойишталик менинг беҳаловат

руҳимга хотиржамлик ва тинчлик бахш этди. Шу дақиқадаёқ мен бутунлай тинчландим. Мен шу жойда яна ҳам кўпроқ қолишни истар эдим. Мен ҳеч нарса қилмасликни, ҳеч нарса демасликни, фақатгина Худонинг ташрифидан баҳраманд бўлишни хоҳлар эдим.

Бу тўлиқ ўзгариш онлари эди. Мен қалбимнинг тубида нимадир илдиз отаётганлигини ва бу нарса бир умр мен билан қолишини сезар эдим. Шу дақиқадан бошлаб ортга қайтиш йўқ. Илоҳий Куч томонидан қалбга босилган ўчмас муҳр ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Мен Худо билан яккама-якка эдим. Муқаддас Худо билан. Ўзига нисбатан эҳтиром ҳиссини уйғотадиган Худо билан. Мени бир вақтнинг ўзида қўрқувга ҳам, осойишталикка ҳам сола оловчи Зот билан бирга эдим. Мен шу соатда Муқаддас Граал косасидан ичганлигимни билар эдим. Менда бу дунёдаги ҳеч бир нарса қондира олмайдиган ташналик пайдо бўлди. Мен Худони излашга, қадимий ибодатхоналарнинг ғира-ширалигида ҳозир бўлган ва мени ғафлат уйқусидан уйғотиш мақсадида ётоқхонадаги хонамга кириб келган Зот ҳақида янада кўпроқ билишга аҳд қилдим.

Колледж талабасини қишнинг қоронғи кечасида ўз қалбини Худо учун очиб беришга ва Унинг ташрифини излашга нима мажбур қилди? Шу куни аудиторияда менинг ибодатхонага келишимга сабаб бўлган бир воқеа юз берди. Мен ёш масиҳий эдим. Менинг имонга келишим худди Павлус билан Дамашқ йўлида содир бўлган воқеага жуда ўхшаш равишда қутилмаганда содир бўлди. Менинг ҳаётимда кескин ўзгариш рўй берди. Мен ғайратга тўла эдим. Ҳаётимни ёритувчи нурга айланган Ҳазрати Исо Масиҳни янада яхшироқ билишни истардим. Мен янгича эҳтирослар таъсирида эдим. Мен Муқаддас Ёзувларни ўрганиб чиқишни, қандай қилиб ибодат қилиш лозим эканлигини билишни, ўзимдаги ёмон одатлар устидан ғалаба қилишни ва иноятда ўсиб-улғайишни

хоҳлар эдим. Бутун борлигим билан Масихга фойдали бўлишни истардим. Менинг қалбим: «Тангрим, мен масихий бўлишни хоҳлайман», — деб куйлар эди.

Бироқ, менинг масихий ҳаётимда нимадир етишмас эди. Мендаги интилиш керагидан ҳам ортиқча бўлганлиги билан бу юзаки, содда интилиш эди ва бунинг оқибатида мен «бир ўлчамли» инсонга айланиб қолган эдим. Мен қайсидир ҳолатда унитарист ¹ — Учбирликнинг иккинчи шахсига нисбатан унитарист эдим. Мен Исо Масих Ким эканлигини билар эдим, аммо Ота-Худо қиёфаси мен учун сир билан қопланган эди. У менинг онгим учун топишмоқ ва менинг қалбим учун бегона эди. Унинг қиёфаси қалин парда билан қопланган эди.

Бу ҳолатни ўша вақтда коллежимизда ўқитилаётган фалсафа курси ўзгартириб юборди.

Бошда бу курс менда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади. Мен зерикарли бўлган топшириқларни зўрға бажарар эдим. Мен Муқаддас Китобни ўрганиб чиқишга аҳд қилдим. Фалсафа дарсидаги абстракт мулоҳазаларни эса вақтни бекорга сарф қилиш, деб ҳисоблар эдим. Мулоҳазалар ва шубҳалар ҳақидаги фалсафий мунозараларни эшитиш мен учун бирор бир маъно касб этмас эди. Улар менга руҳий озуқа бермас эди. Булар қийин ва бефойда интеллектуал бошқотирмалар бўлиб, мен уларга бефарқлик билан қарар эдим. Бу ҳолат ўша қиш оқшомигача давом этди.

¹ Унитаризм (лотинча *unitas* — бирлик) — протестантликдаги оқим бўлиб, Учбирлик таълимотига қарама-қарши равишда, ягона Худо ғоясини тарғиб қилади.

Шу куни бизга Августин Аврелий ¹ номли масиҳий файласуф ҳақида маъруза қилишди. У кейинчалик Рим католик жамоати томонидан тан олинган эди. Ҳамма у ҳақда гапирганда уни муқаддас Августин, деб аташар эди. Профессор Августин Аврелийнинг дунёни яратилишига нисбатан қарашлари ҳақида маъруза қилар эди.

Мен дунё яратилишининг Муқаддас Китобдаги баёни билан таниш эдим. Мен Эски Аҳд: «Азалда Худо осмон билан ерни яратди...», — деган сўзлар билан бошланишини билар эдим. Бироқ, мен ҳеч қачон яратилиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаган эдим. Августин эса ана шу буюк сирга ўз эътиборини қаратган ва ўз-ўзига қуйидаги саволни берган: «Бу қандай қилиб амалга оширилди?»

«Азалда...»

Бу худди «Қадим замонда...», деб бошланадиган эртақни эслатади. Бу ердаги номувофиқлик шундан иборатки, бошда вақт йўқ эди ва шу сабабли «қадим замон»нинг ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Биз бошланишни жаҳон тарихининг

¹ Августин Аврелий (354 — 430) — православларда авлиё, католик жамоати томонидан эса — муқаддас ва Жамоат устози, деб тан олинган масиҳий теолог ва файласуф. Католик догматикасини, хусусан, илоҳий таъриф, иноят ва қабрдаги ҳукм ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқишда ва тасдиқлашда алоҳида ўрин тутган. У Жамоатнинг буюк чўпонларидан бири ҳисобланади. Унинг барча дунёқарашлари: «Имонсиз илм ҳам, ҳақиқат ҳам йўқ», деган асосга асосланган эди. Ундан 100 тача китоб, 500 та ваъз ва 200 та мактуб қолган. Унинг «Тавба» номли автобиографик асари ва «Худо шаҳри ҳақида» номли трактати машҳурдир. «Худо шаҳри ҳақида» (426) номли асарида Августин илоҳий таъриф натижаси сифатида тушуниладиган бутун дунё тарихининг масиҳийлик концепциясини ривожлантирди. У «Худо шаҳри» — бутун жаҳонга тарқалган Жамоатни гуноҳкор дунёвий давлат — «Дунёвий шаҳар»га қарама-қарши қўяди. Унинг масиҳийлик ривожига қўшган ҳиссаси протестантликда ҳам, Рим католик жамоатида ҳам юқори баҳоланади.

қандайдир жойидан бошланган ҳаракат, деб тасаввур қиламиз. Эртақдаги маликанинг онаси ва бувиси бўлиши мумкин. Унинг «қадим-қадим замонда» бошланган тарихи мутлақ бошланишнинг бошланғич нуқтасидан бошланмаган эди. Ўша маликагача ҳам шоҳлар ва маликалар, тошлар ва дарахтлар, отлар, қуёнлар, гуллар бўлган.

Ибтидонинг биринчи бобида ҳикоя қилинадиган воқеалардан аввал нима бўлган? Одам Атонинг отаси ҳам, бобоси ҳам йўқ эди. Унинг қўл остида тарихий китоблар мавжуд эмас эди, чунки тарихнинг ўзи йўқ эди. Яратилишга қадар шоҳлар ҳам, маликалар ҳам, тошлар ҳам, дарахтлар ҳам йўқ эди. Ҳеч нарса мавжуд эмас эди. Албатта, Худодан ташқари.

Мен худди мана шу ерда «қоқилдим». Менинг фалсафий «бош оғриғим» шундан бошланди. Дунёнинг яратилишига қадар ҳеч нарса мавжуд эмас эди. Бироқ, «ҳеч нарса»нинг ўзи нима? Сиз бирор марта бўлса ҳам «ҳеч нарса»нинг нима эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Ҳеч нарсани қаердан топиш мумкин? Ҳеч қаердан, албатта. Нима сабабдан? Чунки бу ҳеч нарса, ҳеч нарса эса мавжуд эмас. У мавжуд бўла олмайди, чунки агар у мавжуд бўлса, у энди ҳеч нарса эмас, балки бирор нарсага айланар эди. Сизда ҳам меникига ўхшаш бош оғриғи бўлганми? Бу ҳақда бир дақиқа бўлса ҳам ўйлаб кўринг. Фойдаси йўқ! Мен сизга бу ҳақда ўйлаб кўринг, дея олмайман, чунки «ҳеч нарса» — «бу» бўла олмайди. Мен фақатгина: ҳеч нарса — у ҳам, бу ҳам эмас, у ҳеч нарса, дея оламан холос.

Шундай қилиб, биз «ҳеч нарса»нинг нима эканлиги ҳақида қандай қилиб фикр юритишимиз мумкин? Биз у ҳақда ўйлай олмаймиз. Бу мумкин эмас. Агарда биз «ҳеч нарса» ҳақида фикр юрита бошласак, шубҳасиз «бирор нарса» ҳақида ўйлай бошлаймиз. Мен «ҳеч нарса»нинг нима эканлиги устида фикр

юрита бошласам, ҳаёлан жуда кўп «бўм-бўш» ҳавони тасаввур қила бошлайман. Аммо ҳаво — бу ҳам «бирор нима», оғирликка ва бир неча хусусиятга эга бўлган жисмдир. Мен буни жуда яхши биламан, чунки автомобилнинг шинаси миҳни босиб кетганда нима бўлишини кузатганман.

Жонатан Эдвардс, ҳеч нарса — бу ухлаётган қоялар тушида кўрадиган нарсадир, деган эди. Бу сўзлар ҳам саволни аниқлаштириб бера олмайди. Ўғлим менга «ҳеч нарса» сўзининг янада яхшироқ таърифини берди. У юқори синфларда ўқиётган вақтда, дарсдан қайтганидан кейин мен унга ҳар куни: «Ўғлим, бутун нима иш қилдинг?», — деган саволни берар эдим. Жавоб ҳар куни бир хил эди: «Ҳеч нарса». Шу сабабли, мен учун «ҳеч нарса»га берилган энг яхши таъриф қуйидагича эди: «Ҳеч нарса» — бу менинг ўғлим юқори синфда шуғулланган нарса».

Бизнинг ижодкорлик ҳақидаги тасаввурларимиз буёқлар, лой, қоғоздаги ноталар ёки яна бошқа воситалар ёрдамида янги шакл яратиш билан боғлиқдир. Биз ҳеч қачон буёқларсиз чизаётган рассомни, сўзлардан фойдаланмай ёзаётган ёзувчини ёки нотасиз мусиқа басталаётган бастакорни учратмаганмиз. Рассом ўз ишини бирор нарсадан бошлаши керак. У аввал нима қилади? У ўз ишига шакл беради ва уни қайтадан ишлайди. Бироқ у ҳеч қачон бўш қўл билан ишламайди.

Муқаддас Августин Худо дунёни ҳеч нарсадан яратди, деб ўргатади. Яратиш вақтида Худо худди шляпанинг ичидан қуённи олиб чиқаётган кўзбойлоғичга ўхшар эди. Фарқ шунда эдики, Худода шляпа ҳам, қуён ҳам йўқ эди.

Менинг яқин қўшним — шкафлар ясайдиган моҳир уста. У кўзбойлоғичлар учун ҳам шкаф ва яшиқлар ясайди. Бир куни у мени ўз устахонасига таклиф қилди ва кўзбойлоғичлар учун

яшиқларни қандай қилиб тайёрлашини кўрсатди. Яшиқларни тайёрлаш сири кўзгулардан усталик билан фойдаланишдан иборатдир. Кўзбойлоғич саҳнага чиқиб, сизга ичи бўм-бўш бўлган шляпа ёки яшиқни кўрсатади. Ҳақиқатда эса сиз ўша шляпа ёки яшиқнинг ярмисини кўрасиз. «Бўм-бўш» шляпани мисол қилиб олайлик. Шляпанинг ўртасига кўзгу ўрнатилади. Кўзгу шляпанинг бўм-бўш бўлган ярмисини акс эттиради ва шляпанинг ичида ҳеч нарса йўққа ўхшаб кўринади. Сиз шляпанинг ичини тўлиқ кўриб турибман, деб ўйлайсиз, ҳақиқатда эса сиз унинг ярмисини кўрасиз. Кўзгу билан яширилган ярмида эса бемалол оппоқ кабутарларни ёки момикқина куёнчани яшириш мумкин. Бу ерда ҳеч қанақанги сеҳргарлик йўқ, шундай эмасми?

Худо дунёни кўзгулар ёрдамисиз яратди. Акс ҳолда Унга дунёнинг ярмиси ва улкан кўзгу керак бўлган бўлар эди. Худо дунёни ҳеч нарсадан яратди. Бошда ҳеч нарса йўқ эди, кейин эса, Худонинг амри бўйича олам пайдо бўлди.

Биз яна ўз-ўзимизга: «Худо бу ишни қандай қилиб амалга оширди?», — деб савол берамиз. Муқаддас Китоб бизга ягона жавобни беради. Унда айтилишича, Худо Коинотни ибтидога чақирди. Августин буни оригинал жумла билан ифода қилади. У буни «Илоҳий амр» ёки «Илоҳий фармон», деб атайди. Бизларнинг ҳаммамиз фармон нима эканлигини жуда яхши биламиз. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, бу буйруқдир. Изоҳди луғат «фармон» сўзига қуйидагича таъриф беради — бу буйруқ ёки ироданинг кўриниши, бунинг натижасида бирор нарса яратилади ёки содир қилинади.

Ҳозир мен шу китобни ҲВМ компанияси томонидан чиқарилган компьютерда ёзаяпман. Компьютер — ажойиб, мураккаб тузилган механизмдир. Бу машина маълум бир буйруқларга жавоб берадиган қилиб ясалган. Агарда мен матнни териш давомида хатога йўл қўйсам, қўлимга ўчирғич

олишнинг ҳожати йўқ. Хатони тўғирлаш учун керакли буйруқни берсам бас, шу заҳотиёқ компьютер менинг ўрнимга хатони ўзи тузатади. Компьютер буйруқни бажаради. Бироқ, менинг берадиган буйруқларим чегараланган. Олдиндан компьютернинг дастурига киритилган буйруқларгина қабул қилинади. Мен компьютерга қарата: «Марҳамат қилиб ушбу китобни менинг ўрнимга ёзиб қўй, мен эса бориб гольф ўйнаб келай», — дейиш имкониятига эга бўлишни хоҳлар эдим. Бироқ менинг машинам буни бажара олмайди. Мен ҳар қанақанги «фармойиш берувчи» овоз билан унинг экранига қарата бақиришим мумкин, бироқ у ҳеч қачон мен хоҳлаган ишни қилмайди.

Бизниқидан фарқли ўлароқ, Худонинг фармонлари чегара билмайди. У Ўзининг илоҳий амри туфайли истаган нарсасини яратиши мумкин. У йўқ нарсани бор қилиши, ўлимдан ҳаёт яратиши мумкин. У Ўз овозининг бир товуши билан буларни амалга ошира олади.

Оламда янграган биринчи овоз Худонинг овози эди. У: «Бўлсин!», — деб амр қилди. Уни оламдаги биринчи овоз, дейиш ҳам нотўғри бўлар эди, чунки бу овоз янграмагунга қадар оламнинг ўзи ҳам йўқ эди. Худо бўшлиққа хитоб қилди. Балки, бу бўм-бўш зулмат қаърида янграган биринчи ҳайқириқ бўлгандир.

Бу амр ўз-ўзининг молекулаларини яратди ва товуш тўлқини Худонинг овозини коинотга, узоқ-узоқларга олиб кетди. Бироқ, бу амрни Коинотнинг барча жойларига етказиш учун товуш тўлқинига жуда ҳам кўп вақт керак бўлган бўлар эди. Амрнинг тарқалиш тезлиги ёруғлик тезлигидан ҳам юқори эди. Бу амр Яратувчининг оғзидан чиқиши билан Коинот ғилдирақлари айлана бошлади. Унинг овози етган жойларда мислсиз чиройли юлдузлар пайдо бўлди ва улар фаришталарнинг қўшиғи оҳангига мос равишда порлай

бошладилар. Илоҳий куч худди рассомнинг қўлидаги бўёқлар каби самога тарқалиб кетди. Кометалар худди Мустақиллик қунидаги салютлар каби само кўксида ёрқин из қолдириб уча бошладилар.

Яратилиш тарихдаги энг буюк ва энг биринчи ҳодиса эди. Бош Қурувчи Ўзининг мураккаб ижодига назар ташлади ва яна хитоб қилди. Бу бутун дунё чегараларининг пайдо бўлиши ҳақидаги амр эди. У амр қилди ва натижада денгизлар қирғоқ билан ўралди, булутларга нам тўлди. Худо Орионнинг белини боғлаб қўйди. У яна бир марта амр қилди ва Ер гуллар билан қопланган боғларга тўлди. унчалар очила бошлади. Барча жой ям-яшил ўт-ўлан билан қопланди, атиргуллар очилди.

Худо яна амр қилди ва сувларда тирик жонзотлар пайдо бўлди. Сув ости қоялари пайдо бўлди, тўлқинлар устида эса дельфинларнинг боши кўрина бошлади. Худо яна бир марта хитоб қилди. Шу заҳотиёқ, шернинг ўкириши ва қўйларнинг маъраши эшитилди. Тўрт оёқли ҳайвонлар, саккиз оёқли ўргимчаклар ва қанотли ҳашоратлар пайдо бўлди.

Ва Худо: «Бу яхши», — деди.

Кейин Худо Ерга энгашди ва ернинг тупроғидан бир мавжудотнинг шаклини ясади. Худо унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Бу мавжудот ҳаракат қила бошлади. У сеза бошлади. У Худога итоат қила бошлади. Бу мавжудот тирик ва у ўз қиёфаси билан ўз Яратувчисига ўхшар эди.

Лазарнинг ўликлардан қайта тирилиши ҳақида ўйлаб кўринг. Исо буни қандай қилиб амалга оширди? У Лазарнинг мурдаси ётган қабрга кирмади. У оғиздан оғизга нафас бериш ёки юракни уқалаш каби ҳаракатларни қилишга муҳтож эмас эди. У қабрдан ташқарида, бир қанча масофа узоқликда туриб, баланд овоз билан хитоб қилди: «Лазар, ташқарига чиқ!» Лазарнинг томирларида қон юра бошлади, унинг мия

тўлқинлари ишга тушди. Унга ҳаёт қайтиб келди, Лазар қабрни тарк этди ва ташқарига чиқди. Бу илоҳий фармоннинг кучи билан, Яратувчининг буйруғига кўра содир бўлди.

Ҳозирги даврда бу олам ҳеч ким ва ҳеч нарса томонидан яратилмаган, деб таъкид қилувчи назарийётчилар ҳам мавжуд. Бу икки таъкид ўртасидаги фарққа эътибор беринг: биринчиси — дунё ҳеч нарсадан яратилган ва иккинчиси эса — у ҳеч нарса томонидан яратилган. Ушбу замонавий назарияларга кўра, қуён аслида ичида қуён бўлмаган шляпадан чиқди ва бунинг учун унга кўзбойлоғичнинг ҳам кераги йўқ. Бу каби фараз биз кўрган яратилиш ҳақидаги Муқаддас Китоб ҳикояларига нисбатан тенглаштириб бўлмайдиган даражада кўпроқ мўъжиза талаб қилади. Бу фаразга кўра ҳеч нарса бирор нарсани пайдо қилади. Бундан ташқари, ҳеч нарса ҳамма нарсани яратган, деб фараз қилинади. Кечирасиз...

Бунга жавобан сиз: «Бизнинг илми давримизда, Коинот ҳеч нарса томонидан яратилган, деб жиддий таъкидлайдиган киши бўлмаса керак», — деб жавоб беришингиз мумкин. Бундай кишилар жуда ҳам кўп! Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, улар ўз таъкидларини худди мен юқорида айтгандек қилиб ифода қилмайдилар. Уларнинг қарашларини бу каби шаклда ифода қилишим уларга ёқмаслиги аниқ. Улар, шубҳасиз, бу сўзларимга раддия эълон қилишади, мени уларнинг қарашларини масхара қилаётганликда айбашлари ҳам мумкин. Яхши. Улар олам ҳеч нарса томонидан яратилган, дейишмайди. Улар Коинот тасодифий равишда пайдо бўлган, деб таъкидлашади.

Тасодифий равишда? Бироқ, бу ҳеч нарсани ойдинлаштирмайди. Тасодифни ўлчаб бўлмайди, у яратувчанлик кучига эга эмас. Тасодиф — бу биз математик эҳтимолликни таърифлаш учун ишлатадиган оддий сўзидир.

Тасодиф бирор бир ишни қила олмайди. У ҳеч нарса қила олмайди, чунки унинг ўзи бирор бир шаклга, хусусиятга эга эмас. У — ҳеч нарса. Борлиқ тасодифга кўра юзага келган, деб таъкидлаш — бу Борлиқ «ҳеч нарса» томонидан яратилган, деган таъкид билан бир хилдир.

Бу интеллектуал бемаъниликдир. Борлиқнинг тасодиф туфайли юзага келганлигининг тасодифий эҳтимоллик даражаси қандай?

Авлиё Августин олам тасодиф туфайли вужудга келиши мумкин эмаслигини яхши тушунар эди. У яратилиш учун кучга — яратиш кучига эга бўлган нимадир ёки Кимдир керак эканлигини яхши билар эди. У бирор бир нарса йўқдан бор бўлмаслигини жуда яхши билар эди. Авлиё Августин қайси бир жойда кимдир ёки нимадир мана шу кучга — йўқликдан борлиқни пайдо қила оладиган кучга эга бўлиши кераклигини тушунар эди. Агарда бундай бўлмаганда эди, ҳозир ҳеч нарса мавжуд бўлмаган бўларди.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Азалда Худо ...яратди». Биз итоат қиладиган Худо — худди ўша азалдан бор бўлган Худодир. Фақат Худогина мавжудотларни ярата олади, фақат У ибтидо кучига эга. У — ҳеч нарса эмас. У — тасодиф эмас. У — Ибтидодир, У — Ўз-Ўзича мавжуд бўлган ягона Зотдир. Фақат У абадийдир. Фақат У ўлим устидан ҳукмрондир. Фақат У Ўз амри, Ўз фармонининг кучи билан оламни йўқликдан борликка чақира олади. Шу куч бизларни Худонинг қаршисида тиз чўкишга мажбур қилади. У ҳурматга сазовор, эътиборга лойиқдир.

Августиннинг айнан мана шу — Худо оламни Ўз овозининг кучи билан ҳеч нарсадан бор қилиб яратганлиги ҳақидаги сўзлари ўша тунда мени ибодатхонага боришга мажбур қилди.

Мен имонга келиш нима эканлигини яхши биламан. Мен қайтадан туғилиш нима эканлигини яхши биламан. Мен фақат бир мартагина қайтадан туғилиш мумкин эканлигини ҳам жуда яхши биламан. Фақат бир мартагина Муқаддас Рух бизнинг қалбларимизни Масихдаги янги ҳаётга қаратади. Бу билан У Ўз ишини тугатмайди. У бизда фаолият кўрсатишда давом этади. У бизни ўзгартиришда давом этади.

Ўша куни мен аудиторияда, оламнинг яратилиши ҳақида фикр юритаётганимда ҳис қилган туйғу иккинчи бор янгитдан туғилишга ўхшар эди. Худди мен яна бир бор имон келтирганга, бу марта Ўғил-Худога эмас, балки Ота-Худога имон келтирганга ўхшар эдим. Бирданига менда Ота-Худони таниб-билиш истаги пайдо бўлди. Мен Уни Унинг шон-шуҳратида, қудратида, муқаддаслигида билишни хоҳлар эдим.

Менинг Ота-Худога «келишим» қийинчиликларсиз кечмади. Оламни йўқ нарсадан бор қилган Худонинг қиёфаси менда чуқур таассурот қолдиргани билан биз яшаётган бу олам — қайғу ва аламга тўла эканлиги мени безовта қилаётган эди. Бу олам бошдан-оёқ ёмонлик билан қопланган эди. Шунда менда қуйидагича савол пайдо бўлди: «Менинг марҳаматли ва муқаддас Раббим қандай қилиб бундай тартибсиз ҳолатда бўлган оламни яратиши мумкин?» Мен Эски Аҳдни ўқиган пайтларимда Худонинг аёллар ва болаларни ўлдириш ҳақида берган фармонлари, аҳд сандигига тегингани учун Уззони шу ондаёқ ўлимга маҳкум қилганлиги ва Худо табиатининг бошқа шафқатсиз томонларини очиб берувчи ҳикоялар мени ташвишга солар эди. Мен шундай Худони сева оларимдими?

Мен Муқаддас Ёзувларда қайта-қайта дуч келган асосий ғоя — бу Худонинг муқаддаслиги ғоясидир. Бу сўз мен учун бегона эди. Бу сўзнинг маъносини тўлиқ тушунаётганлигимга

имоним комил эмас эди. Мен бу саволни синчковлик ва тиришқоқлик билан ўрганиб чиқишга аҳд қилдим.

Мен бугунги кунда ҳам Худонинг муқаддаслиги ҳақидаги саволни ҳал қилиш билан машғулман. Бу ғоя ҳар бир масиҳий учун энг муҳим ғоялардан бири эканлигига шубҳам йўқдир. Ҳар бир масиҳий бу ғоянинг маъносини англаб етиши лозим. У бизнинг Худо ва масиҳийлик ҳақидаги қарашларимиз асосида ётади.

Муқаддаслик ғояси Муқаддас Китоб таълимоти учун шу даражада муҳимки, у ерда Худо ҳақида шундай дейилади: «Унинг исми муқаддасдир». Унинг исми муқаддас, чунки Унинг Ўзи муқаддас. Бироқ, Унга нисбатан ҳар доим ҳам муқаддас эҳтиром намоён қилинавермайди. Унинг номи бу дунёнинг лойига ботирилади. У сўкиш сифатида, беъманиликлар учун баҳона сифатида ишлатилади. Бу дунё кишилари Худони қай даражада ҳурмат қилмасликларини Унинг исмига нисбатан бўлган эътибордан билиб олиш мумкин. Ҳеч қандай ҳурмат йўқ. Худодан кўрқиш йўқ.

Агарда мен масиҳийларнинг бир гуруҳига жамоатнинг асосий вазифаси нимадан иборат эканлиги ҳақида савол берганимда, бир талай турлича бўлган жавобларни олишим тайин. Улардан баъзилари: «Хушхабар тарқатиш», бошқалари эса: «Ижтимоий фаолият», учинчилари эса: «Диний тарбия», деб жавоб беришган бўлар эди. Бироқ мен бирор кишидан Масиҳнинг асосий вазифаси қандай бўлганлиги ҳақида эшитишни хоҳлар эдим.

«Бизнинг осмондаги Отамиз» нимадан бошланади? Исо шундай деган эди: «Ибодат қилаётганингизда шундай деб айтинглар: «Бизнинг осмондаги Отамиз...» Ибодатнинг биринчи қатори — илтимос эмас. Бу шахсий мурожаатнинг шакли. Кейин ибодат қуйидагича давом этади: «...Исминг

муқаддас тутилсин. Сенинг Шоҳлигинг келсин...» Биз «Исминг муқаддас тутилсин» деган сўзларни мурожаатнинг бир қисми, деб ўйлаб хато қабул қиламиз. Биз ичимизда бу сўзларга «Сенинг исминг муқаддас», деган маъно берамиз. Агарда бу сўзларнинг маъноси айнан шундай бўлганида, улар фақатгина Худони шарафлаш учун айтилганга ўхшаб қолар эди. Аммо Исо бошқача айтган. Унда — бу биринчи мурожаат, ибодатдаги биринчи илтижо. Биз Худонинг исми муқаддас бўлиши учун, Унга муқаддас Зот сифатида мурожаат қилишлари учун ибодат қилишимиз керак.

Ибодатда аниқ бир кетма-кетликка риоя қилинган. Осмон Шоҳлиги ҳеч қачон Худонинг исми муқаддас ҳисобланмайдиган жойга келмайди. Агарда Худонинг номи ерга урилаётган бўлса, у ҳолда Унинг иродаси ерда ҳам худди осмондаги каби бўлмайди. Самода Худонинг номи муқаддасдир. Фаришталар Унинг номини муқаддас жимжитликда тўхтовсиз тилга оладилар. Самода барча Унинг номини эҳтиром билан тилга олади. Худонинг номи ҳурмат билан тилга олинмайдиган жойда Осмон Шоҳлигини излаш бефойдадир.

Ота-Худо шахсини қабул қилишимиз ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Бу таъсир ҳаётнинг «диний ҳаёт», деб аталган қисмидан ҳам анча узоққа тарқалади. Агар Худо — бутун оламнинг Яратувчиси бўлса, у ҳолда бундан У — бутун оламнинг Тангриси эканлиги келиб чиқади. Бу оламда Унинг иродаси амалга ошмайдиган жой мавжуд эмас. Бу эса менинг ҳаётимда ҳам шундай жой бўлмаслиги кераклигини англатади. Биз қаерда бўлмайлик ва нима иш билан машғул бўлмайлик — муқаддас Худо ҳамма нарса ҳақида: иқтисод ҳақида ҳам, сиёсат ҳақида ҳам, спорт ҳақида ҳам, севги ҳақида ҳам Ўз сўзини айтиши мумкин.

Худодан қочиб бўлмайди. Ундан яшриниш мумкин бўлган жойнинг ўзи мавжуд эмас. У ҳаётимизнинг барча жабҳаларига оддийлик билан эмас, балки фақат Ўзига хос бўлган бетакрор муқаддаслик билан кириб келади. Шу сабабли, биз ушбу муқаддасликни тушуниб етишга ҳаракат қилишимиз лозим. Биз бунинг четлаб ўта олмаймиз. Бусиз итоат ҳам, руҳий ўсиш ҳам, ҳақиқий итоаткорлик ҳам бўлмайди. Чунки масиҳий сифатида бизнинг мақсадимиз айнан мана шулардан иборатдир. Худо шундай деди: «Муқаддас бўлинглар, зеро Мен муқаддасман».

Биз ўз мақсадимизга эришишимиз учун муқаддаслик нима эканлигини тушуниб етишимиз керак.

2-БОБ

Муқаддас, Муқаддас, Муқаддас

Уни атрофида уч қарра айлан
Сўнг муқаддас кўрқув-ла кўзларингни юм
Чунки У асалли шудрингдан озуқа олган
Ва жаннат сүтидан ичган

САМЬЮЭЛ ТЭЙЛОР КОЛЬРИЖ

Эски Аҳд давридаги Исроилда бир пайғамбар бир ўзи, ёлғиз яшар эди. Бу ёлғиз киши Худо томонидан оғир ва азобга тўла бўлган вазифа учун танланган эди. У айбловчи тарафнинг, само ва ердаги Олий Ҳакамнинг вакили бўлди. У Худога қаршисида гуноҳкор бўлган кишиларга даъво қилиши керак эди.

Бу пайғамбар, фикрлари мунозаралар учун «озуқа» бўлиб хизмат қилиши мумкин бўладиган оддий файласуфлардан эмас эди. У замонавий саҳна асарларининг муаллифи ҳам, омманинг кўнгилхушлиги учун драмалар ёзадиган ёзувчи ҳам эмас эди. У самовий Шохнинг элчиси, хабарчиси эди. У ўзининг барча гапларини: «Худованд шундай дейди», деган сўзлар билан бошлар эди.

Пайғамбарларнинг ҳаёти ҳақида ёзилган солномалар жафокаш кишиларнинг тархига ўхшаб кўринади. У худди иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган кишилар ҳақидаги маълумотномага ўхшайди. Пайғамбарнинг фараз қилинган умри давомийлиги тахминан жанг майдонидаги флот

лейтенантининг фараз қилинган умри давомийлигига тенг эди.

Ҳазрати Исо ҳақида, У инсонлар томонидан рад этилганлиги, азоб чекканлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда У ҳам Худо томонидан бу каби азоблар учун тайинланган кишиларнинг қаторидан ўрин олганлиги аниқ бўлади. Кишилар томонидан рад этилиш пайғамбар учун лаънат эди. Кўп ҳолатда ғорлар унинг учун бошпана вазифасини ўтар эди. Чўл унинг Худо билан учрашадиган жойи эди. Яланғочлик унинг учун кийим, ёғоч кишанлар — унинг галстуги эди. Унинг қўшиқлари қайғу-ҳасратга тўла эди.

Ишаъё Бен Амос худди шундай киши эди.

Эски Аҳд қаҳрамонлари ичида Ишаъё қудратли қоя каби ажралиб туради. У пайғамбарларнинг пайғамбари, биринчиларнинг биринчиси эди. Унинг номи билан боғлиқ бўлган ёзма манбааларнинг кўп сонли эканлигидан Уни «катта пайғамбар», деб ҳам аташади.

Ишаъё пайғамбар сифатида ғайриоддий шахс эди. Кўпгина пайғамбарларнинг келиб чиқиши камтарона эди: улар дехқонлар, чўпонларнинг орасидан чиққан эдилар. Ишаъё эса зодагонлар оиласига тегишли бўлган. У шоҳ саройига яқин бўлган, тан олинган давлат арбоби эди. У зодагонлар ва шоҳлар билан мулоқотда бўларди. Худованд у орқали Яҳудиянинг бир неча шоҳларига мурожаат қилди. Улар орасида Уззиё, Йўтам, Аҳаз ва Ҳизқиёлар ҳам бор эди.

Исроил пайғамбарларини қолган бошқа кишилардан нима ажратиб турар эди? Уларни муқаддас даъват пардаси қоплаб туради. Улар жавоб берадиган даъват инсонлардан эмас эди. Танланган киши ўзининг шу вазифага тайинланишини сўраб илтижо қилмас эди. У айнан танланиши — тўғридан-тўғри ва бевосита Худо томонидан

танланиши керак эди. Худонинг танловини ва даъватини рад этиб бўлмас эди. (Еремия рад этишга уриниб кўрди, аммо Худо уни онасининг қорнидаёқ муқаддас қилганлигини тўғридан-тўғри эслатиб қўйди. Бир қанча вақт ўтганидан сўнг Еремия «хизматдан кетишга» аҳд қилганида, Худо унинг бу ҳақдаги илтижоларини қабул қилишдан бош тортди.) Пайғамбарликка тайинланиш умрбод эди. Бу хизматни ташлаб кетиш ёки ундан нафақага чиқиш мумкин эмас эди.

Ишаъёнинг хизматга чақирилиши ҳақидаги ҳикоя, Эски Аҳддаги шу каби ҳикоялар ичидаги энг фожеалиси бўлса керак. Бизга айтилишича, Ишаъё шоҳ Уззиё вафот қилган йилда хизматга чақирилган.

Шоҳ Уззиё Масих туғилишидан олдинги саккизинчи асрда вафот қилган. У шоҳлик қилган давр яҳудийларнинг тарихига сезиларли таъсир кўрсатди. У Яҳудиядаги энг яхши шоҳлардан бири эди. Албатта, у Довуд эмас эди, аммо унда барча шимол шоҳларига, масалан, шулар жумласига кирувчи Ахабга хос бўлган маънавий бузуқлик йўқ эди. Уззиё ўн олти ёшида тахтга ўтирди. У Қуддус устидан қирқ икки йил давомида ҳукмронлик қилди. Бир ўйлаб кўринг-а, қирқ икки йил! Охирги эллик икки йил мобайнида Қўшма Штатлар Рузвельт, Трумэн, Эйзенхауэр, Кеннеди, Жонсон, Никсон, Форд, Картер ва Рейганларнинг маъмуриятиларга гувоҳ бўлди. Аммо Қуддусдаги кўпгина кишилар бутун умр шоҳ Уззиёнинг давлатида яшадилар.

Муқаддас Китоб бизга, Уззиё ўз ҳукмронлигини имон-эътиқод билан, «Худованднинг кўзи олдида тўғри ишларни» қилиб бошлаганлиги ҳақида айтади. У Худони излади ва шунинг учун Худо уни марҳамат қилди. Филистийликлар ва бошқа халқлар билан бўлган жанглардан у ғолиб бўлиб чиқди. У Қуддусда миноралар барпо қилди ва шаҳар дарвозаларини мустаҳкамлади. Деҳқончиликнинг гуллаб-яшнаши учун чўлда

ҳовузлар кавлаттирди. У Яҳудиянинг ҳарбий салоҳиятини тиклади ва уни худди шоҳ Довуд давридаги даражага етказди. Уззиё ўз халқининг буюк ва севимли ҳукмдори бўлиб қолди.

Бироқ Уззиёнинг тарихи қайғули воқеа билан яқунланади. Умрининг охирида унинг тақдири худди Шекспирнинг фожеавий қаҳрамони тақдирига ўхшаб кетади. Уззиё кўп бойлик ва ҳокимиятга эга бўлганидан сўнг, у мағрурлик гуноҳига ботди. Уззиё Худованд билан «ўйнашмоқчи» бўлди. У кўполлик билан маъбадга кирди ва Худо фақатгина руҳонийларга берган ҳуқуқни такаббурлик билан ўзлаштириб олди. Маъбад руҳонийлари бу шаккокликнинг олдини олиш мақсадида уни тўхтатишга ҳаракат қилганларида Уззиё ғазабга келди. Уззиё ғазабга тўлган ҳолда руҳонийларга бақирди ва унинг пешонасида мохов доғи пайдо бўлди. Муқаддас Китоб бу ҳақда шундай дейди:

«Шоҳ Уззиё умрининг охиригача мохов бўлди. У алоҳида уйда яшади ва Тангри уйдан ажратиб қўйилди»¹ (2 Пар. 26:21).

Уззиё умрининг сўнгги кунларида рўй берган ушбу қайғули ва шармандали воқеага қарамасдан, унинг вафот қилган куни миллий мотам кунига айланди. Ишаёё ўзининг ва бутун халқнинг мотамидан тасалли олиш мақсадида маъбадга борди. У бундан ҳам кўпроқ нарсага эга бўлди:

«Шоҳ Уззиё ўлган йилда мен баланд ва кўкларга кўтарилган тахтда ўтирган Худовандни кўрдим. У бутун маъбадни тўлдириб ўтирар эди» (Иша. 6:1).

¹ Ушбу китобда келтирилган Эски Аҳд оятлари таржимонинг таржимасидир. — Тарж. изоҳи.

Шоҳ ўлган эди. Бироқ, Ишаё маъбадга кирганида, у ерда бошқа Шоҳни, Қуддус тахтида абадий ўтирадиган Олий Шоҳни кўрди. У Худовандни кўрди.

Ишаё 6:1 да «Худованд» сўзининг қандай қилиб ёзилганлигига эътибор беринг. У бош ҳарф билан бошланади, кейин эса кичик ҳарфлар билан давом эттирилган. Бу каби ёзилиш шу матнда кейинроқ келадиган ва Муқаддас Китобда тез-тез учрайдиган «ХУДОВАНД» сўздан фарқ қилади. Баъзи ҳолатларда «Худованд» сўзи тўлалигича бош ҳарфлар билан ёзилади — «ХУДОВАНД». Бу босмаҳона ёки таржимоннинг хатоси натижаси эмас. Биз инглиз тилидаги кўпгина таржималарда бунга дуч келамиз. «Худованд» сўзи баъзида кичик ҳарфлар билан, баъзан эса бош ҳарфлар билан ёзилади. Ҳамма гап шундаки, иброний асл нусхада иккаласи ҳам «Худованд», деб таржима қилинадиган иккита турлича сўзлар мавжуд.

Агарда «Худованд» сўзи кичик ҳарфлар билан ёзилган бўлса, у ҳолда таржимон бизга иброний тилдаги Муқаддас Китобнинг шу жойида «Адонай», деб ёзилганлигини билдирмоқчи бўлади. «Адонай» сўзи «олий, юқори», деган маънони англатади. Бу Худонинг номи эмас. Бу Худонинг унвони, Эски Аҳдда ҳақиқатдан ҳам шу олий унвонга лойиқ бўлган Зотга берилган унвон. Бош ҳарфлар билан ёзилган «ХУДОВАНД» сўзи учраса, у ҳолда илк нусхада Худонинг муқаддас исми — Яхве ишлатилганлиги аниқ бўлади. Худо ёнаётган бутанинг гулханида туриб Ўзини шу ном билан Мусога танитди. Бу сўз билан ифода қилинмайдиган, тилга олинмаган, исроил халқи томонидан қилинадиган шаккокликдан бартараф қилинган муқаддас исм бўлиб, уни тилга олиш тақиқланган эди. Қабул қилинган қоидага кўра фақатгина ундаги унли ҳарфлар ёзилар эди. Шу сабабли тилга

олиб бўлмайдиган тўрт ҳарфдан иборат бу сўзни муқаддас «тетраграмма», деб аташади.

Ёзилишдаги бу фарқни биз Забур саноларида ¹ ҳам кўришимиз мумкин. Забур саноси 8 да шундай дейилади: «Эй ХУДОВАНД, бизнинг Раббимиз, Ер юзи бўйлаб Сенинг номинг нақадар улуғвор!» Иброний тилидаги асл нусхада эса бу қуйидагича айтилгандир: «О Яҳве, Адонай! Ер юзи бўйлаб Сенинг номинг нақадар улуғвор!» Ёки бўлмаса бунини яна шундай ўқиш мумкин: «О Худо, Олий Зот! Ер юзи бўйлаб Сенинг номинг...» Забур саноси 109 да биз яна ўқиймиз: «ХУДОВАНД менинг Раббимга айтди: «...Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин!» Сано қуйловчи бу ерда шундай дейди: «Худо менинг Олий Зотимга айтди: «...Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин!»

«ХУДОВАНД» — Худонинг исми. «Раббано» — Унинг унвони. Масалан, биз президент Рейган ҳақида гапирайлик. Рональд — унинг исми. Президент — унинг унвони. Агарда бизнинг мамлакатимиздаги энг юқори лавозим — бу президентлик лавозими бўлса, Исроилдаги энг юқори лавозим ва энг юқори унвон Олий эди. «Адонай» унвони Худо учун сақланиб қолди. Янги Аҳдда бу унвон Исо учун сақланди. Исони «Раббано», деб атаганларида, бу «адонай» сўзининг Янги Аҳд давридаги кўриниши эди. Исони барча раббиларнинг Раббиси, шоҳларнинг Шоҳи, деб аташади. Шу билан Унга олдин фақат Худога тегишли бўлган унвон — само ва ернинг Олий Ҳукмдори, деган унвонни беришди. Ишаъё маъбадга келган вақтда мамлакатдаги ҳукмдор доиралар инқирозга учраган эди. Уззиё вафот қилди. Ишаъёнинг

¹ Ушбу ҳолатда муаллифнинг далиллари инглиз тилидаги матнга асосланган. — *Тарж. изоҳи.*

кўзлари очилди ва у ўз халқининг ҳақиқий Подшоҳини кўрди. У тахтда ўтирган Олий Ҳукмдор, Худони кўрди.

Бизга Худонинг жамолини кўриш тақиқланган. Муқаддас Ёзувлар бизни огоҳлантиради, ҳеч ким Худонинг жамолини кўриши ва шундан сўнг тирик қолиши мумкин эмас. Биз Мусонинг Худонинг муқаддас тоғига чиққандаги илтимосини яхши эслаймиз. Мусо ажойиб мўъжизаларнинг гувоҳи бўлди. У Худонинг овозини эшитди — Худо ёнаётган бутадан туриб у билан сўзлашди. У Нил дарёсининг қонга айланганини кўрди. У осмондан тушган маннани тоғиб кўрди, булут устунини ва оловли устунларни кўрди. У фиравннинг араваларини Қора денгиз тўлқинлари қоплаганлигига гувоҳ бўлди. Шундай бўлса ҳам, буларнинг барчаси уни қаноатлантирмади. Мусо бундан ҳам кўпроқ мўъжизани хоҳлади. У олий руҳий тажрибага эга бўлишни истади. Тоғда турганида, у Тангридан: «Жамолингни кўришимга ижозат бер. Менга Ўз шуҳратингни кўрсат», — деб илтимос қилди. У ўзининг бу илтимосига рад жавобини олди:

«Худованд деди: «Мен сенинг олдиндан Ўзимнинг бутун шуҳратимни ўтказаман. Яхве номимни сенинг ёнингда эълон қиламан. Мурувват қилганимга мурувват қиламан, раҳм қилганимга раҳм қиламан». Кейин эса У шундай деди: «Бироқ, Менинг юзимни кўра олмайсан, чунки Менинг юзимни кўрган кишининг тирик қолиши мумкин эмас. Эшит, Менга яқин жойда бир қоя бор. Сен унинг устига чиқиб турасан. Шуҳратим ёнингдан ўтиб бораётганда, Мен сени қоя ёригига оламан. Ёнингдан ўтиб кетмагунимча сени қўлим билан ёпиб тураман. Кейин Мен қўлимни оламан. Сен шунда Мени орқа томондан кўрасан, бироқ, юзим сенга зинҳор кўринмайди» (Чиқ. 33:19-23).

Худо Мусога Ўзини орқа томонидан кўришга рухсат берди, ammo унга Ўзининг жамолини кўрсатмади. Мусо тоғдан тушган

вақтда, унинг юзидан нур таралиб турар эди. Бундан даҳшатга тушган одамлар ундан ўзларини олиб қочдилар. Мусонинг юзи шу даражада ёруғ эдики, унга тик қараб бўлмас эди. Шу сабабли, Мусо одамлар билан гаплашиш учун юзини ёпиб туришига тўғри келди. Мусо шу даражада Худога яқин бўлдики, ҳатто Унинг шуҳрати Мусода акс эта бошлади. Одамларда пайдо бўлган даҳшат шундан эди. Бу ёрқин нур таратувчи шуҳрат Худонинг юзидан эмас эди, чунки Мусо Худони орқа томонидан кўрди холос. Агарда кишилар Унинг шуҳратининг аксидан шу даражада даҳшатга тушсалар, у ҳолда Худонинг муқаддас жамолига тик қараган кишининг ҳоли нима кечади?

Шунга қарамасдан, Мусога рад қилинган нарсани кўришга интилиш ҳар бир масиҳийнинг олий мақсади ҳисобланади. Биз У билан юзма-юз кўришишни хоҳлаймиз. Биз Унинг илоҳий иштирокининг ёрқин шуҳратидан баҳра олишни истаймиз. Бу ҳар бир яҳудийнинг орзуси, Исроилга иноят қилинган энг қимматбаҳо марҳамат эди:

«Худованд сени марҳаматласин, сени паноҳида асрасин! Худованд сенга очиқ юз билан боқсин, сени кечирсин. Худованд диққат назарини сенга солсин, тинчлик ато этсин!» (Сон. 6:24-26).

Исроилга қилинган ушбу марҳаматда мавжуд бўлган умид ҳар бир масиҳий учун умиддан ҳам каттароқ нарсага — ваъдага айланади. Пир Юҳанно ўзининг 1-Мактубида шундай дейди:

«Эй, маҳбубларим, ҳозир биз Худонинг болалари бўлсак-да, келажакда нима бўлишимиз ҳануз ноаниқ. Фақат шуни биламизки; У қандай бўлса, шундай ҳолатда кўрамиз» (1 Юҳан. 3:2).

Мана — Худонинг ваъдаси: биз У қандай бўлса, шундай ҳолатда кўрамиз. Келажакда бизни кутаётган бу ҳодисани уламолар Бахтли Кўриниш, деб атайдилар. Биз Худони У қандай бўлса, шундай кўрамиз. Бу эса вақти келиб биз Худо билан юзма-юз кўришишимизни англатади. Биз ёнаётган бута ёки оловли устундан акс этаётган шухратни эмас, балки Уни қандай бўлса, шундай кўрамиз. Биз Худони Унинг соф илоҳий моҳиятида кўрамиз.

Биз ҳозир Худони Унинг соф илоҳий моҳиятида кўра олмаймиз. Бу воқеа содир бўлиши учун биз олдин покланишимиз керак. Исо Ўзининг бахтиёрлик ҳақидаги амрларида буни алоҳида кишиларнинг гуруҳига ваъда қилди: «Покдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар Худони кўрур». Бу дунёдаги инсонларнинг ҳеч бири покдил эмас. Айнан покдил эмаслигимиз Худони кўришимизга тўсқинлик қилади. Бу ерда кўра олиш муаммоси кўзимизда эмас, балки юрагимиздадир. Самода тўла покланганимиз ва муқаддас бўлганимиздан кейингина, бизда У билан юзма-юз кўришиш қобилияти пайдо бўлади.

«Унинг атрофида серафимлар туришарди; уларнинг ҳар бирида олтиадан қанот бор эди. Улар иккита қаноти билан ўз юзларини ёпиб туришар, иккитаси билан оёқларини беркитишар ва қолган иккитаси билан учишар эдилар» (Иша. 6:2).

Серафимлар — бу нопок қалб эгалари бўлган гуноҳкор инсонлар эмас. Бироқ, ушбу фариштасифат мавжудотлар ҳам ижод маҳсулидирлар ва улар Худонинг ёнида туришдек юқори ўринларни эгаллашса ҳам, Унинг тик назаридан ўз юзларини олиб қочишга мажбур эдилар. Улар мўъжизали қилиб яратилган бўлиб, уларнинг Худонинг улуғвор ҳузурини ўз

юзларини яширишлари учун бир жуфт қанотлари мавжуддир.

Серафимларда иккинчи жуфт қанот ҳам мавжуддир. Ушбу иккинчи жуфт қанотлар билан ўзларининг оёқларини яширадилар. Бу қанотлар уларга ўз оёқларини ҳимоя қилиш ва самода юришларини енгиллаштириш учун зарур эмас. Улар ўз оёқларини бошқа сабабга кўра яширадилар. Бу ҳол бизга ёнаётган бута ёнида Мусо билан содир бўлган воқеани эслатади:

«Шунда Тангри Фариштаси тоғолча бутаси орасида олов шуъласи каби унга намоён бўлди. Мусо кўрдикки бутанинг орасида олов ёнаётган бўлса ҳам, бутанинг ўзи ёниб кетмаяпти. Ажабланган Мусо ўзича деди: «Яқинроқ бориб бу гаройиботни кўрай-чи, қани, нега энди бута ёниб битмаяпти?!» Мусонинг кўриш учун бутага яқинлашаётганини кўрган Худо бута ичидан туриб унга хитоб қилди:

— Мусо! Мусо!

— Лаббай, — деб жавоб берди Мусо.

— Бундан буюгига яқинлашма, — деди Худо. — Чоригингни еч, чунки сен турган ер муқаддас ердир» (Чиқ. 3:2-5).

Худо Мусога оёқ кийимини ечишни буюрди. Мусо муқаддас ерда турган эди. Ер Худо шу ерда ҳозир бўлгани учун муқаддас бўлди. Оёқ кийим Мусо ўзининг оддий инсон эканлигини ва ерда турганлигини тан олганлигининг тимсоли эди. Баъзан «тупроқдан ясалган», деб аталадиган инсон оёқлари бизнинг мавжудот эканлигимиз тимсолидир. Оёқларимиз бизни ер билан боғлаб туради.

Серафимлар — ер мавжудотлари эмас. Уларнинг оёқлари тупроқдан ясалмаган. Худди фаришталар каби улар ҳам рухий мавжудотдирлар. Шунга қарамасдан, улар барибир яратилган мавжудотлар бўлиб қолаверадилар ва Ишаъё кўрган тимсоллар, улар ҳам Худонинг улуғвор хузурида ўзларининг ижод эканликларини тан олган ҳолда оёқларини ёпишга мажбур, деб фараз қилишга имкон беради.

«Улар бир-бирларига даъват қилишар ва: “Тангри Таоло муқаддас, муқаддас, муқаддасдир! Бутун борлиқ Унинг шон-шуҳрати билан тўла”, — дер эдилар» (Иша. 6:3).

Бу ерда биз Ишаъё кўрган нарсалардаги тушуниш қийин бўлган бир жойга дуч келамиз. Серафимларнинг қўшиғида юқорида келтирилган парчанинг эзгу ва бош маъноси жойлашгандир. Бу қўшиқ — ягона: «муқаддас» сўзининг такрорланишидир. Бу сўз кетма-кет уч марта куйланади ва бу жамоатда куйланиши мумкин бўлган энг буюк мадҳиядир. Бу қўшиқ «уч карра муқаддас», деб аталади.

«Муқаддас» сўзининг такрорланиш аҳамиятини осонгина ташлаб кетиш мумкин. Бу иброний адабиёт ва айниқса шеърият учун хос бўлган муҳим усулдир. Бу каби такрорлаш — киши эътиборини жалб қилиш учун қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Кўпгина замонавий тилларда бир нечта шундай усул мавжуд. Биз эътибор қаратишни хоҳлаган сўзларимизнинг тагига чизишимиз, уларни ажратиб ёзишимиз ёки ёзма ҳарфлар билан босмадан чиқаришимиз мумкин. Биз бу сўзларни қўштирноқ ичига олиб ёзишимиз, ёки гапни ундов белгиси билан яқунлашимиз ҳам мумкин. Бу усулларнинг барчаси ўқувчининг эътиборини матннинг муҳим жойига жалб қилиш учун қўлланилади.

Эски Аҳд давридаги яҳудий ҳам эътиборни жалб қилиш учун турли усуллардан фойдаланган. Такрорлаш — шу усуллардан бири ҳисобланади. Исо ҳам: «Сизларга ростини, ростини айтай...», деб гапирганда шу усулдан фойдаланаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда «ростини» сўзининг икки марта қайтарилиши бундан сўнг жуда муҳим нарса эълон қилинишини билдиради. «Ростини», деб таржима қилинган сўз — бу қадимий «омин» сўзидир. Биз бу сўз ибодат ва ваъзларни якунлаш учун мўлжалланган, деб ҳисоблаймиз. Бу сўз: «бу ҳақиқат», деган маънони англатади. Исо уни Ўз сўзининг якуни учун эмас, балки сўзининг бошланиши сифатида ишлатади.

Ибтидонинг 14-бобида биз такрорланиш усулининг ажойиб равишда қўлланилишини кўришимиз мумкин. Сиддим водийсидаги шоҳлар жанги тарихида қатрон чуқурларига йиқилиб тушган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу чуқурларни баъзи таржимонлар асфальт чуқурлари, деб аташади. Бошқалари эса қатрон чуқурлари ёки оддийгина қилиб катта чуқурлар, деб аташади. Таржималардаги бу келишмовчиликнинг сабаби нимада? Аслида бу қандай чуқурлар эди? Иброний тилидаги матндан буни аниқлаб бўлмайди. Асл нусхада «чуқур» сўзини англатувчи иброний сўзи ишлатилган ва сўнгра бу сўз яна бир марта такрорланган. Агарда сўзма-сўз айтадиган бўлсак, бу тарихда «чуқурли» чуқурлар ҳақида гапирилади. Матн муаллифи бўлган иброний чуқурнинг ҳам чуқури борлигини кўрсатмоқчи бўлган. Баъзи чуқурлар бошқаларидан ҳам «чуқурроқ»дир. Бу чуқурлар — чуқурли чуқурлар эса — дунёдаги энг чуқурли чуқурлар эди. Оддий чуқурга тушиб кетиш — бу битта ташвиш. Агарда сиз чуқурли чуқурга тушиб кетган бўлсангиз, у ҳолда ҳақиқатдан ҳам сизга ҳавас қилмаса бўлади.

Муқаддас Китоб бир неча ҳолдагина бирор нарсани «учинчи даражада» такрорлайди. Бирор нарсани уч маротаба такрорлаш уни юқори даражага кўтаришни, унга жуда муҳим аҳамият беришни англатади. Масалан, Ваҳий китобида Худонинг ҳукми осмоннинг ўртасида учиб бораётган бургут томонидан хабар қилинади. У баланд овоз билан шундай деб хитоб қилади: «...ер юзида яшаётганларнинг ҳолига вой, вой, вой!» Худди шу ҳолатни Еремиянинг маъбадда, мунофиқлик билан: «Бу Худованднинг маъбади, Худованднинг маъбади, Худованднинг маъбади», деб хитоб қилаётган кишилардан ўпкалаб, аччиқ киноя билан айтган сўзларида ҳам кўришимиз мумкин.

Муқаддас Ёзувларда Худонинг бирор бир сифати учинчи даражага кўтарилаётганлигини фақат бир маротаба учратишимиз мумкин. Худонинг фақатгина бир сифати уч марта кетма-кет айтилади. Муқаддас Китоб, Худо муқаддас, муқаддас, муқаддасдир, дейди. У оддийгина муқаддас, ёки муқаддас, муқаддас эмас. Муқаддас Китобнинг ҳеч қаерида Худо севги, севги, севгидир, ёки меҳрибон, меҳрибон, меҳрибондир, ёки ғазабли, ғазабли, ғазаблидир, ё бўлмаса адолатли, адолатли, адолатлидир дейилмайди. Бироқ, Худо муқаддас, муқаддас, муқаддасдир, бутун олам Унинг шухратига тўла, дейилади.

«Хитоб қилаётганларнинг овозидан дарвозаларнинг тепаси қимирлаб кетди ва уй хушбўй тутатқиларга тўлди» (Иша. 6:4).

Яқинда оддин жамоат аъзолари бўлган кишилар ўртасида савол-жавоб ўтказилди. Савол-жавобнинг кўрсатишича, улар жамоатдаги хизматларнинг зерикарли бўлганлиги сабабли жамоат йиғилишларига бормай қўйганлар. Кўпгина кишилар жамоатдаги хизматни ҳаяжонли ва таъсирли, деб қабул

қилишга қийналадилар. Бу ерда эса Худо маъбадда ҳозир бўлганида, маъбаднинг даҳлизи ва эшиклари тебраниб кетганлигини кўрамыз. Эшита олмайдиган, гапириш қобилиятига эга бўлмаган эшик, жонсиз даҳлиз, ёғоч ва металл Худонинг ҳузурида тебраниш учун етарли даражада сезгир эдилар. Матнда тўғридан-тўғри қилиб, улар тебрандилар, деб ёзилган. Улар турган жойида титрай бошладилар.

«Мен шундай дедим: “Ҳолимга вой! Ҳалок бўлдим! Чунки мен, нопок оғизли инсонман, ўзимга ўхшаш нопок оғизли инсонлар билан бирга яшайман ва менинг кўзларим Шоҳни, Тангри Таолони кўрдилар”» (Иша. 6:5).

Фақатгина маъбаднинг эшиклари титрамади. Ишаёёнинг танаси маъбаддаги барча нарсалардан кўра кучлироқ титраб кетди. Ишаёё тирик Худони кўрганида, бутун борлиқнинг Ҳукмдори Ўзининг шуҳратида унинг кўз олдида намоён бўлганида, у: «Ҳолимга вой!», — деб хитоб қилди.

Ишаёёнинг хитоби ҳозирги замон кишисининг қулоғига эриш туюлиши мумкин. Бугунги кунга келиб бирор кишининг «Ҳолимга вой», деган сўзини жуда камдан-кам эшитиш мумкин. Бу сўзнинг эски ва архаик¹ эканлиги учун кўпгина замонавий таржимонлар унинг ўрнига бошқа сўз ишлатишга ҳаракат қиладилар. Бу жуда жиддий хато ҳисобланади. «Вой» сўзи — Муқаддас Китоб тилидаги муҳим сўзлардан биридир ва биз уни инкор қила олмаймиз. Унинг ўзига хос маъноси бор.

Биз қайғу ҳақида фикр юритганимизда, қадимий асарлар қаҳрамонларининг бошига тушган кулфатларни кўз олдимишга келтирамыз. «Полинанинг маржонлари» асарида бераҳм хўжайин гаровга қўйилган нарсани қайтариб сотиб

¹ Инглиз тилида. — *Тарж. изоҳи.*

олиш ҳуқуқидан маҳрум қилганидан сўнг асар қаҳрамони алаmidан ўзининг қўлларини синдириб ташлайди. Ёки Масленка темир йўл изларига боғлаб қўйган дўстини қутқариш учун осмону-фалақдан темир йўлга сакраётган Майти Маусни тасаввур қиламиз. У: «Ҳолимга вой!», деб хитоб қилади. Ёки «Амос ва Энди» томошасидаги, қайғудан бошини йўқотиб қўйган балиқлар шоҳининг севимли ибораси ҳақида ўйлаймиз. У: «Энди, ҳолимга вой, мен нима қилишни билмайман!», дейди.

«Ҳолимга вой» ибораси «афсуски» ёки «ҳақиқатдан ҳам» каби эски ибораларнинг йўлини босиб ўтди. Ҳозирги давргача бу иборани сақлаб қолган ягона тил — бу идиш тилидир. Замонавий яҳудий ҳали ҳам ўз қайғусини «Ой, вэй!», деб хитоб қилган ҳолда билдиради. Бу «Ой, вэй ист мер» иборасининг қисқартма шаклидир. «Ой, вэй» сўзи идиш тилида «О, ҳолимга вой!» деган иборанинг қисқартмаси бўлган «О, вой», деган маънони англатади.

Агар Ишаёенинг сўзларига Муқаддас Китобда ишлатиладиган сўзлашув шакли нурида қарайдиган бўлсак, шу ҳолдагина унинг хитобига тўлиқ баҳо бериш мумкин. Пайғамбарлар Худо томонидан аён қилинган ваҳийларни кўпинча хабар шаклида халққа эълон қилар эдилар. Бу хабарлар Худодан бўлиб, уларда яхши хабарлар ҳам, ёмон хабарлар ҳам бўлиши мумкин эди. Ижобий маъно касб этадиган хабарларда «бахтидир» деган сўз мавжуд эди. Исо Ўзининг тоғдаги ваъзида хабарлар шаклидан фойдаланди. У шундай дер эди: «Руҳан камбағал бўлганлар бахтидир...», «Ииғлаётганлар бахтидир...», «Адолатга очу чанқоқлар бахтидир...» Масиҳни тинглаётган кишилар, У пайғамбарлар фойдаланган нутқ шаклида сўзлаётганлигини тушуниб турган эдилар. Бу хушxabар олиб келувчи хабарлар эди.

Масиҳ ўз нутқида хабарларнинг салбий шаклидан ҳам фойдаланди. У ғазаб билан фарзийларнинг қилмишларини фош қилиб, улар устидан Худо ҳукмини эълон қилди. У фарзийларга қарата шундай деди: «Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой!» У бу сўзни шу қадар кўп ишлатар эдики, бу ўзига хос нақоратга айланди. Пайғамбарнинг оғзида «ҳолига вой» сўзи ҳукм бўлиб, аянчли тақдир бўлиб янграйди. Муқаддас Китобда шаҳарлар, халқлар, алоҳида кишилар биргина хабар билан ҳукм қилинадилар.

Бу сўзнинг Ишаъё томонидан ишлатилиши ғайриоддий характерга эга эди. Ишаъё Тангрини кўргач, ўз устидан Худо ҳукмини эълон қилди. «Ҳолимга вой!», — деб хитоб қилган ҳолда у ўз бошига Худонинг лаънатини ва ҳукмини чақирди. Пайғамбар Худо номи билан бирор кишини лаънатлаши бир томон, ўз-ўзини лаънатлаши эса бутунлай бошқачадир.

Ўзини ўзи лаънатлаган ва аянчли тақдирини эълон қилган заҳотиёқ, Ишаъё: «Ҳалок бўлдим», — деб хитоб қилади. Мен худди шу жой: «Мен парчаландим», деб таржима қилинган эски таржимани маъқул кўраман. Замонавий таржималарда нима сабабдан мана шу жой ўзгартирилганлигини тушуниш мумкин. Ҳозир ҳеч ким: «Мен парчаландим», деб гапирмайди. Бирок, бу ибора маънони «Ҳалок бўлдим» иборасидан кўра чуқурроқ ва аниқроқ кўрсатади.

«Парчаланиш» чок-чокидан сўкилишни, бутунликни йўқотишни англатади. Ушбу сўзлар билан Ишаъё, ҳозирги замон психологлари шахснинг дезинтеграцияси, деб атайдиган ҳолатни ифода қилиб берди. «Дезинтеграция» сўзининг маъносини унинг ёзилишидан ўқиб олиш мумкин: «дез» — инкор қилувчи қўшимча ва «интеграция». Бирор нарсани интеграция қилиш — бу барча алоҳида қисмларни йиғиш, улардан бир бутунни ҳосил қилиш демақдир. Мактаблар интеграция қилинса, у ҳолда барча миллат болалари

ўқувчиларнинг бир бутун ташкилотини ташкил қилган ҳолда, бирга ўқишади. Интеграция қилинган — бу бутун, демакдир. Бу сўзни инсонга нисбатан ишлатадиган бўлсак, у ҳолда бу киши ахлоқан соғлом, уйғун ва тўла қонли ҳаёт билан яшайди, дейиш мумкин. Замонавий тилда айтадиган бўлсак: «Бу барча яхши фазилатларга эга бўлган киши».

Агар ер юзидан бир бутун, яхлит инсон яшаган бўлса, у ҳолда шу инсон Ишаъё Бен Амосдир. У бутун шахс, «яхлит бўлак» эди. Замондошлари уни Исроилдаги энг адолатли, имонли киши, деб ҳисоблашар эдилар. Ишаъё эзгуликнинг битта ҳам нуқсони бўлмаган олмоси эди. Кейин у бирданга муқаддас Худони кўрди. Мана шу қисқа дақиқадаёқ унинг ўз-ўзига берган баҳоси чинни пиёла каби чил-чил бўлиб синиб кетди. Шу ондаёқ у мутлақ муқаддаслик қаршисида яланғоч, очиқ бўлиб қолди. Шу вақтгача Ишаъёда ўзини бошқа инсонлар билан солиштиришга ва ўзини улардан бирмунча юқорига қўйишга асос бор эди. Ўзини Олий намуна билан солиштирган дақиқада Ишаъё руҳий ва маънавий жиҳатдан барбод бўлди. У тамом бўлди. У парча-парча бўлиб кетди. Ундаги шахсий бутунлик туйғуси қулади.

Тўсатдан пайдо бўлган парчаланганлик, барбод бўлганлик туйғуси Ишаъёнинг оғзи билан боғлиқ эди. У: «Мен оғзи нопок одамман», — деб хитоб қилади. Биз ундан: «Мен нопок одатли одамман» ёки «Мен нопок фикрли одамман», дейишни ҳам кутишимиз мумкин эди. Бунинг ўрнига у шу заҳотиёқ эътиборни ўз оғзига қаратади. Аслида у: «Мен ифлос оғизли одамман», дейди. Нима сабабдан эътибор айнан оғизга қаратилмоқда?

Балки, Ишаъё сўзларининг асл маъносини очиб берувчи калитни Ҳазрати Исонинг: «Сизлар ҳам ханузгача англамадингизми? Оғизга кирадиган ҳар бир нарса қоринга ўтиб, керак жойдан чиқиб кетишини ҳали ҳам

тушунмадингизми? Бироқ оғиздан чиқадиган нарсалар эса юракдан чиқади. Ана шулар инсонни ҳаром қилади. Ёмон фикрлар, қотиллик, фахшу зино ишлари, ўғрилик, сохта гувоҳлик ва ҳақоратлар бари юракдан чиқади», — деган сўзларидан топиш мумкиндир. Ёки биз Исонинг укаси бўлган Ёқубнинг Мактубларига мурожаат қилишимиз мумкин. Унинг Мактубларининг кўп қисми тилга бағишланган:

«Тил — бир олов, узвларимиз орасида бир бузгунчи дунё! У бутун вужудимизни булғайди. У жаҳаннамдан алангаланиб, бутун фалакни ҳам ёндиради.

Ҳар хил ёввойи ҳайвон, қуш, судралуви ва денгиз ҳайвони инсон зоти томонидан тийилган ва тийилмоқда. Аммо тилни ҳеч бир инсон тия олмайди. У тўхтатиб бўлмайдиган ёвуз кучдир, ўлдирадиган заҳар сочиб туради. Тилимиз билан Раббимиз ва Отамизни мақтаймиз, тилимиз билан Худонинг суратида яратилган инсонларга лаънат ўқиймиз. Мақташ ва лаънатлаш бир оғиздан чиқади. Эй биродарларим, бу шундай бўлмаслиги керак! Ахир, битта булоқдан ширин ва аччиқ сув оқиб чиқадими? Эй биродарларим, анжир — зайтун ёки ток новдаси анжир бера оладими? Шўр булоқ ҳам ширин сув бермайди-ку!» (Ёқуб. 3:6-12).

Тил — тийиб ва тўхтатиб бўлмайдиган, ўлдирадиган заҳар сочадиган ёвуз кучдир. Ишаъё айнан мана шу ҳақиқатни тушуниб етди. Ишаъё ўзининг қаршисида шу муаммо турган ягона инсон эмас эканлигини ҳам яхши тушуниб турар эди. У бутун халқнинг тили нопоклигини англаб етди. «Мен оғзи нопок халқ орасида яшайпман». Шу ондаёқ Ишаъёда янги ва олдингисидан тубдан фарқ қиладиган гуноҳни сезиш туйғуси пайдо бўлди. У гуноҳ ҳамма жойдан кириб келганлигини, барча кишиларни, шу жумладан унинг ўзини ҳам қоплаб олганини кўрди.

Бир томонлама олиб қарайдиган бўлсак, бизда енгиллик бор: Худо бизга Ишаъёга намоён бўлгани каби намоён бўлмайди. Ким бунга чидай олар эди? Одатда Худо бизга ўз гуноҳкорлигимизни аста-секин билдира бошлайди. Биз аста-секин, қадамма-қадам ўзимизнинг маънавий жиҳатдан бузуқлигимизни англаб ета бошлаймиз. Худо Ишаъёга унинг маънавий бузуқлигини дарҳол очиб берди. Шу сабабли унинг лол қолганлиги ва барбод бўлганлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Ишаъё буни шундай деб тушунтиради: «Менинг кўзларим Шоҳни, Тангри Таолони кўрдилар». У Худонинг муқаддаслигини кўрди. У ўз ҳаётида биринчи бор, Худонинг Ким эканлигини ҳақиқатдан ҳам тушуниб етди. Шу дақиқанинг ўзида Ишаъё биринчи бор ўзининг ким эканлигини ҳам тушуниб етди.

«Серафимлардан бири олдимга учиб келди. Унинг қўлида, оташкурак ёрдамида қурбонгоҳдан олинган, чўғ бўлиб ёниб турган кўмир бор эди. У шу кўмирни оғзимга теккизди ва шундай деди: “мана, бу сенинг оғзинга тегди, қонунсизлигинг сендан ажратилди ва гуноҳинг ювилди”» (Иша. 6:6,7).

Ишаъё ерда юзтубан бўлиб ётар эди. У танасининг ҳар бир бўлаги, асабининг ҳар бир толаси билан титрар эди. У яшриниш учун жой излар, бирор киши унинг устини ёпиши ёки маъбаднинг томи устига қулаб тушиши учун ибодат қилар эди. У Худонинг муқаддас нигоҳидан қутулиш учун бирор ҳодиса рўй беришини истаб ибодат қилар эди. Бироқ, бу нигоҳдан қочишнинг иложи йўқ эди. У Худонинг қаршисида ёлғиз ва яланғоч қолди. Уни юпатиш учун ёнида Момо Ҳаво, яланғочлигини ёпиш учун анжир япроқлари йўқ эди. У тубсиз қайғуга чўмди, бундай қайғу киши юрагини тилка-пора қилади, унинг қалбини вайронага айлантиради. Айбдор,

айбдор, айбдор. Унинг қалби бир дақиқа ҳам кучсизланмаётган айбдорлик ҳиссидан азоб чекар эди.

Муқаддас Худо шу билан бирга раҳимдил Худо ҳамдир. У Ўз хизматкорининг қўнглини чўктириб ташлаб кетишни истамас эди. Худо бу инсонни поклаш ва унинг қалбини тиклаш учун зарур бўлган барча чораларни кўрди. У серафимлардан бирига буни тезда амалга оширишни амр қилди. Фаришта тезда ҳаракат қилишга киришди, унинг қўлида қурбонгоҳдан олинган оташкурак бор эди. У оташкурак ёрдамида ёнаётган гулхандан фаришта ҳам қўллари билан ушлай олмайдиган даражада ловуллаб ёнаётган кўмирни олди. Сўнгра у Ишаёёнинг ёнига учиб келди.

Серафим қизиб турган кўмирни пайғамбарнинг лабларига босди ва уларни куйдирди. Лаблар — инсон танасининг энг сезгир қисмларидан биридир. Улар ўпиш учун мўлжалланган. Ишаёё муқаддас олов оғзини куйдираётганлигини ҳис қилди. Унинг бурун тешиклари куйган тананинг ҳидига тўлди, бироқ бу ҳис куйиш натижасида пайдо бўлган оғриқ туфайли сезилмас эди. Бу қаттиққўллик билан қилинган меҳрибончилик, азобли покланиш эди. Ишаёёнинг яраси куяр, унинг оғзидаги ярамасликлар эса олов томонидан йўқ қилинар эди. Бу муқаддас олов уни поклади.

Бироқ, илоҳий покланиш бу билан яқунланмади. Покланиш ва кечирилиш яна давом этди. У қалбининг тубигача тўлиқ покланди, тўла кечирим олди, бироқ бунга тавбанинг азобли оғриғи туфайлигина эришди. Ишаёё, ушбу сўзларга муҳим маъно бермай: «Мен жуда ҳам афсусланаёпман», деб гапирган ҳолда қилинадиган юзаки тавбадан олдинга силжиди. Ишаёё ўз гуноҳкорлигидан қайғу чекди, бу қайғу уни бутунлай эгаллаб олди ва сўнгра Худо уни поклаш учун фариштасини юборди. Ишаёёнинг гуноҳи бартараф қилинди. Унинг ғурури сақланиб қолинди. Оғриқ

йўқолди, Ишаёёнинг инсоний туйғулари оёқ ости қилинмади. Унинг гуноҳлари учун берилган жазо шафқатсиз эмас эди. Унинг лаби куйган бир дақиқа унга абадий покланиш олиб кеди. Кейинги дақиқада, пайғамбар айланган инсоний вайрона яна бир бутун шахсга айланди. Унинг оғзи ярамасликлардан тозаланди. У пок эди.

«Мен Худованднинг овозини эшитдим. У: “Мен кимни юборай? Ким Биз учун боради?”, — дер эди. Шундан мен: “Мана мен, мени юбор”, — дедим» (Иша. 6:8).

Энди Ишаёёнинг кўз олдидаги манзара янги ўлчов қабул қилди. Бу дақиқагача у Худонинг шуҳратини кўрди. Серафимларнинг қўшиғини тинглади. Ловуллаб турган кўмирни ўз лабларида сизди. Энди эса у биринчи бор Худованднинг овозини эшитди. Бирдан фаришталар жим бўлишди ва бўғиқ акс-садо билан маъбадга тарқалган, Муқаддас Ёзувларнинг кўп жойида сувнинг шовқини, деб таъриф бериладиган овоз жаранглади: «Мен кимни юборай? Ким Биз учун боради?»

Биз бу ерда воқеалар қайта-қайта такрорланадиган маълум бир намунани кўрамиз. Худо намоён бўлади, даҳшатга тушган инсон титрайди, Худо кечиради ва поклайди, Худо Ўз мақсадини амалга ошириш учун юборади. Инсон учун воқеалар маълум тартиб бўйича: эзилишдан — хизматгача давом этади. Худо: «Мен кимни юборай?», деб сўраганида, Ишаёё бу сўзда қандай қудрат мавжудлигини тушунди. «Юборилиш» Худонинг элчиси бўлиш, илоҳийлик номи билан иш кўришни англатади. Янги Аҳддаги «ҳаворий» сўзи «юборилган», деган маънони англатади. Пайғамбар ҳаворийнинг Эски Аҳддаги кўринишидир. Худога кишини толиқтирувчи пайғамбарлик касбини қабул қиладиган кўнгилли керак эди. «Мен кимни юборай?»

Ишаёенинг жавобига эътибор беринг. У шундай деб жавоб берди: «Мана мен, мени юбор». У бу сўзлари билан ўзининг турган жойини кўрсатишдан кўра каттароқ иш қилди. Ишаё шу сўзларни айтиш билан Худога ўз ихтиёри билан хизмат қилишга тайёр эканлигини билдирди. У юқоридаги сўзлари билан: «Мен бораман. Бошқа ҳеч кимни излама. Мени юбор», дегандек бўлди.

Ишаёенинг жавобида иккита муҳим нарсани кўриш мумкин. Биринчиси — у Шалтай-Болтай эмас эди. Барчага таниш бўлган болалар шеъри қаҳрамони Болтайнинг девордан қулаб тушиши шу сабабга кўра фожеали эдики, бутун қиролликда уни қайтадан ясай оладиган киши топилмади. Бироқ, у Ишаёдан ҳам нозик эмас эди. Ишаё ҳам ерга тушиб синган тухум каби парча-парча бўлиб кетди. Бироқ, Худо уни қайта тиклади. Худо парча-парча бўлиб кетган инсонни ҳам хизматга юбориш қудратига эга. У гуноҳкор кишини танлади ва уни пайғамбар даражасига кўтарди. У оғзи нопок инсонни танлади ва уни Ўзининг вакили қилди.

Ушбу воқеадаги биз кузатадиган иккинчи муҳим жой — бу Илоҳий иноятнинг Ишаё қалбига таъсири унинг инсоний шахсига зарар етказмаганлигидир. Ишаё: «Мана мен», — деди. Ишаё аввалгидек «мен», дея олар эди. У ўз қиёфасини сақлаб қолди. У ўз шахсини йўқотмади. Масихийликни ҳақорат қиладиган кишилар инсоннинг «мен»ини йўқ қилишда Худони айблашга қанчалик ҳаракат қилишмасин, У бундан узоқдир — аксинча, Худо киши шахсини қутқаради. Худо Ўзи даъват қилган хизматни бажара олиши ва фойдали бўла олиши учун кишининг «мен»ини поклайди. Ишаёенинг шахси йўқ қилинмади, балки қайтатдан қурилди. Маъбадни тарк этар экан, у аввалгидек Ишаё Бен Амос бўлиб қолаверди. У ўша оддинги Ишаё эди, бироқ энди унинг оғзи пок эди.

Худонинг ҳеч бир хизматчиси ўз хизматига мос эмас. Ихтиёрий ваъзхонни иккиюзламачилиқда айблаш мумкин. Амалда исбот қилинганки, жамоат чўпони ўз ваъзида қай даражада Худо Каломига қаттиқ риоя қилса, у шу даражада бундай айбловларга қарши заифлашади. Нима учун? Чунки инсон Худо Каломига қай даражада содиқ бўлса, у шу даражада юқори хизматни адо этади. Хизмат қанчалик юқори бўлса, киши амалий ҳаётда ундан шунчалик узоқда бўлади.

Мен жамоатларда Худонинг муқаддаслиги ҳақида гапирганимда, ич-ичимдан хавотирга тушаман. Мен кишиларнинг таъсирланишларини олдиндан кўра биламан. Улар ҳозиргина муқаддас кишининг ҳузурида бўлганликларига ишонган ҳолда жамоатни тарк этишади. Мени тинглаган кишилар, муқаддаслик ҳақида ваъз қилганим сабабли, уларга етказаетган хабарим каби менинг ўзимни ҳам муқаддас, деб қабул қиладилар. Бундай дақиқаларда мен: «Ҳолимга вой», деб хитоб қилгим келади.

Муқаддасликни ўрганиш ўз-ўзидан кишини муқаддас қилади, деб тахмин қилиш хавфлидир. Бу ерда ўзига хос киноя мавжуд. Мендаги Худонинг муқаддаслигини англаб етишга бўлган ташналикнинг сабаби айнан ўзимнинг муқаддас эмаслигим эканлигига ишончим комилдир. Мен кўп вақтини ибодатхонанинг ичида эмас, балки ундан ташқарида ўтказадиган дунёвий одамман. Бироқ, мен Худонинг улуғворлиги ҳиссини етарли даражада татиб кўрганман. Мен кечирим олиш нима эканлигини ва Худонинг хизматга юбориши нима эканлигини яхши биламан. Менинг қалбим бундан ҳам кўпроқ нарсага ташна. Менинг қалбим бундан кўпроқ нарсага муҳтож.

3-БОБ

Титроққа солувчи сир

Мени тешиб ўтаётган, бироқ яраламайдиган
Бу қандайин кўз қамаштирувчи нур экан?
Титрамоқдаман ва ёнмоқдаман мен.
Қанчалик хоҳласамда, босилмас титроқ,
Олов ҳамон ёнмоқда мени ҳайратга солиб.

АВЛИЁ АВГУСТИН

Шундай қилиб, биз ушбу китобнинг учинчи бобига ҳам етиб келдик, аммо мен ҳали ҳам муқаддас бўлиш нима эканлигини аниқлай олганим йўқ.

Афсус, бироқ энди буни кейинга қолдириб бўлмайди. Муқаддасликка таъриф беришда мислсиз қийинчиликларга дуч келасан. Муқаддаслик шунчалик кўп нарсани ўз ичига олади ва у бизга шунчалик бегонаки, уни аниқлаш мумкин эмасга ўхшаб кўринади. Ҳақиқий маънодаги «муқаддаслик» сўзи — биз учун бегона ва «чет тилидаги» сўздир. Бироқ, одатда чет тилидаги сўзларга дуч келганимизда, ҳар доим бизга шу сўзнинг аниқ таржимасини бера оладиган луғатлар ёрдамга келишига умид қиламиз. Аммо ҳозир бизнинг олдимизда турган муаммо шундан иборатки, ушбу «муқаддас» сўзи — барча тиллар учун чет тилидаги сўз ҳисобланади. Бу ерда ҳеч қандай луғат бизга ёрдам бера олмайди.

Муқаддас Китобда «муқаддас» сўзи бир нечта турли хил бўлган маъноларда ишлатилади. Бу эса бизнинг олдимизда турган муаммони янада қийинлаштиради. Баъзи бир ҳолатларда «муқаддас» сўзи Муқаддас Китобда Худо марҳамати тушунчасига яқин бўлган маънода ишлатилади.

Бир вақтнинг ўзида шу сўзнинг оддий таърифини кўрадиган бўлсак, бу: «пок, битта ҳам доғи йўқ, тўлиқ мукамал ва ҳар томонлама бенуқсон», деган маънони англатади.

«Муқаддас» сўзини эшитганимизда, ҳаёлимизга биринчи келадиган нарса покликдир. Агарда охиригача аниқ айтадиган бўлсак, бу сўз Муқаддас Китобда шу маънода ҳам ишлатилади. Бироқ, Муқаддас Китобга нисбатан оладиган бўлсак, поклик ёки маънавий баркамоллик ғояси бу сўзнинг иккинчи даражали маънолари бўлиши мумкин. Серафимлар ўз кўшиқларини куйлашганда, уларнинг кўшиғида оддийгина бўлган: «пок, пок, покдир», дегандан кўра каттароқ маъно мавжуд эди.

«Муқаддас» сўзининг асосий, бошланғич маъноси — «мукамал»дир. У «кесиш» ёки «ажратиш» деган маънони англатувчи қадимий сўздан келиб чиққан. Агарда бу бошланғич маънони замонавий тилга ўтказадиган бўлсак, «алоҳида бичиш ёки кесиш» жумласи ҳосил бўлади. Эҳтимол, ушбу «бошқаларга қараганда яхшироқ бичиш» жумласи маънони яхшироқ етказиб бериши мумкин. Агарда биз юқори сифатли кийим ёки бошқа бир буюмни кўрсак, «ажойиб қилиб бичилган экан», деб гапирамиз.

Ҳар бир ёзувчига муҳаррир зарурдир. Муҳаррирлар — ажойиб кишилар. Улар ўз ишларини адо этаётганларида сеҳргарларга ўхшаб кетадилар, баъзан эса улардан ҳам яхшироқ ишларни бажарадилар. Улар қинғир-қийшиқ ёзилган кўл ёзмани туппа-тузук кўринишга келтирадилар. Улар маъноси ноаниқ бўлган бир парча матнни олиб, уни барча тушуна оладиган кўринишга келтира оладилар. Муҳаррирларнинг уринишлари сабабли ўқувчи муаллифнинг грамматик ва услубий хатоларини кўрмайди, чунки муҳаррир китоб ўқувчининг қўлига етиб боришига қадар бу хатоларни тўғирлаб чиқади. Улар камдан-кам учрайдиган тиришқоқлик

билан ўз ишларини бажариб, нашриёт ишининг камтарин қаҳрамонлари бўлиб қолаверадилар. Бироқ — ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик — баъзи вақтларда уларнинг қилиқларига чидаб бўлмайди.

Менинг муҳарририм узун сўзларни кўрганда, шундай аҳволга тушади. У мени ушбу китобни ёзаётганда узун сўзлар ёки илмий услубдан фойдаланмасликка ваъда беришга мажбур қилди. Бу қиролни яланғоч қилиб қўйиш билан баробардир. Узун сўзлар ёрдамида мен ўзимнинг билимсизлигимни яшираман. Узун сўзлар бунинг учун жуда яхши қўл келади. Агарда мен ҳеч ким тушунмайдиган сўзни ишлага олсам, кишилар ўзлари тушунмаганларидан сўнг, бу ерда нима дейилганини муаллифнинг ўзи билса керак, деб ўйлашларига умид қилсам бўлади.

Мен боши берк кўчага кириб қолдим. Мен узун сўзларни ишлатишга мажбурман. Муҳаррирни эсдан чиқарамиз. Узун, мавҳум, теологик сўзга тайёр бўлинг. Тайёрмисиз?

Трансцендентлик.

Мана. Мен ҳозиргина санадим. «Трансцендентлик» сўзида ўн бешта ҳарф бор экан. Бироқ «хиёнаткорлик» ҳам етарлича узун — ўн иккита ҳарфдан иборат бўлган сўз, аммо ҳамма кишилар бу сўз нимани англатишини яхши билишади (тўғриси айтиладиган бўлса, менинг ёзувимда бу сўз ўн учта ҳарфдан иборат эди, бироқ муҳарририм хатони тўғирлади).

«Трансцендентлик» сўзини тўғридан-тўғри таржима қиладиган бўлса, «устидан ошиб ўтиш керак бўлган нарса», деган маънони англатади. Ҳозирги кунда бу сўзга «оддий чегаралардан ташқарига чиқиш» маъноси берилмоқда. «Трансцендентлик» бирор нарсадан юқорида турувчи, маълум чегаралардан ташқарига чиқувчи, деган маънони англатади. Худонинг трансцендентлиги ҳақида гапирганимизда, Худо

биздан юқори эканлигини ва биз учун мавжуд бўлган чегаралар Унинг учун мавжуд эмаслигини назарда тутган бўламиз. Бу сўз орқали Худонинг барча нарсадан юқори турувчи ва мутлақ улуғворлиги ифода қилинади, шу билан бирга, Худо ва дунё ўртасидаги ўзаро муносабатлар очиб берилади. У дунёдан улуғ. У дунё устидан мутлақ ҳукмронликка эга. Дунё Унинг устидан ҳукмронлик қила олмайди. «Трансцендентлик» сўзи Худонинг қудратли улуғворлигини, Унинг дунё устидан юқори кўтарилганлигини етказиб беради. Бу сўз Худо ва Унинг севиқли ижоди ўртасидаги чексиз масофани кўрсатиб беради. Худо бошқа барча нарсадан чексиз яхши ва юқоридир.

Муқаддас Китобда Худони муқаддас деб аташганда, кўп ҳолларда бу Худо трансцендет равишда узоқлашган, деган маънони англатади. Худо бизлардан шунчалик юқори ва биз учун маълум бўлган чегаралардан шу даражада узоқдаки, баъзи вақтларда У бизга мутлақо бегонага ўхшаб туюлади. Муқаддас бўлиш «бошқача» бўлиш, бутунлай бошқа тарзда фарқ қилиш демакдир. «Муқаддас» сўзи дунёвий нарсаларга нисбатан қўлланилганда ҳам, одатда ўша асосий маъносида ишлатилади. Муқаддас Китобда муқаддас деб айтиладиган нарсалар ёзилган қуйидаги рўйхатни диққат билан кўриб чиқинг:

муқаддас ер
муқаддас ибодатхона
муқаддас шанба
муқаддас халқ
муқаддас жой
муқаддас мой
муқаддас кийим
муқаддас юбилей
муқаддас уй

*муқаддас дала
муқаддас ўндан бир
муқаддас сув
муқаддас идиш
муқаддас кема
муқаддас нон
муқаддас шаҳар
муқаддас уруг
муқаддас сўз
муқаддас амр
муқаддас кишилар
муқаддас жой
муқаддаслар муқаддаси*

Бу якуний рўйхат эмас. Унинг мақсади — «муқаддас» сўзи Худодан бошқа кўп нарсаларга нисбатан ҳам қўлланилишини кўрсатиш эди. Барча ҳолатларда «муқаддас» сўзи оддийгина маънавий ёки ахлоқий сифатдан бошқачароқ нарсани ифодалаш учун ишлатилади. Барча муқаддас бўлган нарсалар бошқаларидан ажратилган, дунёдан ажратилган. Бу кишилар ёки буюмлар ёки тушунчалар — муқаддас қилинган, умумий қўлланишдан ажратилган, Тангри ва Унинг хизмати учун аталган.

Юқоридаги рўйхатда номи тилга олинганлар ўз-ўзидан муқаддас бўлмаган. Улар муқаддас бўлиши учун Худо томонидан муқаддас қилиниши зарурдир. Ёлғиз Худовандгина Ўз-Ўзидан муқаддасдир. Фақат Худо бошқа бирор нарсани муқаддас қила олади. Фақат Худогина бирор нарсани ўзгартириши, оддий ёки барча ишлатадиган нарсадан қандайдир муҳим, бошқача, алоҳида бўлган нарсани яратиши мумкин.

Эски Аҳдда муқаддас қилинган нарсаларга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлигига эътибор беринг. У қандай нарса бўлмасин унга нисбатан алоҳида эътибор берилар эди. Муқаддас қилинган буюмлардан кундалик эҳтиёжларда фойдаланмайдилар. Уларга умуман қўл теккизмасликлари ҳам мумкин эди. Муқаддас қилинган таомни умуман емасликлари мумкин эди. Қисқача айтганда, муқаддас қилинган нарсани кундалик эҳтиёжларда ишлатмас эдилар. У алоҳидадир.

Поклик ҳақида тушунчалар нима сабабдан олдинги қаторларга чиқади? Биз муқаддасликни поклик ёки маънавий баркамоллик билан тенглаштиришга ўрганиб қолганмиз. Бирор нарса муқаддас қилинганда, муқаддас бўлганда, у покланади. Унда алоҳидалик билан бир қаторда поклик ҳам яққол кўзга ташланиб туриши лозим. Муқаддаслик покликни инкор қилмайди. Муқаддаслик ҳақидаги тушунча поклик ҳақидаги тушунчани ҳам ўз ичига олади. Бироқ, муқаддаслик ғояси поклик ғояси билан чекланиб қолмаслигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарурдир. Муқаддаслик покликни ўз ичига олади, аммо унинг ўзи покликдан кўра улуғроқ тушунчадир. Бу поклик ва трансцендентликдир. Бу трансцендент покликдир.

Худога таъриф бериш учун «муқаддас» сўздан фойдаланганимизда яна бир муаммога дуч келамиз. Худо ҳақида сўз юритганимизда, Худонинг белгилари, деб номланадиган сифатлар ва хоссаларнинг рўйхатини тузиб чиқамиз. Биз Худо — бу Рух, У ҳамма нарсани билади, У севувчи, У адолатли, раҳмдил, иноятли ва ҳ.к.з, деб гапирамиз. Муқаддасликни ҳам ушбу белгилар қаторига қўшиш, яъни муқаддасликни Худонинг кўпгина белгиларидан бирига айлантириш ғояси ҳам мавжуд. Бироқ, «муқаддас» сўзи Худога нисбатан ишлатилганда, у бирор бир алоҳида белгини

билдирмайди. Аксинча, Худога нисбатан ишлатилганда бу сўз умумий маънога эга бўлади. У Худонинг илоҳийлиги синоними сифатида ишлатилади. Яъни, «муқаддас» сўзи Худога тегишли бўлган барча нарсага эътиборни қаратади. У Худонинг севгиси — муқаддас севги, Худонинг адолати — муқаддас адолат, Худонинг меҳрибончилиги — муқаддас меҳрибончилик, билими — муқаддас билим, Руҳи эса — Муқаддас Руҳ эканлигини бизга эслатиб туради.

Биз «муқаддаслик» ибораси Худонинг трансцендентлигига, Унинг дунёдан юқори туришига эътиборимизни қаратишига ишонч ҳосил қилдик. Бундан ташқари, Худо Ўз дунёсида танлаган ҳар бир нарсасига «қўлини узатиб», уни муқаддас қилиши мумкинлигини ҳам билиб олдик. У оддий нарсани бир зумдаёқ ажойиб бир нарсага айлантириши мумкин. Яна бир марта такрорлаб ўтиш жоиздир: бу дунёдаги ҳеч бир нарса ўз-ўзидан муқаддас бўла олмайди. Фақат Худогина бирор нарсани муқаддас қила олади. Фақат Худо муқаддас қилиши мумкин.

Агарда биз аслида муқаддас бўлмаган нарсани муқаддас, деб атайдиган бўлсак, биз бу ҳаракатимиз билан бутпарастлик гуноҳини қилган бўламиз. Бутпарастлик — бу қаттиқ адашишдир, бунда оддий нарсаларга нисбатан фақатгина Худога тегишли бўлган ҳурмат, итоат қилиш, завқланиш ҳислари пайдо бўлади. Бутпарастликнинг моҳияти — Худонинг ўрнига Унинг ижодига сизинишдан иборатдир.

Қадим замонларда бутларни тайёрлаш ҳунари фойдали ҳунар ҳисобланар эди. Бутлар баъзан ёғочдан, баъзан — тошдан, баъзида эса қимматбаҳо хом ашёлардан тайёрланар эди. Бутларни ясайдиган киши бозор майдонига борар ва у ерда энг яхши хом ашёни сотиб олиб, ўз устахонасига қайтиб келарди. У устахонада хом ашёга моҳирлик билан ишлов берар эди. Узоқ соатлар давомида, яхши асбоб-ускуналар ёрдамида у

хом ашёга керакли шакли берарди. Ишни якунлагач, у устахонани тозалаб чиқар ва асбобларини тартибга солиб, жой-жойига қўйиб қўяр эди. Сўнгра тиз чўкиб, ўзи ҳозиргина ясаган бутга мурожаат қилиб гапира бошлар эди. Тасаввур қилиб кўринг-а, сиз кўр ва қулоқсиз бўлган тош ёки ёғоч парчаси билан гаплашаяпсиз. Бу парча ўзига мурожаат қилиб айтилаётган сўзларни ҳеч қачон эшитмайди. У жавоб бера олмайди. У ҳеч кимга ёрдам қўлини чўза олмайди. У кўр, кар, соқов ва иложсиздир. Шунга қарамасдан, кишилар бу каби буюмларга муқаддас деб ном берар ва уларга сиғинар эдилар.

Баъзи ҳолларда бутпарастлик бирмунча нозик шаклларни қабул қилар эди. Инсонлар тошдан йўниб ясалган тасвирларга ёки санамларга сиғинмасдилар. Бунинг ўрнига улар Қуёш ёки Ой ва ҳаттоки абстракт ғояларга ҳам сиғина бошладилар. Бироқ Қуёш ҳам яратилиш маҳсулидир. Ойда ҳам ҳеч қандай муқаддаслик ёки ғайритабиийлик йўқ. Буларнинг барчаси — табиатнинг бир қисми ҳисобланади. Буларнинг барчаси яратилган. Улар инсон қалбида чуқур таассурот қолдириши мумкин, бироқ шунга қарамасдан улар барча яратилган нарсаларнинг қаторидан четга чиқмайди ва улардан юқори бўла олмайди. Улар муқаддас эмас.

Инсонлар бутларга сиғинган вақтларида муқаддас бўлмаган нарсаларни муқаддас, деб атайдилар. Ёдингизда бўлсин, фақат Худогина бирор нарсани муқаддас қила олади. (Жамоат хизматчиси никоҳни ёки қутлуғ кечлик учун мўлжалланган нонни «муқаддас» қилаётганда амалга ошган ишни тасдиқлаши кўз остига олинади — «муқаддас» қилинаётган нарсани олдиндан Худо томонидан муқаддас қилиб қўйилгандир. Инсон томонидан амалга оширилаётган бу каби «муқаддас қилиш»га Худо Ўз розилигини берган.) Агарда инсон Худо ҳеч қачон муқаддас қилмаган нарсани муқаддас қилишга ҳаракат қилса, бу ҳақиқий муқаддас қилиш эмас. Бу

шаккоклик қилиш, ҳақорат қилиш демақдир. Бу бутпарастлик демақдир.

Асримизнинг бошида бир немис олими ғайриоддий ва ажойиб бир ишни амалга оширди. У муқаддасликнинг аҳамиятини ўрганган эди. Бу кишининг исми Рудольф Отто. Отто муқаддасликка илмий нуқтаи-назардан қарашга ҳаракат қилиб кўрди. У турли хил маданият ва халқларга тегишли бўлган кишилар муқаддас деб ҳисоблайдиган нарсага дуч келганларида ўзларини қандай тутишларини ўрганиб чиқди. У инсонлардаги муқаддасликка дуч келганда пайдо бўладиган ҳис-туйғуларни текшириб чиқди.

Отто томонидан қилинган биринчи муҳим кашфиёт қуйидагидан иборат эди: инсонлар муқаддас нарсани қийинчилик билан таърифлаб беришади. У баъзи бир аниқ таърифлар берилишига қарамасдан, барибир таърифлаб бўлмайдиган нимадир қолишини айтиб ўтди. Гап ўша «нима»нингдир нотўғрилигида эмас. Аксинча, у жуда ҳам тўғридир. У бизнинг онгимиз қошлаб олиши мумкин бўлган чегаралардан ташқарига чиқиб кетади. Инсоннинг муқаддаслик билан бўлган учрашувида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нарса бор эди. Буни Отто «плюс», деб атади. «Плюс» — бу муқаддаслик билан юзма-юз келган вақтда инсонда пайдо бўладиган ва уни тушунтириб бериш учун сўз топилмай қоладиган инсоний кечинмаларнинг бир қисмидир. Бу тўла-тўқис тушунтира олиш имкониятига очиқдан-очиқ қарши чиқадиган руҳий элементдир.

Отто муқаддаслик учун махсус атама яратди. У муқаддасликни *mysterium tremendum*, деб атади. Бу сўзнинг таржимаси «титроққа солувчи сир» демақдир. Отто буни шундай деб таърифлайди:

«Баъзан бу туйғу худди қиргоққа урилайтган тўлқинга ўхшаш юмшоқ тўлқин каби келиб киши онгининг барча бурчакларига кириб бориши, уни осойишталик ва итоат қилиш истаги билан тўлдириши мумкин. Баъзида у узоқ давом этади ва ниҳоят тўхтамагунча, кўнгил ўзининг одатдаги «дунёвий» кечинмалар ҳолатига тушмагунча, қувончли ҳаяжон ҳисси тўлқинланади, инсон кўнглининг кайфиятини яхшилаган ҳолда акс-садо беради. Муқаддасликни ҳис қилишни вулқоннинг отилишига ўхшатиш мумкин, у инсон қалбининг туб-тубидан сиқилишлар ва тортишишлар билан биргаликда отилиб чиқиши ёки ҳаяжоннинг ғалати шаклларига, мастлик ҳолатини эслатувчи жазавага тушишга, ҳайратга ва ўз-ўзини йўқотиш ҳолатига олиб келиши мумкин. У ақлсиз ва иблисона тус олиши, даҳшатга тушиш, қўрқув ва титроқ ҳолати билан яқунланиши мумкин. Муқаддасликни ҳис қилиш шафқатсиз ва ваҳший тус олиши мумкин, бироқ, яна бир маротаба айтиб ўтиш лозимки, у гўзал, пок ва шуҳратга тўла нарсага айланиши ҳам мумкин. У кимнингдир ёки ниманингдир ҳузурида сўзлаш қобилиятини йўқотган ва титрайётган инсоний мавжудотнинг итоатига ҳам айланиши мумкин. Барча яратилганлардан юқорида турувчи ва ифода қилиб бўлмайдиган сир бўлганнинг ҳузурида»¹.

Отто *tremendum* (титроққа солувчи) ҳақида, муқаддаслик бизда уйғотадиган кўрқув ҳақида гапирган эди. Муқаддаслик бизни алоҳида кўрқувга солади. Биз буни таърифлаб бериш учун қуйидаги ифодалардан фойдаланамиз: «Томиримдаги қон қотиб қолди», «Аъзойи баданим жимирлаб кетди».

¹ Рудольф Отто, «Муқаддаслик тушунчаси», 12,13-бет. — Rudolph Otto, *The Idea of the Holy* (Oxford University Press, 1950, pp. 12, 13).

Худди негрларнинг «Улар менинг Раббимни хочга михлашаётган вақтда сен ҳам ўша ерда бормидинг?» номли диний кўшиғига ўхшаш. Бу кўшиқнинг нақорати куйидагича: «Баъзан мен бундан титроққа тушаман... титроққа тушаман... титроққа тушаман».

Бизнинг муқаддасликка нисбатан ҳис-туйғуларимиз турличадир. Қайсидир маънода, у бир вақтнинг ўзида бизни ўзига жалб ҳам қилади, ўзидан итаради ҳам. Кўринмас куч бизни у тарафга тартади ва шу билан бирга ундан қочгингиз келади. Биз худди, йўлнинг айрилиш жойида туриб, қайси томонга юришни билмаётган кишиларга ўхшаймиз. Юрагимизнинг бир бўлаги муқаддасликка ташна, бошқа бўлаги эса — уни рад этади. Биз у билан бирга ҳам, усиз ҳам яшай олмаймиз.

Бизнинг муқаддасликка бўлган муносабатимиз, арвоҳлар ҳақидаги ҳикоялар ва даҳшатли фильмларга нисбатан бўлган муносабатимизга ўхшайди. Болалар ота-оналаридан арвоҳлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилишади, ота-она розилик билдирганидан сўнг ҳикоя болаларни шунчалик даҳшатга соладики, энди улар ҳикояни тўхтатишни сўрай бошлайдилар. Мен хотинимни даҳшатли фильмларга олиб боришни ёқтирмайман. У кинони кўрмагунча, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, кўриб бўлмагунча яхши кўради. Ҳар сафар бир хил воқеа такрорланади. Аввалига у менинг қўлимни тирноқларини ботириб, сиқиб ушлаб олади. У кўзларини юмиш учун қўлимни қўйиб юборган пайтларда мен енгил нафас оламан. Кейинги ҳаракат — ўз жойини тарк этиб энг охирги қаторга боради ва деворга суяниб туради. У ерда ҳеч ким унинг орқасидан ташланмаслигига ишонч ҳосил қилади. Ниҳоят, охирги босқич — у томоша залидан бутунлай қочиб чиқиб кетади. Шунга қарамасдан, у шундай киноларга

боришни ёқтиришини айтади. (Бу нарсаларнинг қаеридадир теологик ғояга намуна мавжуддир.)

Муқаддасликка нисбатан кишиларда пайдо бўладиган аралаш ҳислар ҳодисасига энг яққол намуна радиодунёсидан топишимиз мумкин бўлса керак. Телевиденияга қадар инсонларнинг кўнглини очадиган нарсалар радиодастурлар бўлган эди. Ҳар куни бизларга кўп қисмли радиосаҳналарни эшиттиришар эди. Кечки вақт саҳна асарлари ҳамда «Ёлғиз рейнджер», «Супермен», «Тэннеси Жед», «Хоп Хэрриган» ва бошқаларнинг саргузаштларига бағишланган эди. Мен сирли воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи дастурларни тинглашни ёқтирар эдим. «Гангбастерлар», «Мистер Кин йўқолганларни топади», «Жонни Доллар — суғурта идорасининг изқувари» ва «Номаълум нарсалар».

Барча даҳшатли дастурлар ичидаги энг даҳшатли дастур очилаётган эшикнинг ғичирлаган овози билан, худди кимдир тирноғи билан ойнани тирнаётганга ўхшаш овоз билан бошланар эди. Бу овозлар менинг онгимда пўпанак босиб кетган, зўрға очиладиган эшикли қадимий, зах сағана тасвирини гавдалантирар эди. Эшик ғичирлашидан сўнг, диктор баланд овоз билан: «Иннер санктум!», дер эди.

«Иннер санктум» сўзларининг нимаси қўрқинчли? Улар нимани англатади? «Иннер санктум» «муқаддас жойнинг ичида» ёки «муқаддасликнинг ичида» деган маънони англатади. Инсон учун муқаддаслик ичида бўлиш ҳолатидан ҳам қўрқинчлироқ ҳолат бўлмаса керак. Биз *mysterium tremendum* қаршисида титроққа туша бошлаймиз.

Муқаддас Худонинг сирлилиги лотинча «августус» сўзи билан ифода қилинади. Биринчи масиҳийлар Цезарни шу унвон билан аташдан бош тортган эдилар. Масиҳийлар учун ҳеч қандай инсон август унвонига лойиқ эмас. Бу фақат Худого

лойиқ бўлган унвон. «Августус» бўлиш инсонларда эҳтиром ва муқаддас кўрқув уйғотиш демакдир. Бу сўзнинг олий маъносида фақат Худо шундайдир.

Отто, инсонларнинг муқаддаслик билан учрашганларида бошидан ўтказадиган кечинмаларини тадқиқот қилиш натижасида шуни аниқладики, инсон муқаддаслик билан юзма-юз келганда сезадиган энг ёрқин ҳис-туйғу — бу ўзининг яратилган ижод эканлигини ҳис қилиш экан. Яъни, биз Худонинг ҳозирлигини сезган пайғимиздагина, ўзимизни яратилган ижод сифатида сезамиз. Борлиқ Ибтидоси билан учрашганимизда, ўзимиз Унга ўхшаш эмас эканлигимизни сезиб қоламиз. Чексизлик билан тўқнаш келсак, ўзимизнинг чегараланганлигимизни англаб етамиз. Абдиёт билан учрашсак, ўзимизнинг вақтинча, ўткинчи эканлигимизни тушуниб қоламиз. Худо билан учрашув — қарама-қаршилиқларга яққол мисолдир.

«Бошқа» ва бизнинг орамиздаги қарама-қаршилиқ ҳайратланарли ва чексиздир. Шу ерда пайғамбар Еремия ва у қандай қилиб Худога шикоят қилганлиги ёдимизга тушади:

«Худовандим, Сен мени қизиқтирдиг ва мен қизиқиб қолдим. Сен кучлисан ва шунинг-чун мени енгдинг» (Ере. 20:7).

Бу ерда худди Еремия дудуқликнинг оғир шакли билан оғриганга ўхшаб кўрилади. Одатда Муқаддас Китоб ифодалари тилнинг қисқалиги, «иктисодийлиги» билан ажралиб туришади. Еремия эса кўриниб турган нарсага изоҳ бериш билан бу қоидани бузади. У шундай дейди: «Худовандим, Сен мени қизиқтирдиг ва мен қизиқиб қолдим». Жумланинг иккинчи қисми — бекорчи сўз сарф қилишдир. Албатта, Еремия қизиқади-да. Агарда Худонинг Ўзи уни қизиқтирган бўлса, у қандай қилиб қизиқмаслиги

мумкин? Агар Худо ундан кучли бўлса, У Еремияни енга олмаслиги мумкинми?

Балки, Еремия, Худо унинг шикоятини тушунганлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандир. У ўзи хоҳлаётган нарсани таъкидлаш учун иброний адабиётга хос бўлган қайтариш усулидан фойдаланган бўлиши ҳам мумкин. Еремия қизиқиб қолган эди. Худо уни енгди. У Худонинг мислсиз қудрати олдида ўзини ночор ва заиф сезар эди. Бу Еремия томонидан ўзининг яратилган ижод эканлигини сезишнинг энг юқори чўққиси эди.

Бизнинг ижод эканлигимиз ҳақидаги эслатмалар ҳар доим ҳам ёқавермайди. Иблисининг Момо Ҳавони васвасага солаётганда: «Худо каби... бўласизлар», деб айтган сўзларини онгимиздан чиқариб ташлаш жуда ҳам қийиндир. Агар мумкин бўлганида, биз ушбу даҳшатли иблисона ёлғонга ишонишга ҳам тайёр эдик. Агар биз худолар каби бўла олсак, у ҳолда биз ўлмас, бенуқсон бўлар эдик ва ҳеч ким бизга қаршилиқ қилмас эди. Биз шу лаҳзаларда ўзимиз эга бўлмаган ва эга бўла олмайдиган бошқа кўпгина фазилатларга эга бўлар эдик.

Ўлим ҳақидаги ўй-фикр бизда кўпинча кўрқув ҳиссини уйғотади. Биз бирор кишининг ўлимига дуч келган пайтимизда, бу ўзимизнинг ҳам ўлимга маҳкум эканлигимизни, биз ўлишимиз керак бўлган вақт-соат ҳам етиб келишини эслатади. Ўлим ҳақидаги ўй-фикрни хаёлимиздан чиқариб ташлашга уринамиз. Бошқа бир кишининг ўлими ҳаётимизга кириб келганида ва бизга номаълум бўлган келажақда, кун ёки соатда биз билан нима юз бериши ҳақида эслатган бир пайтда, биз ўзимизни ноқудай сезамиз, хавотирлик ва нотинчликни ҳис қиламиз. Ўлим бизга ҳаммамизнинг яратилган мавжудот эканлигимизни эслатиб туради. Бироқ, ўлим қай даражада кўрқинчли бўлмасин, у

муқаддас Худо билан бўладиган учрашув олдида ҳеч нарса эмас. Биз Худога дуч келганимиз ҳамон, ўзимизнинг яратилган мавжудот эканлигимизни мутлақ англаб етишдек ҳис-туйғу бизни қамраб олади. Бу тўқнашув биз ишонишга одатланган ўзимизни «кичик» илоҳлар, яримхудо деб ҳисоблашимиз ҳақидаги, агар ҳаракат қилсак, абадий яшай олишимиз мумкинлиги тўғрисидаги афсоналарни парча-парча қилиб ташлайди.

Ўлимга маҳкумлигимиз учун биз турли хилдаги қўрқувларга дуч келамиз. Биз хавотирлар, мияга ўрнашиб қолган қўрқувлар — фобияларга тўламиз. Баъзи кишилар мушуклардан қўрқишади, бошқалари — илонлардан, учинчилари — кўп сонли кишилар тўпланган жойлардан ёки баландликдан қўрқишади. Бу фобиялар бизни ич-ичимиздан емиради ва руҳий осойишталигимизни бузади.

Фобиянинг барча кишилар азоб чекадиган бир тури мавжуд. Бу ксенофобия, деб аталади. Ксенофобия — бу нотаниш ёки бегона кишилар қаршисидаги, шу билан бир қаторда барча бизга ёт ва бегона бўлган барча нарсалар қаршисидаги (баъзида нафратга айланиб кетадиган) қўрқувдир. Худо — ксенофобия учун энг мос келувчи объектдир. Худо шахсининг биз учун бутунлай бегона бўлган аспекти мавжуддир. У биз учун мутлақо бегонадир. У муқаддас, биз эса — йўқ.

Биз Худодан қўрқамиз, чунки У муқаддасдир. Биздаги қўрқув — бу Муқаддас Китоб Худоси берадиган қўрқув эмас. Бу қуллар қўрқуви, ҳайвоний қўрқув. Худо биз учун ўта улуғ. У бизда керагидан ортиқ бўлган даҳшатли эҳтиром пайдо қилади. У бизнинг олдимизга қаттиқ талабларни қўяди. У — бизнинг хавфсизлигимизга таҳдид солувчи сирли Нотаниш Зотдир. Унинг ҳузурида биз қалтираймиз ва титроққа тушамиз. У билан шахсий учрашув бизга сезиларли даражада

жароҳат етказиши, ҳаётимиздаги энг улкан жароҳатни етказиши мумкин.

4-БОБ

Муқаддаслик етказган жароҳат

Муқаддас кишиларнинг Худо билан бўлган учрашувлари ҳақида ҳикоя қилиш давомида Муқаддас Ёзувлар бизга мутгасил равишда хабар қиладиган даҳшат ва ҳайратнинг манбаи — мана шунда мужассамлашгандир. Инсонлар Худони ҳар бир марта кўрганларида, Унинг ҳозир бўлиши уларни лол қолдирар, даҳшатга солар ва тўлиқ тушкунликка туширар эди...

Инсонларни Худонинг улуғворлиги билан солиштириб кўрилганда уларнинг ҳеч қанақанги аҳамиятга эга эмас эканликлари ошкор бўлиб қолади.

ЖОН КАЛЬВИН

Қоп-қоронғи ва шабадали тун эди... Ҳикоямни ушбу классик жумла билан бошлашни анча узоқ кутдим. Бу жумла шунчалик кўп ишлатилганки, ҳатто менинг адабиётшунос дўстларим «Қоронғи ва шабадали тун клуби» деб номланган клубга асос солишди. Улар ҳар йили китоб, илмий асар ёки мақолаларнинг энг ёмон бошланғич қаторлари учун муаллифларни мукофотга тавсия қилишади.

Эҳтимол, муқаддас Марк ўз Хушхабарини ёзган вақтда ҳам, шу каби «Қоронғи ва шабадали тун клуби» мавжуд бўлгандир. Унинг бўронни тинчлантираётган Исо ҳақидаги ҳикояни қандай бошлашига эътибор беринг:

«Ўша куни кечқурун Исо шогирдларига: — Нарги қиргоққа сузиб ўтайлик, — деди» (Марк. 4:35).

Исо Ўз шогирдлари билан Жалилада эди. У Жалила денгизи деб аталувчи улкан қўл қирғоғига тўпланган кўп сонли халқ оммасига таълим берарди. Ушбу сув ҳавзаси — табиатнинг энг буюк ижод намуналаридан бири ҳисобланар эди. Тоғлар билан ўралган пастлик сув билан тўла эди. Бу қўл сувсиз Фаластин учун ичимлик сувининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Исонинг шогирдлари ўз касбининг устаси бўлган балиқчилардан ҳисобланар эдилар. Улар шу қўлда тажриба орттиришган, шу қўлда уларнинг суяги қотган эди. Улар қўлнинг ички оқимларини, унинг кайфиятини, гўзаллигини билар эдилар. Жалила денгизи ўз кайфиятини тўхтовсиз равишда ўзгартириб турадиган гўзал аёлга ўхшарди. Шу жойда ўз ҳунари билан тирикчилик қиладиган ҳар бир балиқчини қўлнинг ўзгариб туриши ҳақида огоҳлантиришади. Қўл Ўрта ер денгизи ва чўллар орасидаги тоғлар ўртасида жойлашганлиги сабабли доимо табиатнинг турли хил инжиқликларига дучор бўлади. Баъзан унинг юзасида сувни уюрма қилиб кўтарадиган, мўридаги каби увиллайдиган даҳшатли шамоллар эсиб туради. Бу шамоллар олдиндан ҳеч қандай хабар бермай пайдо бўлади ва қўлнинг сокин сувларини шиддат билан кўтариловчи тўлқинларга айлантиради. Ҳозирги кунларда ҳам Фаластинда, замонавий асбоб-ускуна билан таъминланган кемаларга эга бўлган кишилар қўлнинг беқарор кайфияти қурбони бўлишдан қўрқиб, Жалила денгизи бўйлаб сузишни хоҳламайдилар.

Исонинг шогирдларида иккита афзаллик бор эди: улар қўлни жуда яхши билишар ва улар ўз Устозлари билан бирга эдилар. Исо кечқурун уларга нарги қирғоққа сузиб ўтишни таклиф қилганида, уларнинг ҳеч бири бу таклифга норозилик билдирмадилар. Улар қайиқларни тайёрладилар, ўзлари ҳам

тайёрландилар. Сўнгра кўл бирдан ғазаб отига минди. Кўл маликаси жазавага тушди:

«Шу орада кўлда кучли бўрон кўтарилди. Тўлқинлар қайиқни тебратиб юборди, қайиқ сувга тўла бошлади» (Марк. 4:37).

Жалиладаги ҳар бир балиқчи энг кўп қўрқадиган ҳодиса рўй берди. Бўрон бошланди, қутурган тўлқинлар қайиқни ағдариб юборишга ҳаракат қилишар эди. Уларнинг орасига тушиб қолган ҳар қандай моҳир сузувчининг ҳам тирик қолиши дарғумон эди. Балиқчилар қайиқнинг четига шундай куч билан ёпишиб олдиларки, ҳатто уларнинг бармоқ суюклари оқариб кўриниб қолди. Бу мустаҳкам балиқчилар қайиғи эди, аммо шхуна ҳам, океанда сузадиган лайнер ҳам эмас эди. Қайиқ айланар, сакрар, тўлқинлар қайиқ четига уриларди, бироқ қайиқ буларнинг барчасига дош бериб турарди. Балиқчилар қайиқ тушуғини шамолга тўғирлашга ҳаракат қилган ҳолда қуюшқонидан чиққан денгиз билан зўр бериб курашар эдилар. Эҳтимол, денгизчининг ушбу: «Эй Тангрим, Сенинг денгизинг шу қадар улуғ, менинг қайиғим эса шунчалик кичик», ибодати айнан ўша вақтда биринчи бор тилга олинган бўлса ажаб эмас.

Исо қайиқнинг қуйруқ томонида ухлаб ётар эди. У дам оларди. Мен шу каби ҳолатни ўз кўзим билан кузатганман. Менинг ҳаётимда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса рўй берган. Мен минган самолёт учиш вақтида ҳаво бўронига тушиб қолди. Самолёт худди пастга учиб тушаётган тошга ўхшаб, тахминан минг фут (уч километр) пастга тушиб кетганида, ошқозоним эса гўёки тепада қолиб кетгандек бўлганида, тўсатдан баландликни йўқотиш ҳиссини сезганман. Мен пассажирларнинг даҳшатдан қичқиришларини эшитиб, стюардессаларнинг саросимага тушганликларини кўриб турган бир пайтда қўшни ўриндиқда ўтирган бир йўловчи

бемалол ухлаб ётарди. Мен уни силкитиб уйғотишни ва унга қарата: «Сизга нима бўлди? Наҳотки, атрофда бўлаётган воқеалар сизни даҳшатга солаётган бўлмаса?», — деб бақирришни хоҳлар эдим.

Муқаддас Китоб, Исо «ёстиққа бош қўйиб» ухлаб ётганлиги ҳақида гапиради. Қолганлар саросимага тушаётган вақтда Исо тинчгина ухлаб ётар эди. Бу ҳолат шогирдларнинг аччиғини келтирар эди. Уларда бир вақтнинг ўзида кўрқув ва ғазаб ҳисси аралашиб кетган эди. Улар Исони уйғотишга қарор қилдилар. Ўша дақиқада Исо, уларнинг фикри бўйича нима қила олиши мумкинлиги менга қоронғу. Матннинг давомидан яққол кўриниб турибдики, шогирдлар Исо қилган ишни Ундан кутмаган эдилар. Қаёққа қараманг — уларнинг аҳволи чорасиз бўлиб кўринар эди. Дақиқа сайин тўлқинлар янада катталашиб, янада қаҳр билан қайиққа урилар эди. Шогирдлар Исонинг нима қила олишини тасаввур ҳам қила олмас эдилар. Улар барча инсонлар каби фикр юритар эдилар. Инсонларга бирор хавф таҳдид соладиган бўлса, улар нима қилишни билмай қоладилар ва шу заҳотиёқ ўзларининг бошлиқларига мурожаат қиладилар. Бошлиқнинг вазифаси — гарчи иложи бўлмаса ҳам, бу вазиятда қандай йўл тутиш кераклигини олдиндан кўра билишдан иборатдир.

«Шогирдлар Исони уйғотиб:

— Устоз, биз ҳалок бўляпмиз! Парво қилмайсанми? — дейишди» (Марк. 4:38).

Уларнинг саволи аслини олганда савол эмас эди. Ҳақиқат билан айтганда бу айблов эди. Айтилган гапнинг асл маъноси, савол шакли билан салгина қопланганлигига қарамасдан, яққол кўзга ташланиб туради. Ҳақиқатда эса улар: «Агар биз чўкиб кетсак ҳам Сенга барибир», — деб айтаётган эдилар.

Улар Худо Ўғлини раҳм-шафқатнинг етишмаслигида айблаётган эдилар. Ушбу Исога қарат қилинаётган қаҳр-ғазабга тўла ҳужум Худога нисбатан оддий муносабатга тўлиқ мос келади. Ношукур инсон томонидан қилинадиган бу каби шикоятларни Худо ҳар куни эшитишга мажбурдир. Инсонлар ғазабга тўла айбловлар билан самога қарата қайта-қайта ҳужум қиладилар. Худони «севмайдиган», «қаҳри қаттиқ», «узоқдаги» ва «бефарқ», деб атайдилар. Бизнинг фикримизча, Худо бизга Ўз шафқатини исбот қилиш учун етарлича иш қилмаган.

Исо Ўз шогирдларининг «саволи»га бирор бир тарзда жавоб берганлигига матнда ҳеч қандай кўрсатма йўқ. Унинг жавоби сўз босқичини қолдириб, ҳаракатга айланди. У Ўз сўзларини денгиз ва сувга нисбатан ишлатди:

«Шунда Исо туриб, шамолга дўқ урди ва кўлга:

— Жим бўл, бас қил! — деб қўйди. Шу онда шамол тинди ва чуқур сукунат бўлди. Исо шогирдларига:

— Нега бундай қўрқоқсизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ? — деди» (Марк. 4:39,40).

Исонинг ҳаёти мўъжизаларнинг ёрқин чакнаши эди. У шунчалик кўп мўъжиза содир қилдики, улар ҳақидаги ҳикоялар билан тўйиб қолиш ҳам мумкин. Бирор бир мўъжиза ҳақидаги ҳикояни ўқир эканмиз, биз ҳеч қандай ҳис-туйғусиз кейинги бетга ўтиб кетаверамиз. Бирок, биз бу ерда Исо томонидан содир қилинган энг ҳайратланарли мўъжизалардан бирига дуч келамиз. Биз бу ерда Унинг шогирдларида чуқур таассурот қолдирган воқеанинг гувоҳи бўламиз. Бу мўъжиза ҳаттоки уларнинг онгини ҳам ларзага келтирди.

Маълум бўлишича, Исо Ўз овозининг биргина товуши билан жазавага тушган табиий офатларни бошқара олар экан.

У ибодат қилмади. Ўз Отасидан уларни бўрондан қутқаришни илтимос қилмади. У фармон, илохий амр берди. Табиат шу заҳотиёқ итоат қилди. Шамол ўз Яратувчисининг овозини эшитди. Денгиз ўз Тангрисининг амрини таниди. Шамол шу дақиқадаёқ тинчиди. Ҳавода кичик бир шабада ҳам йўқ эди. Денгиз худди ойнадек тиниқ бўлди, унинг юзасида кичкина ажин ҳам йўқ эди.

Шогирдларнинг ҳаракатларига эътибор беринг. Энди денгиз сокинлашди, бироқ улардаги хавотир йўқолмади:

«Улар эса жуда қўрқиб, бир-бирига:

— Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса? — дейишди» (Марк. 4:41).

Бу ерда биз қизиқ ҳодисани кўздан кечирамиз. Бўрон ва жазавага тушган денгиз шогирдларни қўрқитиб юборганлиги — бу оддий бир ҳолат. Аммо, денгиз тинчланиб, хавф бартараф бўлгач уларнинг қўрқувлари ҳам денгиз қанчалик тез тинчланган бўлса, шунча тез йўқолиши керак эди. Бироқ бундай бўлмади. Энди, денгиз тинчлангач, уларнинг қўрқуви янада кучайди. Буни қандай тушунтириш мумкин?

Замонавий руҳиятшуносликнинг отаси ҳисобланувчи Зигмунд Фрейд, инсон табиат олдидаги қўрқуви туфайли динни ўйлаб чиқаради, деган ғояни олдинга сурган эди. Инсон ер қимирлаши, сув тошқини ёки касалликлар олдида ўзини ночор ҳис қилади. Худо — шахс. У билан гаплашиш мумкин. Биз У билан гаплашишга ҳаракат қилишимиз мумкин. Биз табиатнинг барбод қилувчи кучидан қутқаришни сўраб Унга мурожаат қилишимиз мумкин. Ер қимирлашига илтижо қилишдан фойда йўқ, сув тошқини билан битим тузиб бўлмайди ёки касалликлар билан савдолашиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам, Фрейднинг назариясига кўра, биз бу даҳшатли ҳодисаларни бартараф қилишда бизга ёрдам бериши учун Худони ўйлаб чиқарамиз.

Ушбу Муқаддас Китоб ҳикоясидаги диққатга сазовор жой қуйидагидан иборат: бўрон солаётган хавф бартараф бўлганидан кейин шогирдларнинг кўрқуви янада кучайди. Бўрон уларни кўрқувга солди. Офатни тинчлантирган Исонинг ҳаракатлари уларни бундан ҳам кучлироқ кўрқувга солди. Улар Масихнинг қудратида табиатнинг ҳар қанақанги ҳодисасидан ҳам кўра кўрқинчлироқ нарсани кўрдилар. Улар муқаддаслик ҳузурида турган эдилар. Қизиқ, Фрейд бу ҳақда нима деган бўлар эди? Инсонларга, муқаддаслиги уларни Уни ўйлаб чиқаришга ундаган табиат кучларидан ҳам кўпроқ даҳшатга солувчи Худони ўйлаб чиқариш нимага керак эди? Инсон муқаддас бўлмаган, фақатгина осойишталик олиб келадиган худони ўйлаб чиқарганида буни тушуниш мумкин? Бироқ, инсонни ер қимирлаши, сув тошқини ёки касалликлардан ҳам кўра кучлироқ даҳшатга солувчи Худони ўйлаб чиқариш нимага керак? Сув тошқини ёки рак касалининг қурбони бўлиш бир нарса бўлса, тирик Худонинг қўлига тушиши — бу умуман бошқа нарсадир.

Исо денгизни тинчлантиргандан кейин шогирдлар айтган сўзлар чуқур маънога эгадир. Улар: «Бу қанақа кишики, шамол ҳам, қўл ҳам Унга бўйсунса?», деб хитоб қилдилар. Улар Исони қайси туркумга жойлаштиришни, Уни кишиларнинг ўзлари билган қайси турига мансублигини билмас эдилар. Агарда биз инсонларни туркумларга ажрата олсак, у ҳолда уларга нисбатан қандай муносабатда бўлишни олдиндан билиб оламиз. Биз ўзимизга нисбатан рақибона ва дўстона кайфиятда бўлган кишиларга турлича муносабат билдирамиз. Идрокли кишиларга — битта муносабат, ижтимоий турга — бошқача муносабат. Шогирдлар Исо шахсини ўзига сингдира оладиган

туркумни топа олмадилар. У барча турлардан, ҳар қанақанги туркумлардан юқори эди. У *sui generis* — Ўз-Ўзи учун туркум эди.

Шогирдлар ҳеч қачон Унга ўхшаган инсонни учратмаган эдилар. Исо улар олдин учратган инсонларнинг бирортасига ҳам ўхшамас эди. У уларга бутунлай нотаниш бўлган, Ўз-Ўзича ягона бўлган Зот эди. Шогирдлар олдин турли кишилар — узун, қисқа, семиз, ориқ, ақли ва телба кишилар билан учрашган эдилар. Улар юнонларни, римликларни, сурияликларни, мисрликларни, самарияликларни ва ўзларига ўхшаш яҳудийларни кўплаб кўргандилар. Бироқ, улар ҳеч қачон муқаддас инсонни — шамол ва тўлқинлар билан гаплаша оладиган, уларни ўз иродасига бўйсундира оладиган инсонни учратмаган эдилар.

Исодаги денгизда бўрон турган пайтда ҳам ухлаш қобилиятининг ўзи бирмунча ғайритабиий эди. Бироқ, бу ноёб қобилият эмас. Мен яна самолётдаги қўшни ўриндиқда ўтирган кишини эсладим. У ҳам барча саросимага тушган вақтда бемалол ухлаб ётган эди. Фалокат вақтида ухлайдиган кишилар — ҳаётда камдан-кам учрайдиган ҳолат бўлиши мумкин. Камдан-кам, бироқ, учраб турадиган ҳолат. Менинг самолётдаги дўстим менда таассурот қолдирди. Бироқ, у уйғонмади ва ойнадан бошини чиқариб, шамолга бақирмади, ўз амри билан уни тинчлантормади. Агар у шундай қилганида, мен парашют қидиришга тушган бўлар эдим.

Исо бошқача эди. Шу нарса киши тасаввурини таажжубга солар эди. У мутлақ сирли бўлган нотаниш Зот эди. Инсонлар Исонинг ҳузурида ўзларини ноқулай сезишар эди.

Бўрон билан бўлган воқеа Исонинг хизматида ўзининг кичрайтирилган нусхасига эга. Бу ҳақдаги ҳикоя Луқо баён қилган Хушхабардан жой олган. Бу сафар воқеа Генисарет

кўлида бўлиб ўтади. (Баъзи вақтларда яхудийлар Жалила тоғининг ўртасида жойлашган катта сув ҳавзасини нима деб номлашга қийналишган кўринади. Генисарет кўли — бу бошқа жойларда Жалила денгизи деб аталадиган кўлнинг ўзидир.)

«Бир куни Исо Генисарет кўли ёқасида турганда, халойиқ Худонинг каломини тинглаш учун Унинг ҳузурида тирбанд эди. Исо кўл қиргоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Қайиқлардан бири Симоннинг қайиғи эди. Исо унга тушиб, қиргоқдан бир оз нарироқ сузиб боришни Симондан илтимос қилди. Сўнг ўтириб, қайиқ ичидан халққа таълим беришга тушди. Насихатларини тугатиб, Исо Симонга:

— Чуқурроқ сувларга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар, — деди. Симон жавоб бериб:

— Устоз, бизлар тун бўйи уриниб, ҳеч нарса туптолмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, — деди.

Улар Исонинг айтганини қилгач, жуда кўп балиқ овладиларки, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги ўртоқларига ёрдам беришлари учун ишора қилдилар. Ўртоқлари келиб, иккала қайиқни чўкар даражада тўлдириб олдилар» (Луқо 5:1-7).

Агарда шогирдлар Исога нисбатан муносабатларида бирор марта аччиқданиш ва хафагарчиликларини ифода қилган бўлсалар, бу айнан мана шу ҳолат эди. Бутрус чарчаган эди. У бутун тунни оёқда ўтказди. У омадсиз овдан таъби хира бўлиб ўтирган эди. Улар жуда ҳам кам балиқ овлай олган эдилар. Мохир балиқчининг кайфияти ёмонлашиши учун шунинг ўзигина етарли эди. Симоннинг чарчоғи ва хафагарчилигига, Исо таълим бераётганда унинг атрофида

эрталабдан буён айланишиб юрган оломонни ҳам кўшиб кўйиш лозим. Исонинг ваъзи яқунланганидан сўнг, Симон уйга кетишга ва ётиб ухлашга тайёр эди. Бунинг ўрнига Исо яна балиқ овига боришни хоҳлаб қолди. Исода ажойиб фикр — кўлнинг чуқурроқ жойига тўр ташлаш фикри пайдо бўлди.

Келтирилган қаторларни ўқиб чиқиб, Симон киноя билан: «Устоз, бизлар тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тутолмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман», — деганида, унинг аччиқланганлигини тушуниб олиш учун жуда кенг тасаввурнинг кераги йўқ. Агар Симонда Исонинг донишмандлигига нисбатан ҳақиқий ҳурмат бўлганида эди, у бундай ҳолатда оддийгина қилиб: «Мен тўрни ташлайман», — деб айтган бўлар эди. Бунинг ўрнига у ўз норозилигини билдиришни маъқул деб топди. Симон ўз сўзлари билан гўёки: «Исо, Сен ажойиб Устозсан. Биз Сенинг ваъзларинг билан сеҳрланиб қолдик. Сендан улуғроқ уламо йўқдир. Бироқ, илтимос, бизнинг сўзимизга ҳам озгина бўлсада ишон. Биз моҳир балиқчилармиз. Биз ўз касбимизни яхши биламиз. Биз бутун тунни кўлда ўтказдик, бироқ ҳеч нарса тута олмадик — тўрларимиз бўш қолди. Балиқ тўрга илинмаяпти. Кел, уйга бориб, ётиб ухлайлик ва омадимизни кейинроқ яна бир марта синаб кўрайлик. Бироқ, агар Сен сўзингда қаттиқ туриб олсанг, агар биз Сенинг инжиқликларингни бажо келтиришимиз керак бўлса, биз тўрларни ташлаймиз», дегандек бўлди.

Мен Симон Бутрус ва Андрейнинг қандай қилиб бир-бирларига маъноли назар ташлашларини ва Симоннинг бўлмағур сўзларни пичирлаган ҳолда ҳозиргина тозаланган тўрларни олиб, уларни сувга ташлашини тасаввур қила оламан. У: «Шу ваъзхонларнинг барчаси жонимга теғди! Буларнинг ҳаммаси бир хил. Улар ҳамма нарсани биламиз, деб ўйлашади», — деб ўйлаган бўлса керак.

Биз кейин нима бўлганини биламиз. Бутрус Исо кўрсатган жойга тўрни ташлаган заҳотиёқ тўр балиққа тўлди, худди Жалила денгизининг барча балиқлари шу турга келиб тушганга ўхшарди. Худди балиқлар ўртасида, ким тўрга биринчи бўлиб келиш мусобақаси ўтказилаётганга ўхшарди: «Охирида қолган — чириган илон балиқ!»

Тўрлар шунчалик кўп балиққа тўлдики, натижада оғирликни кўтара олмай йиртила бошлади. Бошқа шогирдлар ўз қайиқларида ёрдамга келишди. Аммо, балиқ шунда ҳам кўплик қилди. Иккита қайиқ шу даражада балиққа тўлдики, уларнинг эшаклари тикилиб қолди. Бу балиқчилар гувоҳ бўлган энг катта ов эди.

Бутрус бунга жавобан нима қилди? Сиз нима қилган бўлар эдингиз? Мен ўзим нима қилишимни биламан. Мен ўша жойнинг ўзида шартнома тузган бўлар эдим. Мен Исодан ҳар ойда бир марта беш дақиқага қирғоқ олдига келишни илтимос қилган бўлар эдим. Мен инсоният тарихдаги балиқчилик билан шуғулланувчи энг катта корхонанинг эгаси бўлар эдим.

Бизнес, фойда — Бутрус бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмади. Тўрлар йиртилиб кетганидан кейин, Бутрус ҳатто балиқларга ҳам қарамай қўйди. У фақат Исони кўриш қобилиятига эга эди. Бутруснинг сўзларига қулоқ солинг:

«Симон Бутрус буни кўрди-да, Исонинг тизига чўккалаб:

— Ё, Раббий! Менинг олдимдан кетгин, чунки мен гуноҳкор инсонман, — деди» (Луқо 5:8).

Бутрус шу дақиқада танада гавдаланган Муқаддасликнинг қаршисида турганлигини англаб етди. У ўзини кўярга жой топа олмас эди. Унинг биринчи ҳаракати итоат қилиш эди: у Масиҳнинг пойига тиз чўқди. «Раббим, мен Сендан завқланаман, мен Сени улуғлайман» каби сўзларни айтиш

ўрнига, у: «Илтимос, олдимдан кетгин. Илтимос, мени ёлғиз қолдир. Мен бунга чидай олмайман», — деди.

Масиҳ ҳаётининг тарихи — бу фақатгина Унга яқин бўлиш учун кишилар оммаси орасидан сиқилиб ўтишга ҳаракат қилаётган кўп сонли кишиларнинг тарихидир. Бу «Мени авф эт», деб бақираётган мохов кишидир. Бу қон оқиш касали билан оғриган, Унинг этагидан ушлашга ҳаракат қилаётган аёлдир. Бу Исонинг ўлимидан олдинги охириги сўзларини тинглаш учун қолган кучларини жамлашга ҳаракат қилаётган, хочга тортилган жиноятчидир. Бу: «Менга яқин кел. Менга нигоҳ ташла. Менга тегин», — деб гапираётган кўп сонли кишилардир.

Бутрус билан бундай бўлмади. Унинг Тангрига қилган қайғуга тўла ўтинчида бошқа маъно бор эди: у Исодан кетишни, унга жой беришни, ўзини ёлғиз қолдиришни илтимос қилди.

Нима учун? Узоқ вақт давомида мулоҳазалар юритишга зарурат йўқ. Матндан бунга жавоб излашнинг ҳам зарурати йўқ, чунки матннинг ўзи етарлича аниқлик билан Бутрус нима учун Исонинг кетишини хоҳлаганлиги кўрсатиб турибди: «Мен гуноҳкор инсонман». Гуноҳкор киши муқаддас инсоннинг қаршисида ўзини ноқулай сезади. Ночор киши ўзига ўхшаш ночорлар жамиятини афзал кўради. Ўғрилар ўртасида ҳам ўртоқлик мавжуд. Бироқ, ўғрилар полиция офицерлари билан бўладиган тасалли берувчи муносабатларни изламайди. Гуноҳкор ночорлик поклик билан бирга бўлишни хоҳламайди.

Исо Бутрусга гуноҳкорлиги учун таъна қилмаганлигини кўриб турибмиз. Бир оғиз ҳам таъна, бир оғиз айблов сўзи жарангламади. Исо қилган иш — бу Бутрусга балиқ овлашни кўрсатиш бўлди. Бироқ, муқаддаслик намоён бўлганда, ҳеч қандай сўзга ўрин қолмайди. Бутрус тушунмасликнинг иложи

йўқ бўлган нарсани тушунди. Барча дунёвий ўлчамлардан юқори бўлган тақводорлик ва покликнинг намунаси унинг кўз олдида ярақлади ва уни кўр қилиб қўйди. Бутрус ҳам Ишаёга ўхшаб парча-парча бўлиб кетди.

Бир ғаройиб тарихий далил мавжуддир. Исо имонсиз кишилар орасида ҳам яхши обрў-эътибор қозонган эди. Имонсиз кишининг Исо ҳақида ёмон сўз айтиши жуда кам учрайдиган ҳол эди. Жамоатга нисбатан очиқдан-очиқ қарши чиқадиغان ва масиҳийлардан нафратланадиган кишилар кўп ҳолларда Масиҳни кўкларга кўтариб мақтайдилар. Худонинг ўлими ва жамоатнинг инқирозга юз тутиши ҳақида гапирган Фридрих Ницше ҳам Исо ҳақида қаҳрамонликнинг намунаси, деб гапирган эди. Ницше ҳаётининг охириги йилларини жиннихонада ўтказди. У мактубларига «Хочга тортилган», деб имзо қўйиш билан ўзининг телбалигини ифода қилар эди.

Дунёнинг Исонинг тенгсиз етуклиги фойдасига берган гувоҳликлари чексиздир. Ҳаттоки, Исога нисбатан танқидий муносабатда бўлган Жорж Бернард Шоу ҳам Масиҳдан кўра юқорироқ намуна бўлиши мумкинлигини тасаввур қила олмас эди. У Исо ҳақида шундай деди: «У Ўзини масиҳий каби тутмаган ҳолатлар ҳам бўлди». Шоунинг ушбу сўзларидаги аччиқ кинояни сезмаслик мумкин эмас.

Ҳаттоки, Масиҳнинг илоҳийлигини ёки Унинг нажот бахш этувчи хизматини тан олишни истамайдиган кишилар ҳам, Уни аҳлоқий устунликка эришган инсон сифатида олқишлайдилар. Улар Понтий Пилатга ўхшаб хитоб қиладилар: «Мана, у Одам!», «Мен Ундан ҳеч қандай айб тополмадим!»

Ҳозирги замон кишиси Исони бунчалик даражада ҳурмат қилиши ва улуғлашини эътиборга олган ҳолда, жавоб бериш қийин бўлган саволни беришга тўғри келади: Исонинг

замондошлари нима сабабдан Уни ўлдирдилар? Нима учун оломон Унинг қонини сўраб қичқирди? Нима учун фарзийлар Ундан шунчалик даражада нафратланишди? Нима сабабдан олий тоифадаги диний суд шундай яхши, пок Инсонни ўлимга ҳукм қилди?

Замонавий Фаластинга ташланган назар ушбу жумбоқни ечишга ёрдам беради. Қуддуста ташриф буюрувчи зиёратчиларни шаҳарнинг — улар зиёрат қиладиган жойининг улуғворлиги ҳайратга солади. Тунда қадимий деворлар прожектор нурлари билан ёритилади ва бу Муқаддас Шаҳарга сеҳрли кўриниш беради. Агарда шаҳарга Зайтун тоғи томондан, Кидрон водийси бўйлаб ўтадиган чирмашиб кетган йўл орқали келинса, маъбад яқинида, шарқий девор олдида улуғворлик билан қад кўтариб турган «Пайғамбарлар эҳроми» ёдгорлигини кўриш мумкин. Ёдгорлик бу ерда асрлар давомида, Масих давридан буён турибди. Унда — Эски Аҳд давридаги буюк пайғамбарларининг тасвирлари худди яҳудийларнинг Пантеонидаги каби бўрттириб ишланган.

Исонинг даврида Эски Аҳд пайғамбарларига сиғинишар эдилар. Улар халқнинг ўтмишдаги буюк қаҳрамонлари ҳисобланар эдилар. Шунга қарамасдан, улар ҳаёт бўлган вақтда замондошлари улардан нафратланар, улар устидан кулар, уларни инкор қилар, ҳайдар ва ўлдирар эдилар.

Муқаддас Стефан биринчи масиҳий жафокаш бўлди. У ўз тингловчиларига қўллари қон билан булганганлигини эслатганлиги учун ғазабга тушган оломон томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилди:

«Эй энсаси қотганлар! Юраги ва қулоқлари суннат бўлмаганлар! Оталарингиз каби сизлар ҳам доимо Муқаддас Рухга қарши турасизлар. Оталарингиз пайғамбарлардан қайси бирини қувгин қилишмаган? Солиҳ Кишининг келишини

башорат қилиб айтганларни ҳам ўлдиришига-ку. Сизлар ҳам энди Ўшанинг хоинлари ва қотиллари бўлиб қолдингизлар. Сизлар Илоҳий Қонунни фаришталар буйруғи билан олиб, ўша Қонунга рия қилганингиз йўқ!» (Хав. 7:51-53).

Стефаннинг ушбу аччиқ сўзлари уни тинглаётган кишиларнинг юракларига кириб боради ва уларни тавба қилишга олиб келади, деб ўйлаш мумкин эди. Бироқ, бундай бўлмади:

«Кенгаш аъзолари бу сўзларни эшитгач, қутуриб жўшиб, Стефанга қарши тишларини гижирлатдилар... Улар бўлса қулоқларини беркитиб, овозлари борица қичқириб, ҳаммалари Стефан устига ёпирилди. Уни шаҳардан ташқарига судраб чиқиб, тошбўрон қилишди» (Хав. 7:54-58).

Кишилар маънавий устунликни, унинг эгаси улар учун хавфсиз бўлган масофа узоқлигида турган пайтда тан оладилар ва қадрлайдилар. Дунё Масиҳни узоқдан туриб хурмат қилади.

Исо унга жуда яқинга келмагунча, Бутрус У билан бирга бўлишни хоҳлар эди. Исо унга яқин келганида эса, Бутрус: «Илтимоc, кетгин», — деб хитоб қилди.

Бир неча йил аввал «Бутрус асоси» деб ном олган китоб бестселлерлар рўйхатида биринчи ўринга чиқиб олди. Бу китобда ифода қилинган асосий нуқтаи-назар ўша вақтдан бошлаб ишбилармон кишилар ҳаётида аксиомага айланди: корпоратив структураларда ишловчи кишилар токи тажрибасизлик даражасига етгунларига қадар хизмат пиллапоясида юқорига қўтарилиб борадилар. Агарда Бутрус нима сабабдан Исонинг ҳузурида ўзини ноқулай сезганлигини қисман тушунтириб беришини ҳисобга олмасак, «Бутрус асоси» ва Симон Бутрус ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқдир.

«Бутурс асоси» китобида тажрибали ва тажрибасизлик масалалари кўриб чиқилади. Ушбу китобдаги қилинган хулосалар, ишбилармон кишилар дунёсида юқори лавозимга кўтарилишни ўрганиб чиқишга асосланган. Бирор киши муваффақият билан ишлаётганда, уни юқори лавозимга тавсия қилишади ва у ўз тажрибасини оширади. Маълум бир вақтга келиб унинг ўсиши тўхтайдиган ва у муваффақият билан иш олиб бора олмай қолади. У фойдали ишлай олмай қолганидан сўнг, уни юқори лавозимларга тавсия қилмай қўйишади, натижада ўша хизматчи умрининг охиригача ўз тажриба даражасидан бир поғона баланд бўлган жойда ишлашга мажбур бўлиб қолади. Кишилар тузоққа тушиб қолишади. Улар ўзлари тажрибасиз бўлган даражада қолишга мажбурдирлар — бу эса уларнинг ўзлари учун ҳам, улар ишлаётган корхона учун ҳам ачинарли ҳолдир.

Барча кишилар ҳам бу китобда таърифлаб ўтилган қопқонга тушавермайдилар. Муаллиф бу каби тузоқларга ҳеч қачон тушмайдиган кишиларнинг икки туркумини айтиб ўтади. Бу ўта тажрибали ва ўта тажрибасиз бўлган кишилардир. Ўта тажрибасиз бўлган киши хизмат пиллапоясига юқори кўтарилиш имкониятига эга эмас, чунки уларда иш тажрибаси умуман йўқ. У тажрибага эга бўлган даража мавжуд эмас. У ташкилотнинг энг паст даражасида ҳам тажрибасиз бўлиб қолади. Бундай кишини ташкилотдан тезда бегона ўт каби «юлиб ташлашади».

Тузоқдан қутулиб қоладиган кишилар иккинчи гуруҳининг тақдири ғалатидир. Бу ўта тажрибали кишилар гуруҳидир. Бундай киши юқори лавозимга эга бўлиш учун хизмат пиллапояси поғоналаридан қандай қилиб кўтарилади? Ҳеч қандай. Муаллиф ўта тажрибали киши учун хизмат пиллапоясига юқорига кўтарилиш жуда ҳам қийинлиги сабабини кўрсатиб ўтади. Бунинг сабаби шундан иборатки, ўта

тажрибали киши ўзидан юқорида турган кишилар учун хавф туғдиради. Хўжайинлар ундан кўрқишади, ўринларини йўқотиб қўйишдан хавфсирашади. Бундай киши хўжайинлар учун хавфлидир, чунки у сабабли юқоридаги кишилар бойлик ва ҳурмат манбаи бўлган лавозимларидан ажралиб қолишлари мумкин. Ўта тажрибали киши юқори лавозимга битта корхонадаги хизмат пиллапояларидан кўтарилиш орқали эга бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, бу киши ўзидан юқорида турувчи шахсларга катта хавф солиб туради. Хўжайинлар ўзларининг турган ўринларини эгаллаб олишидан хавфсираб, ундан кўриқишади. Ўта тажрибали киши муваффақиятга бир ташкилотнинг ўзидаги хизмат пиллапоясидан юқorigа кўтарилиш орқали эмас, балки бир ташкилотдан иккинчисига «сакраш» орқали эришади. Бунда у ҳар доим олдингидан кўра бир поғона юқори кўтарилиб боради.

Бу назарияни ҳақиқий беъманилик, деб осонгина ташлаб юбориш мумкин. Кишиларнинг ўз корхоналарида тезлик билан энг юқори лавозимга эга бўлганликларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўз меҳнат фаолиятини югурдаклик билан бошлаган кўплаб директорлар мавжуддир. Муаллиф бу каби эътирозларга жавобан, ушбу таассурот қолдирувчи ҳикояларнинг ҳаммаси қоидани яна бир марта тасдиқловчи истиснолар, деб жавоб бериши аниқ.

Ҳақиқий статистика қандай бўлишидан қатъий назар, кўп ҳолларда ўта тажрибали кишилар энг паст қатламларда «қотиб қолишига» инкор қилиб бўлмайдиган далиллар мавжуддир, чунки улар ўзларидан юқорида турган кишилар учун хавф туғдирадидилар. Ҳамма ҳам муваффақият қозонган кишини олқишламайди. Мен коллежда ўқитувчи бўлиб ишлаган вақтимда, юқори курсда ўқийдиган бир талаба қиз бўлар эди. У менинг энг яхши ўқувчим эди. Унинг ўртача

баҳоси қатъий тўрт эди. Унинг ўқишида қандайдир ғайриоддийлик бор эди.

Бир куни ундан битириш имтиҳонини қабул қилаётганимда мен жуда ҳам ҳайратга тушдим. Талаба қизнинг жавоблари у учун хос бўлган даражадан шунчалик кескин фарқ қилар эдики, мен қандайдир жиддий воқеа содир бўлганини сездим. Мен уни ўз олдимга чақирдим ва нима гаплигини сўрадим. У бирданига йиғлаб юборди ва имтиҳонлардан ўз хоҳиши билан йиқилганини тан олди. «Нима учун?», — деб савол бердим мен. У кундан-кунга ортиб бораётган қўрқинч ҳиссини сезаётганлигини ва ҳеч қачон ўзига турмуш ўртоғи топа олмаслигидан қўрқаётганлигини тушунтирди. «Ҳеч қайси йигит мен билан учрашишни хоҳламайди, — деди у. — Уларнинг ҳаммаси мени жуда ҳам ақлли, деб ҳисоблашади, менда миядан бошқа ҳеч нарса йўқ, деб ўйлашади». У менга ўзининг ёлғизлиги ҳақидаги юракни эзувчи ҳикояни айтиб берди. У ўзини камситилган, талабалар шаҳарчасининг ижтимоий ҳаётдан ажратиб қўйилган, деб ҳисоблар эди.

Бу талаба жамият нуқтаи-назаридан қараганда кечириб бўлмайдиган гуноҳни содир қилаётган эди. У «эгри чизикни синдираётган» эди. Мен имтиҳонни «эгри чизик» бўйича топшириш нима эканлигини яхши биламан. Бу ҳолат менга талабанинг қулай вазияти тарафдан ҳам, ўқитувчи нуқтаи-назари томонидан ҳам жуда яхши таниш. Мен талабалик йилларимдаги имтиҳондан йиқилиб ёки тестни ёмон топшириб, аудиториядан чиқаётганда ўзим ҳис қилган даҳшатли ҳис-туйғуни яхши эслайман. Ўқитувчининг имтиҳон ёки тестни «эгри чизик бўйича» баҳолашга қилган ваъдаси менга қанчалик ёқимли эшитилганлиги ҳам эсимда. Бу, агар мен тест саволларининг фақатгина олтмиш фоизига тўғри жавоб берсам ҳам «эгри чизик»қа кўра «Г» дан «В» га, агарда

кўпроқ киши тестни ёмон топширса, у ҳолда «Б» га ҳам ўтишим мумкинлигини англатар эди. Мен бошқа кишининг йиқилиши мени қувонтирадиган ҳолатга тушиб қолар эдим.

Бироқ талабаларнинг ичида бошқаларга ўхшамайдиган бир киши топилар эди. Барча кишилар тест саволларининг 20-30 фоизга тўғри жавоб бериб, бу билан тестнинг нотўғри эканлигини рад этиб бўлмайдиган ҳолда исботлаётган ва ўқитувчига «эгри чизиқ» бўйича баҳолашга маънавий ҳуқуқ бераётган бир вақтда, албатта тестни 100 фоизга топширадиган битта ақлли, кишини ғазабини келтирадиган «онасининг эрка боласи» топиларди. Синф бирор марта бундай шахсни олқишлаганини эслай олмайман. «Эгри чизиқни синдирган» кишини ҳеч ким ёқтирмас эди. Мана шундай «ақлли» кишининг дастидан бизлар ҳаммамиз ёмон кўринамиз.

Исо Масиҳ ҳам «эгри чизиқни синдирар» эди. У бу борада тенги йўқ эди. У олий даражадаги «ўта тажрибали» эди. Жамият томонидан инкор қилинган кишилар Исони севар эдилар, чунки У уларга Ўз эътиборини қаратар эди. Бироқ, ҳокимиятни бошқарувчи, ҳурматга сазовор лавозимларни эгаллаган кишилар Ундан нафратланар эдилар.

Фарзийлар ўзларини Исонинг ашаддий душманлари, деб ҳисоблашар эди.

Фарзийлар партияси Эски Аҳд даврининг тугалланиши ва Янги Аҳд даврининг бошланиши ўртасидаги тарихий бурилиш пайтида юзага келди. Бу тариқатга Қонунга қатъий риоя қилувчи кишилар томонидан асос солинган. Фарзий сўзининг тўғридан-тўғри таржимаси «ажралиб чиққан», деган маънони англатади. Фарзийлар муқаддаслик соҳасида ажралиб чиқдилар. Муқаддасликка интилиш фарзийлар ҳаётининг асосий машғулоти ҳисобланар эди. Улар бу соҳада мутахассис ҳисобланишарди. Агарда ер юзида

муқаддасликнинг намоён бўлиши оддида бош кийимларини осмонга отадиган кишилар мавжуд бўлса, бу кишилар айнан мана шу фарзийлар эди.

Фарзийлар муқаддасликка эга бўлиш учун қилган ҳаракатлари туфайли ўзларининг художўй ва тақводорликлари учун халқнинг хурматига сазовор бўлдилар. Уларга тенг келадиган киши топилмас эди. Инсонлар уларни улуғлар эдилар. Байрамлар ва базмларда улар учун алоҳида жой ажратилар эди. Улар эътиқод масаласида мутахассис ҳисобланишар эди. Фарзийларнинг кийимлари уларнинг олий мақомини билдириб турадиган гажимлар билан безатилар эди. Улар ўзларининг олий ахлоқий сифатларини жамоат жойларида намоиш қилар эдилар. Фарзийлар рўза тутганигини чор-атрофдаги барча кишилар билар эдилар. Улар кўчаларнинг бурчакларида ва ошхоналарда дабдабали равишда бошларини ибодат учун эгиб ўтирар эдилар. Фарзий садақа бераётганда, буни шундай ҳашамат билан қилар эдики, гадейнинг қўлга тушган танганинг жарангини кўчанинг нарғи бошидан туриб ҳам эшитиш мумкин эди. Уларнинг «муқаддаслиги» кишилар эътиборига кўргазма қилинар эди.

Исо фарзийларни мунофиқ деб атади.

Исонинг фарзийлар қисматини таъкидловчи ҳукми, ҳикматли сўзлари мавжуддир: «Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар лоақал бирор-бир кишини ўз динингизга киритиш учун денгизлару қитғаларни айланиб чиқасизлар. Лекин буни амалга ошириб бўлгач эса, уни ўзингиздан икки баробар ёмонроқ дўзахи қиласизлар». Исо фарзийлар устидан қаттиқ ҳукм чиқарди. Масих уларни бир неча хилдаги мунофиқликда айблади. Келинг, Исонинг фарзийларга қарата билдирган айбловларидан баъзиларини кўриб чиқайлик:

«Уламолар ва фарзийлар Мусо минбарида ўтирибдилар. Шу боис улар сизга нимани бажаришни амр этсалар, бажо келтиринглар. Айтганини қилинг, лекин қилганини қилманг! Чунки улар ўз айтганларини бажармайдилар. Улар оғир ва кўтариб бўлмайдиган юкларни инсонлар елкасига ташлаб қўядилар, лекин ўзлари бу юкларга бармоқ тегизишни ҳам истамайдилар. Улар бутун ишларини инсонларга кўриниш учун қиладилар. Дуо қутиларини йирикроқ, кийимларининг гажимларини узунроқ қиладилар. Шунингдек, зиёфатларда тўрда ва ибодатхоналарда ҳурматли ўринда ўтиришни, халқ йигинларида алик олишни ва одамлар томонидан “Устозимиз, Устозимиз!” деб олқишланишни яхши кўрадилар» (Мат. 23:2-7).

Фарзийларда ҳеч қанақанги олийжаноблик йўқ эди. Уларнинг муқаддаслигида ҳақиқий гўзаллик йўқ эди. Улар қиладиган барча ишлар кишилар кўзига кўриниш учун амалга оширилар эди. Уларнинг муқаддаслиги бошдан-оёқ кўзбўямачилик эди. Мунофиқ фарзий тақводор киши ролини ўйнаётган актёр эди:

«Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар косаю лаганнинг сиртини тозалайсиз, аммо уларнинг ичи ўғрилиқ ва баднафсликка тўлиб-тошиб ётибди. Эй сўқир фарзий! Сен аввало коса ва лаганнинг ичини тозалаб ол, шунда уларнинг таши ҳам тоза бўлади. Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар ташқаридан чиройли кўринадиган, лекин ичи ўликларнинг суяклари ва ҳар хил қабиҳликларга тўла, оҳакланган қабрларга ўхшайсизлар. Гарчи ташқаридан инсонларга мўмин кўринсангизлар ҳам, лекин ичларингиз иккиюзламачилиқ ва ёмонликка тўладир» (Мат. 23:25-28).

Исо фойдаланган тасвирлар тўппа-тўғри юракка кириб боради. У фарзийларни фақатгина ташқариси тоза бўлган идишларга ўхшатади. Фараз қилинг, сиз ресторанда кофе олиб келишларини сўрадингиз ва официант сизга ташқаридан ялтраб турган, ичкараси эса кечаги кофенинг юкига тўла бўлган идишда кофе олиб келди. Бу сизнинг иштаҳангиз очилишига унчалик яхши ёрдам бермаган бўлар эди. Фарзийлар ҳам худди шундай инсон эдилар. Ташқаридан чиройли кўринадиган, ташқариси оҳакланган қабрларнинг ичида чириётган ва бадбўй ҳид чиқараётган тана ҳақидаги даҳшатли ҳақиқат мавжуд бўлгани каби, фарзийларнинг нақшлар билан безалган дарвозалари ортида уларнинг чирик кўнгиллари яшриниб ётар эди.

Исо фарзийлар учун асраб қўйган бир нечта қисқача эпитетлар ҳақида бир дақиқа фикр юритиб кўринг. «Сиз илонлар!» «Захарли илон зотлари!» «Басир пешволар!» «Дўзахилар!» Мурожаатнинг бу шаклларини ҳеч ҳам мақтов, деб бўлмаса керак. Бу кишиларни фош қилаётганда Исо шафқатсиз ифодаларни аямади. Унинг сўзлари шафқатсиз эди. Бу Унга хос эмас, бироқ тўғри эди. Исонинг фарзийларга мурожаат қилиш усули, Унинг оддий сўзлашув усулидан фарқ қилар эди. Оддий ҳолатларда У гуноҳкорларга юмшоқ сўзлар билан таъна қилар эди. Зино қилишда айбланган аёл ва қудуқ олдидаги аёл билан ҳам юмшоқ оҳангда, бироқ қаттиққўллик билан муомала қилди. У Ўзининг шафқатсиз сўзларини «катта болалар», муҳим кишилар, уламолар учун сақлаб қўйганга ўхшарди. Масих улардан кечирим сўрамади, Ўзи ҳам уларни аямади.

Баъзан, фарзийлар Исони ўзларини қаттиқ танқид остига олгани учун ёмон кўрганлар, деган мулоҳазаларни ҳам келтиришади. Ҳеч кимга, айниқса обрў-эътиборга эга бўлган кишига уни танқид қилган одам ёқмайди. Бироқ, фарзийлар

нафратининг илдизи ундан чуқурроқдир. Исо уларга ҳеч нарса демаганида ҳам, фарзийлар Уни ёмон кўришган ва Ундан нафратланишган бўлар эди, деб тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин. Исонинг ҳозир бўлишигина фарзийларни Ундан ўзларини четга олишга мажбур қилар эди.

Қадимдан қолган шундай сўз бор: ҳеч нарса ёлғонни ҳақиқатдек тез парчалаб юбора олмайди. Ҳақиқий қимматбаҳо буюмгина иккинчисининг қалбаки эканлигини кўрсатиб бера олади. Моҳирона қилинган қалбаки долларни оддий кўз ёрдамида ҳақиқийсидан ажратиб бўлмайди. Ҳар бир қалбаки пул қиладиган инсон нимадан кўрқади? Кимдир у ясаган пулни ҳақиқийси билан солиштириб кўриши мумкинлигидан. Исо ҳақиқий эди, фарзийлар эса — қалбаки ва Исо уларнинг орасида юрарди. Унинг ҳақиқий муқаддаслиги аниқ эди. Қалбаки муқаддаслик остида юрган кишиларга бу ёқмас эди.

Саддуқийлар ҳам Исога нисбатан худди шундай муносабатда эдилар. Саддуқийлар ўз даврининг олий табақадаги руҳонийлари эдилар. Улар ўз номларини Эски Аҳд даврида яшаб ўтган руҳоний Садўқнинг номидан олганлар. Унинг исми яҳудий тилидаги «тақводор» деган сўздан келиб чиққан. Фарзийлар ўзларини муқаддас, деб ҳисоблаган бўлсалар, саддуқийлар ўзларини тақводор кишилар деб ҳисоблашар эди. Исо пайдо бўлганидан кейин уларнинг тақводорлиги бошқаларникидан фарқ қилмай қолди. Эгри чизик яна синди.

Фарзийлар ва саддуқийларнинг Исога нисбатан ғазоби бошда оддий хафагарчилик кўринишида эди. Кейинчалик бу хафагарчилик ўрнини аста-секин ғазаб эгаллади ва охи-роқибатда Унинг ўлимини истовчи қаҳрли талабга айланди. Улар Исони кўришга тоқат қила олмас эдилар. Жалила денгизида шогирдлар Исони кишиларнинг қайси тоифасига

киритишни била олмай ўйланиб қолган эдилар. Улар ўзларининг: «Бу Инсон ўзи Ким?», деган саволларига ўзлари жавоб топа олмай қолдилар. Фарзийлар ва саддуқийларда жавоб тайёр эди. Улар Исо учун махсус тоифа яратдилар: Исо улар учун «шаккок» ва «иблис» эди. У кетиши керак эди. Ўта тажрибалини йўқ қилиш зарур эди.

Масих ҳозир танада дунё бўйлаб юрмайди. У осмонга кўтарилди. Ҳозирги кунда ҳеч ким Исони инсон танасида кўрмайди ва У билан худди инсон билан гаплашаётгандек гаплаша олмайди. Шунга қарамасдан, Исо муқаддаслигининг хавф солувчи қудрати ҳали ҳам сезилиб туради. У баъзан Унинг кишиларига ўтади. Бир вақтлар, Синай тоғининг этагида, яҳудийлар Мусонинг кўзни қамаштирувчи нур таратаётган юзидан даҳшатга тушиб қочганлари каби, ҳозирги кунда ҳам инсонлар масихийларнинг ҳузурида ўзларини ноқулай сеза бошлайдилар.

Менинг таълим олиш жараёнимнинг энг қийин даври голланд тилини ўрганиш вақтимга тўғри келади. Бу голланд тили билан олиб борилган ҳақиқий уруш эди. Мен уни яхшироқ эгаллаш учун Голландияга бордим. У ерда мусиқа каби — худди жилғанинг қувноқ кўшиғига ўхшаб жарангловчи бу тилнинг олдида ўзимни ўзим йўқотиб қўйганга ўхшаб ҳис қилдим. Унли товушларни талаффуз қиламан, деб тилимни синдиришимга оз қолди. Кўп сонли ибораларни эса ҳеч қачон ёдлаб ололмасам керак деб ўйладим. Ҳар сафар, бу тил устидан «ғалаба қозондим», деб ўйлаган вақтимда, маъноси мен учун бутунлай нотаниш бўлган янги бир иборани эшитар эдим.

Мен бир куни Амстердамдаги бир дўстимнинг ўйида, кечки овқат вақтида айнан шунга ўхшаш бир иборани эшитдим. Қизғин суҳбат бўлаётган эди, сўнгра у бирдан узилиб қолди ва орага ноқулай сукунат чўкди. Голланд дўстларимдан бири жимжитликни бузиш учун: «Er gaat een Domine

voorbiy!», — деди. Мен шу заҳотиёқ жавоб қайтардим: «Нима дедингиз?» алати жумла яна қайтарилди. Мен сўзларнинг маъносини билар эдим, аммо мен учун ифода тўлиқлигича маънога эга эмас эди. Яна ноқулайлик пайдо бўлди. У ноқулайликни бартараф қилиш учун жумлани таржима қилиб берди: «Жамоат хизматчиси ёнимиздан ўтиб кетди».

Мен яна бу ерда гап нима ҳақда бораётганлигини тушунтириб беришни дўстларимдан илтимос қилдим. Улар Голландияда, агарда қизгин ва ёқимли суҳбат давомида умумий кайфиятни бузишга хавф солмоқчи бўлган ноқулай сукунат чўкса, мана шу жумлани айтиш қабул қилинганлигини тушунтириб беришди. Жамоат хизматчиси ёнимиздан ўтиб кетди дейиш — бу тўсатдан пайдо бўлган жимжитликнинг сабабини тушунтириш демақдир. Бунинг ғояси шундан иборатки, дўстона базмдаги қувноқ кайфиятни ҳеч ким руҳоний каби тез буза олмайди. Жамоат хизматчиси пайдо бўлдимиз — шод-хуррамлик тугайди. Энди ҳеч ким кула олмайди, қизгин суҳбат ҳам бўлмайди, фақатгина жимжитлик. Шу каби жимжит, ноқулай сукунат чўкса, бунинг жамоат хизматчиси ўтиб кетди, деб тушунтирадилар.

Мен гольф ўйнаётган вақтимда ҳам шу каби ҳодисага тез-тез дуч келаман. Агарда мен нотаниш кишилар билан бир жуфтликка тушиб қолсам, нима билан шуғулланишимни сўрамагунларига қадар ҳаммаси яхши боради. Шеригим менинг жамоатда ишлашимни билгач, шу заҳотиёқ бутун вазият ўзгара бошлайди. Суҳбат пайтида у мендан узоқроқ туришга ҳаракат қилади. Худди у қандайдир оғир шаклдаги юқумли касаллик билан оғриганимни билиб қолганга ўхшаб кўрилади. Кейин у оғзидан чиқиб кетган гаплар учун узр сўрай бошлайди. «Сўкинганим учун мени авф этинг. Мен сизнинг жамоат хизматчиси эканлигингизни билмабман». Худди жамоат хизматчиси бу каби сўзларни олдин эшитмаган, бутун

ҳаёти давомида унинг ўзи шу каби сўзларни тилга олганлиги эҳтимоли эса бутунлай нолга тенг. Ишаёёнинг муаммоси, нопок оғизлар муаммоси ҳали ҳам биз билан биргадир.

Муқаддас Китобда, қонунсиз киши орқасидан ҳеч ким қувмаса ҳам қочади, деб айтилади. Лютер буни қуйидагича ифода қилди: «Мажусий киши озгина шамол бўлса ҳам титрайди». Руҳоний кишининг олдида турган кишиларда пайдо бўладиган ноқулайлик ҳисси, жамоатни Масих билан ўхшатишдан келиб чиқади ва бу кишиларга ғалати таъсир кўрсатади.

Бир неча йил олдин энг моҳир гольф ўйинчиларидан бирини икки жуфтлик ўртасидаги ўтказиладиган мусобақага таклиф қилишди. Қолган учта ўйинчилар Қўшма Штатлар президенти Жеральд Форд, Жен Никлз ва ваъзхон Билли Грэмлар эди. Гольф ўйинчиси, албатта, бу инсонларни ҳурмат қилар эди. Айниқса, Форд ва Билли Грэм билан бирга ўйнаш у учун бир шараф эди (Никлз билан у авваллари ҳам бирга ўйнаган эди).

Ўйиннинг бир раунди тугагач, бошқа бир моҳир ўйинчи унинг ёнига келди ва ундан: «Президент ва Билли Грэм билан бирга ўйнаш қанақа экан?», — деб сўради.

Биринчи ўйинчи бир дунё лаънат ёғдирган ҳолда, нафрат билан жавоб берди: «Билли Грэмнинг ўз таълимотини томоғимга тикиши менга керак эмас». У шу сўзлар билан бурилди ва шуғулланиш жойига қараб кетди.

Дўсти унинг ортидан борди. У эса ўз битасини олиб, ғазаб билан ота бошлади. Унинг бўйни худди қисқичбақаники каби қизариб кетган, қулоқларидан эса буғ чиқаётганга ўхшарди. Унинг дўсти ҳеч нарса демади, ўриндиққа ўтириб, уни кузатди. Бир неча дақиқадан сўнг ўйинчининг ғзаби тарқади. У ўзини босиб олди. Дўсти ундан секингина сўради: «Билли ўзини

қўпол тутдими?» У бошини қуйи солди ва чуқур нафас олиб, жавоб берди: «Йўқ, бу раунд мен учун омадсиз бўлди холос».

Таажжуб. Билли Худо, Исо ёки таълимот ҳақида бир оғиз ҳам сўз очмади, бироқ ўйиндан сўнг бу ўйинчи Биллини, унинг томоғига таълимотни тиқишга ҳаракат қилганликда айблади ва Биллининг олдидан кетиб қолди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг изоҳи шундоққина кўриниб турибди: Билли Грэм бирор нарсани гапириши зарур эмас эди. Спортчи ўзини ноқулай сезиши учун, Билли у тарафга қараши ҳам шарт эмасди. Билли Грэмнинг қиёфаси таълимот, Худо ғояси билан шу даражада чамбарчас боғланиб кетганки, у ҳозир бўлган ҳар бир жойда «қонунсиз киши» ҳеч ким орқасидан қувмаса ҳам қочишга мажбур бўлади. Лютер ҳақ эди, ҳақиқатдан ҳам, мажусий озгина шамол бўлса ҳам қалтирайди. У ўз ортида осмоннинг нафасини сезади ва у ўзини қувиб келаяпти деб ўйлайди. Муқаддаслик унчалик етук бўлмаган, фақатгина қисман муқаддас қилинган инсон қиёфасида бўлса ҳам, «қонунсиз киши»ни қочишга мажбур қилади.

Моҳир гольф ўйинчисининг Билли Грэмга нисбатан жавоби, Бутруснинг Масихга нисбатан жавобига ўхшашдир. «Мендан кет, мен гуноҳкор инсонман». Муқаддаслик ҳузурида туриш уларнинг ҳар иккаласига ҳам жароҳат етказди. Муқаддаслик адоват хиссини уйғотди. Муқаддаслик ўзини қанчалик кўпроқ намоён қилса, унга нисбатан қаратилган инсоний адоват ҳам шунчалик кучлироқ бўлиб боради. Бу телбаликка ўхшайди. Ер юзида Исо Масихдек севгига тўлиб тошган бошқа инсон йўқ. Шунга қарамасдан, Унинг севгиси ҳам инсонларни ғазабга солар эди. Унинг севгиси етук севги, трансцендент ва муқаддас севги эди, бироқ айнан мана шу севги инсонларни жароҳатлар эди. Бу каби севги шунчалик удуғворки, биз бундай севгини кўтара олиш қобилиятига эга эмасмиз.

Америка адабиётида кенг ўқувчилар оммасига таниш бўлган бир ҳикоя мавжуд. Бу ҳикояда севгининг барбод қилувчи кучи ҳақида гапирилади. Бу ғалати севги. Бу севги шунчалик шиддатлики, у ўзи яхши кўрадиган ҳар бир нарсани ҳалок қилади. Жон Стейнбекнинг ижодини ўрганадиган кишилар, унинг асарларидаги энг машҳур қаҳрамонлардан бири, «Сичқонлар ва инсонлар ҳақида» романидаги Линни — Масихнинг тимсоли, деб фараз қилишади.

Линни — Масих? Бундай фараз кўпгина масихийларни ҳақорат қилган бўлиши мумкин эди. Линни — «бефаҳм ҳайвон». У қотил. Масихни қандай қилиб шундай одам билан тенглаштириш мумкин? «Сичқонлар ва инсонлар ҳақида» асари — бу қишлоқлар оралаб саёҳат қилиб юрувчи ва у ёки бу ерда ишлаб, ўз хусусий фермаларига эга бўлиш ҳақида орзу қилувчи икки ишчи, Линни ва Жорж ҳақидаги ҳикоядир. Стейнбек уларни қуйидагича тасвирлайди:

«Уларнинг иккаласи ҳам дагал, паҳмоқ матодан тикилган, мис тугмали кўйлак ва шим кийган эдилар. Иккаласи ҳам қора шаклсиз шляпа кийган, елкаларига ихчам қилиб ўралган кўрна осиб олган эдилар. Улардан бири кичкина, ҳаракатчан, юзлари қорайган, кўзлари нотинч ва кучли феъл-атвор эгаси эканлигини ифода қилиб турувчи юз тузилишига эга бўлган киши эди. Унинг ҳамма жойи яққол кўзга ташиланиб турар эди: кичкина кучли қўллар, ингичка биллак, ингичка суякли бурун. У кишининг ортидан унга тўлиқ тескари бўлган: шаклсиз юз, катта-катта рангсиз кўзлар ва кенг, осилиб турувчи елкаларга эга бўлган улкан киши келар эди. Унинг қадам босиши оғир, худди айиққа ўхшаб, оёқларини лапанглаб босар эди. Юрганда у қўлларини силкитмай, уларни икки томонга осилтириб юрарди».

Асарнинг бу икки қаҳрамони ўртасидаги фарққа эътибор беринг. Жоржнинг юз тузилиши аниқ тасвирланган, Линнининг юзи эса шаклсиз. Ушбу катта, қўпол кишида англаб бўлмайдиган нимадир бор эди. У худди айиққа ўхшаб юради, бироқ, унинг онги ёш боланики каби эди. Линни — ақли заиф киши. У Жоржсиз бутунлай ночор бўлиб қолади. Жорж у ҳақда ғамхўрлик қилади ва энг оддий сўзлардан фойдаланган ҳолда у билан суҳбатлашади.

Линнининг ғалати одати бор. У кичкина момик ҳайвонларни — сичқонлар, қуёнлар ва шунга ўхшашларни яхши кўради. У Жорж иккаласи учун ферма сотиб оладиган кун ҳақида орзу қилади. Шунда у қуён ва сичқонларни боқиши мумкин. Бироқ, Линнида бир муаммо бор. У ўз кучини бошқара олмайди. У ердан сичқон ёки қуённи кўтариб олгач, уларни севишни, уларга нисбатан ўз меҳрини намоёиш қилишни хоҳлайди. Бироқ, момик жонзотлар бунини тушунмайди. Улар кўрқади ва Линнининг қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилдилар. Линни уларни қўйиб юбормаслик учун, ҳайвонлар унинг севгисини янада яхшироқ ҳис қилсин учун кафтини янада қаттиқроқ сиқади. У ўзининг оғир қўллари билан беихтиёр равишда уларни ўлдириб қўяди.

Линнининг кичкина момик ҳайвончаларга нисбатан севгиси — ҳар доим Жоржнинг аччиқланишига сабаб бўлади. У қўйлагининг чўнтагига ўлган сичқонни солиб юрган Линнини кўриб қолса ғазабга тушади. Бу унда нафрат уйғотади. Бироқ, Жорж Линнини ўз ўғлидек яхши кўради ва шу сабабли унинг кичкина камчиликларига чидайдди. Ҳал қилувчи дақиқа, Линни ишчилардан бирининг хотини билан ёлғиз қолганида юз беради:

«Кэрлининг хотини унга қараб туриб, кулиб юборди.

Сен галатисан, — деди у. — Бироқ, сен ёмон болага ўхшамайсан. Худди катта гўдакка ўхшайсан. Бироқ, киши хоҳласа, сени тушуниш мумкин... Баъзан сочимни тараганимда, уларни ҳурпайтираман, чунки менинг сочларим жуда ҳам юмшоқ. — Убун қандай қилиб қилишини кўрсатиш учун қўллари билан бошини силади. — Баъзи кишиларнинг сочи қаттиққина, — деди аёл бепарволик билан ўз-ўзига бино қўйган оҳангда. — Мана масалан, менинг Кэрлимни олайлик. Унинг сочлари худди симга ўхшайди. Бироқ менинг сочларим — юмшоқ ва чиройли. Албатта, мен уларни тез-тез тараб тураман. Шу сабабдан улар янада гўзаллашади. Мана — бу жойига тегиниб кўр. — У Линнининг қўлини ушлаб, ўз сочларининг устига қўйди: — Бу ерини ушлаб кўргин — юмшоқлигини сезаяпсанми?

Линни ўзининг катта бармоқлари билан унинг сочини силамоқчи бўлди.

— Эй, сочимни бузиб ташлама! — деди аёл.

Линни:

— О! Бу ёқимли экан, — деди ва янада қаттиқроқ силай бошлади. — О! Бу ёқимли экан.

— Эҳтиёт бўл, сен менинг соч турмагимни бузиб юборасан. — Сўнгра аёлнинг жаҳли чиқди ва Линнига бақирди. — Ҳозироқ бас қил, сочимни ҳурпайтириб ташладинг. — У бошини тортиб олмоқчи бўлди, бироқ Линнининг бармоқлари унинг сочига ёпишиб олиб, уни қаттиқ ушлаб турар эди. — Қўйиб юбор! — қичқирди аёл. — Эй, мени қўйиб юбор!

Линни эсанкираб қолди. Унинг юзи бужмайиб кетди. Шунда аёл қичқириб юборди ва Линни иккинчи қўли билан унинг оғзини ва бурнини ёпди.

Илтимос, бундай қилма, — деб ёлворар эди Линни. — Илтимос қиламан, бундай қилишнинг кераги йўқ. Жоржнинг жаҳли чиқади.

Аёл жон ҳолатда унинг қўлидан чиқиб кетишига уринар эди. У оёқлари билан деворни тепар, силкинар эди. Линнининг қўл остидан бўғиқ фарёд эшитилди. Линни қўрққанидан йиглаб юборди.

— Илтимос қиламан, бундай қилма, — ёлворар эди у. — Жорж бунинг учун мени уришади. У менга қуён боқиш учун рухсат бермай қўяди.

Унинг қўли бир оз ёнга сурилди ва аёлнинг бўғиқ фарёди ташқарига чиқди. Шунда Линнининг жаҳли чиқди.

— Қани жим бўл, — деди у. — Мен сенинг қичқиришингни истамайман. Жорж тўғри айтади — мен сен туфайли кўнгилсизликларга дучор бўламан. Ҳозироқ бас қил.

Аёл эса унинг қўлидан чиқиб кетишига ҳаракат қилишда давом этарди. Унинг кўзлари даҳшатдан кенгайиб кетди. Линни уни силкита бошлади. Линнининг жаҳли чиқди.

— Бақришни бас қил, — дер эди у. Линни уни силкитишда давом этар, аёлнинг танаси эса, худди қиргоққа чиқиб қолган балиқ каби типирчилар эди. Кейин аёл жим бўлиб қолди, чунки Линни унинг бўйинини синдириб қўйган эди».

Сичқонларни ўлдириш бошқа, одам ўлдириш бошқа. Бу сафар Линнининг ғалати қизиқиши ҳаддидан ошиб кетди. Жорж Линнини олиб қочди. Улар ўзларини қувиб келаётган шериф отрядидан мамлакат ичкараси томон қочиб кетар эдилар. Улар Шўр дарёнинг айлана бўлиб оқадиган жойи ёқасига етиб келдилар ва дам олиш учун ўтириб, суҳбатлаша бошладилар. Линни ўз қилмиши учун Жоржнинг уришишини пойлаб ўтирар эди. Сўнгра Линни Жорждан вақти келиб

уларники бўладиган ферма ҳақида яна бир марта сўзлаб беришни илтимос қилди.

«Линни:

— Бу қандай бўлишини сўзлаб бер, — деди.

Жорж узоқдан эшитилаётган овозларга қулоқ солди. Ушбу дақиқада унинг кўриниши жуда ҳам ташвишли эди.

— Нарги қиргоққа қара, Линни, мен сенга шундай ҳикоя қилиб бераманки, сен бунга ўз кўзинг билан кўрасан.

Линни бошини бурди ва дарёнинг нарги қиргоғига, Габилян чўққилари қорайиб турган томонга тикилди.

— Биз унчалик катта бўлмаган жойни сотиб оламиз... — деб ўз ҳикоясини бошлади Жорж.

Линни нарги қиргоққа тикилиб, у ерда ўз орзусидаги фермани кўраётган бир вақтда Жорж чўнтагидан револьвер чиқазди. Линнининг диққат-эътибори ўз атрофида югуриб юрган хаёлий қуёнлар ва жўжаларда эди. Шерифнинг отряди жуда яқинлашиб қолганда, Жорж нишонга олди ва тепкини босди.

Отряд бошлиғи Слим биринчи бўлиб кўринди.

У яқин келди, ерда ётган Линнига тикилди, сўнгра яна Жоржга қаради.

— Аниқ энсага, — секингина гапирди у.

Слим тўғри Жоржнинг олдига келди ва унинг ёнига ўтирди, унга жуда яқин ўтирди.

— Кўй, ўйлама, — деди Слим, — баъзан шундай қилишга тўғри келади».

«Баъзан шундай қилишга тўғри келади». Баъзида, агар кишилар вайронагарчилик олиб келсалар, уларни қатл

қилишга тўғри келади. Бошқаларнинг тақдирини барбод қиладиган кишиларни кечириб бўлмайди. Линнининг барбод қилувчи ҳаракатлари ортида соддадил севги кучи мавжудлиги аҳамиятга эга эмас. Унинг севгисида ҳеч қандай яширин оҳанг йўқ эди. У ҳеч кимни алдамади, ҳеч кимни васвасага солмади. Унинг севгиси пок севги эди. У ўзига қаршилиқ кўрсатганларни шу севги кучи билан бўғар эди. Жорж бошқача йўл тута олмас эди. У, Линни бу дунёда яшай олмаслигини билар эди. Линни ўлиши керак эди. Линни қўли теккан барча нарсага жароҳат етказар эди.

Масих билан ҳам худди шундай бўлди. Дунё Унга тоқат қила олмади. Инсонлар Уни фақат узоқдан туриб севар эдилар. Бугунги кунга келиб, Масих биз учун хавфсиз бўлиб қолди, У вақт ва фазо билан қаттиқ боғланган. Бироқ, Масих бизнинг давримизда — адоватли инсонлар дунёсида ҳам яшай олмас эди. Каяфа халқ учун Исо ўлиши керак, деб ҳукм қилди. Бизда ҳам шундай қабул қилинган. «Баъзан шундай қилишга тўғри келади».

5-БОБ

Лютернинг телбалиги

Худонинг Худо бўлишига
йўл қўйиб беринг.

МАРТИН ЛЮТЕР

Агарда биз ўз онгимизни Худонинг муқаддаслиги атрофида жамлайдиган бўлсак, у ҳолда бунинг натижа си ташвишли бўлиши мумкин. Руҳи Худо шахсини чуқур ҳис қилиш натижасида чексиз ҳайратга тушган инсонлардан бири Мартин Лютер эди. Лютернинг ғайриоддий феъл-атвори, шубҳасиз, Худони ўрганиш таъсири остида шаклланди. Бу ҳол унинг шахсини ривожлангирдими ёки буздими? Худо билан учрашиш таъсири остида унинг руҳи покландими ёки бу учрашув уни мажруҳ қилиб қўйдими?

«Мен Худони севаманми? Баъзида мен Ундан нафратланаман!» Лютердек ўз диний интилишлари туфайли ҳурматга сазовор бўлган кишининг оғзидан бундай сўзларни эшитиш кишини ҳайратга солади. Бироқ, у шундай деган. У ўзининг «ғазаблантирадиган» фикрлари билан машҳур бўлди. «Баъзан менга Масих — бу қўлида қилич ушлаб келадиган қўрқинчли ҳакамдан бошқа ҳеч ким эмасдек бўлиб туюлади». Ва: «Бу Мусони деб киши ўзини-ўзи осиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас!»

Бу инсон телба эдими? Бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилишдан аввал, у ҳақда телба деган тасаввур пайдо бўлишига сабаб бўлган Лютер шахсининг хусусиятлари ва ҳулқининг ўзига хос томонларини кўриб чиқайлик.

Лютер феъл-атворининг биринчи хусусияти — бу унга хос бўлган тез ғазабланиш ва тилининг ёмонлиги. У ўзини танқид қилувчи кишиларни «итлар», деб аташни яхши кўрар эди. Танқидчиларнинг ўз асарига нисбатан танқидларини эшитган пайтда у: «Итлар вовулланишни бошлади», — дер эди. Унинг маърузалари вақти-вақти билан кўпол, очикдан-очик уятсизликларга тўла бўлар эди.

Мисол сифатида Эразм Роттердамскийнинг «Фош қилиш» асарига Лютернинг жавобини кўриб чиқайлик:

«...Менда сизнинг далил-исботларингизга жавоб қайтариш — вақтни бутунлай бекор ўтказиш деган таассурот пайдо бўлаяпти. Менинг ўзим уларнинг нотўғри эканлигини кўп марта исбот қилдим, Филипп Меланхтон ўзининг илоҳиёт таълимотларига бағишланган бебаҳо меҳнатида уларни ер билан битта қилиб ташлади. Менинг фикрим бўйича, токи ўқиш тушунчаси мавжуд экан, унинг бу китоби уни ўқишга арзийди. Бу китоб жамоат қоидалари сафидан муносиб ўрин олиши керак. Агарда сизнинг «асар»ингизни у билан солиштириб кўрадиган бўлсак, сизнинг ижод маҳсулингиз ўзининг арзимаслиги билан кишини шу даражада ҳайратга соладики, сиз ўзингизнинг ажойиб, дабдабали нутқингизни шундай ярамаслик билан буллаганингиз сабабли менинг юрагим сиз учун қонга тўлди. Менинг фикримча бундай бемазаликни шундай камдан-кам учрайдиган нотиклик либоси билан беаш — бу богдан чиққан ахлат ёки гўнгни олтин ва кумуш идишларга солиб ташиш билан тенгдир»¹.

¹ Мартин Лютер, «Ирода асирлигида», Ж. И. Пакер ва О. Р. Жонсон тарж., Ревелл, 1970. — Martin Luther, *The Bondage of the Will*, trans. J. I. Packer and O. R. Johnson (Revell, 1970).

Лютернинг тўполончилиги Марбургдаги муҳим учрашув пайтида кўринди. Ёш протестантлик ҳаракатининг раҳбарлари Қутлуғ Кечага нисбатан бўлган келишмовчиликни бартараф қилиш учун йиғилдилар. Суҳбатнинг ўртасига келиб Лютер қайта-қайта: «Hoc est corpus meum, hoc est corpus meum», — деб, столни муштлай бошлади. («Бу менинг танам».) Унинг бу қилмиши бизга Никита Хрушевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қизишиб кетиб, оёқ кийими билан минбарга урганлигини эслатади. Бу унга сўнмас шуҳрат олиб келган эди.

Шубҳасиз, Лютер вақти-вақти билан ўзини тута олмай қолар эди. У манманликка тоқат қила олмасди. У кишиларни тез-тез ҳақоратлар эди (масалан, уларни итлар деб атар эди). Буларнинг ҳаммаси Лютер хулқининг ахлоқли эканлигига шубҳа қилишга мажбур қилса ҳам, ҳали уни телба дейишга асос бўла олмасди.

Бироқ бу ерда оддий суҳбат услубидан кўра каттароқ нарса бор. Вақти-вақти билан унинг ҳатти-ҳаракати очиқдан-очиқ ғалати бўлар эди.

У бир қатор фобиялардан азоб чекар эди. Лютер қандай қилиб кучли момақалдироқда қолиб кетганлиги ҳақидаги ҳикоя кўпчиликка танишдир. Яшин унинг ёнгинасига шундай куч билан урилдики, натижада Лютер ерга қапишиб қолди. Жамоатнинг буюк тарихчиси ва Лютернинг таржимаи ҳолини ёзган Роланд Бейнтон бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

«Бу воқеа Стоттернхеймдаги саксон қишлоқларидан бирининг чеккасида содир бўлган эди. 1505 йилнинг жазирама июль куннда, ёлғиз йўловчи иссиқдан ёрилиб кетган йўл бўйлаб зўрга судралиб борар эди. Бу паст бўйли, бақувват гавдали, университет талабалари каби кийинган ёш йигит эди. Тўсатдан жала қуйди ва ҳақиқий бўронга айланди. Осмонда

чақнаган яшин қоронгуликни ёриб ўтди ва йигитни ерга михлаб қўйди. Туришга ҳаракат қилган ҳолда, даҳшатга тушган йигит хитоб қилди: «Биби Марям, менга ёрдам бер! Мен роҳиб бўламан».

Муқаддас кишини ёрдамга чақирган инсон, кейинчалик муқаддас кишилар таълимотидан воз кечади. Роҳиб бўлишга ваъда берган киши роҳибликнинг энг ашаддий душманларидан бирига айланади. Католик жамоатнинг садоқатли фарзанди кейинчалик ўрта асрлар католиклиги таркибини титратган инсонга айланади. Папанинг содиқ хизматкори бўлган бу инсон келажакда папаларни дажжолга тенг қилади. Мана шу киши Мартин Лютер эди»¹.

Шу воқеадан кейин тез ўтмай Лютер ўз ваъдасининг устидан чиқди. У ҳуқуқий фанлар мажмуи бўйича ўтказиладиган машғулотларини ташлаб, монастирга кетди ва бу иши билан отаси Гансни қўрқитиб юборди.

Лютерни ғайри табиий ўлимдан қўрқиш ҳисси таъқиб қилар эди. У бундай ўлимни илоҳий суд ва жазо ифодаси деб тушунар эди. Лютер бутун умри давомида ошқозон оғриғи ва барча касалликлар ичида энг азоблиларидан бири буйрак тоши касаллиги билан азоб чекди. У бир неча бор ёзма равишда ўз ўлимини олдиндан хабар қилди. У бир неча бор ўзини қабрдан бир неча кун ёки ҳафталар ажратиб турганлигига ишончи комил эканлиги ҳақида гапирган. Яшин чақноғи унинг онгида ўчмас чандиқ қолдирди.

Яшин уриши туфайли бир ўлимдан қолган кишиларнинг ҳар бири ҳам Лютердек йўл тутмайди. Бир неча йил аввал,

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

Чикагодан унчалик узоқ бўлмаган жойда ўтказилаётган гольф бўйича «Очиқ ғарб» чемпионати вақтида, учта гольф ўйичисининг ёнгинасига яшин тушди. Яшин уларни ерга қапиштириб ташлади. Улардан бири, Ли Тревинонинг елкаси қаттиқ лат еди ва бу нарса унинг спорт билан шуғулланишига жиддий тўсқинлик қилди. Бу воқеадан анча вақт ўтгач телевизион ток-шоуда ундан интервью олишди. Бошловчи Тревинодан «Бу ҳодиса сизни нимага ўргатди?», деб сўраганида, у ўзи учун хос бўлган ҳазил оҳангида: «Бу воқеа мени, агар Тангри барча чуқурчаларга копток туширишга қарор қилган бўлса, у ҳолда яхшиси Унга ҳалақит бермаслик маъқул эканлигига ўргатди», — деб жавоб берди. Кейин яна шундай деб қўшиб қўйди: «Момақалди роқ вақтида мен ўз металл човганимни юқорига кўтариб туришим керак эди». Бошловчи бу сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлди. «Нима сабабдан?», — қизиқиш билан сўради у. Тревинонинг кўзлари чақнаб кетди: «Чунки, Худо ҳам унга теккиза олмайди!» — деб қочириқ қилди у.

Яшин билан тўқнаш келиш тажрибасидан Тревино ўз репертуари учун бир нечта янги ҳазилга эга бўлди. Лютер эса ҳаётда янги йўлга — роҳиб ва уламо йўлига эга бўлди.

Лютернинг узоқ чўзилган ошқозон касаллиги табиати психосоматик бўлган бўлиши мумкин. Лютерда мавжуд бўлган невротик фобиялар тўғридан-тўғри унинг ошқозонига йўналган, деган фикр пайдо бўлади. Лютер азоб чеккан метеоризм касали унинг ўзи томонидан қисман кўпиртирилиб айтилганлиги сабабли афсоналарга кирган. Унинг асарларида қусиш ва ел чиқариш ҳақидаги маълумотлар тез-тез кўзга ташланади. У: «Агар мен Виттенбергда ел чиқарсам, бу Лейпцигга эшитилади», — дер эди.

Бахтга кўра, Лютер ўзининг метеоризмига қандайдир маънода «муқаддас» қўлланиш топа олди. У ўз талабаларига ел

чиқариш — бу иблис ҳужумларини қайтаришнинг энг самарали усули, деб ўргата бошлади. Лютер, кўп жойларда, иблис билан курашнинг яна бир усули сифатида, унга сиёҳдонни отиш ҳақида гапирар эди. Лютер ўзининг иблис билан курашини қамал қилишни таърифлаш учун ишлатиладиган ҳарбий иборалар ёрдамида ифода қилиб берар эди. У ўзини шайтоннинг шахсий нишони, деб ҳисоблар эди.

Иблис ҳақидаги ҳикоялар психологлар учун бой озуқа беради. Бу ҳикояларда улар руҳий касалликнинг иккита белгисини кўрадилар. Фаразларга кўра, Лютер бир томондан галлюцинациялар билан азоб чеккан бўлса, иккинчи томондан, унда, худди Зулмат ҳукмдори уни ўзининг нишони қилиб олганидан иборат бўлган улуғлик васвасаси мавжуд бўлган.

Ҳозирги кунга келиб биз бир қанча устунликларга эга бўлдик, чунки биз бу воқеаларни жамоат тарихи таъсири орқали кўриб чиқишимиз мумкин. Шу сабабли, ўн олтинчи асрда иблиснинг қудрати айнан Мартин Лютер томонга кучлироқ қаратилганлиги ҳақидаги фаразлар бизни ҳайратга солмайди.

Лютер ҳаётидан олинган яна бир лавҳа — унинг жамоатдаги биринчи хизматининг байрам қилиниши психиатрларни қош чимиришга мажбур қилади. Бу вақтга келиб, Лютер ёш ва катта истиқболга эга бўлган уламо сифатида машҳур эди. Бироқ, унинг ваъзхон ва моҳир нотик сифатидаги келажаги замондошлари учун ҳали номаълум эди.

Лютернинг биринчи хизматидан кейинги байрам унинг халойиқ олддаги биринчи чиқиши эди. Бу унинг руҳоний сифатидаги фаолиятининг бошланиши бўлди. Қари Ганс Лютер ўғлининг роҳиб жуббасини кийиш учун бадавлат ҳаёт

ваъда қилувчи ҳуқуқшунослик илмини ташлаш ҳақидаги қарорига кўнай деб қолган эди. У ўз ўғли билан фахрлана бошлади — «Менинг ўғлим, руҳоний». Яқинлашиб келаётган биринчи хизмат кунига худди оилавий байрам сифатида қарардилар. Мартиннинг қариндошлари унинг байрами гувоҳлари бўлиш учун йиғилганлар қаторидан жой олдилар.

Йиғилганлардан ҳеч бири содир бўлажак воқеани кутмаган эди. Лютер ўз ваъзини жуда хотиржам ва дабдаба билан бошлади. Ундан руҳонийликнинг улуғворлик нури таралаётгандек бўлиб туюлар эди. Муқаддас қилиш ибодатига, хизматдаги у руҳоний сифатида биринчи бор ўз вазифасига киришадиган ва буюк Евхаристия (нон ва шаробни Масих танаси ва қонига айлантириш) мўъжизасини амалга ошириш учун Худо қудратини чақирадиган дақиқага келганда — Лютер тўхтаб қолди.

У меҳроб олдида тўхтаб қолди. Қадайдир куч уни турган жойига михлаб қўйганга ўхшар эди. Унинг кўзлари бир нуқтага тикилганча қолди, пешонасида тер томчилари ялтираб кўринди. Атрофга жимжитлик чўкди, барчанинг нигоҳи Мартинга қаратилган эди. Йиғилганлар нигоҳлари билан ёш руҳонийни давом этишга ундар эдилар. Ганс Лютер ўзини ноқулай сеза бошлади. Ўғлининг пастки лаби титрай бошлади. У хизмат сўзларини айтишга ҳаракат қилди, бироқ оғзидан бирор товуш чиқмади. У оқсоқланиб отаси ва меҳмонлар — оила аъзолари ўтирган стол ёнига қайтиб келди. Мартин муваффақиятсизликка учради. У хизматни бузди, ўзини ва отасини шарманда қилди. Ганс дарғазаб бўлди. У боягина монастирга сахийлик билан ҳадялар берган эди, энди эса ўғли шарафига бўлаётган иззат-этиборнинг гувоҳи бўлиш учун келган жойда ўзини камситилгандек сезиб ўтирибди. У Мартинни бўралаб сўка бошлади ва унинг руҳонийликка нолайиқлиги ҳақидаги саволни ўртага ташлади. Мартин ўзини

ҳимоя қилар, яшин вақтида сезган юқоридан келган даъватга ишора қилган ҳолда, руҳоний бўлиш — унинг вазифаси эканлиги ҳақида гапирар эди. Ганс эса унга қарата: «Худога илтижо қил, токи сенинг сезганларинг иблис тасавури бўлиб чиқмасин», — деб эътироз билдирар эди.

Меҳроб олдида нима юз берди? Лютернинг тушунтиришларига қараганда, у: «Биз буни Сенга, тирик, ҳақ, абадий Худога олиб келдик», деган сўзларни талаффуз қилиши керак бўлган дақиқада шол бўлиб қолди. У мана шундай дейди:

«Шу сўзларни талаффуз қилиш вақти келганда, мен бутунлай эсанкираб қолдим. Мени қўрқув ўраб олди. Мен ўзимча шундай деб ўйладим: «Барча инсонлар ҳатто ердаги ҳукмдорларнинг олдида титрашлари лозим бўлса, у ҳолда мен бундай улугворлик билан қандай тилда гаплашишим керак? Мен кимманки, илоҳий Улугворликка кўзимни тик қилиб қарайман ёки қўлимни чўзаман. Уни фаришталар ўраб туради. У бошини қимиллатган вақтда ер титрайди. Мен ожиз, кичкина бир одамча: “Мен буни хоҳлайман, мен буни сўрайман”, — дея оламанми? Чунки мен тупроқ ва кул, гуноҳга тўла инсонман ва мен тирик, абадий, ҳақ Худо билан гаплашайман»¹.

Бирок, бу лавҳалар Лютер ақлининг расолиги ҳақидаги саволни ҳал қилишда катта аҳамият касб этмайди. Биз ўз диққат-этиборимизни Лютер ҳаётининг энг ҳаяжонли онларига қаратишимиз лозим. Бу он бутун масиҳий дунё учун ҳаяжонлидир. Лютер ҳаётидаги энг оғир синов 1521 йилда,

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

Вормсда император суди йиғилган вақтга тўғри келди. Ҳокимият ва жамоат ҳукмдорлари олдида, муқаддас Рим империясининг императори Чарльз ҳузурида кончининг ўғлини бидъат учун суд қилдилар.

Илоҳиёт илмининг профессори ҳисобланган Лютер тўқсон бешта қоида ёзилган варақни Виттенбергдаги жамоат эшигига қоқиб қўйганидан сўнг воқеалар назорат остидан чиқиб кетди. Лютер бу қоидаларни уламолар учун муҳокама мавзуи сифатида олдинга сурган эди. Унда бу муҳокамани миллий ёки халқаро даражга олиб чиқиш истаги йўқ эди. Бу қоидалар баъзи кишиларнинг, аниқроғи талабаларнинг қўлига тушиб қолди ва улар Гутенбергнинг ажойиб кашфиётидан фойдаландилар. Икки ҳафтадан сўнг бу қоидалар бутун Германияда суҳбат мавзуига айланди. Бейнтон содир бўлган воқеаларни тушунтириб бериш учун Карл Бартнинг тасвиридан фойдаланди:

«Лютер қоронгу тунда қадимий ибодатхона қўнғироқхонасининг айланма пиллапоясидан юқорига кўтарилаётган кишига ўхшар эди. У зулмат ичида таянч қидириб қўлини чўзди ва унинг қўли арқонни ушлади. У қўнғироқ жарангини эшитиб, қотиб қолди»¹.

Баҳслар қизғин тус олиб кетди. Қоидаларни Римга олиб боришди. Ўша пайтда Лев X папа эди. Афсоналарга кўра, у қоидаларни ўқиб чиққач, шундай деди: «Лютер — маст немис. Унинг кайфи тарқагач, у ўз фикрини ўзгартиради». Уламолар ва роҳиблар ордени ўртасида кураш борар эди. Лютер бу урушнинг энг қизғин бораётган жойлари — Аугсбург ва

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

Лейпцигда қатнашди. Бу икки шаҳарда энг аёвсиз баҳслар борар эди. Охир-оқибатда папанинг Лютерни айбловчи расмий буйруғи эълон қилинди. Хужжатнинг сарлавҳаси, «Ersurge Domine», унинг бош сўзларидан олинган эди: «Тур, Тангрим, менинг ишимни ҳал қилиб бер. Менинг тоқзоримга ёввойи тўнғиз оралади».

Буйруқ эълон қилинганидан сўнг, Римда Лютернинг китобларини ёқиб юборишди. Лютер норозилик билдириб, императорга мурожаат қилди. Ниҳоят, Вормсда суд йиғилди ва Лютерга хавф-хатарсиз юриш имкониятини берувчи хужжат берилди (Лютер судга кела олиши учун).

Айнан Вормсда бўлиб ўтган воқеага ўхшаш воқеалар афсоналарнинг келиб чиқишига асос бўла олади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, айнан мана шу воқеалар афсоналарни келтириб чиқарди. Голливуд ҳам шу саҳнага ўз сеҳрли таёқчасини теккизди. Вормсдаги Лютер ҳақидаги энг кенг тарқалган тасаввур ҳокимиятга қарши чиққан шавкатли қаҳрамон тасвирида гавдаланади. Лютерга савол беришади: «Сен ўз асарларингдан воз кечасанми?» Биз Лютерни ўз душманларидан баладда турган, муштларини силкитаётган ва уларнинг юзига тик қараб: «Шу сўзимда тураман!» — деб бақираётган инсон қиёфасида тасаввур қиламиз. Сўнгра, у бурилади ва кишиларнинг олқишлари остида зални тарк этади. Оқ отга минади ва ботаётган қуёш нурлари остида, протестантлик Реформациясини бошлаш учун от чоптириб кетади, — деб ўз тасаввуримизни давом эттирамиз.

Энди эса — воқеа аслида қандай бўлганлигини кўриб чиқамиз.

Иш бўйича биринчи тинглаш 17 апрелда бўлиб ўтди. Суд залидаги муҳит чўғ каби қизиган, барча қатнашувчилар бўлажак очиқ фикр алмашинувлари олдидан ҳаяжонга тушиб

ўтирар эди. Лютер судга келиш олдидан қуйидаги сўзларни дадиллик билан айтди:

«Менинг Вормсдаги қайтишим қуйидагича бўлади: «Мен олдин, папа — Масихнинг ўринбосари, дер эдим. Мен бу фикримдан қайтаман. Энди мен, папа — Масихнинг душмани ва иблиснинг хизматкори, дейман»¹.

Халойиқ янги дадилликни сабрсизлик билан кутар эди. Одамлар нафас олмай, ёввойи тўнғиз жазавага тушадиган дақиқани кутар эдилар.

Император судининг мажлиси очик, деб эълон қилинганида, Лютер улкан залнинг ўртасида турар эди. Лютернинг ёнидаги столда унинг шунча баҳсни келтириб чиқишига сабаб бўлган китоблари турар эди. Суд хизматчиси ундан: «Бу китоблар сеникими?», — деб сўради. Лютер зўрға пичирлаб жавоб берди: «Бу китобларнинг бари меники ва мен бундан бошқа китобларни ҳам ёзганман». Кейин ҳал қилувчи савол янгради — Лютер ўз китобларидан воз кечишга тайёрми? Ҳеч қандай мушт силкитиш ҳам, ҳеч қанақанги қўпол сўз ҳам йўқ эди. Лютер яна пичирлаб жавоб берди: «Ўтинаман, менга ўйлаб кўриш учун вақт беринг». Лютер худди ўзининг биринчи хизматида бўлгани каби қоқилди. Ўз ўзига бўлган ишонч уни тарк этди. Ёввойи тўнғиз кутилмаганда аянч билан ангилаётган кучукчага айланиб қолди. Император бу илтимосдан ҳайратга тушди ва бу олдиндан яхшилаб ўйлаб қўйилган тактик юриш, илмий мунозараларда тажриба орттирган уламонинг суд ишини боши берк кўчага олиб кириш, уни тўхтатиб қўйиш учун

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

қилаётган ҳаракати эмасмикан, деб ўйлаб қолди. Шунга қарамасдан, Лютернинг ўйлаб олиши учун йигирма тўрт соат ажратиб, раҳмдиллик билан эртанги кунгача вақт берди.

Ушбу тунда Лютер ёлғизликда, ўзининг хонасида ўтириб, инсон қўли билан яратилган ибодатлар ичида энг таъсирли бўлган ибодатлардан бирини ёзди. Бу ибодатда Худо олдида тиз чўкаётган ва адоватли кишиларга қарши ёлғиз курашишда енгилмаслик учун ўзининг бор матонатини йиғишга ҳаракат қилаётган итоатли инсоннинг қалби очиб берилади. Лютер учун бу унинг шахсий Гетсемания боғи эди:

«О, Раббим, Қудратли, абадий Худо! Бу дунё қанчалар даҳшатли! Қара, у мени ютиб юбориш учун қандай қилиб озгини очмоқда, менинг Сенга бўлган ишончим қанчалар заиф... Тананинг заифлиги ва иблис кучи! Агар мен бу дунёнинг кучига ишонсам, у ҳолда барчаси тамом... Мотам қўнғироқлари жаранглади... Хукм эълон қилинди... О, Худо! О, Худо! О, Худовандим! Бу дунё донишмандликларига қарши тура олишимга ёрдам бер. Сендан ёлвориб сўрайман. Сен буни амалга оширишинг керак... буни Ўз қудратли кучинг билан амалга ошир... Бу менинг ишим эмас, балки Сенинг ишинг. Мен бу ерда ҳеч нарса қила олмайман... Мен бу дунёнинг улуғ кишилари билан ҳеч нарсани бўлиша олмайман! Мен жоним билан ўзимнинг қолган умримни тинчлик ва хотиржамликда ўтказган бўлар эдим. Бироқ, бу — Сенинг ишингдир. У ҳақ ва абадийдир! Тангрим! Менга ёрдам бер! О, садоқатли ва ўзгармас Раббим! Мен инсонга ишонмайман. Бу ҳамма вақт бефойда бўлиб келди! Барча инсоний нарсалар мустаҳкам эмас, инсондан бўлган барча нарсалар барбод бўлишга маҳкум қилинган! Тангрим! Тангрим! Наҳотки мени эшитмаётган бўлсанг? Тангрим! Наҳотки Сен тирик бўлмасанг? Йўқ, Сен ҳеч қачон ўлмайсан. Сен фақатгина яширисан. Сен мени шу иш учун танлаб олдинг. Мен буни биламан!.. Демак, Ўзингнинг

шахсий иродангни бажар! Менинг қалқоним, менинг таянчим, менинг қалғам бўлмиш севикли Ўғлинг Исо Масих ҳаққи мени ташлаб кетма.

Тангрим — Сен қаердасан?.. Худовандим, қаердасан?.. Кел! Мен ўтиниб сўрайман, мен тайёрман... Қара, мен қўзи каби азоб чеккан ҳолдаман... Сенинг ҳақиқатинг учун ўз ҳаётимни қурбон қилишга тайёрман. Чунки бу иш муқаддасдир. У — Сенинг шахсий ишинг! Мен Сени қўйиб юбормайман! Йўқ, ҳеч қачон! Бу дунё шайтонларга тўлиши керак бўлса ҳам, Сенинг ижодинг бўлмиш бу тана оёқлар тагида қолиб кетса ҳам, бўлакларга бўлиниб, ...ёндирилиб кўмирга айлантирилса ҳам, менинг қалбим Сенга тегишли бўлади. Менда Сенинг шундай бўлиши кераклиги ҳақида хабар берувчи сўзларинг бор. Менинг қалбим Сенга тегишли ва у абадий Сен билан бирга бўлажак! Омин! О, Тангрим менга ўз ёрдамингни юбор!.. Омин!»

Кейинги кун Лютер мажлислар залига қайтиб келди. Бу сафар унинг овози титрамас ва иккиланмас эди. У ўзига қарата берилган саволга жавобан нутқ сўзлашга ҳаракат қилди. Охиروقибатда, инквизитор ундан тўғри жавоб беришни талаб қилди:

«Мартин, мен сендан сўраяпман — тўғри ва четга чиқишларсиз сўраяпман — сен ўзингнинг китобларинг ва уларда мужассам бўлган хато фикрларингдан қайтасанми ёки йўқми?»

Лютер жавоб берди:

«Жаноби олийлари ва муҳтарам зотлар оддий жавоб хоҳлаётганликлари сабабли, мен тўғри ва четга чиқишларсиз жавоб бераман. Агар Муқаддас Ёзувлар ва онгнинг инкор қилиб бўлмайдиган далиллари бундай эмас эканлигига мени

ишонтирмасалар, мен папа ва жамоат арбобларининг нуфузини тан олмайман. Чунки папа ва жамоат арбоблари Муқаддас Китоб таълимотига қарама-қаршидирлар, менинг қалбим эса Худо Каломи асиридир. Мен ҳеч нарсадан қайта олмайман ва қайтмайман ҳам, чунки виждон амрига тескари бориш нотўғри ва хавфлидир. Шу сўзимда тураман ва бошқача бўла олмайман. Раббим, менга ёрдам бер. Омин».

Бу телба кишининг сўзларими? Бўлиши мумкин. Инсон қандай қилиб ёлғиз ўзи папа ва императорга, маслаҳатлар ва буйруқларга қарши, масиҳий дунёнинг ташкиллаштирилган ҳокимиятига қарши боришга журъат қилди, деган савол пайдо бўлади. Энг ёрқин илм соҳиблари ва жамоатнинг энг юқори вакилларига қарши чиқиш, ўз онги ва Муқаддас Китобнинг ўз хусусий талқини билан бутун дунёга қарши бориш учун қанчалик даражада ўз-ўзига ишонч ва ҳаттоки такаббурга эга бўлиш керак эди! Бу нима — худбинликми? Ёки улуғворлик васвасасими? Бу Муқаддас Китоб доҳийсининг намоён бўлишими, муқаддас кишининг матонатими ёки савдойи кишининг алахсирашими? Бу саволларга бериладиган жавоб қай тарзда бўлмасин, у нимага қарши бормасин — ёмонликка қаршими ёки яхшиликка қаршими, ана шу ёлғиз кишининг қаршилиги масиҳийлар дунёсини чил-чил қилиб юборди.

Бу ҳодиса жамоат ва Мартин Лютернинг шахсий тарихи учун қай даражада муҳим бўлишидан қатъий назар, олимларнинг Лютерни телба, деб ҳисоблашлари учун бу нарса сабаб бўлмади. Бу инсонда янада ғайриоддийроқ, ғайри табиийроқ ва ҳақиқатда даҳшатлироқ бир нарса бор эди. Бу таассурот Лютернинг роҳиб бўлгандаги ҳаёти билан боғлиқдир.

Роҳиб бўлганидан сўнг, у астойдил равишда, зоҳидлик йўлидан борди. У ўз олдига баркамол роҳиб бўлиш мақсадини

қўйди ва тиришқоқлик билан ўз мақсади сари юра бошлади. Лютер бир неча кунлаб рўза тутар ва ўз-ўзини қийнашнинг энг аёвсиз шаклларини қўллар эди. Ўз-ўзини чегаралаш масаласида у монастирда қабул қилинган қоидалардан ҳам ўзиб кетди. Лютернинг ибодати бошқаларникидан узоқроққа чўзилар эди. У монастир низоми бўйича берилиши керак бўлган кўрпачадан воз кечди ва бир куни совуқда музлаб ўлиб қолишига сал қолди. Лютер ўз танасини шу даражада қийнар эдики, кейинчалик унинг ўзи айнан роҳиблик пайтида ўз овқат ҳазм қилиш аъзосига тиклаб бўлмас зарар етказганлигини тан олган эди. У ҳаётининг бу даври ҳақида шундай ёзади:

«Мен яхши роҳиб эдим. Мен роҳиблик ордени қоидаларига шу даражада қатъий амал қилар эдимки, агар ўз роҳиблик ишлари билан осмонга кўтариладиган роҳиб бор бўлса, у ҳолда ўша роҳиб — менман. Монастирдаги барча биродарларим менинг бу гапларимни тасдиқлашади. Агар мен шу тарзада яна озгина давом этганимда эди, тунларни бедор ўтказиш, ибодат қилиш, китоб ўқиш ва бошқа ишлар билан ўзимни-ўзим ўлдириб қўйган бўлар эдим»¹.

Лютернинг юриш-туришидаги энг ғалати одатларидан бири бу унинг кундалик тавба қилиш одати эди. Тавба қилиш роҳиблардан талаб қилинар эди, бироқ ҳар куни эмас. Талаб, роҳиб ўзининг барча гуноҳларига тавба қилиши кераклигидан иборат эди. Лютер бирор кунни ҳам гуноҳ иш қилмасдан ўтказа олмас эди, шу сабабли у гуноҳлардан фориг бўлиш учун ҳар куни тавба қилиш керак, деб ҳисоблар эди.

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

Тавба қилиш роҳиблар кундалик ҳаётининг бир қисми ҳисобланар эди. Бошқа биродарлар мунтазам равишда ўз руҳонийларининг олдига келар ва шундай дер эдилар: «Авлиё ота, мен гуноҳ қилдим. Ўтган кеча мен ётиш вақти бўлгандан кейин ухламадим ва шам ёруғида Муқаддас Китобни ўқидим». Ёки: «Кеча тушлик вақтида биродарим Филиппнинг картошкали салатини егим келди». (Монастирда яна қандай гуноҳ ишларни қилиш мумкин?) Руҳоний уларнинг тавбасини эшитар, гуноҳларини кечирар ва оз миқдорда жарима белгилар эди. Шу билан тавба қилиш тугар эди. Бунинг ҳаммасини амалга ошириш учун бор-йўғи бир неча дақиқа лозим эди.

Биродар Лютер билан бундай бўлмас эди. У ўз руҳонийсини телбаликкача олиб борар эди. Гуноҳларнинг қисқача санаб ўтилиши Лютерни қаноатлантирмас эди. У ўз ҳаётида тавба қилинмаган бирорта ҳам гуноҳ қолмаганлигига ишонч ҳосил қилишни истар эди. У тавба қилиш учун борар ва у ерда ҳар куни соатлаб ўтирар эди. Лютер, олдинги кун содир қилган гуноҳларига тавба қилиш учун, у ерда олти соат ўтирган кунлар ҳам бўлган!

Монастир нозирлари Лютер туфайли ташвишлана бошладилар. Улар Лютер — Муқаддас Китобни ўрганиш ёки ишлаш ўрнига бедорлик вақтини тавба қилиш жойида ўтказишни афзал кўрадиган «оқсуяк» бўлса керак, деб ўйладилар. Яна, Лютер — тез орада оғир кўриниш олувчи руҳий касалликка чалинган инсон, деган фараз ҳам илгари сурилди. Охир-оқибатда, Лютернинг раҳбари Стаупицнинг жаҳди чиқди ва уни уришиб берди:

«Ўзинг бир ўйлаб кўр, — деди у. — Агар Масиҳ сени кечиршини хоҳласанг, Унинг олдига, мана бу арзимас гуноҳчаларинг билан келиш ўрнига, бирор бир кечирिश учун

арзийдиган, кечиршига муҳтож бўлган гуноҳлар — падаркушлик, шаккоклик, зино каби гуноҳлар билан келгин... Менга қара, Худо сендан аччиқланмаяпти. Сен Худодан аччиқланаясан. Наҳотки сен, Худо сенга умид қилишни амр қилганлигини билмасанг?»¹

Мана у! Лютер шахсининг айнан мана шу аспекти асосида унинг телбалиги ҳақида ҳукм чиқарилган эди. Бу инсон ҳаддан ташқари ғалати эди. Ундаги айбдорлик ҳисси ҳеч қаерга сиғмас эди. Унинг айби шу даражадаги ғайритабiiй ўлчамларга эга бўлдики, унинг ҳиссиётли ҳаёти шу даражада бузилиб кетдики, энди у соғлом инсон каби яшай олмас эди. У, ҳаттоки, тупша-тузук роҳиб сифатида ҳам яшай олмас эди. У ҳали ҳам яшиндан қочаётган эди. Бейнтон унинг бу ҳолатини қуйидаги тарзда ифода қилиб беради:

«Шундан сўнг уни даҳшатли хавотир ҳисси чулғаб олди. Унинг қалбига ваҳимали қўрқинч кириб борди. Унинг виждони шу даражада беҳаловат бўлиб қолдики, ҳаттоки шамолнинг энгил эсишидан ҳам титрар эди. Мартин бўлмагур нарсалар учун ҳам азоб чека бошлади. Унинг руҳи, зулматли тунда уйғониб кетган ва унинг ҳаётини олиш учун келганнинг кўзига тикилиб турган инсон ҳис қиладиган даҳшат билан қамраб олинган эди. Само қўшини кетди. Иблис ёвуз имо-ишораларини қилмоқда, ночор қалбни ўз олдига чақирмоқда. Лютернинг ўзи кўп марта лаб гувоҳлик берганидек, бу азоблар уни қийнаган ҳар қандай жисмоний азобдан ёмонроқ эди.

Унинг таърифлашлари руҳий касаллик билан оғриган беморларнинг кечинмаларига шунчалик мос келадики,

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

натижада: унинг пароканда ҳолатига руҳий ўсиш қийинчиликлари натижаси сифатида қараш керакми ёки уни ички секреция безларининг етарлича яхши ишламаганлиги оқибати, деб қабул қилиш тўғри бўладими? — қабилидаги саволни бериш васвасаси вужудга келади»¹.

Лютернинг бундай ҳолатини қандай тушунтириш мумкин? Фақат бир нарсани ишонч билан айтиш мумкин: Лютерга барча кишилар ўз виждонларининг айбловчи овозини ёпиш учун фойдаланадиган ҳимоя воситалари етишмас эди.

Баъзи бир назарийтчилар, телба кишилар ақли жойида бўлган кишиларга нисбатан воқеликни яхшироқ кўра оладилар ва у ҳақда ҳақиқатга яқин бўлган тасаввурга эга бўладилар, деб таъкидлашади. Масалан, ваҳимадан ўзини кўярга жой топа олмайдиган киши, психиатрнинг олдига бориб, у ўзини жамоат билан бирга дала сайрига чиқишга мажбур қила олмаётганлигидан шикоят қилади. Шифокор савол бериб бошлаганида, дала сайрига кетаётганда машина тўқнашувга учраши мумкинлиги, далада илон чақиб олиши ва агарда момақалдироқ бошланиб қолса, яшин уриши мумкинлиги, овқатланиш пайтида эса — «хот-дог»га тикилиб ўлиш мумкинлиги аниқланади.

Бу инсон ҳақиқатдан ҳам юз бериши мумкин бўлган нарсалардан кўрқади. Ҳаёт — хавfli нарсa. Киши ўзини кўп сонли хавф-хатарлардан ҳоли, деб ҳисоблай оладиган жойнинг ўзи мавжуд эмас. Кўп сонли миллионлар эгаси бўлган Говард Хафс ҳам ўзи учун адоватли микроорганизмларнинг ҳужуми хавф солмайдиган муҳитни топа олмади. Психиатр барча дала

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

сайрлари хавфсиз эканлигини исбот қила олиш қобилиятига эга эмас. Барча ёмон ҳодисаларни содир бўлиши мумкин, деб фараз қилган бу киши мутлақо ҳақдир, бироқ, шунга қарамасдан у барибир руҳан соғлом эмас. Чунки у бизга барча ҳаётгий ҳолатларда ҳар томонлама хавф солувчи, очиқ-ойдин кўриниб турувчи хавф-хатарларни инкор қилишга ёрдам берадиган ҳимоя воситаларни йўқотиб қўйган.

Лютер таржимаи ҳоли ва шахсининг бир аспекти кўп ҳолларда аналитикларнинг назаридан четда қолиб кетади. Улар, монастирга келишидан олдин Лютер, ҳуқуқшунослик соҳасида Европанинг энг ёрқин ёш ақлларида бири сифатида машҳур бўлганлигини эсдан чиқаришади. Лютер ўта қобилиятли киши эди. Унинг мияси жуда яхши ишлар эди. У қонуннинг жуда нозик ва қийин жойларини эгаллаб олиш қобилияти билан ажралиб турар эди. Баъзи инсонлар уни келажакда ҳуқуқшунослик доҳийси бўлиб етишади, дер эдилар.

Истеъдодлилиқ ва телбалиқни инғичка чегара ажратиб туриши ва кўпгина кишилар бу чегарани ҳар икки томонга кесиб ўтишлари олдиндан маълум. Эҳтимол, Лютер билан ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз бергандир.

Лютер ақлдан озмаган эди. У доҳий эди. Қонунни тушунишда унга тенг келадиган инсон топилмас эди. У ўзининг зийрак ақлини Худо қонунларига қаратганда, кўпчилиқ илғаб ола олмайдиган жойларни кўрар эди.

Лютер энг буюқ амрни тадқиқот қилиб чиқди: «Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан ва бутун онгинг билан севгин. Ўзгани ўзинг каби севгин». Кейин эса у ўзига-ўзи савол берди: «Энг катта гуноҳ нима?» Баъзи кишилар бу саволга, энг катта гуноҳлар — бу одам ўлдириш, зино қилиш, шаккоқлик ёки имонсизлик, деб жавоб

берадилар. Лютер бу фикрларга қўшилмади. У, агар энг буюк Амр — Худони бутун қалб билан севиш бўлса, у ҳолда энг катта Гуноҳ — Худони бутун қалб қилан севмасликдир, деган ҳулосага келди. У энг муҳим мажбурият ва энг катта гуноҳ ўртасидаги мувозанатни назарда тутган эди.

Кўпчилик кишилар бундай деб ўйламайдилар. Бизларнинг ҳеч қайсимиз энг буюк амрга ҳаттоки беш дақиқа давомида ҳам амал қила олмаймиз. Бир қараганда биз бу амрга риоя қилаётганга ўхшаймиз, аммо бу ҳақда бир дақиқа ўйлаб кўрсак, у ҳолда бизларнинг ҳеч қайсимиз Худони бутун қалбимиз, ёки бутун онгимиз, ёки бутун қувватимиз билан севмаётганлигимиз аниқ бўлиб қолади. Бизларнинг ҳеч қайсимиз ўзгани ўзини севгандек севмайди. Биз бу ҳақда чуқурроқ ўйламаслик учун турли хил ҳийла-найранглари ишлатишимиз мумкин, бироқ ўз «мен»лигимизнинг қоқ ўртасида ушбу ачинарли ҳақиқат яшриниб ётади ва бизни айбловчи овоз янграб туради. Бу овоз бизга, агар ҳақиқатга тик қарайдиган бўлсак, биз буюк амрни ҳар куни бузаётганлигимизни айтади. Ишаёга ўхшаб биз ҳам, бошқа кишилар ҳам унга амал қилмаётганлигини биламиз. Бизга: «Ҳеч ким баркамол эмас» деган сўзларгина таскин беради. Бизларнинг ҳаммамиз Худога нисбатан баркамол севгидан маҳрумимиз, шундай экан бу ҳақда қайғуришдан нима фойда? Бу тушунча ақли расо ва сергак фикрловчи кишиларни ҳар куни олти соатлаб тавба қилишга мажбур қилмайди. Агарда Худо энг буюк амрга риоя қила олмайдиган ҳар бир кишини жазолаганда эди, у ҳолда У бу дунёда яшовчи ҳамма инсонларни жазолашига тўғри келарди. Биздан жуда кўп нарса талаб қилинган бўлар эди, синов жуда ҳам қийин бўлган бўлар эди. Бу адолатсизлик бўлган бўларди. Худо бизларни «эгри чизик» қоидаси бўйича ҳукм қилишига тўғри келади.

Лютер бунга бошқача назар билан қарар эди. Агар Худо бизни «эгри чизиқ» бўйича ҳукм қиладиган бўлса, у ҳолда У Ўз муқаддаслигидан воз кечишига тўғри келишини Лютер яхши тушунар эди. Худонинг шундай йўл тутишини ҳисобга олиш, бу ўз-ўзига керагидан ортиқ ишониш ва шу билан бир қаторда ўта аҳмоқлик бўлар эди. Худо, биз мос кела олишимиз учун Ўз намуналарини пасайтирмайди. У тўла муқаддас, тўла адолатли ва тўла ҳақиқатгўй бўлиб қолади. Аммо биз адолатсизмиз ва бизнинг дилеммамиз ҳам шундан иборатдир. Лютернинг ҳуқуқшуносларга хос ақлини қуйидаги савол қийнар эди: адолатсиз инсон қандай қилиб адолатли Худонинг ҳузурида тирик қола олади? Қолган барча кишилар бу саволга осон ва қулай жавоб топган бир вақтда, Лютер паст оловда куяр эди:

«Наҳотки сиз Худо етиб бўлмас нурда истиқомат қилишини билмайсиз? Биз, заиф ва нодон мавжудотлар, Худо чексиз нурунинг англаб бўлмайдиган улугворлигини татбиқ қилишни ва тушунишни истаймиз. Биз бунга яқин келамиз. Биз яқин келишга тайёрланамиз. Унинг улугворлиги бизни ҳайратда қолдирса ва яксон қилиб ташласа на ажаб!»¹

Лютер Муқаддас Китобда учрайдиган бир шахс — абадий ҳаётга эга бўлиш ҳақидаги савол билан Исонинг олдига келган, бошлиқлардан бўлган ёш йигитнинг тескариси эди:

«Бошлиқлардан бири Исодан сўради:

— Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлмоги учун нима қилишим керак?

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

Исо унга деди:

— Нега сен Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас. Илоҳий амрларни биласан: «Зино қилма. Одам ўлдирма. Ўғирлик қилма. Сохта гувоҳлик берма. Ота-онангни ҳурмат қил» (Луқо. 18:18-20).

Исо ва ёш бошлиқ ўртасидаги ушбу машҳур суҳбатнинг энг муҳим бир жойига жуда кам эътибор беришади. Аниқроғи — ёш йигит Исога қандай қилиб мурожаат қилган жойини. У Исони «Валинеъмат Устозим», деб атади. Бунинг маънодорлиги Исонинг эътиборидан четда қолмади. Исо, валинеъмат сўзининг маъносини юзаки равишда тушунадиган киши билан суҳбатлашаётганлигини дарҳол тушунди. Бу киши Исо билан абадий ҳаёт ҳақида сўзлашмоқчи эди. Бунинг ўрнига Исо суҳбатни валинеъматликни муҳокама қилиш ва валинеъмат бўлиш нима дегани, кўринишидаги саволга жавоб бериш томонга бурди. Исо бу кишига валинеъматлиликнинг маъносини тушунтириб, унинг эсдан чиқмайдиган сабоқ бериш имкониятидан фойдаланиб қолди.

Исо ўз жавобини, йигитнинг Ўзига нисбатан қилган мурожаатидан бошлайди: «Нега сен Мени валинеъмат дейсан?» У Ўзининг кейинги жумласи билан шу ҳолатга бўлган эътиборни янада кучайтиради, уни аниқлаштириб беради: «Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас». Баъзи кишилар, ҳаттоки, улар орасидаги теологлар ҳам Исонинг баъзи бир мулоҳазалари олдида боши берк кўчага кириб қоладилар. Улар Исонинг бу сўзларини шундай тушунадилар: «Нима учун Мени валинеъмат дейсан? Мен валинеъмат эмасман. Фақат Худо валинеъмат. Мен Худо эмасман. Мен валинеъмат эмасман».

Исо бу ерда Ўз илоҳийлигидан ҳам, Ўз валинеъматлигидан ҳам бир оз бўлса-да воз кечмади. Агар бу йигит Ким билан

гаплашаётганлигини билганида, у Исони валинеъмат, деб атаса бўлар эди. Исо валинеъмат эди. У танада гавдаланган Худо эди. Бу йигит танада гавдаланган Худо билан сўзлашаётган эди. Ҳамма гап шунда эдики, йигит буни билмасди. У Исони фақатгина, буюк устоз сифатида ҳурмат қилар эди. У танада гавдаланган Худо билан сўзлашаётганлигини хаёлига ҳам келтирмасди. У валинеъматликни танада гавдаланган Худо билан муҳокама қилаётганлигини билмас эди.

Бой йигит Муқаддас Китобни билмаслиги кўриниб турибди. У 13-Санонинг маъносини тушунмас эди:

«Аҳмоқ ўз кўнглида: “Худо йўқ”, — дейди.

Бундайлар бузилиб, разолат ботқоғига ботар.

Яхшилик қиладиган ҳеч кимса йўқдир.

Худованд инсон ўғилларига осмондан боқар,

Худони қидирувчи бирор идрокли киши бормикин дея.

Бироқ ҳаммаси янглишиб,

Барчаси мурдор бўлган.

Яхшилик қилувчи ҳеч кимса йўқ,

Ҳатто бирор киши ҳам йўқдир!» (Забур саноси. 13:1-3).

Ҳаворий Павлус Янги Аҳдда бу парчани келтиради ва унинг аҳамиятини кучайтириб беради. Бу ерда айтилганларнинг маъносини англай олмаслик мумкин эмас. Яхшилик қилувчи ҳеч кимса йўқ, ҳатто бирор киши ҳам йўқдир. «Ҳатто бирор киши ҳам йўқдир» кўшимчаси тушунмай қолишлик эҳтимолини йўққа чиқаради. Айблов ҳукми ягона, валинеъматлик даражасига кўтарилган Худо Ўғлидан ташқари ҳеч ким учун истисно қилмайди.

Бутун оламни ўз ичига олувчи бундай ҳукм олдида инсоният руҳи даҳшат билан ўзини олиб қочади. Бу ерда

Муқаддас Китоб муболага қилаяпти, албатта. Биз ҳаммамиз яхшилик қилаётган инсонларни биламиз. Инсонларнинг яхши иш қилаётганлигини биз тез-тез кўриб турамыз. Ҳеч ким баркамол эмас, биз бунга қўшиламыз. Бизларнинг ҳаммамиз ҳам баъзан адашамиз. Бироқ, барибир биз ҳаммамиз вақти-вақти билан яхши ишларни содир қилиб юрамыз, шундай эмасми? Бой йигит ҳам айнан шундай ўйлаган. У валинеъматликни нотўғри намунадан келиб чиқиб ўлчаган. У хайрли ишларга четдан кузатувчи инсоннинг қулай вазиятидан туриб баҳо берган.

Худо бизларга баъзи бир хайрли ишларни қилишга амр берган. У бизларга гадоиларга садақа беришни буюради. Биз гадоиларга садақа берамиз. Бу хайрли иш, шундай эмасми? Ҳа, деса ҳам бўлади, йўқ, деса ҳам бўлади. Бизнинг бу ишимиз ташқаридан қараганда Худо амрига мос тушади. Шу маънода бу хайрли иш. Бу маънода биз тез-тез хайрли ишлар қилиб турамыз. Бироқ, Худо инсон қалбига ҳам назар ташлайди. Бизнинг энг яширин юрак майлларимиз Уни ташвишга солади. Хайрли ишлар Худо намуналарига мос келиши учун улар Худони баркамол севги билан севувчи ва худди шундай баркамол севги билан ўзгаларни ҳам севувчи юракдан чиқиши даркор. Бизларнинг ҳеч биримиз Худога нисбатан ҳам, инсонларга нисбатан ҳам севгида баркамолликка эриша олмаймыз, шу сабабли бизнинг қилган барча хайрли ишларимиз хиралашиб қолади. Уларда яширин ниятларимиз сабабининг камолотга етмаганлик доғи мавжуддир. Муқаддас Китоб мантиқи қуйидагичадир: ҳеч ким бенуқсон қалб эгаси эмас, шу сабабли ҳеч ким бенуқсон ишларни қила олмайди.

Худо Қонуни ҳақиқий художўйликнинг кўзгуси ҳисобланади. Ўз ишларимизни бу кўзгу қаршисига қўйсақ, унинг аксида ўзимизнинг камолотга етмаганлигимизни аниқ кўрамыз. Исо бу кўзгуни бой йигитнинг кўзлари олдига қўйди:

«Илоҳий амрларни биласан: «Зино қилма...» Бу ерда, Исо ёш бошлиққа санаб берган амрлар — бизнинг бошқа инсонларга нисбатан мажбуриятларимизни аниқлаб берувчи амрлар эканлигини айтиб ўтиш муҳимдир. Булар ўғрилик қилишни, зино қилишни, одам ўлдиришни ва бошқа гуноҳ ишларни қилишни тақиқловчи амрлардир. Исо келтирган амрлар орасида бизларнинг Худога нисбатан бўлган мажбуриятларимизга бағишланган бир неча оятнинг йўқлиги яққол кўзга ташланади.

Ёш йигит қандай жавоб берди? У ҳеч ҳам ташвишланмади. У хотиржамлик билан ойнага қаради ва ҳеч қандай камчилик кўрмади. У, фақатгина ўз-ўзига ишониш, деб баҳолаш мумкин бўлган оҳангда жавоб берди: «Буларнинг ҳаммасига ёшлигимдан амал қилиб келаман».

Бу кишининг қанчалар манман ва нодон бўлганлигини тасаввур қилиб кўринг-а! Мен Исонинг унга нисбатан бўлган сабр-тоқатини қийинчилик билан тушунаман. Мен ўзимни тутиб тура олмаган бўлар эдим. Мен шу заҳотиёқ аччиқланганимни билдирар ва мана бунга ўхшаш бирор нарса деган бўлар эдим: «Нималар деяпсан! Гапларинга қараганда, сен бу ўнга амрга ёшлигингдан буён амал қилар экансан! Ахир сен охириги беш дақиқа давомида бу амрларнинг биттасига ҳам амал қилаётганинг йўқ! Сен тоғдаги ваъзни эшитмадингми? Агар сен бирор кишидан беҳуда аччиқлансанг, у ҳолда одам ўлдиришни тақиқловчи қонунга янада кўпроқ қарши борган бўлишингни тушунмаяпсанми? Агар бирор аёлга шаҳват кўзи билан қарасанг, зино қилишни тақиқловчи қонунни янада кўпроқ бузган бўлишингни билмайсанми? Сен ҳеч қачон бировнинг ҳаққига кўз олайтирмайсанми? Сен ҳамма вақт ота-онангни ҳурмат қиласанми? Сен ё телбасан ёки кўрсан. Сенинг итоаткорлигинг юзаки эди. Сен шунчаки итоаткор бўлиб кўринасан холос».

Мен шундай қилган бўлар эдим. Бироқ, Исо Ўзини бундай тутмади. Исо янада нозикроқ ва самаралироқ йўл тутди:

«Буни эшитиб, Исо:

— Сенга яна бир нарса етишмайди: нимага эга бўлсанг, ҳаммасини сот ва пулини камбағалларга бўлиш. Шундагина осмонда хазинанг бўлади. Ва сўнг келиб, Менга эргашиш, — деди» (Луқо. 18:22).

Агарда Исо бирор марта ҳазил қилиб гапирган бўлса, ўша ҳолат айнан мана шудир. Агарда Исонинг гапларини сўзма-сўз қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда бу суҳбат ерда яшаб ўтган художўй кишилар орасидаги иккита энг художўйлари ўртасида: бенуқсон Қўзи ва фақатгина битта нуқсонга эга бўлган қўзи ўртасида бўлиб ўтган, деган хулоса қилишга тўғри келади. Агарда мен Исодан, маънавий баркамолликка етишиш учун менга фақатгина битта сифат етишмаётганлигини эшитсам, хурсандликдан ўзимни қўярга жой топа олмай қолган бўлар эдим.

Бироқ, Исонинг бу гапларини сўзма-сўз қабул қилмаслик керак. Агарда биз яхшилаб ўйлаб кўрсак ва Исо қалбининг яширин бурчакларига назар ташлашга ҳаракат қилиб кўрсак, Унинг тахминан мана бундай демоқчи бўлганлигини тушуниб оламиз: «Шундай қилиб, сен ёшлигингдан буён ўнта амрга риоя қилиб келар экансан. Ҳозир текшириб кўрамиз. Биринчи амр қанақа эди? «Менинг қаршимда бошқа худоларинг бўлмасин!» Бу амрга қандай амал қилишингни кўрайлик-чи».

Исо уни синаб кўришга қарор қилди. Агар бу йигитнинг ҳаётида унинг учун Худодан ҳам олдин турадиган нарса бўлса, бу унинг пуллари эди. Исо, айнан шу ерда, унинг биринчи амрга қандай риоя қилишини синаб кўрмоқчи бўлди: «Нимага эга бўлсанг, ҳаммасини сот...»

Бой йигит бунга жавобан нима қилди? У ўзининг ягона камчилигини қандай қилиб бартараф қилди? Йигит бу сўзни эшитиб, хафа бўлди ва қайтиб кетди, чунки у ҳаддан зиёд бадавлат эди. Бу инсон ўн амрни бажариш бўйича имтиҳон топширди ва биринчи саволдан кейиноқ имтиҳондан йиқилди.

Мен бунни, барча масиҳийларнинг ўз хусусий мулкларидан воз кечишларини талаб қилувчи қонун қабул қилинишини истаганим учун ҳикоя қилмаяпман. Бу ҳикоямнинг мақсади — итоат нима эканлигини ва ҳақиқий валинеъматлик учун нима талаб қилинишини тушуниб олишга ёрдам бериш. Исо бу йигитдан ўз сўзларини исбот қилиб беришни талаб қилди ва йигит бунинг уддасидан чиқа олмади.

Бир неча асрлардан сўнг, Исо ва бошқа бир ёш йигитнинг учрашуви содир бўлган вақтда, ўз гуноҳини англаб етишига ёрдам бериш учун, Исо унга узоқ тушунтириб ўтирмади. У ҳеч қачон Лютерга: «Сенга бир нарса етишмайди», — деб гапирмади. Лютер ўзига кўп нарса етишмаслигини билар эди. У ҳуқуқшунос, «қонуншунос» эди. У Эски Аҳд Қонунларини ўрганиб чиқди. Лютер пок ва муқаддас Худо томонидан қўйилган талабларни билар эди. Бу талаблар уни ақлдан оздирарди.

Лютернинг заковати у еча олмаган ҳуқуқий дилеммага дуч келди. Бунинг ечими ҳеч қачон мавжуд эмасдек кўринар эди. У бу савол устида туну-кун бош қотирар эди: адолатли Худо қандай қилиб адолатсиз инсонни қабул қила олади? Лютер ўзининг абадиятдаги ўрни шу саволнинг жавобига боғлиқ эканлигини тушунар эди. Бироқ, у бунга жавоб топа олмас эди. Лютерникидан кўра пастроқ ақлий даражага эга бўлган кишилар, ўз йўлларида хурсанд бўлиб борар эдилар. О, нодонлик бахти! Худо Ўзининг маънавий устуворлиги билан бир мурасага келади ва бизнинг самога тушишимизга йўл

қўйиб беради, деган фикр уларни тўлиқ қаноатлантирар эди. Ахир, агарда улар самога киритилмасалар, само таъриф қилишганидек мўъжизавий жой бўлмайди. Худо «эгри чизиқ» қоидаси бўйича баҳолаши лозим. Фарзанд бу фарзанд, Худо эса бир нечта эътиборга нолайиқ бўлган нуқсонлар учун катта шов-шув кўтармаса керак.

Иккита нарса Лютерни бошқа кишилардан ажратиб турар эди: биринчидан, у Худо Ким эканлигини билар эди. Иккинчидан эса, у Худо қонунларининг талабларини тушунар эди. У қонунларни эгаллади. Агарда у Хушхабарни тушуниб етмаганида, азоб чекиб ўлган бўлар эди.

Кейин бу содир бўлди: Лютернинг диний тажрибаси ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Бунда яшин чақнамади, сиёҳдонлар учмади. Бу сокинликда, унинг ёлғиз ўтириб қилган машғулотлари вақтида содир бўлди. Лютернинг «миноравий тажрибаси» жаҳон тарихининг йўналишини ўзгартириб юборди. Унинг бу кечинмалари Худони янгича тушунишни, Унинг илоҳий адолатини янгича тушунишни ўз ичига олар эди. Худо қандай қилиб Ўз адолатига қарши бормасдан раҳимдил бўла олишини Лютер тушуниб етди. Муқаддас Худо Ўзининг муқаддас севгисини қандай қилиб намоён қилишини Лютер янгитдан тушунди:

«Мен Павлуснинг Римликларга Мактубини тушунишни бутун қалбим билан хоҳлар эдим. Бунга тушуниб етишим учун фақатгина битта ифода, «Худо оқлайди», деган ифода менга ҳалақит берар эди, чунки мен бу ифодани, бу — Худога хос бўлган солиҳлик ва адолатлилик, Худо шулардан келиб чиққан ҳолда фосиқ ва адолатсиз кимсаларни жазолайди, деган маънода тушунар эдим. Мен шундай ҳолатда эдимки, мен бенуқсон роҳиб бўлсам ҳам, Худонинг қаршисида нопок виждонли гуноҳкор сифатида турар эдим ва менинг қилган

хизматларим Унинг газабини юмшата олишига ҳеч қандай ишончим йўқ эди. Шунинг учун ҳам мен адолатли ва газабланган Худони севмас эдим, аксинча Ундан нафратланар ва Унга қарши чиқар эдим. Бироқ, мен барибир мен учун қадрли бўлган Павлуснинг ушбу Мактубига интилар ва у нимани назарда тутганлигини билишни истар эдим.

Мен Худонинг солиҳлиги ва ушбу «имони билан оқланган киши ҳаёт бўлур» сўзлари орасидаги боғлиқликни кўрмагунимга қадар, туну-кун шу устида фикр юритдим. Ниҳоят, шундагина мен солиҳлик, ёки Худо ҳақиқати — бу Худо шундан келиб чиққан ҳолда иноят ва раҳимдиллик орқали бизларни имон орқали оқлайдиган солиҳлик эканлигини тушуниб етдим. Шундан сўнг мен ўзимни қайтадан тугилгандек ва худди очиқ эшиклар орқали тўғри жаннатга кириб боргандек ҳис қилдим. Муқаддас Ёзувлар янгича тус олди ва агарда олдин «Худо оқлайди» сўзи менда нафрат уйғотган бўлса, энди бу сўзнинг жаранги таърифлаб бўлмайдиган ёқимлилиқ, ҳамда буюк севгига тўлди. Павлуснинг Мактубидаги бу парча мен учун осмон дарвозаси вазифасини ўтади.

Агар сиз ҳақиқатдан ҳам Масиҳ — сизнинг Нажоткорингиз эканлигига ишонсангиз, у ҳолда ўша дақиқадаёқ раҳимдил Худого эга бўласиз, чунки сиз пок меҳрибонлик ва лиммо-лим тўлиб турган севгини кўра олишингиз учун, имон Худонинг қалбини ва Унинг иродасини сизга очиб беради. Ишонч билан Худого қараш шуни англатади. Шунда сиз Унинг оталик муҳаббатига тўла бўлган қалбини, газаб ҳам, ёвузлик ҳам йўқ бўлган дўстона қалбни кўрасиз. Худони газабланган Худо, деб кўрувчи инсон Унга нотўғри қараяпти, у худди қора булут

юзини тўсиб қўйганидек, фақатгина кўз олдида турган пардани кўраяпти»¹.

Ишаёе каби Лютер ҳам қизиган кўмирнинг ўз лабларига текканини сизди. У парчаланиб кетиш нимани англантишини яхши билар эди. Муқаддас Худо кўзгусида у ўзининг парча-парча бўлиб кетаётганлигини кўрди. Кейинчалик у, Худо унга самонинг таъмини тотиб кўришга ижозат беришидан аввал, унга дўзахнинг қаърига назар ташлашга рухсат бериши керак эди, дерди. Худо уни бу тубсизликка ташламади. Худо Лютерни бундан қутқазди. Худо Ўзининг бир вақтнинг ўзида солиҳ ҳам, оқловчи ҳам эканлигини исботлади. Лютер илк бор Хушхабарни тушунганида, жаннат эшиклари очилди ва у ичкарига кирди.

«Имон билан оқланган киши ҳаёт бўлур». Бу протестантлик Реформациясининг жанговор ҳайқириғи эди. Фақат имон орқали, фақат биргина Масихнинг хизматлари орқали оқланиш мумкинлиги ғояси Хушхабар учун шу даражада асос бўлиб хизмат қиладики, Лютер уни «жамоат турадиган ёки қулайдиган пойдевор», деб ифодалади.

Павлус Римликларга Мактубда нимага ўргатаётганлигининг маъносини тушунган заҳотиёк, Лютер янгитдан туғилди. Айбдорлик юки унинг қалбидан олиб ташланди. Телба азоб тугади. Бу Лютер учун шунчалик катта аҳамиятга эга эдики, шу сабабга кўра у папа ва жамоатга, ҳоким ва императорга қарши тура олди, агар керак бўлганида у бутун дунёга қарши тура олиши ҳам мумкин эди. У жаннат дарвозасидан ўтди, энди ҳеч ким уни ортга чиқариб ололмас

¹ Роланд Бейнтон, «Шу сўзимда тураман», 1978. — Roland Bainton, *Here I Stand* (NAL, 1978).

эди. Лютер ўз қаршилиги нимани англантишини яхши биладиган протестант эди.

Лютер телба эдими? Бўлиши мумкин. Бироқ, агар шундай бўладиган бўлса, бизлар ҳам, фақатгина имон орқали эга бўлиш мумкин бўлган солиҳликни татиб кўра олишимиз учун, Худонинг ерга шундай телбалик эпидемиясини юборишини сўраб ибодат қилишимиз керак.

Муқаддас адолат

Адолатлилик, ҳақиқатдан ҳам, барча фазилатлар ичида энг олийси ҳисобланади. У инсонни тонг ва кеч юлдузларидан ҳам кўпроқ қувонтиради.

АРАСТУ

Мартин Лютер, адолатсиз кишиларнинг адолатли ва муқаддас Худо ҳузуридаги ҳаётлари қандай ёмон оқибатларга эга эканлигини яхши тушунар эди. Павлус бошда фарзийларнинг фарзийси бўлгани каби, Лютер ҳам роҳибларнинг роҳиби эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам олий маълумотли ва юксак заковат эгалари эдилар. Павлус имонга келиш олдидан бутун Фаластиндаги энг билимли киши ҳисобланар эди. У йигирма бир ёшга кирган вақтда, унинг билим даражаси иккита фалсафа фанлари доктори даражасига тенг эди. Павлус Қонунни чуқур ўрганиб чиққан ва Худонинг адолатлилиги муаммоси устида ишлар эди. Уларнинг ҳар иккиси — роҳиб Лютер ва фарзий Павлус — муқаддас адолат муаммоси устида бош қотирар эдилар. Уларнинг ҳар иккиси, Хушxabар ҳимоячиси бўлишдан аввал Эски Аҳдни ўрганиб чиқишган.

Эски Аҳдни ўрганаётган ҳар бир кишини, биз у ерда кўраётган, Худо ҳукмининг очиқ-ойдин шафқатсизлиги боши берк кўчага олиб кириб қўйиши мумкин. Уларни, даҳшатли лавҳаларнинг таърифланишларини ўз ичига оладиган, бизда «шафқатсизлик» деб аташ қабул қилинган парчалар боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Баъзи кишилар учун бундай «шафқатсиз» парчалар масиҳийликни дарҳол рад этишга асос

бўлади. Улар Эски Аҳд даври Худосидан нафратланиш учун етарлича баҳона топадилар. Бошқа кишлар эса зарбани юмшатишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун улар Эски Аҳдни диний маталларга айлантирадилар ёки шафқатсиз парчаларни содда афсоналарга олиб келиш учун қайчи ва ўчирғич усулидан фойдаланадилар. Баъзилари эса шунчалик ҳаддиларидан ошадиларки, улар Эски Аҳд Худоси Янги Аҳд Худосидан фарқ қилади — У ёмон феъл-атворга эга бўлган, ўз ғазаби билан кул қилиб юборадиган ва Янги Аҳддаги севги Худосидан пастда турадиган салбий Худо, деб таъкидлайдилар.

Мен ушбу бобда Эски Аҳд Худосининг кўзига тик қарамоқчиман. Мен Эски Аҳдда учрайдиган энг оғир, энг таҳқиромуз парчаларни кўриб чиқмоқчиман. Балки уларнинг маъносини тушуниш мумкин бўлар. Ҳорун ўғиллари, Надаб ва Абихун устидан чиқарилган кутилмаган ва тезкор ҳукми кўриб чиқамиз. Аҳд сандиғига қўл теккизишга журъат қилган Уззони Худо қандай қилиб ҳалок қилганлиги устида фикр юритиб кўрамиз. Худо ўлим жазоси билан жазолашни буюрган жиноятларнинг узун рўйхатига назар ташлаймиз. Гуёки Худо буйруғи билан содир қилинган қонли урушларни, аёллар ва болаларнинг ўлдирилишларини кўрамиз. Дикқат! Бу боб асаби бўшлар учун эмас. Агар сиз биз билан бирга ўқишга тайёр бўлсангиз, у ҳолда биз Даҳшатнинг тубига назар ташлаймиз.

«Ҳоруннинг ўғиллари Надаб ва Абихун бухурдонларини олиб, унга чўг солдилар ва чўг устига хушбўй тутатқи ташладилар. Сўнгра улар Худованд олдиға муқаддас бўлмаган, У амр этмаган оловни олиб келдилар. Шу заҳотиёқ Худованд аланға юборди ва Надаб ва Абихунни куйдириб ташлади. Иккови ҳам Худованд олдида ҳалок бўлдилар» (Лев. 10:1,2).

Олийруҳоний Ҳоруннинг ўғиллари Надаб ва Абихунлар ҳам руҳоний эдилар. Худо Ҳорунни энг биринчи олийруҳоний сифатида танлаб олди. Ҳорун Мусо билан биргаликда Исроил халқини чўлда бошлаб борди. Агар Исроилда Худо билан ўзаро яқин муносабатларда бўлган кишилар мавжуд бўлган бўлса, булар Ҳорун ва Мусодир. Инсоний ўлчамлар билан қарайдиган бўлсак, Худо Ҳорунинг ўғилларини кечирса ҳам бўлар эди. Бироқ, ҳеч ким кечирилмади. Қурбонгоҳ олдида содир қилинган битта гуноҳ кетидан, шу заҳотиёқ, Худонинг қаҳрли жавоби намоён бўлди — У шу жойнинг ўзидаёқ гуноҳкорларни ер юзидан йўқ қилиб юборди. Йўқ, улар фоҳишалар билан зино қилиб қурбонгоҳни ҳаром қилмадилар ва Молох таълимоти бўйича инсоний қурбонликлар келтирмадилар. Уларнинг бор айби «бегона олов»ни олиб келишдан иборат эди. Бу қандай «бегона олов» бўлганлигини ишонч билан айтиб бўлмайди. Бу ҳодиса худди ёш руҳонийлар Худога ҳамду санолар айтишни ўзларича ижодий тажриба қилиб кўришганга ўхшаб кўринади. Балки, уларнинг бу қилмиши жазога лойиқ бўлгандир. Бироқ, бунинг учун ўлим жазоси? Ҳукм чиқармасдан туриб? Тезкорлик билан ижро этилиш?

Бир олим, Альберт Эйнштейннинг дўсти, Эммануил Великовский ўзининг аста-секин давом этган емрилиш ва улкан музликларнинг ҳаракати натижасида ер қобиғининг босқичма-босқич тубдан ўзгариши ҳақидаги ғоянинг нотўғри эканлигини исбот қилувчи назариялари билан геология илмини лол қолдирди. Шу билан бирга у, Надаб ва Абихун билан содир бўлган ҳодисани тушунтириб берувчи назарияни ҳам илгари сурди.

Великовский, ер юзаси ҳалокатли силжиш натижасида кескин ва қутилмаган ўзгаришларга учради, деган фикрга асосланар эди. Қандайдир сайёра ёки улкан кометанинг ерга

яқин келиши шу силжишга сабаб бўлди. У ерга шунчалик яқин келдики, натижада магнит майдонларининг ҳаракатини тескари тарафга ўзгартириб юборди ва Ерни орқага айлантишга мажбур қилди. Бор тезлиги билан айланаётган пилдиروقни тасаввур қилиб кўринг. Энди фараз қилингики, бир дақиқанинг ўзида қандайдир куч уни тескари йўналишда айланишга мажбур қилди. Агарда пилдиروقнинг ичига сув қуйсак нима бўлади? У тескари томонга ҳаракат қила бошлайди ва бу ҳаракат сувнинг қалқиб кўтарилишига ўхшаш бўлади. Бу назария қисман қуйидагидан иборат: ичида улкан нефт захираларига эга бўлган ерга метеорит ёмғири ёғади. Бунинг натижасида ер қобиғидаги ёриқлар бекилиб қолди, ер остида эса катта-катта нефт тўпламлари пайдо бўлди (нефтга бой бўлган Яқин Шарқ регионини эста олинг). Ушбу улкан кометанинг думи бир неча йиллар давомида кўриниб турди ва инсонлар уни аломат сифатида қабул қилдилар. Одамлар шу изнинг ортидан бордилар. Қирқ йил давомида тушуниб бўлмайдиган йўналиш бўйича чўлда юрган яхудийлар ҳам шундай қилган эдилар. Великовскийнинг сўзларига қараганда, яхудийлар кўрган оловли ва булутли устун айнан мана шу комета бўлган.

Надаб ва Абиҳун нефт топиб олдилар ва унинг нима эканлигига қизиқиб қолдилар. Улар нефтни қурбонгоҳдаги ёнувчи нарсалар билан аралаштириб кўрилса нима содир бўлишини кўришга аҳд қилдилар. Улар бу аралашмани ёқиб кўрдилар, у дарҳол ўт олди ва порглаб кетди. Руҳонийлар шу жойнинг ўзида ҳалок бўлдилар. Содда жамиятда бу ҳодисага, худолар томонидан қилинган ҳукм сифатида қарашган бўлар эдилар.

Великовский бу воқеанинг табиий талқинини таклиф қилди. Унинг нуқтаи-назарида Надаб ва Абиҳуннинг ўлими

бахтсиз ҳодиса, номаълум олов билан болаларча ўйнашишнинг фожеавий оқибати кўринишида изоҳланар эди.

Муқаддас Китоб бунга бошқа назар билан қарайди. Муқаддас Китобда бу ҳодисага мўъжизавий Худо ҳукмининг иши сифатида қаралади. Ҳукм табиий кучлар ёрдамида амалга оширилган бўлиши мумкин, бироқ, Надаб ва Абихуннинг ўлими оддий бахтсиз ҳодиса эмаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Унга Худо ғазаби ва ҳукмининг намоён бўлиш сифатида қараш керак.

Ҳорун бунга нисбатан қандай муносабат билдирди? Ҳорун бундан ғазабланганлигини ишонч билан айтиш мумкин. У ўзининг бутун умрини Худо хизматига бағишлади. Ўғиллари ҳам унинг изидан боришди. Ҳорун ўғиллари хизматга тайинланган кунни ва улар руҳонийлик хизмати учун танланган вақтда ўзи ҳис қилган оталик фахрини ёдидан чиқармаган эди. Улар бутун оиласи билан Худога хизмат қилар эдилар. У хизмат қилган Худо уни қандай тақдирлади? Худо унинг ўғилларини фақатгина қурбон келтириш қоидаларини озгина бузганликлари учун ўлим жазосига маҳкум қилди.

Ҳорун бу ҳақда сўзлаб бериш учун Мусонинг олдида борди. Ҳорун гўёки: «Хўп майли, Худо. Мен Сен ҳақингда ҳаммасини сўзлаб бераман. Мен тўғри Мусонинг олдида бораман. Бу сафар иккаламизнинг олдимизда жавоб беришинга тўғри келади», — деяётганга ўхшар эди. Ҳорун Мусонинг олдида борди ва бўлган воқеани унга сўзлаб берди.

«Шунда Мусо Ҳорунга айтди: “Худованднинг Менга яқинлашганлар орқали ўз муқаддаслигимни кўрсатаман”, деб айтгани мана шудир» (Лев. 10:3).

Мусо Ҳорунга ХУДОВАНДНИНГ жавобини айтди. У Ҳорунга руҳонийларни бошда муқаддас қилиш ҳақида

эслатди. Улар муқаддас вазифани бажариш учун танланган эдилар. Уларга ўз хизматларини фақатгина кўрсатиб берилган тартибда адо этиш мажбурияти тантанали равишда эълон қилинган эди. Улар муқаддас Худо олдида хизмат қилиш имтиёзига эга эдилар. Чодирдаги ҳар бир идиш Худонинг аниқ талабларига мос равишда ясалган ва ҳар бир буюм қийин, У томонидан кўрсатиб берилган тадбирлар орқали муқаддас қилинган эди. Қурбонгоҳ ва тутатқиларга келсак, Ҳорун ва унинг ўғиллари улар билан қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида аниқ кўрсатмалар олдилар. Худо шундай деди:

«Бу қурбонгоҳ устида бошқа бирон тутатқи тутата кўрманг, на ёндирилган ҳайвон қурбонлиги, на дон назри бағишланманг. Назрга аталган бирор суюқлик ҳам тўкилмасин. Ҳар йили бир марта Ҳорун қурбонгоҳ шохлари устида гуноҳлардан фориғ бўлиш учун сўйилган қурбонликнинг қонини тўкиши керак. Бу маъбад Худованд учун алоҳида муқаддасдир» (Чик. 30:9,10).

Кўрсатмалар аниқ ва равшан эди. Худо тутатқилар тутатиладиган қурбонгоҳни «алоҳида муқаддас», деб атади. Надаб ва Абихун қурбонгоҳга бегона ёки Худо томонидан белгилаб берилмаган оловни олиб келиб, Худонинг кўрсатмаларига очиқдан-очиқ қарши чиқдилар. Бу очиқдан-очиқ бош кўтариш, муқаддас жойни кечириб бўлмайдиган даражада ҳаром қилиш эди. Улар алоҳида муқаддас бўлган жойни ҳаром қилдилар.

Худо ҳукми ўзини куттириб қўймади. Худо ҳаммасини Мусога аниқ тушунтириб берган эди: «Менга яқинлашганлар орқали ўз муқаддаслигимни кўрсатаман». Бу сўзлар олдиндан кўра билиш ҳам, каромат қилиш ҳам эмас эди. Худо: «Мен мана шу ва мана шу ишларни қиламан», деганида, У бу сўзларни илоҳий амр, ҳеч бир инсон бекор қила олмайдиган

ёки ўрнига бошқасини чиқара олмайдиган амр сифатида айтар эди.

Бу лавҳанинг энг муҳим жойини биз учинчи оятнинг якуний сўзларида кўрамиз: «Ҳорун сукут сақлади».

Ҳорун яна нима ҳам қила олар эди? Муҳокама тугади. Далиллар аниқ кўришиб турибди ва Худо Ўз ҳукмини чиқарди. Ҳорун ўғилларига бегона оловни олиб келиш қатъиян ман қилинган эди. Улар итоатсизлик қилдилар ва жазо берувчи ҳакам — Худонинг болғаси пастга тушди. Ҳорун шунинг учун сукут сақлар эди. У ҳеч нарса дея олмас эди. У ҳеч қанақанги оқлов ўйлаб топа олмас, эътироз билан мурожаат қила олмас эди. Унинг оғзи худди Ҳукм кунисидаги гуноҳкорларнинг оғзи каби ёпиқ эди.

Биз бу ерда Худонинг жазо берувчи адолати, шундан келиб чиққан ҳолда У айбдорга жазо берадиган адолати мисолини кўраяпмиз. Бу жазо шафқатсиз ёки ғайритабиийми? У адолатсизликка айланган ҳолда, адолатли жазо чегарасидан чиқаяптими?

Бизнинг онгимизга жазо жиноятнинг оғир ёки енгиллигига мос келиши керак деган тушунча чуқур ўрнашиб қолган. Агар жазо жиноятдан кўра оғирроқ бўлса, у ҳолда адолатсизлик содир қилинаётган бўлади. Муқаддас Китобда, Надаб ва Абихун ўз гуноҳларини оқлаш учун беҳабарликларига ишора қила олмасликлари очиқ-ойдин кўрсатилади. Худо Ўз талабларини уларга аниқ қилиб тасвирлаб берди. Улар қурбонгоҳда Худо томонидан белгилаб берилмаган оловни тутатиш мумкин эмаслигини яхши билар эдилар. Уларнинг ҳақиқатдан ҳам гуноҳ қилганликларини тушуниб олиш биз учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Бироқ, бу гуноҳнинг шунчалар жиддий эканлиги, унинг учун Худо шу жойнинг ўзидаёқ уларни ҳукм қилиши уларнинг ҳаёлига ҳеч

қачон келмаган эди. Биз бу ерда ҳодиса Худонинг жазо беришда жуда ҳам қаттиққўл эканлигига, жинойтга қараганда жазонинг анчайин оғирлигига ва бу каби жинойт учун мутлақо ғалати эканлигига гувоҳлик бераётганлигини кўрамиз. Бундай жазо бизни нафақат ўйга солади, балки эсанкиратиб ҳам кўяди.

Бу ҳикоя бундан аввал Ибтидода айтилган Худо адолати ҳақидаги сўзлар билан қандай мослашади? Ибтидода шундай дейилади: «Сен бутун ернинг Ҳокимисан, шак-шубҳасизки, Сен адолат билан ҳукм қиласан». Бу ердаги асосий маъно, Худо ҳамма вақт адолатли ҳукм қилишидан иборат. Унинг мулоҳазалари ҳеч қачон адолатсиз бўлмайди, ҳеч қачон зolim подшоҳнинг инжиқликлари натижаси бўлмайди. Худо учун адолатсиз бўлишнинг иложи йўқ, чунки Унинг адолати муқаддасдир.

Агарда биз Надаб ва Абихун ҳикояси устида бош қотираётган бўлсак, у ҳолда Уззо ҳақидаги ҳикоя биз учун янада кўпроқ қийинчилик туғдиради. Довуд Исроил тахтига ўтирганидан сўнг, шу заҳотиёқ ўз шоҳлигининг бирлашиши учун қатъий чоралар кўра бошлади. У юқори лавозимдаги маслаҳатчилар ва лашкарбошилар билан маслаҳат қилгач, Исроилнинг энг муқаддас идиши, аҳд сандиғини «ёлғизликдан» чиқариб олишга ва уни мамлакат марказига олиб келишга қарор қилди. Сандиқ филистийлар томонидан эгаллаб олинган эди. У қўлга олинган ўша машъум кунда Худо шуҳрати Исроилни тарк этди, деб гапиришар эди. Муқаддас сандиқ душманлар қўлига тушганидан сўнг, Исроил ўзининг энг буюк хазинасидан маҳрум бўлди. У Дагонда, мажусийларнинг ибодатхонасида турган эди. Аҳд сандиғини қайтариб олишганидан сўнг, Исроилда унинг аввалги шуҳратини тиклаш учун қулай фурсат келгунга қадар бежавотир жойда сақлашаётган эди. Энди шу фурсат келди.

Довуд олдинги шуҳратни қайтаришни истар эди. У шундай деди:

«Худовандимизнинг Аҳд сандигини ўзимиз турган жойга олиб келамиз, чунки Шоул давридан буён биз унга мурожаат қилмадик». Йигиннинг барча аъзолари: «шундай бўлсин», дейишди, чунки бу иш барча кишиларга адолатли бўлиб кўринди (1 Пар. 13:3,4).

Сандиқ бутун халқни бирлаштириб турар эди. Бу Худо тахти, Тангрининг муқаддас идиши эди. Уни Худованднинг хоҳишига мос равишда ясадилар ва безатдилар. Сандиқни муқаддаслар муқаддасида сақлаш лозим эди. Сандиқ ситтим (акас) дарахтидан ясалган, ичи ва ташқариси олтин билан қопланган эди. Уни узунлиги бўйича олтин нақшлар безаб турар эди. Унинг пастки тўрт бурчагига тўртта олтин халқа ўрнатилган эди. Халқаларга узун таёқлар киргизилар ва шундагина сандиқни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин бўлар эди. Таёқлар ҳам акас дарахтидан ясалган ва олтин билан қопланган эди.

Сандиқнинг қопқоғи «авф этиш қопқоғи» деб аталар эди. У ҳам тоза олтиндан ясалган эди. Олтиндан қуйилган иккита карублар қанотларини юқорига чўзган ҳолатда сандиқнинг икки томонига, бир-бирига юзма-юз қилиб жойлаштирилган эди. Довуд Қуддусга қайтариб олиб келишни буюрган муқаддас сандиқ мана шундай кўринишга эга эди.

«Худонинг сандигини янги аравага ортиб Оминадобнинг хонадонидан олиб чиқишди. Уззо ва Охия аравани бошқариб боришар эди. Довуд ва бошқа жамики Исроил халқи бор кучлари билан рақс тушиб, сано куйлаб, гижжак ва тимпанлар, карнай ва сурнайлар чалиб Эгамиз кўз олдида борар эдилар. Нохўннинг хирмонжойига етиб борганларида, Уззо сандиқни ушлаб қолиш

учун кўл узатди, чунки ҳўкизлар аравани қийшайтириб юборган эдилар. Бироқ, Худованд бундан газабланди ва сандиққа кўл теккизгани учун Уззони ҳалок қилди. Уззо шу ернинг ўзидаёқ, Худованд қаршисида жон берди. Тангри Уззони ҳалок қилганлигидан Довуд хафа бўлди...» (1 Пар. 13:7-11).

Довуд «Худованднинг кўнглидаги эр» эди. У нафақат уддабурон шоҳ, атоқли мусиқачи, енгилмас жангчи, балки шулар билан бирга тенги йўқ уламо ҳам эди. Агарда бу газабдан Довуд хафа бўлган бўлса, у ҳолда илоҳиёт илмидан беҳабар бўлган киши ўзини қанчалик ноқулай сезиши мумкин?

Худо севги ва меҳрибонлик Худоси, деб таълим олган кишиларда Уззонинг ҳукм этилиши, Надаб ва Абихун ҳодисасидан ҳам кўра кучлироқ норозилик ҳиссини уйғотади. Муқаддас Китобда, Худо сабр-бардошли, Унинг жаҳди тез эмас, деб айтилади. Уззо билан содир бўлган воқеада, Унинг газаби қайнаши учун кўп вақт керак бўлмаганлиги кўриниб турибди. Уззо сандиққа кўл теккизди — ва тамом! Худонинг газаби келди.

Бу ерда ҳам, бу ҳикоядаги қаттиққўлликни силлиқлаш учун Уззонинг ўлимига табиий кўриниш беришга ҳаракат қилишган. Уззонинг муқаддас сандиққа нисбатан ҳурмати шу қадар баланд эдики, у бу муқаддас буюмни шу даражада эҳтиром қилар эдики, натижада, кўли сандиққа тегиши биланок Уззо даҳшатга тушди ва шу заҳотиёқ юраги ёрилиб ўлиб қолди, деган фараз илгари сурилган эди. У кўрққанидан ўлиб қолди. Бундай тушунтириш бу ҳодиса учун ҳар қандай жавобгарликни Худонинг бўйнидан олиб ташлайди. Бу назарияга кўра, Муқаддас Китоб муаллифининг талқини — бу Эски Аҳдда тўлиб ётган содда тасаввурлар намунасидир.

Инсонлар бу каби талқинларга замонавий кишиларда барча ғайритабиий нарсаларга нисбатан аллергия борлиги сабаблигина эмас, балки шу билан бирга, бу ҳикоя биздаги адолат ҳиссини қаттиқ ҳақоратлаши учун ҳам талпинишади. Содир бўлган воқеа устида яна бир марта фикр юритиб кўринг. Аҳд сандиғини ҳўкиз қўшилган аравада Қуддуста олиб кетишаётган эдилар. Бу шодликка тўла бўлган миллий байрам куни эди. Муқаддас шаҳарга унинг шуҳрати қайтиб келаётган эди. Араванинг чор-атрофни ҳалойиқ ўраб олган эди. Маросим байрамона тус олган, унга цитралар, санолар, тимпанлар, ғижжак ва сурнайлар овози жўр бўлар эди. Бу манзарани кўз олдингизга келтириб кўринг: у худди бизнинг давримиздаги етмиш олтига тромбон билан ўтказилаётган намоишга ўхшаш таассурот қолдирар эди. Одамлар кўчаларда рақсга тушиб юришарди.

Ҳўкизлар тўсатдан қоқилиб кетишди ва натижада, арава хавфли равишда қийшайди. Сандиқ уни ушлаб турган таянчлардан чиқиб кетди. У ҳозир йиқилиб тушади ва йўл ифлослигига булғанади! Бундай муқаддас буюмнинг булғанишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шубҳасиз, Уззо беихтиёр ҳаракат қилди. У сандиқнинг лойга тушишига йўл қўймаслик учун ҳар бир художўй яхудий қилиши мумкин бўлган ишни қилди.

У сандиқни мувозанат ҳолатига келтириш учун, муқаддас буюмнинг ерга тушиб кетишига йўл қўймаслик учун қўлини чўзди. У олдиндан ўйлаган ҳолда Худога қарши чиқмади. Бу беихтиёр қилинган ҳаракат эди. Бизнинг нуқтаи-назаримиздан қараганда бу қаҳрамонлик бўлиб кўринади. Бизнингча, агар Уззо ўз ҳаракатига жавобан осмондан: «Раҳмат сенга, Уззо!», деяётган Худо овозини эшитганида мантиққа тўғри бўлар эди. Худо бундай демади.

Бунинг ўрнига У Уззони ўлдирди. Худо уни турган жойида ҳалок қилди. Яна ҳукм шу заҳотиёқ ижро қилинапти.

Ҳозирги замон теологлари бу ҳодисага қандай ёндашишларини биламиз. Энди биз Муқаддас Китоб бунга қандай қарашини билишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Уззонинг гуноҳи нимадан иборат эди? Бу саволга жавоб бериш учун яҳудийлар тарихининг бошига, руҳонийлар табақаси эндигина шакллана бошлаган даврга қайтишимизга тўғри келади. Ўшанда Худо руҳонийлар учун алоҳида амрлар берди. Исроилда руҳоний бўлиш учун Левий бўғинидан келиб чиққан бўлишлик лозим эди. Ҳамма руҳонийлар левийлар эди, бироқ ҳамма левийлар ҳам руҳоний бўла олмас эдилар. Левий бўғинида бир шох, Кат авлодларининг уруғи бор эди. Худо айнан ўшаларнинг зиммасига мутлақо муҳим вазифа юклади. Улар адо этишга тайёрланадиган асосий вазифа — бу муқаддаслардан муқаддасни кўтариб юриш эди:

«Кат ўғилларининг йигин чодирда қиладиган хизмати Муқаддаслардан муқаддасни кўтариб юриш бўлсин» (Сон. 4:4).

Чодир йиғиладиган эди. Исроил бўғини бошқа жойга кўчаётганда, Худо ҳам улар билан бирга бўлсин учун чодирни ҳам ўзлари билан бирга олиб юрар эдилар. Бундан олдин муқаддас идишларни бирор зарар етишдан сақлаш учун беркитиб қўйиш зарур эди. Биз ўқиймиз:

«Қароргоҳ йўлга отланаётганда, Хорун ва унинг ўғиллари ибодатхонани ва у ердаги буюмларни ҳам беркитишсин. Шундан кейингина Кат ўғиллари Муқаддаслардан муқаддасни олиб кетиш учун келишсин. Лекин улар ибодатхонага қўл текизмасликлари лозим, акс ҳолда улар ўладилар. Йигин чодирининг ўша қисмларини Кат ўғиллари кўтариб боришлари лозим» (Сон. 4:15).

Худо қуйидаги шарт билан ўз амрини мустаҳкамлайди:

«Худованд Мусо билан Ҳорунга яна деди:

— *Левийлар орасида Кат уругларининг қирилиб кетишига йўл қўйманглар. Улар Муқаддаслардан ҳам муқаддасга яқин келганларида, ўлмай тирик қолишлари учун шундай иш қилинганлар: Ҳорун ва унинг ўғилари келиб, Кат ўғилларининг ҳар бирига нима қилишини ва нимани олиб боришини кўрсатсин. Муқаддасдан ҳам муқаддаснинг устини ёпаётганларида ўзлари келиб нобуд бўлмасликлари учун муқаддасдан ҳам муқаддасга қарамасликлари лозим» (Сон. 4:17-20).*

Уззо ҳам Кат авлодларидан эди. У ўз вазифасини жуда яхши билар эди. Унга бу хизматни синчковлик билан ўргатишди. Худо — Аҳд сандиғига тегиниш жиноят, бунинг учун олий жазо берилади, деб эълон қилганлигини Уззо билар эди. Кат авлодининг ҳар бирига ҳар қанақанги ҳолатда ҳам сандиққа қўл теккизиш қатъиян ман қилинган эди. Бу буйруқни бузиш учун етарлича асос бўла оладиган ҳолат йўқ эди. Сандиқнинг мураккаб тузилиши, узун таёқлар кийдириладиган олтин халқалар ўрнатилганлигининг ўзи гўёки: сандиққа тегиниш мумкин эмас! — деяётгандек эди. Инсон сандиқни бир жойдан бошқа жойга олиб бориш мақсадида уларни халқалардан ўтказиш учун фақатгина таёқларнинг ўзигагина тегиниши мумкин эди. Бундан кейинги иш — сандиқни ушбу узун таёқларда кўтариб юриш — Кат авлодининг иши эди. Ҳеч қаерда, маросимни тезлаштириш учун, сандиқни ҳўкиз қўшилган аравада олиб юриш мумкин, деб айтилмаган эди.

Биринчи навбатда биз шу саволни ўз олдимишга қўйишимиз керак: сандиқ қандай қилиб арава устига чиқиб

қолди? Худо чодирдаги муқаддас буюмларга нисбатан шу даражада қаттиққўл эдики, Кат авлодарининг сандиққа назар ташлашлари ҳам ман этилган эди. Бу жинойт учун ҳам ўлим жазоси берилар эди. Худо шундай амр қилди: агарда Кат авлодаридан бирортаси муқаддаслар муқаддасига битта нигоҳ ташласа ҳам ўлади. Уззога нафақат сандиққа тегиниш, балки унга қараш ҳам ман қилинган эди.

Шунга қарамасдан, у сандиққа қўл теккизди. У сандиқнинг ерга тушиб кетишига йўл қўймаслик учун қўлини узатди ва бевосита сандиқнинг устига қўйди. Бу муқаддас қаҳрамонликими? Йўқ! Бу такаббурлик, ортиқча даражада ўзига ишонганлик гуноҳи эди. Уззо ўз қўлини ердан кўра тоза, деб ўйлади. Бироқ, сандиқни ер эмас, лой эмас, айнан инсоннинг тегиниши булғаши мумкин эди. Ер — итоаткор мавжудот. У Худо буюрган ишни қилади. У ўз вақтида ҳосил беради. Худо томонидан тайинланган табиат қонунларига бўйсунди. Ҳарорат маълум бир даражадан пастга тушгач ер музлайди. Чангта сув тушса, чанг лойга айланади, чунки буни Худо олдиндан белгилаб берган. Ер коинот ўлчамидаги ўзгаришларни содир қилмайди. Ер ҳеч нарса билан булғанмаган.

Худо Ўзининг муқаддас тахтига ёвузлик билан булғанган, Унга қарши бош кўтарган мавжудот, ўзининг худосиз исёни билан барча ижодни вайрон қилган, ер, осмон ва денгизни нажот кунини кутиб азоб чекишга мажбур қилган мавжудот тегинишини истамас эди. Инсон. Айнан инсоннинг тегиниши ман қилинган эди.

Уззо гуноҳсиз жазоланмади. У огоҳлантиришсиз жазоланмади. Агарда Уззо қонунга қарши бормаганида эди, у ҳеч қачон жазоланмаган бўларди. Бу илоҳий ҳукм ҳеч ҳам инжиқликнинг намоён бўлиши эмас эди. Худонинг ушбу ҳолатдаги ҳаракатларида заррача ҳам зўравонлик йўқ эди.

Бирок, бунда қандайдир ғайри табиийлик мавжуд эди. Хукмнинг тўсатдан ижро этилиши, унинг ортга қайтмаслиги бир вақтнинг ўзида бизни ҳайратга солади ва хафа қилади.

Узо ҳикояси, Надаб ва Абихун ҳикояси бизларни ҳақоратлашига, шунга кўра ўзимизни қаттиқ ғазабланган, деб ҳисоблашимизга бир сабаб мавжуд. Биз бу нарсаларни қабул қилишга қийналамиз, чунки биз Муқаддас Китобнинг тўртта ҳаётий муҳим асослари: муқаддаслик, адолат, гуноҳ ва иноятни тушунмаймиз. Биз муқаддас бўлиш нима эканлигини тушунмаймиз. Биз адолат нима эканлигини тушунмаймиз. Гуноҳ нима эканлигини тушунмаймиз. Иноят нима эканлигини тушунмаймиз.

Узо ҳикояси — илоҳий адолатга мисолдир. Бу ҳикоя илоҳий раҳм-шафқат мисоли эмас. Бирок, аввал илоҳий адолат ҳақида бирор-бир тушунчага эга бўлмасдан туриб, илоҳий раҳм-шафқат тушунчасига яқин ҳам кела олмаймиз.

Муқаддас Китобда Худонинг адолатлилиги ҳақида гапирилганда, одатда Унинг адолати Унинг солиҳлиги билан бирлашиб кетади. Худо солиҳ ҳукм чиқаради. Солиҳ бўлмаган адолат, деган тушунча мавжуд эмас. Худонинг ёвуз адолати, деган тушунча йўқ. Худонинг адолатлилиги ҳар доим Унинг муқаддас табиатининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Муқаддас Китобда «адолат» сўзи қилинган ҳаракатларнинг қоида ва мезонларга мос келиши маъносида ишлатилади. Адолатнинг олий шакли Худонинг муқаддас табиати орқали аниқланади. Унинг солиҳлиги икки хил кўринишда бўлади. Биз Худонинг ички солиҳлигини Унинг ташқи солиҳлигидан ажрата оламиз. Худо амалга оширадиган барча ишлар ҳар доим Унинг Ўзига тўла-тўқис муносибдир. Худонинг қиладиган ишлари ҳар доим Унинг муқаддас табиатидан келиб чиқади. Худонинг «ички солиҳлиги» — бу Худонинг

мутлақ поклигидан келиб чиқадиган табиатининг маънавий устунлигидир. Унда ўзгарувчанликдан асар ҳам йўқ. Худо муқаддас бўлганлиги сабабли ҳеч қачон нопок иш қилолмайди. Фақатгина нопок мавжудотларгина ноҳақлик ва фосиқлик ишларини қиладилар.

Худода ички тартиб, бутунлик, тўғрилиқ мавжуд. Кўп ҳолларда инсоннинг фосиқлиги биз ноҳақ ва эгри деб тавфсифлайдиган сўзлар билан ифода қилинади. Биз ахлоқсиз ва бузуқ бўлиб қолганмиз. Жинойтчиларни бекордан-бекорга фирибгар¹ деб аташмайди. Фирибгарларнинг ички дунёси эгри бўлганлиги сабабли фирибгар, деб аташади. Улар тўғри сўз эмас. Худо тўғри. Худонинг тўғрилиги Унинг ишларида, Унинг солиҳлигида намоён бўлади. Бутун абадият давомида Худо бирорта ҳам ноҳақ ёки нотўғри иш қилмади. У Надаб ва Абихунни ўлдирди. У Уззони ўлдирди. Янги Аҳд даврида эса У Ҳанания ва Саффира билан ҳам шундай иш тутди. Буларнинг барчаси солиҳ ҳукм эди.

Муқаддас Китоб Худо бутун коинотнинг Бош Ҳаками эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб беради. Уззо ҳақидаги ҳикояни ўқиганимиздан кейин бизда қуйидагича савол туғилиши тайин: Худо бу иш учун тўғри келармикан? Осмон ва ернинг Бош Ҳаками бўлиш учун У адолатли бўлиши лозим. Агарда Бош Ҳакам адолатсиз бўлса, у ҳолда қачонлардир адолат тантана қилишига умид қилмасак ҳам бўлади. Дунёвий ҳакамларни сотиб олиш мумкинлигини жуда яхши биламиз. Улар пора оладилар. Таниш-билишчилик қиладилар. Баъзи вақтларда эса улар қўполлик қиладилар ва шунга мос равишда иш тутадилар. Улар хатога йўл қўйишади.

¹ Сўз ўйини: *crooked* — бузуқлик, эгрилик, *crook* — алдамчи, фирибгар. —
Тарж. изоҳи.

Худо эса бундай қилмайди. Уни сотиб олиб бўлмайди. Ҳеч ким Унга пора бера олмайди. У таниш-билишчилик қилмайди. У ҳеч қачон кўр-кўрона иш тутмайди. У хато қилмайди. Ҳозирги даврдаги парламент клакер¹ лари: «Эрл Уоррен импичмент ² қилинсин!» — деб талаб қилишлари мумкин. Фақат ақлдан озган кишигина Худонинг импичмент қилинишини талаб қилиши мумкин.

«Кўпчилик Отаси» Иброҳим Худо адолати ҳақида бош қотирди. Худо Садўм ва амўрани вайрон қилмоқчи эканлигини эълон қилди. У бу шаҳарларни уларда яшовчи барча аҳоли — эркалар, аёллар ва болалар билан бирга ер юзидан бутунлай йўқ қилиб юборишга қарор қилди. Иброҳим бундан хавотирга тушди. Бу шаҳарлар устига илоҳий ғазаб ёғилган вақтда айбсиз кишилар ҳам айбдорлар билан бирга ҳалок бўлиши мумкинлиги уни ташвишга солар эди. Иброҳим, агарда бу шаҳарларнинг вайрон қилиниши Худо ҳукми бўладиган бўлса, бу ҳукм ўқитувчи бутун синфни бир ўқувчининг қилмиши учун жазолашига ўхшаш асоссиз бўлиб қолмасин, деб ташвиш чекар эди:

«Иброҳим Унга яқинроқ келиб деди: Наҳотки Сен солиҳ кишини ёвуз билан бирга қириб ташласанг? Балки бу шаҳарда эллик нафар солиҳ киши бордир. Наҳот ўша эллик нафар солиҳ ҳақи бу жойга омонлик бермасанг. Асло солиҳни ёвуз билан бирга қириб ташлама! Ёвуз билан солиҳни қисматини баробар тутиш ҳеч ҳам Сенга муносиб иш эмас. Сен бутун ернинг

¹ Клака — маърузачи, артист, спектаклнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизликка учрашини таъминлаш учун ёлланган кишилар гуруҳи. — *Тарж. изоҳи.*

² Импичмент — давлатнинг юқори лавозимларида ишловчи кишиларнинг парламент судига жалб қилиниши. — *Тарж. изоҳи.*

Ҳокимисан, шак-шубҳасизки, Сен адолат билан ҳукм қиласан»
(Ибт. 18:23-25).

«Сен бутун ернинг Ҳокимисан, шак-шубҳасизки, Сен адолат билан ҳукм қиласан». Инсонлар ҳаминша мана шундай фикр юритганлар. Иброҳим, солиҳ кишини фосиқ билан бирга ўлдириш — бу Худо учун мутлақо бегона иш, деб фараз қилар эди. «...ҳеч ҳам Сенга муносиб иш эмас...». Бундай йўл тутиш Худо учун қай даражада номуносиб экалигини Иброҳим билмас эди. Худо айбсиз кишиларни айбдорлар билан бирга ўлдириши мумкинлиги эҳтимоли ҳам мавжуд эмас. Бундай ишни содир этиш учун Худо муқаддас бўлишдан тўхташи лозим. У Худо бўлишдан тўхташи лозим.

Худо Иброҳимнинг илтимоси туфайли Ўз ниятидан воз кечишга рози бўлди. Худо, агарда Иброҳим шаҳардан қирқ бешта солиҳ кишини топа олса шаҳарни кечиришга ваъда берди. У шаҳарни қирқта, ўттизта солиҳ киши учун кечиради. Ниҳоят, Иброҳимнинг вазифаси саксон фоизга енгиллаштирилди. У қилиш лозим бўлган иш — бу шаҳардан ўнта солиҳ кишини топиш эди. Шунда Худо шаҳарни кечирар эди. Бу парчанинг маъноси шундан иборатки, Худо, агарда Иброҳим битта солиҳ киши топганида, шу битта солиҳ киши учун ҳам шаҳарни кечиришга тайёр эди. Садўм ва амўранинг ҳоли нима бўлди?

«Эрта билан Иброҳим йўлга чиқиб, Худованд рўпарасида турган ўша жойга борди. Пастга қараб, Садўм ва амўра ҳамда бутун ува бўйлаб рўй берган фожиани пайқади. Ер сатҳидан кўтарилаётган пага-пага тутун ёнар кўрадан чиқаяётган тутунга ўхшарди» (Ибт. 19:27,28).

Осмон ва ернинг Ҳокими адолатсиз иш тутмади. Битта ҳам айбсиз киши жазоланмади. Худонинг адолати Унинг

солиҳлигидан ажралмайди. У ҳеч қачон беайб кишини ҳукм қилмайди. У ҳеч қачон айбдорни оқламайди. Унинг жазоси ҳеч қачон керагидан ортиқ бўлмайди. У ҳеч қачон солиҳликни мукофотсиз қолдирмайди. Унинг адолати — етук адолатдир.

Бироқ, Худо Ўз ҳаракатларида ҳар доим ҳам адолатни қўлламайди. Баъзан У раҳм-шафқат билан ҳам иш кўради. Раҳм-шафқат — бу адолат эмас, бироқ адолатсизлик ҳам эмас. Адолатсизлик солиҳликка қарши боради. Раҳм-шафқат эса солиҳликка қарама-қарши чиқмаган ҳолда, меҳрибонлик ва иноятни намоён қилади. Биз Худода адолат ўрнига раҳм-шафқат кўришимиз мумкин, бироқ биз ҳеч қачон Унинг адолатсизлигига дуч келмаймиз.

Биз яна савол берамиз: Эски ва Янги Аҳд оҳанги орасидаги ушбу фарқ қандай тушунтирилади? Худди Эски Аҳд Худони Янги Аҳдга қараганда қаттиққўдроқ қилиб кўрсатаётганга ўхшаб кўринади. Келинг, Эски Аҳдда ўлим жазоси билан жазоланадиган жиноятлар ҳақидаги муаммо қандай ҳал этилаётганлигини кўриб чиқайлик. Эски Аҳдда қуйидаги қилмишларни ўз ичига оладиган бундай жиноятларнинг бутун бир рўйхати келтирилган:

ота-онага нисбатан муносабатда жисмоний куч ишлатиш ёки қўпол сўзлар билан муомалада бўлиш;
қурбонликларни ҳаром қилиш;
қотиллик;
болаларни ўгирлаш;
бутпарастлик;
болаларни қурбонлик қилиш;
Худого шак келтириш;
шанба кунига риоя қилмаслик;
афсунгарлик билан шуғулланиш;
афсунгарлар ва сеҳргарлар билан мулоқотда бўлиш;
Қонун кўзда тутмаган асослар бўйича никоҳни бекор қилиш;

гомосексуализм;
қон қўшилиши (яқин қариндошлари билан жинсий алоқа қилиш);
хайвонлар билан жинсий алоқа қилиш;
бокира қизларни бузуқлик йўлига бошлаш, уларни фоҳиша бўлишига ундаш;
зўравонлик;
ёлгондакамига башорат қилиш;
руҳоний-қози томонидан қабул қилинган қарорга итоат этишдан бош тортиш;
жиноий ишни кўриб чиқиш давомида ёлгондан гувоҳлик бериш;
қул қилиб сотиш мақсадида одамларни ўзгирлаш.

Бу Эски Аҳддаги ўлим билан жазоланадиган жиноятларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати. Янги Аҳд билан солиштирилганда бу рўйхат жуда ҳам қаттиққўл бўлиб кўринади.

Бир неча йил аввал «Тайм» журнали Мериленд штатида содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақида хабар берган эди. Юк машинаси ҳайдовчиси маст ҳолда рулга ўтирганлиги, жанжал қилгани ва жамоат тартибларини бузганлиги учун ҳибсга олинган. Полиция офицерлари воқеа содир бўлган жойга етиб келишганида ҳайдовчи сўкина бошлади. У жазавага тушди, полисменларни тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Унинг ҳақоратлари полициячиларни ғазабга келтирди. У кишини ҳакамнинг олдига олиб келишганида, у яна ҳам қўподроқ сўкина бошлади. Бу каби тартиббузарлик учун ҳакам белгилаши мумкин бўлган энг қаттиқ жазо — бу 100 доллар миқдорида жарима солиш ва ўттиз кун қамоқ жазоси эди.

Ҳакамнинг шу даражада жаҳли чиқдики, у бу кишини мумкин қадар қаттиқроқ жазоламоқчи бўлди. У Мериленд

штати қонунлари орасидан бир қадимий қонунни топиб олди. Бу қонундан ҳеч ким фойдаланмаган, бироқ уни бекор ҳам қилишмаган эди. Бу қонунга кўра жамоат жойида шаккоклик қилиш тақиқланар эди.

Бу киши полициячиларни бўралаб сўкиш билан бир қаторда, бир неча марта Худонинг исмини ҳақорат қилган ҳам эди. Шу асосга кўра, ҳакам унга белгиланган жазога яна 100 доллар жарима ва ўттиз кун қамоқ жазосини қўшиб қўйди.

«Тайм» журналининг янгиликлар бўлими муҳаррири бу ҳодисани ҳақорат қилинган киши сифатида таърифлаб берган. У Худога шак келтирганлик учун белгиланган жазо жамоатни давлатдан ажратиш ҳақидаги қонунни бузилганлиги сабабли эмас, балки бундай жазони ҳакамнинг қўпол хатоси, деб ҳисоблагани учун ғазабга келди. Жазо жуда ҳам қаттиққўл эди. У шафқатсиз ва ғайритабиий эди.

Янгиликлар бўлими муҳаррири жамоат тартибини бузганлик учун белгиланган жазога нисбатан ҳеч қандай норозилик билдирмаган эди. Шаккоклик учун белгиланган жазони эса у ҳеч ҳам қабул қила олмас эди. Бу Худо Исроил учун белгилаб берган қонунлар мажмуасидан қатъиян фарқ қилар эди. Ҳайдовчи ўзини Ҳорун ҳибсга олмаганлигидан хурсанд бўлиши лозим. Эски Аҳд даврида Исроилдаги энг яхши адвокат ҳам жамоат жойида шаккоклик қилгани учун ўз миждозига жазо тариқасида 100 доллар миқдорида жарима белгилашларининг урдасидан чиқа олмаган бўлар эди. Бизнинг олдимизда қуйидагича савол кўндаланг туради: нима ёмон — маст ҳолда жамоат тартибини бузишми ёки муқаддас Худонинг шаънига ҳақоратли сўзларни айтишми? «Тайм» журналининг янгиликлар бўлими муҳаррири ўз жавобини маълум қилди. Худо бошқача жавоб берди. Агарда Эски Аҳд давридаги қонунлар ҳозир ҳам қўлланилганида телевидения

хизматчиларининг кўпчилиги ўлимга ҳукм қилинган бўлар эди.

Бир қараганда, Янги Аҳддаги ўлим жазосига лойиқ бўлган жинойтлар тўплами Эски Аҳддагига нисбатан камроққа ўхшаб кўринади. Янги Аҳдга нисбатан Эски Аҳд солиштириб бўлмайдиган даражада, кескин равишда қаттиққўлга ўхшаб кўринади. Аммо биз, юқорида келтириб ўтилган жинойтлар рўйхати Эски Аҳд давридаги ўлим жазосига лойиқ бўлган жинойтлар тўпламининг дастлабки ҳолатига нисбатан жуда ҳам қисқартирилган кўриниши эканлигини ёдимиздан чиқариб қўямиз. Эски Аҳд қонунлари тўплами Худо сабр-тоқатининг натижаси ҳисобланади. Худо Ўз меҳр-иноятини ҳаддан ташқари кўп, ҳатто «ортиқча» даражада намоён қилди. Эски Аҳд Қонунлари — ҳайратланарли даражада шафқатли қонунлардир.

Ҳайратланарли даражада шафқатли? Мен буни яна бир марта қайтараман. Эски Аҳд давридаги ўлим жазосига лойиқ бўлган жинойтлар тўплами дастлабки рўйхатнинг жуда ҳам қисқартирилган кўриниши ҳисобланади. Бу инойтнинг ажойиб ўлчовидир. Эски Аҳдда баён қилинган тарих — асосан Худо инойтининг намоён бўлиши тарихидир.

Бу қанақаси бўлди? Менинг ғаройиб сўзларимнинг маъносини тушуниш учун орқага, бошланишга, коинотимиз амал қилиши керак бўлган дастлабки қоидаларга қайтишимиз керак бўлади. Дастлаб қабул қилинган қоидага асосан гуноҳ учун қандай жазо белгиланган эди? «Гуноҳкор қалб ўлимга маҳкум». Дунё яратилганидан кейин ҳар қандай гуноҳ ўлимга лойиқ деб ҳисобланар эди. Ҳар бир гуноҳ ўлим жазосига лойиқ эди.

Худо дунёни яратганида бизга ҳаёт бахшида этишга мажбур эмас эди. У бизга ҳеч нарса қарз эмас. У Ўзининг

илоҳий иноятига кўра бизга ҳаёт ато этди ва бу ҳаёт Унинг илоҳий ҳукми остидадир. Инсоният яратилганида унинг зиммасига Худонинг қиёфасида бўлиш, Унинг муқаддаслиги ҳақида гувоҳлик бериш вазифаси юклатилди. Биз Худонинг муқаддаслигини акс эттириш учун яратилганмиз. Биз Унинг элчилари бўлиш учун яратилганмиз.

Худо инсонни синай бошлади ва унга: «Агар гуноҳ қилсанг, у ҳолда ўласан», — деди. Гуноҳ оқибатида инсон ўз ҳаётидан маҳрум бўлади. Содир қилинган гуноҳ яшаш учун ҳуқуқни бекор қилади. Гуноҳ қилган инсон Худодан ўзининг инсоний мавжудлигини давом эттиришни талаб қилишдан маҳрум бўлади. Энди эса — энг муҳим савол: яратилганидан сўнг, содир қилинган гуноҳ учун чиқарилган ҳукм қачон ижро этилиши керак эди? Бу сўзлар: «Агарда гуноҳ қилсанг, у ҳолда қачондир ўласан», деган шаклда ифода қилинганми? Йўқ! Худо ҳукмнинг ижро этилиш муддатини аниқ кўрсатиб берди: «...ундан еган куниёқ ўласан».

Яратилгандан сўнг гуноҳ учун жазо оддий ўлим эмас, балки ўша заҳотиёқ бўладиган ўлим белгиланган эди. Ўша куниёқ бўладиган ўлим: Надаб ва Абиҳунни ҳалок қилганга ўхшаш шиддатли, Уззони йиқитганга ўхшаш қутилмаган, Ҳанания ва Саффираларнинг қисматига тушганга ўхшаш тезкор ўлим. «Гуноҳ қилган куниёқ ўласан».

Кўпгина шарҳловчилар Худонинг бу огоҳлантиришини юмшатишга ҳаракат қилдилар. Ибтидонинг иккинчи бобидаги «ўлим» руҳий ўлим сифатида шарҳланар эди. Бироқ матнда бундай дейилмаган. Худо огоҳлантирган ўлим жазоси ҳақиқий ўлимни, бу сўзнинг тўлиқ маъносидаги ўлимни англатар эди. Агарда охиригача аниқ айтадиган бўлсак, Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақиқатдан ҳам ўша куннинг ўзидаёқ руҳан ўлдилар, бироқ Худо уларни ҳукмни тўлиқ ижро қилиш шартин билан кечирди. Бизда, кейинга қолдирилган жазо — бекор қилинган

жазо, деган мақол бор. Инсоннинг яратилиши ва гуноҳ содир қилиши ҳолатида тўлиқ жазо иноятга ўз ишини бажаришга вақт бериш учун кейинга қолдирилди. Бу ҳолда жазони кейинга қолдириш уни бекор қилишни эмас, балки раҳм-шафқат ва иноятнинг ўрнатилишини англатади.

Шунга қарамасдан, ўлим жазоси қўлланилган ва ҳали ҳам қўлланилиб келинмоқда. Барча кишилар ўладилар. Биз ўртача етмиш ёшгача яшаймиз кейин эса ўламиз. Биз қилган гуноҳларимиз учун ўлим жазосига ҳукм қилинганмиз ва шу сабабли ўламиз. Биз ҳукм ижро этилишини кутиб гуноҳкорлар учун белгиланган жойда ўтирамыз. Инсоният тарихидаги энг буюк қотиллар Адольф Гитлер ва Иосиф Сталин эмас. Тарихдаги энг буюк қотил — Она Табиатдир. Барча инсонлар унинг қурбони бўладилар. Она Табиат Худонинг кўрсатмаларисиз, ўз ҳолича иш тутмайди. У муқаддас Худонинг қўлидаги жазо қуролидир.

«Гуноҳ қилган қуни ўласан». Ахир бу адолатсизликми? Бу ҳақда бир ўйлаб кўринг. Ҳар бир гуноҳ учун ўлим жазосига ҳукм қилиш Худо томонидан қилинган ёвузлик эдими? Агар сиз «ҳа», деб жавоб бермоқчи бўлсангиз, эҳтиёт бўлинг. «Ҳа» дейиш билан, сиз, биринчи навбатда, ўзингиз ўлим жазосига лойиқ бўлган ишлар қилаётганингизни тасдиқлайсиз, чунки бу ишлар — сизнинг тубан, гуноҳкор табиатингизнинг намоён бўлишидир. «Ҳа» дейиш билан, сиз Худонинг табиатига тухмат қилаётган бўласиз. «Ҳа» дейиш билан, сиз Унинг муқаддаслигига қарши бораётган бўласиз. «Ҳа» дейиш билан сиз бутун ернинг солиҳ Ҳокимига таъна қилаётган бўласиз. Агарда сиз «ҳа» деяётган бўлсангиз, у ҳолда бу сиз ҳали ҳам гуноҳ нима эканлигини тушуниб етмаганлигингизни англатади. Биз «ҳа» демаслигимиз лозим. Биз «йўқ» дейишимиз керак ва буни ички ишонч билан қилишимиз лозим.

Гуноҳ учун белгиланган ўлим жазоси адолатсиз, деб таъкидлаш мумкинми? Ҳеч ҳам. Худо бизни Ўз иродасига кўра яратганлигини ёдингизда сақланг. У инсоният авлодига буюк имтиёз — Унинг қиёфасида бўлишни ато қилди. У бизга фаришталардан кўра озгина пастроқ ўрин берди. У бизга бутун ер устидан ҳукмронлик қилиш имконини берди. Биз тошбақа эмас. Биз ялтироқ қурт эмас. Биз кўнғиз ёки шоқоллар эмасмиз. Биз инсонлармиз. Биз бутун коинотнинг муқаддас ва буюк Шоҳининг қиёфасини ўзимизда мужассам қилганмиз.

Худо Ўз мақсадининг тантанасини яқинлаштириш учун бизга ҳаёт бахшида этди, бироқ биз бу иноятдан тўғри фойдалана олмадик. Бу сайёрадаги ҳаёт биз ҳар куни коинот ўлчамида хиёнат содир қиладиган майдонга айланиб қолди. Бизнинг жиноятимиз Бенедикт Арнольднинг жиноятига қараганда анчайин жиддий, анчайин катта вайронагарчиликларга сабаб бўладиган жиноятдир. Ихтиёрий шоҳ ёки халқнинг хоини биз Худога нисбатан хоинлик қилган ҳолда содир қиладиган ёвузлигимизга етадиган даражада ёвузлик содир қила олмаган.

Гуноҳ — бу коинот ўлчамидаги хиёнатдир. Гуноҳ — бу баркамол покликнинг Олий Ҳокимига нисбатан қилган хоинликдир. Бу эга бўлган барча нарсамиз учун, шу жумладан, ҳаётимиз учун биз қарздор бўлган Зотга нисбатан қилинган ўта ношукурликдир. Сиз кичкина, «арзимас» гуноҳнинг орқасида нима туриши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Биз ўз Яратувчимизга қандайдир бир арзимас ишда бўйсунмаган вақтимизда, бу ишимиз билан Унга нима деган бўламиз? Биз Худонинг солиҳлигига «йўқ» деймиз. Биз: «Худо, Сенинг қонунларинг яхши эмас. Мен Сендан кўра яхшироқ фикр юритаман. Сен мен учун мўътабар эмассан. Мен Сенинг ҳукминг остида эмасман. Мен Сен буюрган ишларни эмас,

балки ўзим хоҳлаган ишларни қилиш ҳуқуқига эгаман», — деймиз.

Энг кичик гуноҳни содир қилиш — бу коинот Ҳукмдорига қарши чиқиш демакдир. Бу биз барча эга бўлган нарсаларимиз учун миннатдор бўлишимиз керак бўлган Зотга қарама-қарши чиқиш, Унга қарши инқилоб қилиш, кўзғолон кўтаришдир. Бу Унинг солиҳлигини ҳақорат қилишдир. Биз Худо ҳақида ёлгон гувоҳлик бериб бошлаймиз. Унинг қиёфасини ўзимизда ифода қилган ҳолатда гуноҳ қилсак, биз бу билан барча яратилган нарсаларга, ҳукмимиз остидаги бутун табиатга, осмондаги қушларга ва ердаги ҳайвонларга қарата: «Мана Худо қандай. Мана сизнинг Яратувчингиз Ўзини қандай тутмоқда. Ушбу кўзгуга қаранг. Бизга қаранг ва сиз Қодир Худонинг табиатини кўрасиз», деб айтаётгандек бўламиз. Биз дунёга қарата: «Худо алдамчи. Худо бераҳм. Худо бешафқат. Худо қотил, ўғри, тухматчи, зинокор. Худо — бу биз қилаётган барча ишлардир», деймиз.

Инсонлар ўз гуноҳларида бирлашсалар, у ҳолда улар «шоҳлар ва буюмлар ҳақида гаплашадилар». Бу коинот ўлчамидаги фитнадир. Биз тожга интиламиз, тахтга эга бўлиш ниятида фитнес уюштирамиз. Биз, моҳиятан, Худога қарата: «Бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилишингга йўл қўймаймиз», деб айтамыз. Сано куйловчиси бу ҳақда шундай дейди:

«Нега исён кўтаряпти миллатлар? Нечун пуч режаларни тузаяпти элатлар? Биргалашиб исён қилиб дунё подшоҳлари, Худованд ва Унинг Масиҳига қарши кенгашидилар: “Қани, бузиб ташлайлик уларнинг кишанларин, халос бўлайлик уларнинг бўйинтуруғидин!”» (Забур 2:1-3).

Гуноҳ қилган вақтимизда биз нафақат Худога хоинлик қиламиз, балки бир-биримизни ҳақорат ҳам қиламиз. Гуноҳ инсонларни ҳақорат қилади. Гуноҳ — бу инсонларга нисбатан қилинган зўравонликдир. Бу умумийлик эмас. Мен ўз гуноҳим билан инсоний мавжудотларга азоб бераман. Мен уларнинг шахсига зарар етказаман. Мен уларни талайман, бойликларини олиб қўяман. Уларнинг обрўсига путур етказаман. Улардаги қимматбаҳо ҳаёт қувончини ўғирлайман. Мен улардаги бахтли бўлишга нисбатан бўлган орзу ва умидларни барбод қиламан. Мен Худони қоралаганимда, Унинг қиёфасини ўзида ифода қилувчи бутун инсониятни қоралаган бўламан. Худо гуноҳни шу даражада жиддий қабул қилиши шунчалик ҳайратланарлими?

Рим католик жамоатига мансуб бўлган, қилган меҳнатлари кўпгина баҳсларни келтириб чиқарган уламо Ганс Кюнг ўз асарларидан бирида, бир қараганда, Эски Аҳд давридан бизга таниш бўлган гуноҳларга нисбатан Худонинг қаттиққўллигига тегишли бўлган муаммони кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, гуноҳ сирининг энг сирли аспекти гуноҳкорнинг жазога лойиқ эканлигида эмас, балки ўртача ҳолатларда гуноҳкор жазосиз яшайверишидан иборат экан.

Кюнг муаммони тўғри ифода қилиб беради. Бу ерда гап Худо нима учун гуноҳга жазо бериши устида эмас, балки У нима сабабдан инсон томонидан содир қилинаётган бу узлуксиз қўзғолонга изн бериши ҳақида боради. Қандай ҳоқон, қандай шоҳ, қандай ҳукмдор узлуксиз равишда исён кўтараётган халқига нисбатан шу даражада сабр-тоқатли бўлар эди?

Кюнг томонидан ёритилган муаммонинг ечими, у ўртача муҳитда яшашни давом эттираётган гуноҳкорлар тўғрисида гапиришидадир. Яъни, сабр-тоқатли бўлиш — бу Худо учун оддий ҳол. У ҳақиқатдан ҳам сабр-тоқатли ва Унинг тез жаҳли

чиқмайди. Умуман олганда, Унинг жаҳли шунчалик секин чиқадики, охир-оқибатда Унинг жаҳли чиқса, бу ҳолат бизни гангитиб қўяди ва ҳақоратлайди. Худо бизга нисбатан сабр-тоқатли эканлигини, У нажот қабул қилишга вақтимиз етарли бўлиши учун бизга тавба қилиш имкониятини беришини тезда ёдимиздан чиқариб қўямиз. Унинг сабр-тоқатидан тўғри фойдаланиш ва Унинг пойига тавба қилиб келиш ўрнига, биз унга ўз гуноҳимизда янада беадаброқ бўлиш учун имконият сифатида қараймиз. Худога барибир ёки У бизларни жазолаш учун ожиз, деб ўйлаб биз ўз-ўзимизни алдаймиз.

Ниҳоят, биз ўз исёнимиз билан сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қилишимиз тўла ақдсизликдир.

Эски Аҳд — қаттиққўл Худо ҳақидаги ҳикоялар, деган тушунчага яқин ҳам келмайди. Аксинча, бу ўта сабр-тоқатли Худо ҳақидаги ҳикоялардир. Эски Аҳд — бу қайта-қайта Худога қарши бош кўтариб чиққан қайсар инсонлар ҳақидаги ҳикоялардир. Бу инсонлар бегона юртда қулга айландилар. Улар Худога илтижо қилдилар. Худо уларнинг илтижосини эшитди ва уларни қутқарди. У ўша инсонлар озодликка чиқсин учун Қора денгиз сувларини иккига ажратди. Бунга жавобан инсонлар олтин бузоққа сиғина бошладилар.

Бизнинг олдимизда Канъоннинг босиб олиниши билан боғлиқ бўлган янада қийин муаммо турибди. Ўшанда Худо эркаклар, аёллар ва болаларни ўлдиришни буюрди. Исроил Ваъда қилинган ерни қон билан бўялган қилич ёрдамида, ёш гўдаклар ва ҳомиладор аёллар қони томиб турган қилич ёрдамида босиб олиши керак эди. Худо бу қонли қирғинни ўтказишга тўғридан-тўғри буйруқ берди:

«Эгангиз Худованд сизларга берган юртга — сизлардан кучлироқ бўлган халқлар: хитийлар, гиргашлар, аморейлар, хананлар, паризийлар, хивийлар ва явусийлар яшаётган юртга сизларни

олиб киради, ва бу халқларни қўлингизга топширади. Сизлар уларни энгиб чиқасизлар. Ўшанда уларнинг ҳеч биттасини тирик қолдирманглар, ҳеч бири билан сулҳ тузманг, ҳеч қайсисига шафқат қилманглар» (Иккинчи қонун. 7:1,2).

Худо нима сабабдан бундай буйруқни берди? У қандай қилиб аёллар ва болаларни ўлдиришга изн берди? Бу ерда биз яна ҳозирги замон теологларининг муаммони юмшатиб беришга қиладиган ҳаракатларига дуч келамиз. Қўшма Штатлардаги йирик жамоатлардан бири томонидан ўрта мактаблар учун тайёрланган ўқув дастурида Янги Аҳддаги Худо севгиси ҳақидаги ҳақиқат нури орқали қарайдиган бўлсак, у ҳолда Худо урушувчи томонларнинг ҳеч бирига ҳеч қачон бундай буйруқ бермаганлигини яхши тушуниб оламиз, деб айтилади. Бу дастурда, Эски Аҳд — бу ўзларининг шафқатсиз сиёсатини юқоридан белгилаб берилган деб оқлашга ҳаракат қилган урушқоқ ибронийлар гуруҳи ҳақидаги ҳикоялардир, деб тушунтирилади.

Дастур муаллифлари Худо қачонлардир мана шундай буйруқ берганлигига ишонмаган эдилар. Уларнинг фикрига кўра, бу ҳолатда Муқаддас Китоб тарихига афсона аралашиб кетган. Бу каби талқинлар муаммонинг аҳамиятга эга бўлган баъзи бир жойларини кўздан қочириб қўядилар. Биринчидан, Канъоннинг босиб олинишига нисбатан анча жиддийроқ бўлган яна бир тарихий ҳодиса мавжуд. Бу — тўфондир. Тўфон пайтида Худо Нуҳ ва унинг оила аъзоларидан бошқа Ерда яшовчи барча инсонларни йўқ қилиб юборди. Тўфон дунёвий ўлчамдаги «Канъоннинг босиб олиниши» эди. Бу каби талқиннинг яна бир эътиборга молик бўлган хатоси — гуноҳ табиатини яхши тушуниб етмасликдир. Шарҳловчилар, Худо Канъонда яшовчи гуноҳсиз кишиларни ҳам ер юзидан йўқ қилиб юборган, деб фараз қилишади. Ҳақиқатда эса Канъонда беайб аёллар ҳам, беайб болалар ҳам йўқ эди. У ерда кўплаб

аёллар ва болалар бор эди. Бироқ уларнинг орасида бирорта ҳам айбсиз аёл ва бирорта ҳам айбсиз бола йўқ эди. Канъоннинг босиб олиниши бузилиб кетган халққа нисбатан Худо солиҳ ҳукмининг ижро этилишига яққол мисол эди. У буни Исроилга очик-ойдин кўрсатиб берди. Шу билан бирга, У Исроилнинг ўзи ҳам беайб эмаслигини кўрсатиб берди. Худо нопок халқни солиҳ халқ ҳаққи йўқ қилиб юбормади. Канъонликлар бошига Худонинг адолати ёғилди. Ибронийларнинг бошига эса Худонинг инояти ёғилди. Худо бу ҳақда ибронийларга эслатиб қўйишни ортга сурмади:

«Эгангиз Худованд уларни олдинглардан ҳайдаб чиқарган чоғда ўзингизча “Биз солиҳ бўлганимиз учун Худованд бизни бу юртга олиб кирди”, деб ўйламанглар. Йўқ, бу халқларнинг ёвузлиги учун Мен уларни сизларнинг олдингиздан ҳайдамоқчиман. Сизлар солиҳ бўлганингиз учун эмас, бу халқлар ёвуз бўлгани учун Мен — Эгангиз Худованд уларни ҳайдаб, сизларни бу юртга олиб кирман. Мен бу ҳақда оталарингиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга ваъда қилган эдим. Шунинг учун у қулогинглар-у бу қулогинглар билан яхшилаб эшитиб олинглар, эй ўжар инсонлар, Мен бу юртни сизларга яхши одамлар бўлганингиз учун бераётганим йўқ» (Иккинчи қонун. 9:4-6).

Худо бу парчанинг ўзида Исроилга уч марта, У канъонликларни исроилликларнинг солиҳлиги учун муваффақиятсизликка учратмаслиги ҳақида эслатиб ўтди. У бу саволда ҳеч қандай тушунмовчилик қолмаслигини хоҳлар эди. Исроил васвасага тушиши, улар мажусий халқлардан яхши бўлганликлари сабабли Худо улар томонда экан, деб хулоса қилиши мумкин эди. Худо томонидан айтилган сўзлар уларни бу каби хулоса қилишдан маҳрум қилди.

Канъоннинг босиб олиниш муаммоси моҳияти Худонинг муқаддаслигига боғлиқдир. Худо муқаддас бўлгани учун

Канъонни босиб олишга буйруқ берди. Бир томондан, У Канъон халқини Унинг муқаддаслигини ҳақорат қилганликлари учун — канъонликлар томонидан ҳар куни содир қилинаётган жиноятлар учун жазолади. Иккинчи томондан эса, У Ўзи томонидан муқаддас мақсадни амалга ошириш учун танлаб олинган халқни ва шу халқ учун аталган жойни тайёрлар эди. Худо бу ерда яшовчи аҳолига нисбатан ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги ҳақида буйруқ берди. У бунинг сабабини ҳам тушунтириб берди:

«Улар билан қиз олиб-қиз берманглар, чунки ўғилларингизни Мендан айнитиб, ўзларининг бутларига сизинтирадилар. Ўшанда сизларга Менинг қаҳр ўтим ёниб, сизларни ҳалок қиламан. Бу халқлар билан бундай иш тутишинглар керак: уларнинг қурбонгоҳларини бузинглар, муқаддас тошларини синдириглар, Ашера маъбудаси учун тиклаган устунларини йиқитинглар, бутларини ўтга ёқинглар. Сизлар Менинг — Эгангиз Худованднинг муқаддас халқи бўлишингиз керак. Мен ер юзидаги бутун бошқа халқлар ичидан Ўзимнинг бебаҳо хазинам бўлишингиз учун сизларни танлаб олдим» (Иккинчи қонун. 7:3-6).

Худо Исроилни, у олдиндан муқаддас бўлганлиги учун танлаб олмади. У бу халқни муқаддас қилиш учун танлаб олди. Исроил муқаддасликка бу сўзнинг икки маъносида даъват қилинган эди. Исроил халқи бошқа халқлардан фарқ қилинишга, унинг воситасида Худо Ўзининг нажот бериш мақсадини амалга оширадиган қурол сифатида ажралиб туришга даъват қилинди. Бундан ташқари Исроил покланиш учун ҳам муқаддасликка даъват қилинган эди. Исроилда мажусийлик урф-одатларини йўқ қилиб ташлаш керак эди. У Худога яқинлашиши ва муқаддас бўлиши керак эди. Исроилда барча халқлар учун нажот тайёрланаётган эди. Ваъда қилинган

ер яқинлашиб келаётган Нажоткор учун беланчак бўлиши керак эди. Бу ерда мажусий қурбонгоҳлар ва мажусий урф-одатларга ўрин бўлмаслик керак эди. Ерни тозалаш ва уни келажакдаги қутқарилишга тайёрлаш учун Худо куйдирилган ер усулини қўллади.

Шундай қилиб, биз бу қийин муаммони — Эски Аҳдда учрайдиган илоҳий адолатнинг намоён бўлиш ҳолларини ҳал қилиб олдик. Биз Худонинг адолатли жазоси — бекордан-бекор берилмаслигини, ундан қочиб қутилиб бўлмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шу билан бир қаторда, ҳақиқатда Эски Аҳд Худоси ва Янги Аҳд Худоси ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ эканлигини ҳам қўшимча қилиб ўтиш керак. Айнан Эски Аҳд Худосини Масиҳ «Ота», деб атади. Айнан Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси дунёни шунчалик севдики, уни қутқариш учун Ўзининг Ягона Ўғлини қурбон қилди. Айнан мана шу Худонинг иродасини бажариш Исо учун «озиқ» бўлган эди. Масиҳ айнан Надаб ва Абихунни, Уззони ҳалок қилган Худо билан бирлашишни орзиқиб кутар эди. Тўфон ёрдамида ер юзидаги барча жонзотни йўқ қилиб юборган ўша Худо бизнинг устимизга Ўз иноятини сочмоқда.

Икки Аҳд ўртасидаги келишмовчиликнинг ёлғондакам эканлигини Муқаддас Ёзувлардаги энг шафқатсиз илоҳий жазо орқали кўришимиз мумкин. Бу ҳақдаги ёзувни биз Эски Аҳдда эмас, балки Янги Аҳдда топамиз. Худо адолати ва ғазабининг энг қаҳрли кўриниши — хочдир. Агарда адолатсизликдан шикоят қилиш асосига эга бўлган инсон мавжуд бўлган бўлса, бу инсон Исодир. У Худо жазолаган ягона айбсиз Инсон эди. Агарда биз Худо ғазаби олдида ҳайратга тушиб, тўхтаб қоладиган бўлсак, у ҳолда, келинг, хоч олдида тўхтаб кўрайлик. Мана нима бизни ҳайратга солиши керак. Агарда бизда ўзимизни маънан ҳақоратланган, деб

ҳисоблашимизга сабаб бўлса, у ҳолда бу ҳис Гўлготага йўналтирилган бўлиши лозим.

Хоч бир вақтнинг ўзида Худо ғазабининг энг даҳшатли ва энг ажойиб мисолидир. Бу инсоният тарихидаги бир вақтнинг ўзида ҳам энг адолатли, ҳам энг шафқатли иш эди. Агарда Исо Ўз ихтиёрига кўра дунёнинг барча гуноҳини Ўз зиммасига олмаганида эди, Худо томонидан Исони жазолаш оддий адолатсизлик эмас, балки — бу иблисона адолатсизлик бўлган бўлар эди. Масиҳ бунни қилган заҳотиёқ, гуноҳларимизни Ўз зиммасига олган Худо Кўзиси бўлишга розилик берган дақиқадан бошлаб, У бу дунёдаги энг улкан ва энг ярамас гавдага айланди. Барча гуноҳларни Ўз зиммасига олган ҳолда, У энди Ота учун бутунлай тоқат қилиб бўлмайдиган зотга айланди. Худо Ўз ғазабини бу ярамас шахсга ёғдирди. Худо Масиҳни Ўз зиммасига олган гуноҳлари учун жазолади. Бунда Худонинг муқаддас адолати ўзининг тўлиқ кўринишида намоён бўлди. Бу нарса биз учун амалга оширилган эди. У адолат талаб қилган ишни амалга оширди. Хочда намоён бўлган иноятнинг улуғворлиги шундан иборатдир. Бу ерда бир вақтнинг ўзида адолат ва меҳрибончилик, ғазаб ва шафқат намоён бўлди. Бу жуда ҳам ажойиб, инсон онги билан англаб бўлмайдиган ҳодиса эди.

Биз Худо адолати намоён бўлган ҳодисалардан аччиқланимиз ва уларни тушунмаймиз, чунки бу каби ҳодисалар жуда ҳам камчиликни ташкил қилади. Кюнг айтиб ўтганидек, Худо, одатда Ўз ишларида иноятдан кўпроқ фойдаланади. Иноятнинг намоён бўлиши бизни ҳайратга солмайди. Биз бунга ўрганиб қолганмиз. Биз бунни бўлиши керак бўлган нарса каби қабул қиламиз.

Бу Исонинг Ўзининг сўзлари билан яхши ифодаланади:

«Ўша вақтда кимлардир Исога келиб, Пилат ўлдирган жалилаликлар ҳақида хабар қилишди. Пилат уларни тиздан ўтказиб, қонларини ўзлари сўйган қурбонлар қонига аралаштириб ташлаган эди. Исо хабарчиларга деди: “Сизнингча, бу жалилаликлар бошқа бутун Жалила кишиларидан кўпроқ гуноҳкор бўлгани учун шунчалик жафо чекдиларми? Сизга йўқ дейман. Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз ҳам улар каби ҳалок бўласиз. Масалан, Силоам минораси қулаганда, ўн саккиз киши эзилиб нобуд бўлган эди. Сизлар бу кишиларни Қуддусда яшовчи ҳаммадан кўра айбдорроқ деб ўйлайсизми? Сизга йўқ дейман. Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз ҳам улар каби ҳалок бўласиз”» (Луқо 13:1-5).

Бу Исонинг «қийин» сўзлари ичидаги энг қийинларидан биридир. «Пилат томонидан сўйилган ёки минора қулаши натижасида ҳалок бўлган беайб кишиларга нисбатан нима дейсан? Бу ҳодисалар вақтида Худо қаерда эди?», деган саволлар ўртага ташланди. Бу икки савол ортида моҳиятан битта савол турибди: «Худо бу воқеаларнинг содир бўлишига қандай қилиб йўл қўйиб берди?» Бундай савол — бу енгил-елпи беркитилган айбловдир. Бу ҳам: «Худо нима сабабдан беғуноҳ кишиларнинг азоб чекишига йўл қўйиб беради?», деган абадий саволнинг бир кўринишидир.

Бу саволларнинг ортида қатъий норозилик турибди. Ўн саккизта беғуноҳ киши ўз ишлари билан кетишаётган эди. Улар ҳеч кимга тегмадилар. Қурувчиларни масхара қилмадилар. Фақатгина улар нобоп вақтда нобоп жойда туриб қолдилар холос. Улар машъум тасодиф қурбони бўлдилар.

Исонинг қуйидагига ўхшаш бирор бир сўз айтишини кутиш мумкин эди: «Бундай фожеа рўй берганидан мен жуда ҳам қайғудаман. Шундай бўлиб туради ва бу ерда ҳеч нарса

билан ёрдам бериб бўлмайди. Бу машъум тасодифдир. Яхши масиҳий сифатида биз, фақат яхши ишларни эмас, балки ёмон ишларни ҳам қабул қила билишимиз керак. Бардам бўлинг! Матонатли бўлинг! Биламан, Мен сизларга бир вақтлар «Исроил халқини қўриқловчи Худо мудрамайди», деб ўргатганман». Бироқ, бу бир оз шеърий ифода қилиш бўлди. Буни оддийроқ қилиб айтса ҳам бўлади: «Бутун коинотни бошқариш Отамнинг бир Ўзига осон, деб ўйлайсизларми? Бу оғир иш. Шу сабабли У ҳам дам олиши керак. Минора қулаган кунда У жуда ҳам чарчаган эди ва озгина мизғиб олиши керак эди. У уйқусираб ўтирган пайтда, минора қулаб тушди. Бундан Мен жуда ҳам афсус чекмоқдаман. Мен Унга сизларнинг қайғунгиз ҳақида сўзлаб бераман. Ундан келажақда эътиборлироқ бўлишини илтимос қиламан».

Исо: «Мен сизларга Отам дарахт шохларида ўтирган ҳар бир чумчуқни билади ва У сизларнинг бошингиздаги сочининг ҳам ҳисобини билади, демаганмидим. Ахир осмонда қанчадан-қанча чумчуқ учиб юришини биласизларми? Бошлардаги сочининг сони ҳақида эса гапирмасам ҳам бўлади. Минора қулаган кунда Отам паҳмоқ сочли бир кишининг бошидаги сочларини санаш билан банд эди. У бу ишга шунчалар берилиб кетдики, натижада миноранинг қулаб тушгани Унинг эътиборидан четда қолиб кетди. Мен Унга Ўз вазифаларини қайта қўриб чиқишни ва чумчуқ ҳамда сочларга бунча кўп вақт сарф қилмасликни таклиф қиламан», дейиши ҳам мумкин эди.

Бироқ, Исо бунга ўхшаш сўзларни гапирмади. Бунинг ўрнига У: «Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз ҳам улар каби ҳалок бўласиз», деди. Унинг сўзларининг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, у ҳолда У: «Дўстларим, сиз саволни нотўғри қўймоқдасиз. Сиз: «Нима учун минора менинг бошимга қулаб тушмади?», деб сўрашингиз керак эди», деяётганлигини кўрамиз. Исо инсонларга бекорчи нарсадан

хайратга тушаётганлари учун таъна қилди. Мен дин ақидалари ҳақида дарс берган йигирма йил давомида, жуда кўп сонли талаблар: «Нима учун Худо ҳаммани қутқармайди?», деган бир хил саволни беришар эди. Фақат бир марта бир талаба менинг ёнимга келди ва мендан: «Мен бир нарсани ҳеч тушуна олмаяпман. Худо нима учун мени қутқарди?», деб сўради.

Биз ҳеч қачон Худо нима сабабдан бизни қутқарганлигига чин дилдан ҳайрон бўлмаймиз. Қалбимизнинг ич-ичида Худо бизга нисбатан меҳрибон бўлиши керак, деган бир ишонч мавжуддир. Агарда бизни осмонга киргишимаса, у ер шунчалик кўркам жой бўлмайди. Биз гуноҳкор эканлигимизни яхши биламиз, бироқ, агар биз хоҳлаганимизда бундан ҳам баттар гуноҳкор бўлишимиз ҳам мумкин эди. Бизнинг феъл-атворимизда қутқарилишга лойиқ бўлган томонлар ҳам мавжуд, агарда Худо ҳақиқатдан ҳам адолатли бўлса, у ҳолда Унинг нажоти бизни четлаб ўтмайди. Биз иноятдан эмас, балки адолатдан ҳайратга тушамиз.

Иноятни табиий ҳол сифатида қабул қилиш бизга хос бўлган фикр эканлигига мен коллежда дарс бериб юрган вақтимда амин бўлдим. Мен масиҳий коллежда Эски Аҳднинг кириш курси бўйича 250 та талабага дарс берар эдим. Мен машғулотнинг биринчи кунини курс давомида бериладиган уй вазифаларини шарҳлаб беришга бағишладим. Уйга бериладиган иншо алоҳида тушунтиришлар талаб қилишини мен ўз тажрибамдан билар эдим. Мен биринчи иншо сентябр оий охирги кунининг биринчи ярмидан кечикмай менинг столимда туриши кераклигини талабаларга тушунтириб айтдим. Талаба касалхонага тушиб қолиб, ёки унинг бирор-бир яқин қариндоши вафот қилиб қолиб иншони бажара олмай қолишидан ташқари ҳеч қанақанги кечикишга йўл қўйилмас эди. Иншони белгиланган муддатга топшира

олмаган талаба уй вазифаси учун энг паст баҳога эга бўлар эди. Талабалар шартларни тушунганликларини тасдиқладилар.

Сентябрнинг охирги кунида 225 та талаба ўз иншоларини топширдилар. Йигирма беш киши даҳшатдан қалтираб, виждон азобидан қийналиб туришар эди. Улар:

— О, профессор Спраул! Бизларни кечиринг. Биз ўз вақтимизни тўғри тақсимлай билмадик. Мактабдан кейин коллеж тартибларига ўрганиш қийин бўлаяпти. Илтимос, бизга қўшимча вақт беринг, — деб хитоб қилар эдилар.

Мен уларнинг илтижоларига рози бўлдим.

— Яхши, — дедим мен. — Бу сафар мен сизларга яна бир имконият бераман. Бироқ, ёдингизда бўлсин, навбатдаги иншо октябрнинг охирги кунида топширилиши зарур.

Талабалар миннатдорчилик ёғдира бошладилар ва ҳаво кейинги иншони ўз муддатида топшириш учун берилган тантанали ваъдаларга тўлиб кетди. Кейин октябрнинг охирги куни ҳам келди. Икки юзта талаба ўз иншоларини топширдилар. Қолган эллик киши эса бўм-бўш қўл билан келдилар. Улар асабийлашар, аммо хавотирга тушмас эдилар. Мен иншо ҳақида сўраганимда, яна тавбалар ёғилди:

— О профессор! Бу дам олиш ҳафтаси эди. Бундан ташқари, ҳозир семестрнинг ўртаси ва бошқа фанлардан ҳам вазифаларни топшириш керак. Илтимос, бизга яна бир марта имконият беринг. Бу бошқа қайтарилмаслигига ваъда берамиз.

Мен яна раҳм қилдим ва:

— Яхши, бироқ, огоҳлантириб қўяй, бу охирги марта. Агар кейинги иншони топширишни яна кечиктирсангиз паст баҳо оласиз. Ҳеч қанақанги оқдовлар ва илтимослар қабул қилинмайди. Тушунарлими?

— Албатта, профессор. Қандай ажойиб кишисиз!

Бутун синф: «Биз сизни севамиз, профессор Спраул. Ҳа, ҳа, биз сизни шунчалар севамиз», деб қўшиқ айта бошлади. Мен жаноби Машҳурлик эдим.

Ноябрнинг охири куни нима воқеа содир бўлганини топинг-чи? Топдингиз! Бир юз эллик киши иншони олиб келди. Қолган талабалар аудиторияга ҳеч қандай хавотирсиз, бемалол кириб келдилар.

— Иншоларингиз қани? — деб сўрадим мен.

Талабалардан бири жавоб берди:

— Ташвишланманг профессор, биз унинг устида ишляпмиз. Ҳаммаси жойида, бир-икки кундан кейин уни топширамиз.

Мен ўзимнинг даҳшатли қуролим — қора журнални қўлимга олдим ва фамилияларни ўқий бошладим.

— Жонсон! Сиз иншони олиб келдингизми?

— Йўқ, сэр, — жавоб берди у.

Мен баҳо қўйдим.

— Малдени! Иншони олиб келдингизми?

Яна жавоб «Йўқ, сэр» эди. Мен журналга яна битта баҳо қўйдим. Талабалар бунга жавобан газабга тушишди. Улар норозилик билдира бошлашди. «Бу адолатдан эмас!», деб қичқира бошлашди.

Қичқираётган талабалардан бирини турғаздим ва ундан сўрадим:

— Лэвери! Сиз бу адолатдан эмас деб ҳисоблайсизми?

— Ҳа, — ғўнғиллаб жавоб берди у.

— Тушунарли. Демак, сизлар адолат қарор топишини хоҳлайсизлар. Шундайми? Агар адашмаётган бўлсам, сиз олдинги сафар ҳам иншони ўз муддатида топширмаган эдингиз. Агар сиз барчаси адолатли ҳал қилинишини талаб қилаётган бўлсангиз, шубҳасиз, сиз унга эга бўласиз. Мен нафақат сизга охирги вазифа учун паст балл қўяман, балки олдинги сафар топширган иншонгиз учун қўйилган баҳоингизни паст баҳога тўғирлаб қўяман, чунки сиз шунга лойиқ эдингиз.

Талаба қотиб қолди. У ҳеч нарса дея олмас эди. У ўзининг бемаъни ҳулқи учун кечирим сўради. Тўсатдан, у иккита паст балл ўрнига биттасига эга бўлишга рози эканлиги маълум бўлиб қолди.

Бу талабалар менинг раҳм-шафқатли муносабатимга ўрганиб қолишди ва уни табиий ҳолдек қабул қила бошлашди. Менинг томонимдан аввалгидек муносабат билдирилиш кутилган эди. Тўсатдан адолат қарор топган вақтда, булар унга тайёр эмас эдилар. Адолат уларни ҳайратга солди, уларнинг ғазабини келтирди. Бунинг учун икки ой мобайнида меҳр-шафқатнинг икки бор намоён бўлиши етарли бўлди.

Оддий шароитларда Худонинг фаолияти, иншолар билан бўлган ҳолатда менинг талабаларга нисбатан қилган раҳм-шафқатимга нисбатан анча кўп раҳм-шафқатни ўз ичига олади. Эски Аҳд кўп асрлар давом этган тарихий вақт оралигини ўзида акс эттиради. Шу давр оралиғида Худо ўз раҳм-шафқатини қайта-қайта намоён қилади. Надаб ва Абихун устидан илоҳий ҳукм ижро қилинганида, бунга жавобан инсонлар ҳайратландилар ва норозилик билдирдилар. Шу даражага бориб етдики, энди биз Худодан раҳм-шафқатни кутамиз. Бундан кейинги қадамга ҳам оз қолди: биз раҳм-шафқатни талаб қиламиз ва агарда унга эга бўлмасак, у ҳолда бунга жавобан биринчи ҳаракатимиз: «Бу

адолатсизлик!», деган норозилик билан бирга Худога қарши қаратилган ғазаб бўлади. Биз биринчи гуноҳни содир қилган вақтимиздаёқ яшаш учун берилган барча ҳуқуқларимиздан маҳрум бўлганлигимизни унутиб қўямиз. Худо шафқатли бўлгани учунгина мен бугун эрталаб нафас олдим. Худо менга ҳеч нарса қарз эмас. Мен унга қарзман. Агарда У бугун менинг бошимга минора қулаб тушишига йўл қўйиб берса, мен адолатсизликдан шикоят қила олмайман.

Бизнинг асосий муаммоларимиздан бири шундан иборатки, биз адолат билан раҳм-шафқатни кўпинча адаштириб юборамиз. Биз кўпгина адолатсизликлар содир бўлаётган дунёда яшамоқдамиз. Инсонлар орасида адолатсизлик ҳукмрон. Ҳар биримиз бошқа бир киши томонидан содир этилган адолатсизлик қурбони бўлганмиз. Ҳар биримиз бошқа бир кишига нисбатан адолатсизлик қилганмиз. Инсонлар бир-бирларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўладилар. Фақат бир нарсани ишонч билан айтиш мумкин: мен инсонлар томонидан неча марта адолатсизликка учрамайин, мен ҳеч қачон Худо томонидан қилинган адолатсизлик қурбони бўлмаганман.

Фараз қилайлик, бирор бир киши мени пул ўғирлашда ёлғондан айблаяпти. Менга айблов қўйишди, ҳибсга олишди ва қамаб қўйишди. Менинг инсоний ўзаро муносабатларим нуқтаи-назаридан, мен кўриниб турган адолатсизлик қурбони бўлдим. Менинг Худога мурожаат қилишга ва мени хафа қилган кишилар бу дунёда ўз қилмишларига яраша жазоларини олишларини сўраб илтижо қилишга тўлиқ ҳаққим бор. Мени, ҳеч бир ёмон иш қилмаган кишини қувғин қилишаётганлигидан шикоят қилишим мумкин. Худо мени адолатсизлик билан турмага ташлаган кишиларга нисбатан ғазабланади. Худо вақти келиб мендан барча айбловларни олиб ташлашга ва менинг оқланишимга ваъда беради.

Адолатсизлик ҳақиқийдир. Бу дунёда адолатсизлик ҳар куни ва ҳар бир қадамда дуч келади.

Биз азоб чекаётган барча адолатсизликлар — горизонтал турга киради. Уларни шу дунёда яшовчи мавжудотлар бир-бирларига нисбатан содир қилишади. Бироқ, улар ва бутун дунё устида ҳамманинг буюк Ҳаками турибди. Менинг У билан бўладиган ўзаро муносабатларим вертикал кўринишга эга. Бу вертикал муносабатларда мен ҳеч қачон адолатсизликдан азоб чекмаганман. Инсонлар мен билан ёмон муносабатда бўлишлари мумкин, Худо эса — ҳеч қачон. Бирор инсоннинг менга нисбатан адолатсиз бўлишига йўл қўйиб бериш — бу фақат Худонинг Ўз ишидир. Бунга ҳеч ким аралаша олмайди. Мен ўзим азоб чекаётган инсоний, горизонтал адолатсизликдан шикоят қилаётган вақтимда, Худога қарата овозимни баладлатишга ва Уни гуёки, инсоний адолатсизликнинг мени азоблашига йўл қўйиб бериш орқали содир қилаётган вертикал адолатсизликда айблашга ҳаққим йўқ. Агарда Худо мени ҳеч қачон содир қилмаган жиноятим учун бир умр қамоқ жазосига ҳукм қилишларига йўл қўйиб берса, У мутлоқо адолатли бўлган бўлар эди. Мен инсонларнинг олдида гуноҳсиз бўлишим мумкин, аммо Худо олдида мен гуноҳкорман.

Биз ўзимиз азоб чеккан адолатсизлик учун кўпинча Худони айбдор деб биламиз ва кўнглимизда Худо бизга нисбатан адолатсиз, деган аччиқ ҳисни туямиз. Унинг раҳм-шафқатли эканлигини тан олсак ҳам, У етарли даражада шафқатли эмас, деб ҳисоблаймиз. Биз бундан ҳам кўпроқ шафқатга лойиқмиз. Биз бундан ҳам кўпроқ иноятга сазовормиз.

Охирги жумлани яна бир марта ўқиб чиқинг: биз бундан ҳам кўпроқ иноятга сазовормиз. Бу сўзнинг қаери нотўғри? Грамматика нуқтаи-назаридан ҳаммаси жойида. Сўзда эга, кесим ва қўшимча мавжуд. Шу маънода қарайдиган бўлсак,

муҳаррирининг қизил қаламига бу ерда ўрин йўқ. Бирок, мазмунда жиддий хато мавжуд. Сўзнинг маъносида қандайдир зиддият бор.

Ҳеч ким, ҳеч қаерда, ҳеч қачон иноятга сазовор бўла олмайди. Иноят аниқланишига кўра ҳеч кимга лойиқ эмас. Биз сазовор бўлиш, хизмат қилиб топиш ҳақида гапиришни бошлаганимиз заҳотиёқ, иноят ҳақида сўзлашдан тўхтаимиз. Биз адолат ҳақида гапираимиз. Биз фақатгина адолатга сазовор бўлишимиз мумкин. Худо ҳеч қачон иноятли бўлишга мажбур эмас. Раҳм-шафқат ва иноят ихтиёрий бўлиши лозим, аксинча бўлса, бу иноят ва раҳм-шафқат эмас. У бизга қайта-қайта эслатади: «Мурувват қилганимга мурувват қиламан». Кимга мурувват қилиш, кимга қилмаслик — бу Худонинг ҳаққи. Раҳм-шафқат қилиш ҳуқуқи фақат Худонинг Ўзигагина тегишлидир.

Фараз қилайлик, ўн киши гуноҳ қилди, қилган гуноҳлари ҳам бир хил бўлсин. Худо улардан бештасини жазолаб, қолган бештасига раҳм-шафқат кўрсатсин дейлик. Бу нима — адолатсизликми? Йўқ! Бу ҳолда бештаси қилган ишига яраша жазо олди, қолган бештасига эса мурувват қилинди. Ҳеч ким адолатсизликдан жабр тортгани йўқ. Биз қуйидагича мулоҳазани маъқул кўраимиз: агар Худо беш кишига раҳм-шафқат кўрсатган бўлса, У қолган беш киши учун ҳам худди шу каби муносабатда раҳмдиллик қилиши керак. Нима учун? Худо учун раҳмдиллик қилиш мажбурий эмас. Агарда У ўн кишидан тўққизтасига мурувват кўрсатса, у ҳолда ўнинчи кишининг адолатсизлик қурбони бўлдим, деб арз қилишга ҳаққи йўқ. Худо учун раҳмдил бўлиш умуман мажбурий ҳисобланмайди. Худо учун ҳамма одамлар билан бир хил муносабатда бўлиш мажбурий эмас. Эҳтимол, мен учун бу нарсани қайтариш яхшироқдир. Худо учун ҳамма одамлар билан бир хил муносабатда бўлиш умуман шарт эмас. Агар

Худо бирор марта бизга нисбатан адолатсизлик қилганида эди, бизда арзу шикоят учун асослар мавжуд бўлар эди. Худонинг бирор-бир кишига нисбатан раҳм-шафқат қилганлиги, менинг ҳам Унинг раҳм-шафқатига умид қилишимига асос бўла олмайди. Раҳм-шафқат ихтиёрий равишда намоён қилинишини яна бир марта ёдимизга олайлик. «Раҳм қилганимга, раҳм қиламан».

Мен қачонлардир Худодан олган иккита нарса мавжуд — адолат ва раҳм-шафқат. Мен ҳеч қачон Унинг томонидан содир қилинган адолатсизликдан азоб чекмаганман. Худога инсонлар бизга нисбатан адолат билан муносабатда бўлишларини сўраб илтижо қилишимиз мумкин. Бироқ, Худонинг Ўзидан бизга нисбатан адолатли бўлишни сўраш ақлсизлик бўлган бўлар эди. Мен ҳар доим ўз талабаларимни огоҳлантираман: «Ҳеч қачон Худодан адолат талаб қилманглар — сиз унга эга бўлишингиз мумкин».

Айнан мана шу адолат ва раҳм-шафқат тушунчаларини ажрата билмаслик Надаб, Абиҳун ва Уззо ҳикояларини ўқиганимизда бизни даҳшатга тушишга мажбур қилади. Худо адолат билан иш тутганида биз ўзимизни ҳақоратлангандек сезамиз, чунки бизнинг фикримизча, Худо ҳар доим раҳм-шафқатли бўлиши лозим. Биз Унинг иноятини табиий нарсадек қабул қилмаслигимиз лозим. Биз ҳеч қачон иноятдан ҳайратга тушиш ҳиссини йўқотмаслигимиз керак. Биз «Ажойиб адолат» кўшиғини кўйлаймиз, унда қуйидаги сўзлар бор:

«Адолат шамшири санчилди менга

Ва мен ҳеч ҳам тушунолмаيمان:

Мен жуда яхшиман — салкам муқаддас:

Нима учун минора қулади менга?»

Семинарияда, воизхонлик хизмати кафедрасида ўқиган вақтларимда, топшириқни бажариш мобайнида қандай қилиб «амалий» ваъз ўқиганим ҳали ҳам эсимда турибди. Бу ваъзда мен Худо иноятининг мўъжизаларини кўкларга кўтариб мақтар эдим. Мадҳиялардан бирида куйланганидек, мен «Худо инояти, чексиз инояти...» ҳақида гапирар эдим.

Ваъз ниҳоясида профессорда менга нисбатан савол пайдо бўлди.

— Жаноби Спраул, — деди у, — Худонинг инояти чексиз, деган фикрни сиз қаердан олдингиз?

У шу саволни берган заҳотиёқ, мен мушқул аҳволга тушиб қолганимни сездим. Мен унга шу ҳақда гапирилган мадҳия сўзларини келтиришим, оятнинг тартиб рақамини айтишим мумкин эди. Бироқ, мен нима учундир Муқаддас Китобдан Худо иноятининг чексизлиги ҳақида ўргатадиган бирор-бир сўзга мурожаат қила олмас эдим.

Худо иноятининг чексизлиги ғоясини қўллаб-қувватлаш учун Муқаддас Китобдан бирорта ҳам оят келтира олмаганлигимнинг сабаби шундаки, бундай оят умуман мавжуд эмас эди. Худонинг инояти чексиз эмас. Худо чексиз, раҳмдил ва иноятлидир. Биз чексиз Худонинг марҳаматини ўзимизда ҳис қиламиз, бироқ марҳаматнинг ўзи чексиз эмас. Худо Ўзининг сабр-тоқатиغا чегара қўяди. Худо вақти келиб Ўзининг адолатли ҳукм қуни келиши ҳақида бизни қайта-қайта огоҳлантиради.

Менинг фикримча, бизда иноятни табиий ҳол сифатида қабул қилиш одати борлиги учун Худо вақти-вақти билан Исроилга иноятга нисбатан бундай муносабатда бўлиш ярамаслигини эслатиб қўйишни лозим топган. У камдан-кам ҳолатлардагина даҳшатга солувчи куч билан Ўзининг адолатини намоён қилди. У Надаб ва Абихунни ўлдирди.

Уззони ҳалок қилди. У канъонликларни қириб ташлашни буюрди. У гўёки: «Эҳтиёт бўлинглар. Менинг марҳаматим меваларидан баҳраманд бўлинглар, бироқ адолатни ҳам эсингиздан чиқарманглар. Ёдингизда бўлсин, гуноҳ — бу ҳазил эмас. Менинг муқаддас эканлигимни унутманг», деяётгандек эди.

7-БОБ

Муқаддас худо билан уруш ва тинчлик

Агар инсон Худо учун яратилган бўлмаса,
Унда нима учун фақат Худо ила бахтлидир?
Агар инсон Худо учун яратилган бўлса,
Унда нима учун Худога қаршилик қилар?

БЛЕЗ ПАСКАЛЬ

Муқаддас Китоб Худо билан курашган эркак ва аёл лар ҳақидаги ҳикояларга тўладир. Исроил сўзи нинг ўзи «Худо билан курашган», деган маънони англатади. Худо муқаддасдир. У бизлардан устун, У трансцендент. Шунга қарамасдан, У — биз курашишимиз мумкин бўлган Худодир. Бу «мусобақа»нинг мақсади якуний уруш эмас, балки якуний тинчликдир. Баъзи кишилар бунга эга бўлдилар. Бу бобда биз Худо билан курашиб, кураш майдонидан тинчлик билан чиқиб кетган инсонларга мурожаат қиламиз. Биз Ёқуб, Аюб, Аввакум ва Тарслик Шоул ҳақида суҳбатлашамиз. Сўнгра, Худо билан ярашиш нимани англатиши ҳақидаги саволни кўриб чиқамиз.

Ёқуб ҳийлагар бўлган. Унинг исми «ҳийла билан устун чиққан», деган маънони беради. У ўз отасини алдаган, акасини лақиллатиб кетган ва онаси билан бирга нопок фитна уюштирган инсон эди. Иброҳимнинг невараси, Исоҳқнинг ўғли шунчалик даражада маънан бузуқ инсон бўлганлигини тасаввур қилиш ҳам қийин. Бироқ, ҳаёт уни бутунлай бошқача инсонга айлантирди, у тўлиқ равишда ўзгарди. Бу Байтилда бошланди:

«Ёқуб Бъер-Шева шаҳридан жўнаб, Ҳоронга қараб йўл олди. Қуёш ботай деган пайтда у бир жойга тушиб, тунамоқчи бўлди. Атрофдаги тошлардан бирини олди-да, боши тағига қўйиб ётди» (Ибт. 28:10,11).

Қадимий Фаластинда саёҳат қилиш кўпинча оғир синов вазифасини ўтар эди. Тун ўзи билан бирга қароқчилар ва ёввойи ҳайвонлар томонидан қилинадиган ҳужум хавфини олиб келар эди. У пайтларда меҳмонхоналар йўқ эди ва шу сабабли Ёқуб ўзи учун кечаси ётадиган бошпана топа олмади. У қуёш ботгунча йўл юрди. Қуёш ботгач, У дам олишга қарор қилди. Тош унинг учун ёстиқ вазифасини ўтади. У эндигина ухлашни бошлаганида бир туш кўрди. Бу туш унинг ҳаётини ўзгартириб юборди:

«У ухлар экан, тушида тик турган нарвонни кўрди. Нарвоннинг бир учи ерга, бир учи осмонга тегиб турар, Худонинг фаришталари эса унда чиқиб тушаётган эдилар. Худованднинг Ўзи ҳам нарвоннинг устида турганича, шундай гапирди: “Мен — Худованд, отанг Иброҳимнинг ва Исҳоқнинг Худосиман. Сен ётган ерни Мен сенга ва зурриётингга бераман. Сенинг зурриётинг ернинг қумидек кўп бўлади. арбу шарққа, шимолу жанубга ёйилиб борасан. Сендан ва зурриётингдан ер юзидаги ҳамма қабилалар барака топадилар. Мана, Мен сен билан. Каерга бормагил, Мен сени асрайман, сени яна шу ерга қайтараман. Сенга айтганларимни то бажо келтирмагунимча, сени тарк этмайман”» (Ибт. 28: 12-15).

Ёқуб тушида кўрган нарвонни одатда — «Ёқуб нарвони», деб атайдилар. У осмон ва ерни бирлаштириб турувчи кўприк вазифасини ўтар эди. Ёқуб ўз ҳаётининг шу пайтигача қандайдир тарзда осмон билан бирлашиб турувчи инсон эмас эди. У ўз ҳаётида Худонинг иштирок этмаётганлигини чуқур

ҳис қилиб турар эди. Исҳоқнинг ўғли ва Иброҳимнинг невараси шу қадар «дунёвий» киши бўлганлиги жуда ҳам ғалати туюлади. Иброҳим Худо билан сўзлашган. Кечқурунлари, бутун оила гулхан атрофида тўпланиб ўтиришган пайтда, отаси ва бобоси сўзлаб берган ҳикояларни ёш Ёқуб ҳам эшитганлигини тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин. У Худонинг Иброҳимга қилган амри — Исҳоқни Мўриё тоғидаги қурбонгоҳда қурбон келтириш ҳақида ҳам эшитган бўлса керак.

Ёқубнинг ҳаёти бу дунёнинг юзасида кечди. Ҳар қанақанги «самовий» суҳбатлар унда ҳеч қандай таассурот қолдирмас эди. Унинг барча ўй-фикрлари дунёвий ишларга қаратилган эди. Унинг шахсан ўзига келадиган бўлса, унинг тушунчаси бўйича ер ва осмон ўртасида ўтиб бўлмас тубсизлик мавжуд эди. Агарда Худо бор бўлса ҳам, У шунчалик узоқда, шу қадар чексиз трансцендент эдики, Унинг Ёқуб ҳаётига ҳеч қанақанги алоқаси йўқ эди. Ота-боболари айтган Худога Ёқубнинг қўли етмасди — Худо унинг учун жуда ҳам узоқда эди. Бу ҳол Ёқуб туш кўрмагунча давом этди.

Бу тушида у, юқорида айтилганидек, нарвонни кўрди. Нарвон муқаддаслик шохлиги ва дунёвий шохлик ўртасидаги боғловчи бўғин, алоқа жойи вазифасини ўтар эди. Ёқуб фаришталарнинг нарвондан тушиб-чиқаётганликларини кўрди. Улар ҳар икки йўналишда, ердан осмонга ва осмондан ерга ҳаракат қилишар эди. Бу ҳаракат узлуксиз эди. Улар Худо ҳузуридан инсонларнинг ҳузурига ўтар эдилар. Ёқуб нарвоннинг юқорисида Худовандни кўрди. Худо унга мурожаат қилиб, аввал Иброҳим ва Исҳоққа берган ваъдасини тасдиқлади. Худонинг ваъдаси энди Ёқубга ўтади ва келажак авлод учун ўз кучида қолади. Ёқуб Худо берган ваъданинг ташувчиси бўлади. Худо, Ёқуб қаёққа бормасин, у билан бирга

бўлишга ва барча ваъдалар амалга ошмагунча уни тарк этмасликка ваъда берди.

Ёқубнинг нарвонига нима бўлди? Бу тасвир Эски Аҳд тарихида деярли йўқолиб кетади. У асрлар давомида эсга олинмайди. Сўнгра бу тасвир яна тўсатдан пайдо бўлади. Бу сафар у Янги Аҳдда пайдо бўлди:

«Филипп кетди. У Натанъилни топиб, унга:

— Биз Мусо ва бошқа пайгамбарлар Тавротда ёзган Юсуф ўгли насролик Исони топдик, — деди.

— Насро шаҳридан бирор яхшилик чиқармикан? — деди Натанъил унга.

— Бориб кўргин! — деди унга Филипп.

Бундан сўнг Исо Натанъилни Ўзига яқинлашайётганини кўриб:

— Қаранг, ҳеч ҳийлани билмайди, худди ҳақиқий исроиллик! — деди. Натанъил Исодан сўради:

— Сен мени қаердан танийсан?

— Филипп сени чақирмасдан олдин, сен анжир дарахти тагида эдинг. Мен сени ўша ерда кўрган эдим, — деб жавоб берди Исо. Шунда Натанъил:

— Устоз, Сен Худонинг Ўғлисан, Сен Исроилнинг Подшоҳисан! — деди. Исо унга жавобан:

— Мен сенга: Сени анжир дарахти тагида кўрдим, деганим учун ишоняпсан-да. Сен бундан ҳам буюк ишларни кўрасан! — деди. Сўнг унга яна:

— Сизларга ростини айтай: бундан кейин осмон очилиб, Инсон Ўгли олдига Худо фаришталари тушиб-чиқаётганини кўрасизлар, — деди» (Юҳан. 1:45-51).

Исонинг Натанъилга қаратилган ушбу сўзлари принципиал аҳамиятга эга. У, моҳиятан, Ўзини «Ёқубнинг нарвони», осмон ва ерни боғлаб турувчи кўприк, деб эълон қилди. Бу кўприк Трансцендент Зот ва инсонлар орасидаги жарликка қўйилган эди. Худо фаришталари Унинг олдида тушадилар ва осмонга чиқадилар. У шундай қиладики, орамизда йўқ бўлган Зот бизларнинг орамизда бор бўлади. Ёқуб ўз тушида шу ҳодисанинг ғира-шира соясини кўрмадимиз?

Ёқуб уйқудан уйғонгач, барча нарса унинг учун ўзгарди. Туш натижасида юзага келган ҳислар жўш урди:

«Ёқуб уйғонгач: «Чиндан ҳам бу ерда Худованд бор экан, мен эса билмабман!» — деди. У жуда ваҳимага тушиб: “Қандай қўрқинчли бу жой! Бу Худонинг уйидан бошқа нарса эмас, бу осмон қопқасидир!” — деди» (Ибт. 28:16,17).

Ёқуб туш кўрган жой «Байтил» номи билан машҳур бўлди. Яҳудий тилида «байтил» сўзи «Худонинг уйи» деган маънони англатади. У ерда чодир ҳам, маъбад ҳам, ибодатхона ҳам йўқ эди. Айнан шу ерда унга муқаддас Худо Ўзини намоён қилгани учун Ёқуб бу жойни Худонинг уйи деб атади. Ёқуб айтган гапларни ҳозирги замон кишиси ҳам айта олади. Инсонлар ҳозирги вақтда ҳам Худонинг ўз ҳаётларидаги иштирокини сезмаяптилар. Биз ёнаётган буталарни ҳам, оловли устунларни ҳам, бизнинг орамизда юрган, танада ҳозир бўлган Масихни ҳам кўрмаймиз. Биз ўзимизни ташлаб кетилгандек, адоватли ёки бундан ҳам ёмонроғи бефарқ борлиқ қаърига улоқтирилгандек сезамиз. Гўёки биз ҳар тарафлама берк бўлган, юлдузларга олиб чиқувчи нарвони бўлмаган дунёда яшаётганга ўхшаймиз.

Туш кўргунга қадар Ёқуб ҳам шундай ҳис-туйғуларни сезар эди. Унинг сўзларини бизнинг бугунги кундаги ҳолатимизга ҳам қўлласа бўлади. «Чиндан ҳам бу ерда ХУДОВАНД бор экан, мен эса билмабман!» Худо ҳар доим бор бўлган. У Ёқубнинг ёнгинасида эди, аммо Ёқуб бир умр Уни соғиниб яшади. У Худонинг борлигини билмас эди. Ҳозирги кунда ҳам миллионлаб инсонлар Худонинг борлиги ҳақида билмасдан, фожеали ҳолатда яшаб келмоқдалар. Худо бизнинг ёнгинамизда турибди, аммо биз бундан беҳабармиз. Унинг илоҳий иштирокини англаб етган дақиқанинг ўзидаёқ, инсонда энг мураккаб ички кураш бошланади. Ёқубнинг туши унинг ички курашига чек қўймади. Бу бир умр тугамайдиган курашнинг бошланиши эди. Шу дақиқадан бошлаб Ёқуб ўз руҳи учун курашга киришди.

«Қандай кўрқинчли бу жой!» Ёқуб ўзининг Худо уйида ҳозир бўлганлигига жавобан шундай деди. Одатда, инсонлар ибодатхонада бу каби ҳиссиётларни сезмайдилар. Бизни титрашга мажбур қиладиган Зотнинг ҳузурини туриш орқали вужудга келадиган эҳтиром йўқ. Унга нисбатан эҳтиром сезадиган кишилар ҳеч қачон жамоатнинг зерикарли эканлигидан шикоят қилмайдилар.

Олимлар Ёқубнинг имонга келиш вақти ҳақида баҳс юритадилар. Баъзи кишилар, бу ҳодиса шу ерда, Байтилда, Ёқуб Худонинг иштирокини ҳис қилган жойда юз берди, деб ҳисоблашади. Бошқалари эса, Ёқуб бир неча йилдан сўнг, Худо билан курашган вақтда имонга келди, деб айтишади:

«Ҳали тун ўтмай, Ёқуб ўрнида турди-да, икки хотини билан икки чўрисини ҳамда ўн бир боласини олиб, Яббўқ дарёсининг кечувидан ўтди. Уларни ва ўзида бор бўлган нарсаларини ҳам дарёдан ўтказди. Охирида якка ўзи қолди ва бир Зот тонг

отгунча у билан курашди. У Ёқубни енга олмагач, унинг сон бўғинига руди ва сони бўғинидан чиқиб кетди. У Зот:

— Мени қўйиб юбор, мана тонг отди, — деди. Лекин Ёқуб Унга:

— Мени дуо қилмагунингча, Сени қўйиб юбормайман! — деди. Ўша Зот:

— Отинг нима? — деб сўради. У:

— Отим Ёқуб, — деди. Ўша Зот:

— Бундан буён сени Ёқуб эмас, балки Исроил дейдилар. Чунки сен Худо ҳамда одамлар билан курашиб, голиб чиқдинг, — деди. Ёқуб:

— Ўтиниби сўрайман, исмингни айт-чи! — деб илтимос қилди. Лекин У:

— Нима учун Менинг исмимни сўраяпсан? — деди. Сўнг ўша ерда Ёқубни дуо қилди.

Ёқуб эса: «Худони юзма-юз туриб кўрдим. У жонимга ора кирди», — деди. Шунинг учун ҳам ўша жойни Пануил (яъни Худо Юзи) деб атади» (Ибт. 32:22-30).

Ёқуб билан курашган «бир Зот» инсон эмас — Худонинг фариштаси бўлганлиги кўриниб турибди. Кураш жуда шиддатли бўлди, у тун бўйи давом этди ва курашувчилардан ҳеч бири устунлик қила олмади. Охир-оқибатда фаришта Худонинг барча нарсани енгувчи кучидан фойдаланди ва Ёқубнинг сон бўғинига тегиниб, уни жароҳатлади. Ёқуб ўз «ғалабаси» оқибатида ҳаётини сақлаб қолди. У кураш майдонидан чиқди, бироқ бир умрлик чўлоқлик билан чиқди.

Фаришта билан бўлиб ўтган исмлар ҳақидаги суҳбат ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Фаришта Ёқубдан ўз исмини айтишни талаб қилди ва у ўз исмини айтди. Ўша вақт

одатларига кўра, бундай ҳолатда киши ўз исмини айтиш билан ўзини таслим бўлган, деб енгилганини тан олган бўлар эди. Бу ўзининг жамиятда тутган ўрни ва ёшига кўра катта бўлган кишига нисбатан мурожаат қилинаётганда, унинг исмига отасининг исмини ҳам қўшиб айтишга ўхшаш одатдир. Курашчининг ўз исмини айтиши ўз рақибининг устунлигини тан олишини аниқлар эди. Бу таслим бўлишни аниқлар эди. Ёқуб ўз исми билан бирга ўз руҳини ҳам топширди. У ўз ҳаёти устидан ҳукмронлик қилишдан бош тортди. Бунинг натижасида янги исм, янги шахс — Исроил туғилди.

Ёқуб ўз мағлубиятида ҳали ҳам дурангга, «мусобақанинг» ўз ғурури дахлсизлигини сақлаб қоладиган «ҳисобига» умид қилар эди. Бу ерда ўзаро келишув ҳам қўл келар эди. У фариштага қарата: «Ўтиниб сўрайман, исмингни айт-чи», деди. Исмлар ҳақидаги суҳбатнинг боришида суҳбатдошларнинг сўзлаш оҳангидаги фарққа эътибор беринг. Фаришта Ёқубдан ўз исмини айтишни талаб қилди ва Ёқуб рақибининг устунлигини тасдиқлаган ҳолда ўз исмини айтди. Ёқуб фариштага хушмуомалалик билан мурожаат қилди ва ўзи хоҳлаган жавобни ололмади. Бу Худонинг якуний ғалабаси эди. У бутун коинотдаги ягона енгилмас Зотдир.

Инсон Худо билан курашиб, бу курашдан ғалаба билан чиқа олмайди. Бироқ, тасалли берадиган ҳолат ҳам мавжуд. Ёқуб Худо билан курашди ва бу курашдан тирик чиқди. У мағлубиятга учради ва чўлоқ бўлиб қолди. Бироқ, у бу курашдан тирик чиқди. Биз бундан шундай хулоса қилишимиз мумкин: Худо биз билан адолатли равишда курашади. Биз муқаддас Худо билан курашишимиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, биз қандайдир маънода, Худонинг ҳамма нарсани ўзгартирувчи кучи бизни ва бизнинг ҳаётимизни ўзгартира олиши учун, У билан курашишимиз лозимдир. Агар биз ҳам Худога ўз руҳимизни топширишдек лаззатли онларни ҳис

қилишни истасак, у ҳолда — Худо билан тун бўйи курашиш нима эканлигини билишимиз зарур.

Ҳеч ким ҳеч қачон Аюб сингари Худо билан бу қадар қизгин ва кескин мунозараларни олиб бормади. Агарда, бу дунёда Худога қарши чиқишга ҳаққи бўлган киши мавжуд бўлган бўлса, ўша инсон Аюб эди. Худонинг ўзи Аюбни солиҳ, деб эълон қилди, бироқ, шунга қарамасдан, унинг бошига оғир кулфатлар ёғилди. Аюб фожеаси, ночор инсон Худо ва иблис ўртасидаги самовий курашда пиёда вазифасини ўтаган, деган таассуротни вужудга келтиради. Худо Аюбнинг синовдан ўтказилишига изн берди. Аюбнинг мол-мулки ўғирлаб кетилди. Оила аъзолари ҳалок бўлишди. Ниҳоят, унинг ўзи азобли касаллик билан оғриди — Аюбнинг бутун танасини йиринг бойлаб кетди. У оғриқдан ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Кўп ўтмай танавий азоб-уқубат унинг руҳиятига таъсир қила бошлади.

Бир пайтлар мен рақ касаллиги билан оғриган бир кекса аёл билан суҳбатлашган эдим. У химиотерапия муолажаларини олаётган эди. У даволаш давомида келиб чиққан баъзи бир ноқулайликлар, шу жумладан кўнгил айнишдан азоб чекар эди. Мен ундан: «Қандай қилиб руҳий тетикликни сақлаб турибсиз?», деб сўраганимда, аёлнинг самимийлик билан: «Ҳожатхонадан чиқа олмай турган бир вақтингда масиҳий бўлиш жуда ҳам қийин экан», — деган жавобини эшитдим. Бу аёл тана ва руҳ ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эканлигини яхши тушунар эди. Тўхтовсиз танавий оғриқдан азоб чекаётган вақтингда, руҳият ҳақида ўйлаш жуда ҳам қийиндир.

Шунга қарамасдан, Аюб Худога шак келтирмади. У: «Мана, У мени ҳалок қилмоқда, бироқ мен умид қиламан», — деб хитоб қилди. Ҳаттоки Аюбнинг хотини ҳам уни ўлим орқали осойишталикка эришишга ундади. Хотини унга оддий ва

нишонга тегувчи маслаҳатни берди: «Худога шак келтир ва ҳалок бўл».

Аюб осон йўл қидиришдан бош тортди. У дўстларининг бемаъни маслаҳатларини тинглаб кўрди. Охир-оқибатда у овозини балаңд кўтарди ва Худога қарши чиқди. Аюб Худо билан юзма-юз туриб, ўзининг нима учун ва нима сабабдан бу мусибатларга дучор бўлганлиги ҳақидаги саволига жавоб талаб қилган ҳолда У билан курашди. Худонинг жавобини тасалли берувчи жавоб, деб айтиш жуда қийин:

«Худованд бўрон ичидан Айюбга жавоб берди: —Менинг маслаҳатимга шубҳа соладиган, Бемаъни гапларни айтаётган ким бу?! Қани, эр киши бўлиб камарингни маҳкам боғла-чи, Мен сўрайман, сен жавоб берасан: Мен ер пойдеворларини қўяётганимда сен қаерда эдинг? Билсанг айт-чи. Ернинг ўлчовларини ким ҳисоблади? Бир бошидан иккинчи бошига ким арқон тортди? Айт, сен биласан. Ернинг пойдеворлари ниманинг устида турибди? Осмон юлдузларининг шоду-хуррамлиги остида, Осмон фарзандлари қийқириги ҳамроҳлигида, Ким унинг бурчак тошини қўйди? Денгизлар тугилганда, ким унинг атрофига чегара қўйди? Мен уни булутлар билан кийинтирдим, қуюқ зулмат билан ясантирдим. Денгизга қулф ва дарвозалар қўйдим, “Шу ергача борасан, у ёғига ўтмайсан, мағрур тўлқинларинг сарҳади шу”, — дедим» (Айюб 38:1-11)

Бу жуда қийин бўлган оғзаки имтиҳон эди. Аюб Худодан жавоб талаб қилар эди. У жавоб ўрнига бир талай саволларни олди. Аюб ўз нодонлиги билан Худо донишмандлигига соя ташлаётганлиги учун Худо унга таъна қилди. Гўёки Худо: «Яхши, Аюб, сен Мени сўроқ қилмоқчимисан? Жуда яхши. Мен сенинг саволларингга жавоб бераман, бироқ аввал сен Менинг бир нечта саволимга жавоб бер», — деяётганга ўхшар

эди. Худди пулеметдан чиқаётгандек, бир-биридан қийин бўлган саволлар ёғила бошлади. Ниҳоят, Аюб сўзга кирди:

«Аюб Худовандга жавоб берди ва деди: «Мана, мен арзимас одамман; Сенга нима деб жавоб бераман? Қўлларим билан оғзимни ёпаман. Бир мартаба, йўқ, икки мартаба гапирдим, бошқа лом-мим демайман» (Аюб 39:33-35).

Аюб ишлатган ифода ҳақида ўйлаб кўринг. У «қўлларим билан оғзимни ёпаман», деди. У ўз-ўзини жим бўлишга мажбур қилди. У ортиқ бир оғиз ҳам бемаъни сўз гапириб юбормаслик учун, ўз оғзини қўллари билан бекитди. У Худога қарши чиққанлигидан афсус чеқди. У ўз сўзларининг ўзбилармонлигини англаб етди. У ўзи истаган барча нарсани гапирди.

Бироқ, сўроқ давом этди. Худо ҳали Ўз имтиҳонини яқунламади. У Аюбга савол ёғдиришда давом этди:

«Сен Менинг ҳукмимни бекор қилмоқчимисан, ўзингни оқлаш учун Мени айбламоқчимисан?» (Аюб 40:3).

Аюбнинг тоши кимнинг томорқасига отилгани яққол кўриниб турибди. Унинг норозилиги Худо адолатига қарши йўналтирилган эди. Аюбнинг айбловлари — муқаддас Худони ҳақоратлаш эди. Худонинг саволи Аюбнинг қулоқлари остида жаранглади: «Ўзингни оқлаш учун Мени айбламоқчимисан?» Шубҳасиз, Аюб оқланишни истар эди. У дўстларининг айбловларидан безор бўлди. У нима сабабдан шу куйга тушганлигини ҳеч ҳам тушуна олмас эди. У қайта тикланишни хоҳларди. Бироқ, унинг хоҳиши назорат остидан чиқиб кетди. У ўзининг оқланишини Худоникига алмаштиришга ҳам тайёр эди. Баҳснинг қизигида Аюб Худо ёвузлик содир қилган бўлса керак, деб фараз қилиб, қандайдир чегарани кесиб ўтди.

Шунда Худо ундан тўғридан-тўғри сўради: «Ўзингни оқлаш учун Мени айбламоқчимисан?»

Худонинг бу саволи тарози паллаларини тўлдириб юборди — натижада Худонинг саволлари бутун оғирлиги билан Аюбнинг устига ёғилди. У деярли эзиб ташланди. Охиروقибатда Аюб кўлларини оғзидан олди ва яна сўзлай бошлади. Бу сафар унинг сўзларида айблов оҳанги йўқ эди. У тавба қилиш учунгина ўзининг сукут сақлаш ҳақидаги ваъдасини бузди:

«Сенинг барча нарсага қодир эканлигингни ва Сен кўзлаган мақсадга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмаслигини яхши биламан. Ким ҳеч нарсани англаб етмаган ҳолда Худовандга соя солмоқчи? — Мен ўзим англаб етмаган нарсани ифода қилдим: бу мен учун жуда ажойибдир ва мен буни билмас эдим. Қулоқ сол, мен Сени чақирдим ва мен гапираман. Сендан сўраётганларимни менга тушунтириб бер. Мен Сен ҳақингда қулоқларим билан эшитган эдим, эндиликда кўзларим Сени кўриб турибди, шу сабабли мен ўз сўзларимдан воз кечаман, кул ва чанг эканлигимни тан оламан» (Аюб 42:2-6).

Аюб Китобининг шу қисми ўқиётган кишида, худди Худо Аюбни масхара қилаётганга ўхшаш таассурот қолдиради. Аюб жавоб талаб қилиб хитоб қилди ва Худо унинг саволларига жавоб беришини айтди. Бироқ, жавоб бўлмади. Аниқроғи, Худо фақат бир шарт билан жавоб беришини маълум қилди: аввал Аюб жавоб бериши лозим. Аммо, Аюб имтиҳондан йиқилди. Шунда Худо ҳам жавоб бермади.

Бироқ, Аюб шунга ҳам қаноат қилди. Худо жавоб бермаган бўлишига қарамасдан, Аюбнинг қалбидаги саросима йўқолди ва унда бошқа савол пайдо бўлмади. У ҳар қанақанги тўғридан-тўғри жавоб бериши мумкин бўлгандан ҳам кўра тўлароқ,

олийроқ нарсани эшитди. Аюбнинг саволига сўзлар эмас, балки Худонинг Ўзи жавоб бўлди. Аюб Худони, Унинг Ким эканлигини кўрган заҳотиёқ унга керак бўлган жавоб шу эканлиги маълум бўлди. Аюбдан Худони ёпиб турган сир пардалари ёйилгач, у жавобсиз қолган бир нечта саволи билан ҳам бемалол яшаши мумкин эди. Худонинг намоён бўлиши Аюбни тавба қилишга мажбур қилди ва натижада у ўзининг саволларини ҳам, Худога қарши чиққанлигини ҳам унутиб қўйди. Унинг ғазоби янги йўналиш олди: энди у ўз-ўзидан ғазабланар эди. «Мен ўз сўзларимдан воз кечаман, кул ва чанг эканлигимни тан оламан».

Энди Эски Аҳд бизга ҳикоя қилувчи яна бир киши ҳақида суҳбатлашамиз. У ҳам Худога қарши чиқди. Худонинг қилган иши Аввакумдаги адолат ҳиссини ҳақорат қилганлиги учун Аввакум пайғамбар Худога танбеҳ берди. Худонинг бандалари ўзларидан ҳам нопокроқ бўлган халқ қўлида азоб чекиши пайғамбарни аччиқлантирар эди. Бир қараганда, Худо Ўзининг яҳудийларга берган ваъдасини бажармаётганга ва ваъдасидан қайтиб, бузилиб кетган бобилликлар томонига ўтиб кетганга ўхшаб кўринар эди. Аввакум, яҳудийлар қирғин қилинаётган вақтда Худо Гитлер томонида бўлмадимикан, деб фол очаётган замонивий яҳудийга ўхшаб кетган эди. Аввакум ўз ғазобини бор овози билан ифода қилди:

«Эй Худованд, қачонгача мен Сени чақираман — Сен эса мени эшитмайсан? Қачонгача мен Сенга зўравонликдан арз қиламан — Сен эса мени қутқармайсан? Нима учун менга ёвузликларни кўрсатасан, нима сабабдан мени кулфатларга қаратасан? Кўз ўнгимда талончилик ва зўравонлик содир бўлмоқда, адоват кўпаймоқда, низо кўтарилмоқда. Бундан қонун ўз кучини йўқотди. Адолатли ҳукм ҳам йўқ; чунки фосиқ солиҳни енгмоқда, шундан ҳукм ҳам нотўғри» (Авв. 1:2-4).

Аввакум қаттиқ ҳаяжонланди. У ўз арзини шу қадар оташинлик ва алам билан ифода қилдики, натижада озгина четга ҳам чиқиб кетди. У: «Адолатли ҳукм ҳам йўқ», деди¹.

Шубҳасиз, бу дунёда охир-оқибатда тўғирланиши керак бўлган адолатсиз ишлар содир бўлиб туради, бироқ, адолат ҳеч қачон ғалаба қозонмайди, деб таъкидлаш — муболағадир. Аввакум ҳам Аюбга ўхшаб жавоб талаб қилди. У Худо билан курашга отланди ва бу курашда баҳсни ҳал қилишга тайёргарлик кўрди. Аввакум Қодир Худодан жавоб кутиб кўриқчи минорада турар эди. Ниҳоят, Худо сўзлай бошлаганда, Аввакумнинг жавоб ҳаракати ҳам Аюбники сингари бўлди:

«Мен эшитдим ва ич-ичимдан титраб кетдим. Унинг хабарини эшитиб лабларим титради, суякларимга оғриқ кирди ва оёқларим остидаги ер қимирлаб кетди» (Авв. 3:16).

Пайғамбар ўзини ота-онасидан дакки эшитаётган ёш гўдақдек ҳис қилар эди. Унинг юраги тез-тез ура бошлади, лаблари эса титрай бошлади. Биз ҳаммамиз йиғламоқдан бери бўлиб турган гўдақни кўрганмиз. Болалар ўз йиғиларини тўхтатмоқчи бўладилар, аммо пастки лаблари титраб, уларни сотиб қўяди. Мана ҳозир биз Худонинг ҳузурида лаблари титраётган кап-катга эркакни кўриб турибмиз. У суяк-суягига ўтиб кетаётган ички чириш, парчаланишга ўхшаш ҳолатни ҳис қилди. Унинг тасавурида гўёки суяклари чангга айланаётгандек ва у ҳозир қулаб тушадигандек эди. Аввакумнинг оёқлари чалишиб кетди — у *mysterium tremendum* га дуч келди. Тиззаларига қалтироқ кирди. У Худо билан

¹ Инглиз тилидаги нусхада: «Адолат ҳеч қачон ғалаба қилмайди». — *Тарж. изоҳи.*

бўлган курашдан тирик чиқди, бироқ, у бу курашдан базўр судралиб чиқди.

Худо ҳозир бўлган вақтдан бошлаб, Аввакумнинг барча ғазабли норозиликлари тўхтади. Тўсатдан унинг сўз оҳанги ўзгарди. Энди аччиқ умидсизлик ўрнини мустаҳкам ишонч ва умид эгаллади:

«Анжир гулламаса ҳам, узум тоқлари мева тугмаса ҳам, зайтун алдаса ва бошоқ дон бермаса ҳам, қўрада қўй бўлмаса ва оғилда мол бўлмаса ҳам мен Худовандни тараннум этаман. Нажот топганим учун Тангримдан хурсанд бўламан» (Авв. 3:17,18).

Бунга қадар Аввакумнинг умидсизлиги қанчалик тубсиз бўлган бўлса, у ҳозир ҳис қилаётган хурсандчилик шу қадар юқори эди. Энди у бемалол Худонинг англаб бўлмас донишмандлигига ишониши мумкин эди. Агар унинг сўзларини ҳозирги замон тилига ўтказадиган бўлсак, улар тахминан мана шундай янграган бўлар эди:

«Бюджет баланс қилинмаса ҳам, биржада акцияларимнинг нархи тушиб кетса ҳам, озиқ-овқатларнинг нархи эса осмонга чиқиб кетса ҳам майли. Маҳаллий пўлат ишлаб чиқариш корхонамизнинг маҳсулоти японларникидан ортда қолса ҳам, автомобил ишлаб чиқариш саноати эса инқирозга учраса ҳам майли. Банклар ўз эшиқларини ёпишса ҳам, руслар мамлакатимизни талаб кетишса ҳам, миллий бейсбол жамоамиз эса Кубок эгалари кубоги учун бўлиб ўтган ўйинда ютқазиб қўйишса ҳам майли — мен барибир нажот топганим учун Худодан хурсанд бўламан».

Уларнинг барчаси: Ёқуб, Аюб ва Аввакум — Худога қарши кураш қилишди. Уларнинг ҳаммаси осмон қалъасини қамал

қилишди. Уларнинг уччаласи ҳам мағлубиятга учрашди, бироқ, жанг майдонини руҳлари кўтарилган ҳолатда тарк этишди. Улар ўзлари тортган азоб-уқубат билан баҳо тўлашди. Худо баҳсга ўрин берди, бироқ, тинчлик ўрнатилишидан аввал қизғин кураш бўлиб ўтди.

Тарслик Шоул ҳам худди шундай синовдан ўтди — у ҳам Худо томонидан тўла-тўқис мағлубиятга учради. Шоул ашаддий фарзий бўлиб, «масиҳийлар» деб ном олган янги жамоатнинг пайдо бўлиши унда чуқур нафрат уйғотди. У масиҳийларни ер юзидан йўқ қилиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У ҳокимиятнинг розилиги билан ҳаракат қилиб, уйма-уй юрар, биринчи масиҳийларни тутар ва уларни зиндонга ташлар эди. Стефанни тошбўрон қилишаётганларида Шоул ҳам ўша жойда турди ва оломоннинг қилмишини олқишлади. Шоул Дамашққа йўл олиш ва у ердаги масиҳийларни қирғин қилиш ҳақидаги янги вазифани олганда хурсандчиликдан ўзини қўярга жой топа олмай қолди. У айнан Дамашққа кетаётганда, йўлда муқаддас Худо билан учрашди. Шоулни шоҳ Агриппа ҳузурида суд қилишаётганларида, у бу воқеа ҳақида шундай ҳикоя қилиб берди:

«Ва мана, эй подшоҳим, кундуз куни йўлда кетаётганимда, қуёш нуридан ҳам ярқироқ бир нур осмондан порлаганини кўриб қолдим. Нур мени ва йўлдошларимни ёрқин ёғдуга чўмдирди. Биз ҳаммамиз ерга йиқилгандан кейин, менга яҳудий тилида сўзлаётган бир овозни эшитдим:

— Шоул, Шоул, нега Мени қувгин қилиясан? Нишга қарши тепишинг қийин, — деди. Мен:

— Ё Раббий, Сен ким бўласан? — деб сўрасам, У:

— Мен сен қувгин қилаётган Исоман, — деди. — Қани, қаддингни ростлаб оёққа бос! Чунки сен Менинг хизматимда бўласан. Мени қандай кўрганинг ҳамда Мен қай тариқа сенга зоҳир бўлганим ҳақида гувоҳлик қилишинг учун сени тайинладим. Сени ўз миллатинг ва бошқа халқлар қўлидан халос қиламан. Мажусийларнинг кўзини очиб, уларни зулматдан нурга ва шайтоннинг ҳокимиятидан Худога қайтариш учун сени юбораман, токи улар Менга имон келтириб, гуноҳлари кечирилсин ва Худо азизларига насиб этадиган абадий меросга ноил бўлсинлар, — деди.

Бинобарин, эй подшоҳ Агриппа, мен кўкдан юборилган ушбу ваҳийга монелик қилмадим» (Ҳав. 26:13-19).

Шоул бутун борлиғи билан солиҳликка интилар эди. У ўзининг бутун ҳаётини Қонунга мукамал амал қилишга бағишлаган фарзийларнинг фарзийси эди. Шоул ўз мақсадига етишиш учун қанчалик катта иштиёқ билан ҳаракат қилса, амалда Худонинг ишига шунчалик кўпроқ зарар етказар эди. Бу ерда гап бирор кишининг солиҳликка интилиши Худога маъқул келмаслигида эмас. Худо солиҳликка интилиш тарафдори, бироқ У манманлик ва такаббурликка қарши. Худо ўз-ўзига бино қўйишдан шишиб кетган кишиларга қаршилиқ қилади. Шоул Худо учун курашяпман, деган чуқур ишонч билан ҳақиқатда Худога қарши курашаётган эди. Бу кураш давомида, Шоул ўзи қарши бораётган Масих билан юзма-юз учрашиши керак бўлган дақиқа шубҳасиз келиши керак эди.

Худонинг Эски Аҳдда бизга аён қиладиган исмларидан бири — El Shaddai. Бу исм «Чақмоқ отувчи» ёки «Қудратли», деган маънони билдиради. Худо айнан мана шу исм билан Аюбга намоён бўлди. Аюб Худонинг — Олий Ҳукмдорнинг барча инсонларни енгувчи ва ҳеч қандай инсон енга олмайдиган, эҳтиромли даҳшат ҳиссини пайдо қилувчи

кучини ўзида ҳис қилиб кўрди. Шоул Қодир Тангрини Дамашқ йўлида учратди.

Шоул ўзининг чўлда бошидан кечирган воқеаларини тасвишлаб беришни тўсатдан кўзни қамаштирувчи нур пайдо бўлганлиги билан бошлайди. Чўлдаги йўлда, кунинг қоқ ярмида қуёш жуда ҳам ёрқин нур таратар, унинг жуда ҳам юпқа атмосфера қатламидан ўтиб келаётган нурлари кўзни қамаштирар эди. Одатдаги шароитларда ушбу географик иқлимда қуёш нурлари жуда ҳам мўл бўлади. «Саҳронинг оппоқ қуёши» ёруғида бошқа бирор-бир ёруғлик сезилиши учун ўша нур ўта ёрқин бўлиши лозим. Шоул қуёш нуридан ҳам ёруғроқ, кўзни қуёш нуридан ҳам кўпроқ қамаштирувчи нур ҳақида ҳикоя қилади. У бу ёруғликни «осмондан порлаган нур» сифатида тасвишлаб берди.

«Осмондан порлаган нур»¹ ифодаси тўғридан-тўғри нурни, осмондан порлаган «дунёвий» нурни англатмайди.

Шоул Худонинг самовий шуҳрати ҳузурида бўлган. Худонинг шуҳрати — Худо муқаддаслигининг ташқи кўринишидир. Унинг шуҳрати шундай нур таратадики, у шунчалик ёруғки, унинг ёруғида қуёш ҳам хиралашиб қолади. Ваҳийлар Китобида биз янги Қуддуснинг, осмондан тушиб келаётган янги шаҳарнинг намоён бўлиши ҳақида ўқиймиз:

«Бу шаҳарда маъбад кўрмадим. Чунки ҳар нарсага қодир Худойи Таоло ва Қўзининг Ўзи шаҳарнинг маъбадидир. Шаҳарни ёритиш учун қуёшга ёки ойга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки Худонинг улугвор жамоли уни ёритади, Қўзининг Ўзи унинг ёритқичи бўлади» (Вах. 21:22,23).

¹ Инглиз тилидаги матнда: «осмонлардан порлаган нур». — *Тарж. изоҳи.*

Янги Қуддусда қуёш йўқ, бунинг сабаби жуда оддий, чунки шаҳарга қуёшнинг кераги ҳам йўқ. Худо ва Унинг Масиҳи шуҳрати шунчалар ёруғки, унинг порлоқ нурида қуёш ҳам хиралашади. Шоул унинг нуридан кўр бўлиб қолди. Бир ўйлаб кўринг-чи, агар қуёшга тик қарасангиз нима бўлади? Қуёш тутилиши вақтида кишиларни ғалати манзара — қуёшни ёпиб турган соя ўзига жалб қилади. Шунга қарамасдан, қуёш тутилиши вақтида ҳам қуёшга тик боқсангиз, кўзингиз оғрийди ва бу кўриш қобилияти учун хавфлидир. Қуёш тутилиши олдидан оммавий ахборот воситлари бизни агар қуёшга тик қаралса, кўз нурлари жиддий шикастланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришади. Қуёшдан ҳам ёруғроқ бўлган нур қанчалар кучли бўлиши мумкин? Худонинг шуҳрати шу даражада ёрқинки, у қуёш нури бор кучи билан ёритган ёруғликдан ҳам бир неча баравар кучли бўлган ёруғликка эгадир.

Шоулга у билан курашиш учун фаришта намоён бўлмади. Бунинг ўрнинг қандайдир ғайритабиий куч уни ерга улоқтирди. Шу заҳотиёқ Шоул кўр бўлиб қолди. Ҳеч қанақанги огоҳлантириш, уни эҳтиёт бўлишга ундовчи бирор-бир енгил шабада ҳам бўлмади. Олий куч уни ерга михлаб қўйди.

Ёруғлик билан бирга осмондан овоз ҳам келди. Бу овоз ҳамма жойда баланд жойдан тушиб, тошга урилаётган шаршарага ўхшаб гулдировчи кўп миқдордаги сувнинг шовқини сифатида таърифланади. Павлус номаълум Зот яҳудий тилида, Исонинг она тилида гапирганлигини айтади. Овоз икки марта: «Шоул, Шоул», деб унинг исмини айтиб, Шоулнинг шахсан ўзига мурожаат қилади. Икки марта исм такрорланадиган бу каби мурожаат усули яқин кишига нисбатан ишлатилади ва саломни англатади. Худо худди шу усулда ёнаётган бута ичидан туриб Мусога ва Мўриё тоғидаги қурбонгоҳда Иброҳимга мурожаат қилди. Исо ҳам Қуддуснинг

ҳолига ачиниб йиғлаётганида ва Ўзининг энг мудҳиш онларида, хочда Отага хитоб қилганида шу каби мурожаат усулидан фойдаланди.

«Шоул, Шоул, нега Мени қувғин қиялпсан?» Эътибор қилинг-а, овоз Шоулдан нега Масих жамоатини қувғин қиялпсан, деб сўрамади. Савол айнан «нега Мени қувғин қиялпсан?» кўринишида эди. Масих жамоатига қарши чиқиш айнан Унинг Ўзига қарши чиқишни англатади. Кейин эса қуйидаги жумла: «Нишга қарши тепишинг қийин». Ниш — бу ҳўкиз кўшилган аравага михланган ёғоч ромдир. Бу ромга ўткир тиканлар ўрнатилар эди. Бу ром ҳўкизларнинг орқасига шундай жойлаштириллар эдики, агар ҳўкизлар қайсарлик қилиб, олдинга юрмай тўхтаб қолсалар, ромдаги тиканлар уларнинг оёғига кирар ва уларни юришга мажбур қилар эди. Ҳўкизларнинг қанчалик аҳмоқ бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а, улар оёқларига тикан кирганидан сўнг жаҳл қиладилар ва шатталайдилар. Улар қанчалик кўпроқ шатталиқ қилсалар, ўзларига шунчалик кўпроқ азоб берадилар.

Овоз Шоулга қарата: «Сен нодон ҳўкиз! Оёгингга тикан кириб турган бир вақтда шатталиқ қилишинг аҳмоқлик намунасидир! Сенинг курашинг бефойда. Таслим бўлиш вақти келди», — деяётгандек эди. Бунга жавобан Шоул оддий савол берди, бироқ бу саволнинг тагида чуқур маъно бор эди: «Ё Раббий, Сен ким бўласан?» Шоул ҳозиргина ўзини енгган Зот ким эканлигини билмас, аммо бир нарсада у шубҳаланмаётган эди — бу Зот ким бўлишидан қатъий назар, бу Тангри эди.

Шу воқеани бошидан кечиргач, худди Ёқуб Исроил бўлгани каби Шоул ҳам Павлуста айланди. Кураш яқунланди. Шоул Худо билан курашди ва мағлубиятга учради. Ишаъёга ўхшаб, у ҳам ўзининг вазифасини — Ҳаворий бўлиши кераклигини билиб олди. Унинг ҳаёти тубдан ўзгарди ва шу

билан бирга жаҳон тарихининг йўналиши ҳам ўзгарди. Павлус ўз мағлубияти орқали тинчликка эга бўлди.

Павлус шоҳ Агриппага ўз ҳикоясини сўзлаб бергач, шу сўзларни кўшиб кўйди: «Биобарин, эй подшоҳ Агриппа, мен кўқдан юборилган ушбу ваҳийга монелик қилмадим». Шоул Масихга қарши курашда қандай иштиёқ кўрсатганлигидан қатъий назар, шубҳасиз, Масих учун олиб борган курашда унинг иштиёғи солиштириб бўлмайдиган даражада ортди. У Худо шуҳратини бевосита кўрди ва ундаги бунинг натижасида пайдо бўлган таассурот шу қадар кучли эдики, энди у бунинг эсидан чиқара олмасди. Павлус у ҳақда фикр юритар ва ўзининг барча мактубларида унинг маъносини тушунтириб берар эди. У оқланиш нима эканлигини тушунган инсонга айланди. Унинг учун муқаддас кураш тугади ва муқаддас тинчлик бошланди. Павлус мактублари монастырдаги Лютерни уйғотган ва масихий жамоатга қандай қилиб Худо билан тинчликда бўлиш кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларни берган Хаворийга айланди.

Худо билан олиб борадиган курашимизнинг моҳияти Худонинг солиҳлиги ва бизнинг фосиқлигимиз ўртасидаги келишмовчиликдан иборатдир. У адолатли, биз эса адолатсизмиз. Бу кескинлик бизда кўрқув, адоват ва Худога нисбатан ғазаб уйғотади. Адолатсиз инсон адолатли ҳакам билан учрашишни хоҳламайди. Биз шуҳрати бизни кўр қилиши ва адолати бизни айблаши мумкин бўлган Зотдан яширинишга ҳаракат қилаётган қочқинларга айланамиз. Биз оқланиш олмагунимизга қадар (ёки олмасак) У билан уруш ҳолатида бўламиз. Оқланишга эга бўлган инсонгина муқаддас Худо хузурида ўзини хотиржам сезиши мумкин.

Хаворий Павлус оқланиш орқали эга бўлишимиз мумкин бўлган иноятлар ҳақида гапиради. Римликларга Мактубда Павлус оқланган вақтимизда, Исо Масихга имон келтирган

вақимизда ва Унинг солиҳлиги бизнинг гуноҳларимизни ёпиб юборган вақтда биз билан нима бўлишини тушунтириб беради:

«Раббимиз Исо Масихга бўлган имонимизни инобатга олиб, Худо бизни оқлади ва биз билан сулҳ тузди. Раббимиз Исо Масих Ўзи Худонинг иноят эшигини бизга очиб берди. Биз имонимиз туфайли бу иноятга эришиб, маҳкам турамыз ва Худонинг улугворлигига эришмоқ умиди билан фахрланиб юрамыз» (Рим. 5:1,2).

Оқланганлигимизнинг биринчи меваси — бу Худо билан тузилган сулҳдир. Қадимий яҳудий учун тинчлик жуда катта иноят эди. Ҳозирги вақтда Яқин Шарқда бўлаётган воқеалар қадимий тарихнинг қайтарилишини эслатади. Канъоннинг тортиб олинишидан, то Яҳудиянинг Рим томонидан босиб олиниш давригача ва Янги Аҳд даврида Исроил бир неча йилни урушларсиз ўтказди. Фаластиннинг географик ўрни шундай жойлашганки, у Африка ва Осиёни боғлаб турувчи асосий кўприк ҳисобланади. Бу уни нафақат савдо, балки доимий урушлар учун ҳам қулай жойга айлантириб қўйди. Кичкина Исроил кўп ҳолларда бир-бири билан рақобат қилаётган икки куч орасида, болға ва сандон ўртасида қолиб кетар эди. Ҳарбий ҳаракатларда у теннис тўпи сифатида ишлатилар эди.

Яҳудий тинчликка муҳтож эди. У қиличлардан ўроқлар ясаладиган кун ҳақида орзу қилар эди. У дунёнинг Ҳокими келадиган ва тўхтовсиз адоватга чек қўядиган кунни муштоқлик билан кутар эди. Тинчликка интилиш яҳудий учун шунчалик муҳим ишга айландики, натижада тинчлик сўзининг ўзи кундалик бир-бирини олқишлашга айланди. Биз «қалайсан» ёки «хайр», дейдиган ҳолатларда яҳудийлар оддийгина қилиб: «Шалом», дейдилар. Ҳозирги кунга келиб

ҳам «шалом» сўзи иброний сўзлашув тилининг ажралмас бўлагига айланган.

«Тинчлик» сўзининг асосий маъноси — ҳарбий келишмовчиликнинг барҳам топишидан иборатдир. Бироқ, бу сўзда бундан ҳам чуқур маъно мавжуд эди. Яхудийни ички дунё, кўнгил хотиржамлиги, руҳнинг изтиробларига чек қўйишдек ҳолатлар ҳам ташвишлантирар эди. Бизда «руҳий дунё» деган жумла билан ифодаланадиган ўхшаш тушунча ҳам бор.

Мен 1945 йилнинг жазирама ёз кунини яхши эслайман. Шу куни мен Чикаго кўчаларидан бирида крикет ўйнаётган эдим. Ўша лаҳзаларда менинг бутун дунём бир чуқурчадан то бошқа бир чуқурчага қадар бўлган ер бўлагидан иборат бўлиб қолган эди. Мени ўй-фикримни эгаллаб турган ягона нарса — бу ёғоч тўқмоқнинг қўлимга тегиш навбати етиб келишидан иборат эди.

Менинг таъбим хира, ранжиган бир ҳолатда эдим, сабаби, биринчи тўп узатишим атрофимда тўсатдан бошланган тартибсизлик ва ғала-ғовур натижасида бўлиниб қолган эди. Одамлар ўз хонадонларидан югуриб чиқиб, товани қошиқ билан уриб, тақиллатишар ва бақир-чақир қилишарди. Бир неча сония ичида мен учун гўё охирзамон келгандек туюлиб кетди. Ҳар ҳолда бу менинг крикет ўйинимнинг ниҳояга етганлигини билдирар эди. Ўша тўс-тўполон ичида мен онамни ҳам кўриб қолдим. Онам мен томон отилиб келди, унинг юзларидан кўз ёшлари оқар эди. У мени кучоқлаб олди-да, бағрига босиб: «Тамом бўлди, тамом бўлди, тамом бўлди», — дея йиғи аралаш қайта-қайта такрорларди.

Бу 1945 йил, Япония устидан қозонилган алаба куни эди. Мен атрофда бўлаётган воқеаларнинг аҳамиятини яхши тушунмас эдим, бироқ битта нарса аниқ эди: уруш тугади,

энди отам тез кунларда уйга қайтиб келади. Биз энди узоқ-узоқлардаги мамлакатларга самолёт орқали хат жўнатмаймиз. Жанг майдонларидаги қурбонлар ҳақида хабар берувчи янгиликлар маълумотини тингламаймиз. Ойналарда юлдузчалар билан безатилган ипак байроқлар осилиб турмайди. Озиқ-овқат карточкалари ҳам бўлмайди. Уруш тугади, ниҳоят бизнинг уйимизга тинчлик келди.

Ушбу шод-хуррамлик онлари менинг мурғак онгимда ўчмас из қолдирди. Мен тинчлик — бу муҳим нарса, у бор вақтда хурсандчилик учун, йўқ пайтда эса ғам-ғусса учун сабаб эканлигини билиб олдим.

Чикаго кўчасидаги ўша кун менда тинчлик бутунлай келди, деган тасаввур пайдо бўлди. Мен унинг бу қадар мўрт эканлигини ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдим. Кўп вақт ўтмай газеталарда Хитойнинг ўсиб бораётган ҳарбий қудрати ҳақидаги огоҳлантиришлар, Россия томондан солинаётган ядро уруши хавфи ва Берлиннинг қамал қилиниши ҳақидаги мақолалар босила бошлади. Америка учун тинчлик жуда ҳам қисқа бўлди, тез орада уни Кореядаги, кейин эса яна бир марта Вьетнамдаги уруш бузди.

Мўрт. Беқарор. Омонат. Ердаги оддий тинчликни мана шу сифатлар билан таърифлаб бериш мумкин. Тинчлик шартномалари ҳам худди қонунлар каби уларни бузиш учун мавжудга ўхшаб туюлади. Миллионлаб Чемберленлар муштларини ҳаяжон билан силкитган ҳолда, балқонда туриб: «Биз тинчликка эришдик!», деб қичқириши мумкин, бироқ уларнинг хитоблари инсоният тарихи — адо бўлмайдиган урушлар тарихи эканлигини ҳақидаги далилни ўзгартира олмайди.

Биз тинчликка нисбатан унчалик жиддий муносабатда бўлмасликка жуда тез ўрганиб қоламиз. Уруш тинч ҳаётга

жуда ҳам тез, жуда ҳам осон кириб келади. Бироқ, биз ҳаммамиз узоқ давом этадиган, ишонса бўладиган тинчлик ҳақида орзу қиламиз. Ҳаворий Павлус ўзининг Римликларга Мактубида айнан мана шундай тинчлик ҳақида гапирган. Бизнинг муқаддас Худо билан курашимиз ўз ниҳоясига етганида биз ҳам Лютерга ўхшаб, жаннат эшикларидан ўтамиз. Биз имон орқали оқланганимизда, уруш бир умрга тугайди. Гуноҳдан тозаланишимиз ва илоҳий кечиримга эга бўлишимиз билан бир қаторда биз Худо билан тинчлик шартномаси тузамиз, бу тинчлик абадий давом этади. Бу тинчлик — муқаддас, мустаҳкам ва трансцендентдир. Бу бузилиши мумкин бўлган тинчлик эмас.

Худо тинчлик шартномасига қўл қўйганда, бу шартнома абадий кучга эга бўлади. Уруш тугайди ва бошқа ҳеч қачон бошланмайди. Албатта, биз ҳали ҳам аввалгидек гуноҳ қиламиз. Аввалгидек, исён кўтарамиз. Қайта-қайта Худо нисбатан адоватимизни намоён қиламиз. Бироқ, Худо биздан фарқ қилиб, ҳеч қачон уруш ҳолатида бўлмайди. Уни бизга қарши уруш қилишга ундаш мумкин эмас. Бизни Ота олдида ҳимоя қилувчи Зот бор. Биз тинчликни сақлаб турган Воситачига эгамиз. У тинчликни сақлайди, чунки Унинг ўзи бир вақтнинг ўзида ҳам дунё Ҳокими, ҳам дунёнинг ўзи.

Биз энди Худо фарзандлари, деб аталамиз. Бу исм тинчликни сақловчиларга оқ фотиҳа сифатида берилган. Энди бизнинг гуноҳларимиз билан душман қўшинининг қўмондони эмас, балки Ота шуғулланмоқда. Биз тинчликка эгамиз. Бу тинчлик — бизнинг мулкимиз, бу Масиҳнинг имзоси билан мустаҳкамланган ва У томонидан таъминланган.

Бизнинг Худо билан тузган тинчлигимиз мўрт эмас. У барқарор. Агар биз гуноҳ қилсак, Худо норози бўлади ва бизни тарбиялаш учун ҳаракат қилади. У гуноҳимиз учун бизни жазолайди. Аммо У бизга қарши уруш бошламайди. Унинг

камони тортилмаган, Унинг ғазаб ўқлари бизнинг қалбимизга қаратилмаган. Биз шартномани бузган вақтда У қуролини силкитмайди.

Оқланиш берадиган тинчлик — бу фақатгина ташқи тинчлик эмас. Қалбимизнинг энг асосий муҳтожлиги — ички тинчликка бўлган муҳтожлик Масихда ўз қониқишини топади. Авлиё Августин бир пайтлар шундай деб ибодат қилган эди: «Эй Тангрим, Сен бизларни Ўзинг учун яратгансан ва бизнинг қалбларимиз то Сенда тинчлик хотиржамлик топмагунга қадар, хузур-ҳаловатга эришмайди». Биз ички хавф-хатар туйғуси билан қийналиш нима эканини биламиз. Худодан узоқлашганлигимиз оқибатида пайдо бўладиган бўм-бўшлик ва айбдорликнинг кемирувчи ҳис-туйғуси эса бизга яхши таниш. Тинчлик ўрнатилаётган бир пайтда маъшум бўм-бўшлик тўлади ва бизнинг қалбларимиз хотиржамликка эга бўлади.

Янги Аҳд бу тинчликни шундай деб атайди: «Инсон хаёлига сиғмайдиган, Худо берган тинчлик сизнинг кўнглингиз ва фикр-хаёлингизни хотиржам қилади». Бу оддий, дунё берадиган тинчликдан фарқ қиладиган муқаддас тинчликдир. Бу фақатгина Масих бериши мумкин бўлган тинчликдир. Бу Масихнинг Ўзи эга бўлган тинчликдир.

Исо бу дунёда унчалик кўп нарсага эга бўлмаганлигини биз Хушxabарлардан ўқиб билиб оламиз. Унинг уйи ҳам, бошпанаси ҳам йўқ эди. Унинг акциялари ҳам, ўз иши ҳам йўқ эди. Исонинг ягона мулки устидаги либоси эди. Унинг шу либосини ҳам ҳукми ижро қилиши керак бўлган аскарлар ўғирлаб олдилар. Бундан гўёки, У бир тийинсиз, Ўз меросхўрларига ҳеч вақо қолдирмай ўлган, деган тасаввур пайдо бўлади.

Биз — Масихнинг меросхўрларимиз. Бир қараганда, биз меросиз меросхўрларга ўхшаймиз. Аммо, Муқаддас Китобда, Худо Ўзининг севиқли Ўғлига шоҳлик ваъда қилганлиги аниқ ва равшан қилиб ёзиб қўйилган. Исо Ўз Отасидан мерос олди ва бу меросни У бизларга қолдирди. Исо биз бир кун келиб: «Эй, Менинг Отамнинг олқаганлари, келинлар! Дунё яратилгандан бери сизлар учун мерос сифатида тайёрлаб қўйилган Шоҳликни эгаллангиз», — деган сўзларни эшитишимизга ваъда берди.

Бироқ, биз олган мерос фақатгина Худо Шоҳлигидан иборат эмас. Исо Ўзининг охириги иродаси ва васиятида Ўз меросхўрларига яна битта жуда ҳам муҳим бўлган нарсани қолдириб кетди:

«Мен сизларга тинчлик қолдиряман; Ўз тинчлигимни сизларга беряман. Мен берган тинчлик дунё берган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз сиқилмасин, ҳадиксираманглар» (Юҳан. 14:27).

Мана у — Масихнинг мероси: тинчлик. Айнан Унинг тинчлиги бизга мерос бўлиб қолди. У Ўз совғасини бу дунёда қабул қилинган одатлар бўйича совға қилмайди. Унда яширин ниятлар ҳам, ҳеч қанақанги товламачилик ҳам, ҳеч қанақанги ёлғон ҳам йўқ. У Ўз тинчлигини бунинг эвазига бирор нарса олиш учун эмас, балки бизнинг фаровон яшашимиз учун беради. Бу ўзга дунёнинг совғаси ва у ўзга дунёда қабул қилинган қодалар бўйича совға қилинган. Бу совға абадий бизникидир.

Тинчлик — бу оқланиш билан бирга келадиган иноятлардан бири холос. Бу муқаддас тинчликка яна бир нарса: кириш қўшилади. Кириш сўзи Худо билан кураш олиб борган ҳар бир киши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу

дунёда бизни ҳар томондан эълонлар ўраб туради. Бир эълонда: «Кириш тақиқланади», бошқасида эса: «Кириш чегараланган», деб ёзиб қўйилган бўлиши мумкин. Тарихда жаннат эшикларига: «Кириш тақиқланган», деб ёзилган тахтача осиб қўйилган вақтлар ҳам бўлган. Эски Аҳд давридаги маъбадда ҳам оддий инсоннинг Худо тахтига яқинлашиши тақиқланар эди. Олийруҳоний учун ҳам кириш «чегараланган» эди. Олийруҳоний унга фақат йилда бир марта, ўта махсус эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда яқинлашиши мумкин эди. Муқаддаслардан муқаддасни маъбаднинг қолган жойларидан қалин парда ажратиб турар эди. У ерга кириш деярли тақиқланган эди. Кириш чегараланган. Оддий имонли у ерга кира олмас эди.

Исо ўлдирилган онда, Адолатли Зот адолатсиз кишилар учун ўлган дақиқада маъбаддаги парда йиртилиб кетди. Биз учун Худо ҳузурига кириш мумкин бўлди. Жаннат эшигидаги «Кириш мумкин эмас» деб ёзилган тахтача масиҳийлар учун олиб ташланди. Энди биз бемалол муқаддас ерга қадам ташлашимиз мумкин. Бизга нафақат Унинг иноятидан фойдаланиш ҳуқуқи, балки бундан ҳам каттароқ бўлган ҳуқуқ — Унинг олдига кириш ҳуқуқи ҳам берилди. Оқланган кишининг Муқаддас Зотга қарата: «Менинг олдимдан кетгин, чунки мен гуноҳкор инсонман», деб айтишига ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Эндиликда биз муқаддас Худонинг ҳузурида ҳам бемалол тура оламиз. Биз Унга ўз саволларимиз билан мурожаат қила оламиз. Худо биздан илтижоларимизни эшитмайдиган даражада узоқ эмас. Биз Унинг ҳузурига гуноҳлари Масиҳнинг солиҳлиги билан қопланган кишилар сифатида келамиз. Мен яна қайтариб айтаман: биз муқаддас Худо ҳузурида ўзимизни бемалол тутишимиз мумкин. Биз ҳали ҳам Унинг ҳузурига эҳтиром, ҳурмат ва ҳайрат билан келишимизни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бироқ, фавқулодда

муҳим янгилик шундан иборатки, энди биз Унинг ҳузурига келишимиз мумкин:

«Бизнинг улуг Олийруҳониймиз, яъни Арши Аълогача ўтиб борган Худонинг Ўгли Исо бор экан, тан олган эътиқодимизни маҳкам тутайлик. Бизнинг Олийруҳониймиз заифликларимизга ҳамдарад бўлишга ожиз эмас, У ҳар томондан бизлар каби васвасага солинган, лекин гуноҳ қилмаган. Шундай экан, илоҳий марҳаматга ноил бўлиш ва зарурат вақтида иноят ва ёрдам олиш учун, Худонинг иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик» (Ибр. 4:14-16).

Муқаддас Китоб бизларни иноят тахтига жасорат¹ билан яқинлашишга чорлайди.

Оқланиш олган кишилар сифатида биз ишонч билан Худога яқинлашишимиз мумкин. Жасоратни енгилтак гердайиш билан адаштирмаслик лозим. Уззо Худо олдига ишонч билан эмас, балки ўзбилармонлик билан яқинлашди. Надаб ва Абихун ишонч тугайдиган ва Худонинг улуғворлигини ҳақоратлаш бошланадиган чегарадан ўтиб кетишди. Биз Унинг олдига жасорат ва ишонч билан келишимиз зарур. Ундан узоқлашишга ёки Унинг ҳузурига кириш олдидан иккиланишга ҳожат йўқ. Бироқ, Худо ҳузурига келгач иккита нарсани: Унинг Ким эканлигини ва ўзимизнинг ким эканлигимизни ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Масиҳий учун муқаддас уруш тугади ва тинчлик бошланди. Энди биз Ота ҳузурига кириш ҳуқуқига эгамиз. Бироқ, биз ҳали ҳам аввалгидек Тангримиз олдига титрашимиз лозим. У ҳали ҳам муқаддас. Бизнинг титроғимиз — бу эҳтиром ва ҳайрат титроғи. Енгил шабададан

¹ Инглиз тилидаги матнда: «ишонч билан». — *Тарж. изоҳи.*

хам қалтирайдиган қўрқоқ ёки бутпарастнинг титроғи эмас. Лютер айтганидек, биз Худодан маҳбуснинг ўз азоб берувчиси қаршисидаги қулларча қўрқуви билан эмас, балки ўз Отасининг норозилигини уйғотишни хоҳламаётган гўдакнинг қўрқуви билан қўрқишимиз лозим. Биз Унинг ҳузурига ишонч билан яқинлашамиз. Биз Унинг олдига жасорат билан келамиз. Бизда кириш ҳуқуқи мавжуд. Биз муқаддас тинчликка эгамиз.

8-БОБ

Муқаддас бўлинг

Апполон нима қилаётганингни кўздан кечиргин,
Чунки мен турибман шоҳлик йўлида,
Муқаддас йўлда.
Шу сабабдан ўзингга эҳтиёт бўлгил.

ЖОН БЕНЬЯН

Илк масиҳийлар муқаддас, деб аталган эдилар. У замонлардан бери «муқаддаслик» сўзининг маъно си жиддий ўзгаришларга дучор бўлди. Ҳозир «муқаддас» сўзи киши тасавурида ўта солиҳ кишининг, ғайритабиий художўйлик ва руҳий кучга эга бўлган кишининг тасвирини гавдалантиради. Рим католик жамоатида бу сўз руҳ қаҳрамонларининг махсус рўйхатига киритилган кишилар учун унвон вазифасини ўтади.

Муқаддас Китобда «муқаддас» сўзи оддий имонли кишиларга нисбатан ишлатилади. Янги Аҳдда барча Худо фарзандлари муқаддас, деб аталади. Мавжуд бўлган барча гуноҳлар билан курашаётган кишиларнинг бундай ном билан аталиши ғалати туюлади. Павлуснинг мактубларини ўқиётган вақтимизда, унинг инсонларга нисбатан муқаддас, деб мурожаат қилиши, кейинчалик эса айнан шу инсонларга, уларнинг ақлсиз ва гуноҳкор ҳаракатлари учун танбеҳ бериши бизни таажжубга солади.

Муқаддас Ёзувлар бу кишиларни пок бўлганликлари учун эмас, балки улар ажратиб олингани ва пок бўлишга даъват қилингани учун муқаддас деб атайди. Инсонга нисбатан қўлланилган «муқаддас» сўзи худди Худога нисбатан қўлланган вақтдаги каби икки маънога эга. «Муқаддас» сўзи

Худога нисбатан ишлатилганда, биринчи навбатда, киши эътиборини Худонинг биздан ажралганлигига қаратишини, иккинчи навбатда эса Унинг баркамол поклигини кўрсатишини ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Бироқ, биз Худо эмасмиз. Биз трансцендент эмас. Шубҳасиз, биз пок ҳам эмасмиз. Шундай экан, нима сабабдан Муқаддас Китоб бизни «муқаддас» деб атайди?

Бу саволга жавоб бериш учун биз яна Эски Аҳдга мурожаат қилишимиз зарур. Худо Исроилни Миср қуллигидан олиб чиққанда ва уни махсус халқ қилганда, У бу халқни бошқалардан ажратди. У Исроил халқини Ўзининг танлаб олинган халқи деб атади ва уларга махсус топшириқ берди. У Исроил халқига: «Муқаддас бўлинглар, зеро Мен муқаддасман», — деди.

Исроилга қарат айтилган бу махсус даъват ҳақиқатда янги эмас эди. У биринчи бор Мусонинг кунларида ва ҳаттоки кўпчилик отаси Иброҳимнинг вақтида янграмади. Биринчи бор Одам Ато ва Момо Ҳаволар муқаддас бўлишга даъват қилинди. Муқаддаслик — бу инсоният авлоди учун азалда белгилаб берилган вазифа эди. Биз Худо қиёфасига ўхшаш қилиб яратилганмиз. Худо қиёфасига ўхшаш қилиб яратилиш, қолган нарсалардан ташқари, бизда Худонинг табиати акс этиши кераклигини ҳам англатар эди. Биз дунёга Худо муқаддаслиги нурини таратиш учун яратилганмиз. Бу инсоннинг бош мақсади, мавжудлигининг моҳияти эди.

Пресвитериан жамоати ёш болаларга таълим бериш учун Вестминстер катехизисидан фойдаланган эди. Катехизисдаги биринчи савол қуйидагичадир: «Инсон ҳаётининг мақсади ва унинг тайинланиши нимадан иборат?» Яъни — ҳар бир инсоний мавжудотнинг бош вазифаси нимадан иборат? Саволга жавоб шундай: «Инсон ҳаётининг мақсади Худони улуғлаш ва абадий Унинг учун қувонишдан иборат».

Мен ёшлигимда бу саволни тушуна олмай жуда қийналар эдим. Мен жавобнинг икки қисмини бир-бири билан бирлаштира олмас эдим. Хурсандчилик, қувонч қандай қилиб Худони улуғлаш билан мос келишига тушуна олмасдим. Менинг фикримча, гўёки Худони улуғлаш билан Унинг муқаддас қонунига итоат қилиш ўртасида қандайдир алоқа бор эди. Бу эса улкан қувонч ҳақидаги фикр билан уйғунлашмас эди. Мен ўзимнинг шахсий ҳузур-ҳаловатим билан Худо қонунига нисбатан бўлган итоатим ўртасидаги келишмовчиликни сезиб улгурган эдим. Мен талаб қилинаётган жавобни тушунмасам ҳам, унинг том маъносини англаб етмасам ҳам астойдиллик билан уни такрорлар эдим. Мен учун Худо хурсандчиликка олиб борувчи йўлда турган тўсиқ эди. Уни улуғлаш ҳаётимнинг бош мақсади бўлиши учун яшаш? Бу фикр менинг онгимга жойлаша олмас эди. Менинг фикримча, Одам Ато ва Момо Ҳавода ҳам шундай тушунмовчилик пайдо бўлган бўлса керак.

Менинг ёшлигимдаги энг катта муаммо бахт ва ҳузур-ҳаловат ўртасидаги фарқни тўлиқ тушуна олмаслигимдан иборат эди. Мен сизга мамнунлик билан балоғат ёшига етганимдан сўнг барча ўйинчоқларни бир чеккага йиғиштириб қўйдим, деб айтишим мумкин эди. Бахтга қарши бундай эмас. Мен кап-катта киши бўлишимга қарамасдан ҳали ҳам ўйинчоқ ўйнашни яхши кўраман. Мен ҳали ҳам, аввалгидек, бахт билан ҳузур-ҳаловат ўртасидаги фарқни тушунмайман. Аниқроғи, мен булар ҳар хил нарса эканлигини онгим билан ҳис қиламан, бироқ бу тушунча ҳали менинг танам ва қонимга сингиб улгургани йўқ.

Мен ўз ҳаётимда жуда ҳам кўп гуноҳ қилганман. Бу гуноҳлардан ҳеч бири мени бир дақиқа бўлса-да бахтли қила олмади. Уларнинг ҳеч бири бир грамм бўлса-да бахт ато қила олмади. Бошқа томондан олиб қарайдиган бўлсак, гуноҳ

менинг ҳаётимга бир дунё бахтсизлик олиб келди. Телевидение ёки газета орқали интервью бераётган баъзи бир машҳур кишиларнинг сўзлари мени ҳайратга солади. Улар: «Агарда менга ҳаётимни бошқатдан бошлаш имкони берилса, мен ўз ҳаётимга ҳеч қандай ўзгариш киритмаган бўлар эдим», деб айтишади. Бу каби аҳмоқлик мени лол қолдиради. Менинг ҳаётимда ўзгартириш керак бўлган кўпгина жойлар бор. Агар менга уларни ўзгартириш имкони берилса, мен ўзимни бахтли деб ҳисоблаган бўлар эдим. Менга шундай имконият берилса ҳам барибир қилган хатоларимни такрорлашим мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, бироқ шунга қарамасдан, мен бундай имкониятга эга бўлишни истар эдим.

Гуноҳларим менга бахт келтирмади. Бироқ, улар менга ҳузур-ҳаловат бахш этди. Мен ҳузур-ҳаловат олишни яхши кўраман. Ҳузур-ҳаловат ҳали ҳам мени ўзига жалб қилади. Ҳузур-ҳаловат улкан шодлик ато этиши мумкин. Ҳузур-ҳаловатларнинг ҳаммаси ҳам гуноҳ эмас. Солиҳликда ҳам кўп ҳузур-ҳаловат топиш мумкин. Бироқ бунинг фарқи бор. Гуноҳ ёқимли бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон бахт келтирмайди.

Шундай қилиб, агар мен бунинг ҳаммасини тушуниб етаётган бўлсам, у ҳолда нима учун гуноҳ мени васвасага солади? Бахт ва ҳузур-ҳаловат ўртасидаги фарқни биладиган кишининг бахтни ҳузур-ҳаловатга аламаштиришда давом этиши аҳмоқликка ўхшаб кўринади. Била туриб ўзини бахтдан маҳрум қиладиган ишни қилиш ўтакетган беъманиликка ўхшайди. Шунга қарамасдан биз шундай иш тутамиз. Гуноҳ сири нафақат унинг ёвуз ва хароб қилувчи эканлигидан, балки унинг очикдан-очик беъманилигидан ҳам иборатдир.

Мен кўп йиллар давомида сигарет чекдим. Мен аниқ ҳисоблаганим йўқ, аммо мана шу йиллар давомида юзлаб кишилар менинг эътиборимни чекишининг зарарига қаратган бўлса керак. Улар ҳар бир чекувчи биладиган ҳақиқатни менга

кўрсатишар эди. Масиҳий бўлишимдан анча олдин мен чекишнинг зарари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эдим. Мен хирург, тиббиёт хизмати генералининг ташаббуси билан сигарет қутиларида огоҳлантирувчи ёзувнинг пайдо бўлганлигини бу воқеадан аввал ҳам билар эдим. Бу ҳақда ўзимнинг биринчи сигаретимни чекишни бошлаган дақиқаданоқ билган эдим. Шунга қарамасдан, мен чекишни давом эттирдим. Ҳақиқий ақлсизлик. Мана шу нарса гуноҳдир.

Сизга онгингиз бу ишни қилиш ёмон ва нотўғри эканлигини айтаётган бўлса ҳам, шу ишни барибир қилишга тўғри келганми? Агар сиз бу саволга «йўқ» деб жавоб берсангиз, у ҳолда сиз ё ёлғон гапираяпсиз ёки дунёнинг қутқарувчиси ролига тўғри келаман, деган хомхаёл билан яшамоқдасиз. Биз ҳаммамиз бу тузоққа тушамиз. Биз қилишимиз керак бўлган ишни эмас, балки ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни қиламиз. Бизнинг ҳам Павлуста ўхшаб: «Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлимга гирифтор шу баданимдан мени ким қутқарар экан?» — деб хитоб қилишимизнинг ҳайратланарли жойи йўқ.

Бизнинг муаммомиз шундан иборатки, биз муқаддасликка даъват қилинганмиз, бироқ биз ўзимиз муқаддас эмасмиз. Яна шу савол пайдо бўлади: агар биз муқаддас бўлмасак, нима учун Муқаддас Китоб бизни «муқаддас» деб атайди?

Муқаддас Китоб иккита сабабга кўра бизни «муқаддас», деб атайди. Биринчидан, биз Худо учун муқаддас қилинганимиз учун муқаддасмиз. Биз ажратилганмиз. Биз бошқа ҳаётга «даъват» қилинганмиз. Масиҳий ҳаёт — бу нонконформистларнинг — ўзгача фикрловчи кишиларнинг ҳаётидир. Бу ғоя Римликларга Мактубда ифода қилинган:

«Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман: Худого оқилона хизмат қила олишингиз

учун вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб багишланглар. Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши, манзур, комил иродасининг нима эканини фаҳмламоқ учун фикрингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар» (Рим. 12:1,2).

Эски Аҳд даврида Худога қурбонлик қилинадиган қурбонгоҳ атрофида ибодат қилинар эди. Кўпинча бу гуноҳ учун қилинадиган қурбонликлар эди. Қурбонликлар ўз-ўзича гуноҳни ювиш қобилиятига эга эмас эди. Улар кейинчалик хочда келтириладиган битта буюк қурбонликка ишора қилувчи белги вазифасини ўтар эдилар. Бенуқсон Қўзи ўлдирилганидан сўнг қолган барча қурбонликларга чек қўйилди. Энди масиҳий жамоатда ҳайвонлар қурбонлик қилинмайди, чунки бундан буён бунга эҳтиёж йўқдир. Ҳозирги кунда бундай қурбонлик келтириш Масиҳнинг мукамал қурбонлигини ҳақорат қилишни англайди.

Ҳайвонларни қурбонлик қилиш даври ўтиб кетганлиги учун кўпгина кишилар, Худога бағишланган барча қурбонликлар У учун жирканчдир, деган хулосага келишади. Бу нотўғри. Ҳаворий Павлус бизни бошқача қурбонлик қилишга — тирик танамизни қурбон қилишга даъват қилади. Биз ўз ҳосилимизни ҳам, ўз ҳайвонларимизни ҳам Худога беришимизнинг кераги йўқ. Биз ўзимизни Худога баҳшида қилишимиз керак. Бу янги қурбонлик оқланиш учун ҳам, гуноҳларни ювиш учун ҳам керак эмас. Худога вужудимизни қурбон қилишимиз миннатдорчилик белгиси ҳисобланади. Бу Павлуснинг «шундай қилиб» деган сўзларидан келиб чиқади.

Муқаддас Ёзувлар матнида «шундай қилиб» сўзини кўрганимизда, бу ҳозир хулоса қилиниши ҳақидаги огоҳлантириш вазифасини ўтайди. «Шундай қилиб» сўзи шу

пайтгача айтилган сўзларни ҳозир қилинадиган хулоса билан боғлайди. Римликларга Мактубнинг 12-бобидаги «шундай қилиб» сўзи бизни Масиҳнинг биз учун қилинган нажот бахш этувчи қахрамонлиги ҳақида сўз борувчи олдинги бобларда ифода қилинган гапларга қайтаради. Бу бизни Унинг қахрамонлиги ҳақида билган ҳолда қилишимиз мумкин бўлган ягона хулосага ундайди. Масиҳ бизга Ўз инояти орқали оқланишга эга бўлиш имкониятини ҳадя қилди. Масиҳнинг биз учун қилган иши нурида, ўзимизни нафас олувчи, фикрловчи, тирик қурбонлик сифатида Худога топширишимиз кераклиги ягона тўғри хулоса бўлади.

Тирик қурбонлик нима дегани? Павлус у ҳақда гапира туриб, биринчи навбатда, ўзгача фикрлаш ҳақида эслатиб ўтади. «Бу дунёга уйғунлашманглар». Кўпгина масиҳийлар мана шу ерда қоқилишади. Биз бошқача фикрловчи кишиларга айланишимиз кераклиги кўриниб турибди. Бироқ, бизни қандай фикрлашга чақирашаётганлигини тушуниш жуда ҳам қийин. Нонконформизм — бу юзаки қарашларга олиб келиниши осон бўлган маккор мавзудир.

Масиҳийларнинг нонконформизм муаммосига юзаки қарашлари фожеалидир. Бу муаммога юзаки ёндашиш масиҳийларни бизнинг маданиятимизда ёки бизнинг муҳитимизда қабул қилинган ишларнинг тескарисини қилишга мажбур қилади. Агар калта соч қуйиш урф бўлган бўлса, нонконформист узун соч қўйиб юради. Агар кинога тушиш қабул қилинган бўлса, бундай масиҳий «дунёвий» машғулотдан қочиш мақсадида кинога бормади. Бундай ёндашишнинг фавқулодда ҳолатлари жуда ҳам дунёвий бўлган нарсалардан масалан, тугма ёки электрдан фойдаланишдан қочадиган секталарда намоён бўлади.

Юзаки нонконформизм — фарзийларнинг классик тузоғидир. Худо Шоҳлигининг тугмалар, кинофильмлар ёки

рақсларга боғлиқ бўлган жойи йўқ. Биз еяётган ёки ичаётган нарсалар Худони ташвишга солмайди. У бизларни юксак даражадаги — ташқи кўринишдан четга чиқувчи солиҳлик даражасидаги нонконформизмга даъват қилади. Солиҳлик фақатгина ташқи художўйлик даражаси орқали аниқланадиган жойда ҳаворийлар таълимотининг бутун моҳияти йўқолади. Биз Исонинг оғизга кираётган нарсалар эмас, балки оғиздан чиқаётган нарсалар кишини ҳаром қилади, деган сўзларини айёрлик билан қулоқларимизнинг ёнгинасидан ўтказиб юборамиз. Биз ҳали ҳам, аввалгидек, Худо Шоҳлигини фақат ейиш, ичиш ва шунга ўхшаш нарсалар муҳим бўлган жой билан тенглаштиришга ҳаракат қиламиз.

Нима сабабдан бу каби нотўғри тасаввурлар масиҳий давраларда гуллаб-яшнамоқда? Бу саволга мен бера оладиган ягона жавоб — гуноҳ сабабли. Биздаги юзаки художўйлик белгилари ҳақиқатда худосиз эканлигимиздан далолат бериши мумкин. Майда-чуйда нарсаларга эътиборимизни қаратган ва аҳамиятсиз бўлган нарсага улкан ўлчамлар берган вақтимизда ўзимизни фарзийлар каби тутамиз. Рақсларга ва кинога нисбатан бўлган муносабат эътиқод даражасини аниқлаб берса, биз ҳақиқий маънони қуруқ гапларга алмаштирганликда айбланамиз. Биз анчайин чуқурроқ бўлган аҳлоқий муаммоларни яшириш учун шундай қиламиз. Кино бормаслик ва рақс тушмаслик ҳар қандай кишининг қўлидан келади. Бунинг учун алоҳида куч-қувват ҳам, аҳлоқий жасоратнинг ҳам кераги йўқ. Ўз тилини назорат қилиш, адолатли иш қилиш ва ҳар бир инсон учун лозим бўлгани каби Рух учун мева бериш — мана бу ишлар ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Мен ўз ҳаётим давомида очкўзлик ҳақида бирорта ҳам ваъз эшитмадим. Мен ичкилик оқибатида юзага келадиган ёвузлик ҳақида бир талай ваъзларни эшитдим, бироқ, очкўзлик

натижасида пайдо бўладиган ёвузлик ҳақида бирор оғиз сўз эшитмадим. Таажжуб. Аниқроқ гапирадиган бўлсам, Муқаддас Китобда ичкиликбозлик — гуноҳ дейилган, бироқ бу гуноҳ ҳеч қачон ўнта асосий гуноҳлар қаторида турмаган. Очқўз бўлмасликка ундаш эса — Ўн амрнинг биридир! Ҳақиқий нонконформист — бу ўзганинг мулкига кўз олайтирмайдиган, ғийбат қилмайдиган, туҳмат қилмайдиган, нафратланмайдиган ва умидсизликка тушмайдиган кишидир. У амалда Рухга мева бера бошлайди.

«Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар ялпиз, арпабодиён ва зира қатори ошқўқдан ушр бериб турасиз-у, лекин Илоҳий Буйруқнинг ниҳоятда муҳим амрлари бўлган ҳаққоният, марҳамат ва садоқатга эса эътибор бермай қўйдингизлар. Буларнинг бирини бажара туриб, иккинчисини ҳам ташлаб қўймаслигингиз керак эди. Сизлар чивинни пеш қилувчи, аммо туяни ютиб юборадиган басир пешволарсиз!»
(Мат. 23:23,24).

Исо зарур бўлган нарсани қилиш ўрнига майда-чуйда ишларга кўпроқ эътибор берганликлари учун уламолар ва фарзийларга таъна қилади. Исо бу муаммога «у ёки бу» кўринишида эмас, балки «у ҳам, бу ҳам» кўринишида эътибор беради. Ушр бериш керак эди, бироқ энг муҳим нарса — адолат, марҳамат ва садоқат ўрнига эмас. Фарзийлар художўйликнинг кўринадиган, ташқи кўринишлари ҳақида қайғурар эдилар, аммо бундан ҳам муҳимроқ бўлган диний муаммоларни инкор қилардилар.

Ҳар қандай киши нонконформизмнинг ўзи учун нонконформист бўла олади. Мен бунинг арзимас художўйлик эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтишни истар эдим. Охир-оқибатда, биз нонконформизмдан ҳам олийроқ бўлган нарсага даъват қилинганмиз: биз ўзгаришга

(трансформацияга) даъват қилинганмиз. Биз бу икки сўз — «нонконформизм» ва «трансформация» — «форм» негизига эга эканлигини кўриб турибмиз. Фақат олд қўшимчалар фарқ қилади. «Кон» олд қўшимчаси «билан» «бирга», деган маънони англатади. Конформист бўлиш «қандайдир ташкилотлар ёки формалар билан бирга бўлиш» деган маънони англатади. Бизнинг муҳитимизда конформист — бу «нима биландир бирга» бўлган киши. Нонконформист эса, аксинча, бу «бундан ташқаридаги», «бу билан бирга бўлмаган» кишидир. Агар масиҳийнинг мақсади — бирга бўлмаслик, ташқарига чиқиб қолиш бўладиган бўлса, ҳаммамиз бу мақсадга ошиғи билан муваффақ бўлдик, деб кўрқаман.

«Транс» олд қўшимчаси «устидан» ёки «чегарадан ташқари» деган маънони англатади. Биз ўзгаришга ёки трансформацияга даъват қилинганимизда, бу дунё шакллари, тасаввурлари ва тузилишидан юқори туришимиз кераклигини англатади. Биз дунёнинг ортидан эмас, балки унга қарши боришимиз ва ўзимиз риоя қилишга даъват қилинган олий намуналарга мос ҳолда дунёдан юқори кўтарилишимиз лозим. Бу юзаки «ташқарига чиқиб қолиш»га эмас, балки олий ва трансцендентликка даъватдир. Ўзини тирик қурбонлик сифатида қабул қиладиган ва шу тарзда Худога итоат қиладиган масиҳий — бу ахлоқ-одобнинг олий қоидаларига риоя қилувчи кишидир. Художўйликнинг юзаки кўриниши уни қаноатлантирмайди. «Муқаддас киши» бор кучи билан Худо Шоҳлигига интилиш учун даъват қилинган. Унинг эътиқоди чуқур бўлиши лозим.

Павлус «фикрни янгилаш» трансформация учун калит восита бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Бу билим олишдир. Жиддий билим. Чуқур билим. Худога тегишли бўлган барча соҳадаги тартибли билим. У Худо Каломига эга

бўлишни талаб қилади. Биз онгининг ўзгариши билан ҳаёти ҳам ўзгараётган кишиларга айланишимиз керак.

Ҳақиқий ўзгариш билан бирга Худони, инсонни ва дунёни янгича тушуниш ҳам келади. Бизнинг яқуний мақсадимиз — Худога ўхшаш бўлиш. Биз Масихнинг илоҳийлигига эга бўла олмасак ҳам, Унга ўхшаш бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим. Биз инсон-худодар эмасмиз. Бироқ, бизнинг инсоний қиёфамизда Исонинг етук инсоний томонлари акс этиши керак. Буюк орзу!

Исога ўхшаш бўлишимиз учун, биринчи навбатда, Исога ўхшаб фикр юритишни бошлашимиз керак. Бизга «Масих ақли» зарур. Биз У қадрлаган нарсани қадрлашимиз ва У нафратланган нарсалардан нафратланишимиз керак. Биз ҳам Исога ўхшаш биринчилардан бўлишимиз керак. Исо учун асосли бўлган фикр-мулоҳазалар биз учун ҳам асосли бўлиши лозим.

Агар биз Унинг Каломига эга бўлмасак, бу содир бўлмайди. Руҳий ўсиш калити — жиддий қурбон талаб қилувчи чуқур масихий билимдир.

Биз даъват қилинган улуғлик худди мана шу нарсадир. Биз Худони фақатгина юзаки равишда таниб, осойишта ҳаётга қониқиб яшаётган бу дунёга ўхшамаслигимиз зарур. Бизда руҳий сўтдан қониқмаслик ва руҳий озуқага нисбатан чанқоқлик ҳисси ортиб бориши керак.

Муқаддас бўлиш — алоҳида бўлиш демақдир. Бироқ, бу бундан ҳам каттароқ аҳамиятни ҳам касб этади. Муқаддас киши ҳаёти муқаддас бўлиш жараёнини ифода қилувчи киши ҳисобланади. Биз янада кўпроқ муқаддасликка интилан ҳолда ҳар куни покланишимиз керак. Агар биз оқланган бўлсак, у ҳолда биз муқаддас қилинишимиз ҳам зарур.

Мен бир вақтлар бир коллежда теологиядан маърузалар ўқир эдим. Мен бир талабани турғаздим ва унга савол бердим. У шундай жавоб бердики, натижада бутун синф баланд овоз билан кулиб юборди. Унинг ҳазил жавобининг асосий қаҳрамони мен эдим. У шундай деди: «Мен сизнинг саволингизга жавоб бера олмайман, бироқ сизда мана шу ҳолат учун лотинча жумла мавжудлигига ишончим комил!» Талабаларим менинг ҳар бир ҳолатга лотинча жумла ишлатиш одатим устидан кулишни ёқтиришар эди.

Мен баъзи пайтларда ҳақиқатдан ҳам лотин жумлаларини ишлатишга мажбур бўлар эдим. Мен уларни талаффуз қилишни ёқтираман — улар жуда ифодали ва ёқимли жаранглайди. Мен ҳеч бўлмаганда битта лотин жумласини ишлатмасдан туриб китоб ёза олмайман. Бу китоб учун лотин жумласини мен Мартин Лютердан «қарз»га олдим. Лютер оқланган гуноҳкорнинг тутган ўрнига эътиборни қаратиш учун шу жумладан фойдаланади. Мана шу жумла: *simul justus et peccator*.

Қандай ажойиб жумла! Менинг энг яхши кўрганларимдан бири. Энди ягона иш, бу жумлани тушуниш қолди. *Simul* — «бир вақтинг ўзида». *Justus* — «адолатли». *Et* — (бувим бу сўз «бўлмоқ» сўзининг ўтган замондаги шакли, деб ўйлар эди)¹ «ҳам» деб таржима қилинади.

Юлий Цезарнинг ўлими олдидан айтган сўзлари бизнинг ёдимиздадир. Помпея ҳайкалининг пойидаги ерга йиқилиш олдидан у Брутга қаради ва жон ҳолатда хитоб қилди: «*Et tu Brute?*» (Брут, сен ҳам-а?) *Peccator* сўзи бизга энг нотаниш сўз бўлса керак. У «гуноҳкор» деб таржима қилинади. Шундай

¹ Сўз ўйини: инглиз тилида «бўлмоқ» сўзи ўтган замонда «et»га ўхшаб жаранглайди. — *Тарж. изоҳи.*

қилиб, бу сўзларни бир жойга йиғиб, биз қуйидаги сўзга эга бўламиз — «бир вақтнинг ўзида ҳам адолатли, ҳам гуноҳкор». Мана муқаддас киши ким. Бу адолатли, аммо гуноҳкор киши.

Муқаддас киши — ҳали ҳам гуноҳкор эканлиги маълум. У ҳолда у қандай қилиб адолатли бўла олади? Муқаддас киши адолатли, чунки у оқланган. Масиҳнинг солиҳлиги Уни Худонинг олдида адолатли қилди. Имонга кўра оқланишнинг моҳияти ҳам шундан иборатдир. Биз ўзимизнинг қутқарилишимизни Масиҳнинг Ўзига ва фақат Ўзига шахсан ишониб топширган вақтимизда Худо Масиҳнинг бутун солиҳлигини «бизнинг ҳисобимизга ўтказди». Биз Унга имон келтирган вақтимизда Унинг адолати бизга ўтади. Бу ҳуқуқий операциядир. Солиҳликни ўтказиш худди ҳисоб рақамлари билан амалга ошириладиган операцияларга ўхшашдир, бунда мулкни ҳақиқий айрбошлаш содир бўлмайди. Яъни, мен ҳали ҳам гуноҳкор эканлигим сабабли Худо Масиҳнинг солиҳлигини менинг ҳисобимга ўтказиб туради холос.

Бунинг ҳаммаси ёлғонга ўхшайди, худди Худо ҳуқуқий ўйин ўйнаётгандек. У бизларни солиҳ деб ҳисоблайди, бироқ, шу вақтнинг ўзида биз солиҳ эмасмиз. Бироқ бу Хушхабар! Хушхабарнинг моҳияти ҳам шундан иборат, биз муқаддас ва адолатли Худонинг ҳузурига баркамол солиҳлик билан келамиз. Бу имон келтиришимиз оқибатида бизники бўлган, Масиҳ солиҳлигидир. Бу ёлғон ҳам, ўйин ҳам эмас. Бу операция ҳақиқийдир. Худо эълон қилган барча хабарлар жиддийдир. Масиҳнинг солиҳлиги ҳақиқатдан ҳам бизнинг ҳисобимизга ўтказилган. Худо бизга солиҳларга қарагандек қарайди, чунки Масиҳнинг солиҳлиги бизни қоплади ва ўраб олди. Бу Исо Ўз ўлими билан бизнинг қарзимизни тўлаганлиги учунгина содир бўлмади. Унинг ҳаёти ҳам биз учун Унинг ўлими каби катта аҳамиятга эга. Масиҳ фақатгина бизнинг гуноҳларимиз, қарзларимиз ва камчиликларимизни Ўз

бўйнига олмади. Бундан ташқари У бизларга Ўзининг итоатини, Ўзининг яхши сифатларини ва Ўзининг хизматларини беради. Фақат мана шуларнинг барчаси амалга ошган вақтдагина, адолатсиз инсон адолатли ва муқаддас Худонинг хузурида тура олади.

Солиҳликнинг ўтишини бу каби тушунишда маълум миқдорда таваккалчилик ҳам мавжуддир. Уни кўпинча нотўғри тушунадилар. Уни жиддий равишда суиистеъмол қиладилар. Баъзи кишилар, агар инсон Масихга имон келтирса, у ўз ҳаётини ўзгартираман деб ташвиш чекмаса ҳам бўлади, деб ўйлашади. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, имон орқали оқланишга гуноҳ қилиш учун берилган рухсатнома сифатида қарашади. Агар биз Масихнинг солиҳлигига эга бўлсак, у ҳолда ташвиш чекиш ва ҳаётни ўзгартиришга ҳаракат қилишнинг нима кераги бор? Яхши ишларимиз билан Осмон Шоҳлигига эга бўла олмас эканмиз, уларни қилишдан нима фойда? Ҳақиқатдан ҳам оқланган кишининг оғзидан бу каби саволлар ҳеч қачон чиқмаслиги лозим.

Лютер фақатгина имон орқали оқланиш мумкинлиги ҳақидаги масиҳий доктринани жасурлик билан эълон қилганида шундай деган эди: «Биз фақат имон орқали оқланишга эга бўламиз, аммо фақат имон келтиришнинг ўзи етарли эмас». Бундан аввал Ёқуб ҳам шу ҳақда бир оз бошқача қилиб гапирган эди. У «амалсиз имон ўзи-ўзидан ўликдир», дейди. Ҳақиқий имон ёки қутқарувчи имон — бу Лютер *fides viva* (ана холос, яна лотин жумласини ишлатдим), деб атаган «тирик имон»дир. Бу тезлик билан тавба ва солиҳлик меваларини берувчи имондир. Агар инсон имоним бор, десаю, бироқ, буни ҳеч қандай амали билан тасдиқлай олмаса, у ҳолда бу унинг имони ҳақиқий эмаслигини исботлаб беради. Ҳақиқий имон ҳар доим Масихга ўхшашга интилишни келтириб чиқаради. Агар инсон оқланган бўлса, у ҳолда

муқаддас бўлиш бунинг яққол далили бўлиб хизмат қилади. Агар муқаддаслик йўқ бўлса, бу оқланиш ҳам ҳеч қачон бўлмаганлигини англатади.

Биз имон келтирган дақиқамиздан бошлаб оқланамиз. Худо бизни солиҳ деб эълон қилиш учун яхши амалларимизни кутиб ўтирмайди. У бизни солиҳ, деб эълон қилган вақтда ҳам биз гуноҳкор бўлиб қолаверамиз.

Гуноҳкор инсон покланиши учун қанча вақт керак? Жавоб — ҳеч қанча. Оқланишимиз ва муқаддас бўлишимизнинг бошланиши ўртасида вақт оралиғи мавжуд эмас. Аммо муқаддас бўлишимизнинг бошланиши ва тугалланиши ўртасида катта вақт оралиғи бор.

Буни тушунтириб бериш учун Лютер оддий ўхшатишдан фойдаланади. У ўлим тўшагида ётган беморнинг ҳолатини тасвирлаб берди. Врач ўзида беморни бутунлай тузатиб юбора оладиган дори борлигини айтди. Дори қабул қилинган дақиқада врач беморнинг аҳволи жойида эканлигини айтди. Бу дақиқада бемор ҳали касал эди, бироқ, дори унинг оғзига теккач, у тузала бошлади. Бизнинг оқланишимиз ҳам шунга ўхшашдир. Биз чин дилдан имон келтирган дақиқамиздан бошлаб тузала бошлаймиз. Пок ва муқаддас шахсга айланиш жараёни бошланади. Биз бу жараённинг тугалланишига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Масиҳий руҳий ўсишнинг мақсади солиҳликка етишишдан иборатдир. Замонавий масиҳий дунёда бундай фикр кескин маънода қабул қилиниши мумкин. Масиҳийлар солиҳлик ҳақида гаплашмай ҳам қўйдилар. Бу сўз салкам ҳақоратга айланди. Деярли ихтиёрий ибора солиҳликдан кўра яхшироқ қабул қилинади. Бирор бир талаба, жамоат аъзоси ёки ихтиёрий бир киши ҳеч қачон менинг ёнимга келиб: «Қандай қилиб солиҳликка эришсам бўлади?», деб сўрамаган.

Кўпгина кишилар мен билан қандай қилиб ахлоқли, руҳоний ёки ҳаттоки художўй бўлиш ҳақида ҳам сўзлашганлар. Бироқ ҳеч ким солиҳлик тўғрисида гаплашишни истамаяпти. Бу ҳол ўзимизни солиҳ, деб ҳисоблашимиз гуноҳ эканлигини билганлигимиз учун ҳам юз бераётган бўлса керак. Солиҳлик сўзида қандайдир фарзий маъно мавжуд. Қандай қилиб солиҳ бўлиш кераклиги ҳақида сўзлашгандан кўра қандай қилиб руҳоний бўлиш кераклиги ҳақида сўзлашиш тўғрироқ бўлишига ўхшаб кўринади.

Руҳонийлик фақатгина битта ягона мақсад учун зарур. У — восита, бироқ ҳеч ҳам мақсад эмас. Барча руҳий машғулотларнинг мақсади солиҳликка эришишдир. Худо бизларни муқаддас бўлишга даъват қилади. Масиҳ масиҳий ҳаёт учун кетма-кетликни аниқлаб беради: «Сиз аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайдан бўлинглар, шунда буларнинг ҳаммаси сизга қўшимча қилиб берилади». Бизнинг мақсадимиз — солиҳликдир.

Солиҳликка интилишда олдинга интилаётган ёки йўқлигимизни қандай қилиб аниқлашимиз мумкин? Ривожланаётганимизни, ҳаётимизнинг муқаддасликка интилиш мақсадимизга қай даражада мос келаётганлигини қандай қилиб билиб олишимиз мумкин? Муқаддас Китоб бу саволларни бизга ёритиб беради. Солиҳ кишини унинг самарали ишларидан билиб олиш мумкин. Бундай киши унда ҳаракат қилаётган ва Ўз ишини амалга ошираётган Муқаддас Руҳнинг муқаддас қилувчи кучи ёрдамида муқаддас бўлиб боради. Муқаддас Руҳ муқаддасликнинг нима эканлигини билади. У Ўзи муқаддас бўлганлиги учунгина эмас, балки бизни муқаддас қилиш учун ҳаракат қилганлиги учун ҳам Муқаддас Руҳ деб аталади.

Солиҳлик мевалари — бу Муқаддас Руҳнинг бизда олиб борадиган «гарбиявий» иши туфайли биз келтирадиган

самаралардир. Агар биз муқаддас бўлишни истасак, агар ҳақиқатдан ҳам солиҳликка чанқоқ бўлсак, у ҳолда эътиборимизни Муқаддас Рух самарасига қаратишимиз зарур бўлади.

Муқаддас Рух самарасининг таърифи ҳақида ўқиган вақтимизда, биз уларнинг ўз гуноҳкор табиатимиз меваларидан қанчалик даражада кескин фарқ қилишини кўришимиз мумкин бўлади:

«Башарий табиатнинг ишлари маълум, чунончи: фаҳшбозлик, ҳаром-ҳаришлик, фисқ-фужур, бутпарастлик, жодугарлик, душманлик, жанжалкашлик, рашк-газаб, манманлик, ихтилофчилик, бидъатчилик, ҳасад, қотиллик, ичкиликбозлик, айш-ишрат ва шуларга ўхшаган ишлар. Сизларни олдиндан огоҳлантирган эдим, яна огоҳлантирярман: бу каби ишларни қилувчилар Худо шоҳлигидан бебаҳра бўладилар» (Гал. 5:19-21).

Бу парчада Павлус Исонинг Худо Шоҳлигини йўқотиб қўйиш ҳақидаги огоҳлантиришларини такрорлайди. Ҳаёт тарзлари Галатияликларга Мактубдаги каби бўлган инсонлар Худо Шоҳлигига эга бўла олмайдилар. Бу биз содир қилган ҳар қандай гуноҳ бизни осмонда бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилишини англамайди. Павлус бу ерда доимо шу иллатлар билан тасвирланадиган ҳаёт тарзи ҳақида гапиради. Биз бу ерда ҳам ички, ҳам ташқи гуноҳлар ҳақида сўз бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ерга тана гуноҳлари ҳам, қалб гуноҳлари ҳам киритилган. Павлус томонидан санаб ўтилган гуноҳларга қўпол ва жирканч деб баҳо бериш мумкин. Янги Аҳд гуноҳнинг турли даражаларини ажратиб беради. Баъзи гуноҳлар бошқаларидан ёмонроқ. Масиҳийлар кўпинча мана шу муҳим жойга эътибор бермайдилар. Айниқса протестанатлар гуноҳнинг турли хиллиги ҳақидаги тушунчани

тан олишдан бош тортадилар. Қисман бу ҳолат рим католик жамотининг икки хил: ўлдирадиган ва кечириладиган гуноҳлар ҳақидаги ғоясига қарши жавоб сифатида тушунтирилади. Католиклар баъзи гуноҳларни «ўлдирадиган» деб атайдилар, чунки бу гуноҳлар шунчалик жиддийки, улар қалбимиздаги иноятни ўлдирадилар. Унчалик жиддий бўлмаган гуноҳлар кечиримли, деб аталади. Улар нажот бахш этувчи иноятни ўлдира олмайдилар.

Биз гуноҳ бу гуноҳ ва бирорта гуноҳ ҳам бошқасидан яхши эмас, деб фикр юритишга мойилмиз. Биз Исонинг тоғдаги ваъда айтган сўзлари ҳақида ўйлаймиз. Масих аёлга шаҳват билан қараш, у билан зино қилиш билан тенг, деб гапирди. Муқаддас Китоб, агар сен қонуннинг бир бўлимига қарши гуноҳ қилсанг, у ҳолда бутун қонунга қарши гуноҳ қилган бўласан, деб ўргатиши ёдимизда туради. Муқаддас Китобнинг бу икки таълимоти нотўғри қабул қилиниши ва гуноҳ даражалари ҳақида хато тасаввур пайдо қилиши мумкин.

Масих, аёлга шаҳват назари билан қараш, зино ҳақидаги қонунни бузади, деб гапирганда, шаҳват ҳам зинодек ёмон демади. У айтган сўзларнинг маъноси шундан иборатки, Қонун ўзининг тўлиқ маъносида фақатгина тўғридан-тўғри зинони тақиқламайди. Фарзийлар ҳеч қачон зино қилмаганликлари сабабли, ҳеч қачон Қонунга қарши гуноҳ қилмаганмиз, деб ўйлар эдилар. Улар агар кишиларни ўлдиришдан ўзларини тийган бўлсалар, у ҳолда одам ўлдиришни тақиқловчи қонунни бузмаган бўламиз, деб ҳисоблашар эди. Улар асосиз ғазаб ва нафрат ҳам одам ўлдиришни тақиқловчи қонунга, бу қонуннинг кенг маъносида киритилган эканлигини тушуна олмас эдилар.

Исо нафрат — бу бошқа кишининг ҳаётига нисбатан гуноҳ содир қилиш, деб ўргатар эди. Нафрат инсонларни ҳақорат қилади. Нафрат гуноҳи ҳақиқий қотилликдек оғир эмас,

бирок, шунга қарамасдан, бу ҳам гуноҳдир. Энг кичкина гуноҳ — бу бутун Қонунга қарши қилинган гуноҳдир. Қонун — бу биз учун муқаддаслик намунаси. Кичкина гуноҳ қилганимизда, биз бу намунага қарши гуноҳ қиламиз. Биз ўзимиз интилишга даъват этилган нарсага қарши — муқаддасликка қарши гуноҳ қиламиз. Бу ҳолат ҳар бир гуноҳ қолган барча гуноҳлар билан бир хилда ёвузликка эга, деган маънони англатмайди. Исо, айби бошқа кишиларнинг айбидан кўпроқ бўлган кишилар билан бир қаторда дўзахдаги жазоланиш даражаси ҳақида ҳам қайта-қайта гапирган эди.

Гуноҳ ва оғир гуноҳ орасидаги фарқни тушуниб етиш учун гуноҳларнинг катта-кичиклиги ҳақидаги ғояни ёдда тутиш лозим. Шунга қарамасдан, бизнинг ҳамма гуноҳларимиз кечиримга муҳтождир. Барча гуноҳларимиз Худога нисбатан қилинган хиёнат ҳисобланади. Биз ўзимизнинг «кичкина» ва катта гуноҳларимиздан қутулиш учун Нажоткорга муҳтожмиз. Бирок, баъзи гуноҳларимиз бошқаларига қараганда аҳамиятлироқдир. Биз фарзийлар тузоғига тушиб қолмаслик ва кичкина нарсдан катта нарса ҳосил қилишга ҳаракат қилишни бошламаслик учун буни ажрата билишимиз керак.

Жамиятимизда ортиқча вазнга ажратиладиган эътибор ҳақида бир ўйлаб кўринг. Ҳар йили Қўшма Штатларда турли хил парҳезларга миллиардлаб долларлар сарф қилинади. Ўз вазнимизни назорат қилишимизга жуда ҳам кўп асосли сабаблар мавжуд. Семириш — бу соғлиқ билан боғлиқ бўлган асосий муаммолардан бири эканлигини яхши биламиз. Очқўзлик — гуноҳ эканлигини ҳам биламиз. Биз ўзимиздаги Муқаддас Рух маъбадини овқат билан тўлдиришга ва кенгайтиришга мойилмиз. Биздаги миллий равишда хушбичимликка интилиш асосида семириб кетишдан қочиш ёки соғлиқ ҳақида қайғуриш эмас, балки ташқи кўринишимиз ҳақида ташвиш чекиш ётади. Биз чор-атрофдаги инсонларга

яхши кўриниш учун хушбичим бўлишга интиламиз. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Бироқ хушбичимлик — солиҳликнинг олий намунаси эмас. Инсонлар ҳеч қачон менга ўзларининг ортиқча вазнлари билан азоб беришмаган. Улар менга нисбатан туҳмат қилишиб азоб берганлар. Биз туҳмат даражасини назорат қилишга кўп вақт сарф қилмаймиз. Балки, баъзи нарсаларни назорат қилиш ортиқча вазни назорат қилишдан қийинроқ кечаётгани учун ҳам шундай бўлаётгандир. Баъзи кишилар ўз иштахаларини назорат қилишни ўрганиб олдилар. Ҳеч ким ўз тилини назорат қилишнинг уддасидан чиқа олмади. Танишларингиз орасидан ўзингиз учратган инсонлар ичида энг диёнатли, деб ҳисоблайдиган кишиларни эсга олинг. Уларнинг ортиқча вазни улардаги сизни ҳайратга солувчи солиҳликка қай даражада ҳалақит берар эди? Сиз ғийбатчи кишиларни ҳам диёнатли деб ҳисоблар эдингизми?

Руҳ самараси тана гуноҳларидан тубдан фарқ қилади. Руҳ самараси — бу диёнатли инсонлардаги биз тез таниб оладиган фазилатдир. Павлус санаб ўтган Руҳ самаралари ҳақида ўйлаб кўринг:

«Илоҳий Руҳнинг самараси эса — муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат, мулоимлик ва ибодир» (Гал. 5:22).

Муқаддасликда ўсиб бораётган кишининг белгилари мана шундайдир. Биз ривожлантиришга даъват қилинган фазилатлар шулардан иборатдир. Руҳ самарасини беришимиз учун биз Руҳ бўйича иш тутишимиз керак. Руҳ бизнинг ичимиздан туриб ҳаракат қилади. У биз ҳаётда Руҳ самарасини беришимиз учун ҳаракат қилишимизга ёрдам беради. Биз бу самараларни келтиришга бор кучимиз билан ҳаракат қилиш учун даъват қилинганмиз.

Ушбу Руҳ самаралари руйхатида Ҳаворий бизга муқаддас бўлиш жараёнида ёрдам берадиган кўрсатмаларни беради. Биз ўнга енгил машғулот давомида буларнинг барчасини ўзлаштириб олишни афзал кўраемиз. Бироқ, муқаддас бўлиш осон эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, Муқаддас Китоб муқаддаслик тушунчасини биз учун осонлаштириб беради. Биз ўз эътиборимизни қаратишимиз керак бўлган нарса — бу Руҳ самарасидир. Павлус буни биз учун енгиллаштириб берди. У Руҳ самаралари — фазилатлар руйхатига қуйидаги сўзларни қўшиб қўйди:

«Бу ҳисларга қарши бирор қонун йўқ. Исо Масихга тегишли бўлганлар эса ўз табиатини, ҳирсу эҳтирослари билан бирга, хочга михлаб қўйганлар. Агар биз Руҳ амри остида бўлсак, Руҳ амри билан умр кечиришимиз лозим. Шўҳратпараст бўлмайлик, бир-биримиздан рашк қўзгамайлик, бахиллик қилмайлик» (Гал. 5:23б-26).

9-БОБ

Худо ғазабга тўлган гуноҳкорлар қўлида

Дўзах тўғрисида эшитувчи, деярли ҳар бир киши ундан қочиб қутиламан, деб ўзини юпатади.

ЖОНАТАН ЭДВАРДС

Америкада ўқилган барча ваъзларнинг ичида энг маш ҳури Жонатан Эдвардснинг «Гуноҳкорлар ғазабга тўлган Худо қўлида», деб номланган ваъзи бўлса керак. Бу ваъз нафақат кўп сонли ваъз тўпламларининг ичига, балки шу билан бир қаторда, кўпгина илк Америка адабиёти рўйхатларига ҳам киритилгандир. Ваъзда имон келтирмаган кишининг хавfli ва фожеавий ҳолати шу қадар ёрқин тасвир қилиб бериладики, баъзи замонавий таҳлилчилар бу ваъзни кишига озор берувчи, деб атадилар.

Эдвардснинг ваъзи нопок инсонларни дўзахда кутадиган бешафқат жазо даҳшатлари ва илоҳий ғазаб қаҳрининг ранг-баранг тасвирларига тўладир. Бундай ваъзлар ҳозирги кунларда урф эмас. Одатда уларни бемаъни диднинг намоён бўлиши ва Маданият давридан аввал мавжуд бўлган уламолик қолдиғи, деб ҳисоблайдилар. Муқаддас Худо қаҳрини кўрсатиб берадиган, тавба қилмаган кишиларнинг қалбларига кириб бориш учун мўлжалланган ваъзлар мулкка эга бўлган жамоатларга хос бўлган дунёвий муҳитга тўғри келмайди. Готик пештоқлар даври, маънавий азоб пайдо қиладиган кучли ваъзлар даври ўтиб кетди. Бизнинг авлодимиз — ўз-

ўзини ривожлантириш ва гуноҳ муаммосига кенг назар ташлашни урф қилиб олган хотиржам авлоддир.

Бизнинг фикрларимиз йўналиши тахминан қуйидагичадир: агар Худо ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлса, шубҳасиз, У муқаддас эмас. Агарда, тўсатдан, У муқаддас бўлса, у ҳолда У адолатли эмас. Агарда Худо ҳам муқаддас, ҳам адолатли бўлса-да, биз Ундан қўрқмаслигимиз керак, чунки Худонинг раҳм-шафқати Унинг муқаддас адолатини қоплаб туради. Агар биз Унинг муқаддаслиги ва адолатини «ютиб юбора» олсак, у ҳолда хавотир олмасак ҳам бўлади: У ҳеч қачон ғазаб деб аталувчи ҳисни намоён қилмайди.

Агар биз беш дақиқа хушёр фикр қилиб кўрсак, у ҳолда ўз хатоимизни кўрсак керак. Агар Худо ростдан ҳам муқаддас бўлса, агар Унда заррача бўлсада адолат бўлса, ниҳоят, агар Худо ҳақиқатдан ҳам Худо сифатида мавжуд бўлса, у ҳолда У бизга нисбатан ғазабдан бошқа яна қандай ҳисни сезиши мумкин? Биз Унинг муқаддаслигига қарши бораяпмиз. Биз Унинг адолатини ҳақорат қиламиз. Биз Унинг иноятига нисбатан енгил-елпи муносабатда бўламиз. Бу ишларнинг ҳаммаси Унга маъқул келиши дарғумон.

Эдвардс Худонинг муқаддаслиги табиатини тушунар эди. Тавба қилмаган киши ҳақиқатдан ҳам Худодан қўрқиши, жуда ҳам қўрқиши лозимлиги ҳақида у яққол тасаввурга эга эди. Эдвардс ўз ақидаларининг камбағаллигини оқлаш учун катта эҳтиёж сезмас эди. Эдвардсни ўзи билган ҳақиқатни ваъз қилиш заруратига бўлган талаб қийнар эди. Ўзи муҳим, деб ҳисоблаган нарсани қаттиқ таъкидлаган ҳолда очик-ойдин, ишонч билан ваъз қилиш. У буни одамларга азоб бериш истаги туфайли эмас, балки уларга ачинганлиги учун қилар эди. У ўзи яшаётган жамиятни севар эди. Шу сабабли ҳам у инсонларни, агарда улар Худо ғазаби билан юзма-юз келиб қолсалар, улар дучор бўладиган даҳшатли оқибатлардан огоҳлантириб

қўйишни лозим топди. Эдвардс инсонларни айб қопқонига туширишга интилмади. Аксинча, агар имон келтиришмаса, уларни хавф-хатар таъқиб қилишда давом этишини англаб етишга мажбур қилди.

Келинлар, ушбу ваъзнинг қандай руҳда эканлигини бир оз бўлса-да ҳис қилиш учун унинг бир парчасини ўқиб чиқайлик:

«Ўргимчак ёки бошқа бир жирканч ҳашоротни жирканган ҳолда қўлларида тутиб турган инсон каби, сизларни дўзах қаъри узра ушлаб турувчи Худо сизларга нисбатан нафрат ва жирканиш билан қарайди. У ҳаддан зиёд газабланган. Худонинг нафрати оташ янглиг ёнмоқда. У сизларни оловга ташлашдан ўзга ҳеч нарсага лойиқ эмас, деб ҳисоблайди. Худонинг кўзлари шу қадар пок ва бегуборки, У бу кўзлар билан сизларнинг нопок ишларингизга қарай олмайди. Сиз Унинг кўзлари учун бизнинг кўзимизга жирканчли бўлиб кўринадиган заҳарли илондан ҳам ўн минг марта ошиқ даражада жирканчлидирсиз. Сиз Уни ўз ҳукмдорини ҳақорат қилган ҳар қандай исёнчига қараганда кўпроқ ҳақоратлагансиз. Шундай бўлса-да, айнан Унинг қўллари сизни тубсизлик узра ушлаб турибди ва ана шу тубсизлик қаърига тушиб кетишингизга йўл қўймапти. Сиз кеча дўзахга равона бўлганингиз йўқ, уйқу олдидан кўзларингизни юмгач, бу дунёда уйғонишингиз учун сизга яна бир карра имконият берилди. Уйғонганингиздан буён дўзах қаърига тушиб кетмаганлигингизнинг бирдан-бир сабаби — бу Худо сизни қўллари билан тутиб турганидир. Сиз Худонинг улуғ хизматида ўзингизнинг гуноҳли нопок қилмишларингиз билан иштирок этасиз. Ана шу гуноҳли нопок қилмишлар билан Унинг пок кўзларини нафратга тўлдириб, бу ерга, Худо уйига кириб олган бир пайтингизда жаҳаннамдан асраб қолган бошқа сабаб бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳа, чиндан ҳам айнан мана шу дақиқаларда дўзах қаърига тушиб кетмаётганлигингизга бундан бошқа сабаб йўқ.

Эй гуноҳкор! Ўзинг тушиб қолган даҳшатли вазият ҳақида ўйлаб кўр: бу оловли ўчоқ, алангаланаётган газабу нафрат билан тўлиб-тошган кенг ва тубсиз чуқурликдир. Лаънатланган ва жаҳаннамга маҳкум бўлган кўпгина кишиларга нисбатан газаби авж олгани каби, сенга қарши ҳам газаби ошиб бораётган ва алангаланаётган Худонинг қўллари айнан ана шу тубсизлик узра сени ушлаб турибди. Сен Худонинг олови куйдираётган ўта ингичка бир ипда осилиб турибсан. Бу олов исталган дақиқаларда уни ёндириб юбориши ва бўлак-бўлак қилиб узиб ташлаши мумкин. Бу ҳолатда сенинг ҳеч қандай Химоячинг йўқ, ўз жонингни сақлаб қолиш учун ҳеч нарса билан даъво қила олмайсан, аланганинг оловли тилларини ўзингдан нари суриш учун ҳам бирор нарса топилмайди, ўзингники бўлган, сен қачонлардир қилган ҳеч нарса ҳам, қила оладиган нарса ҳам йўқ, — сен ҳеч қанқанги воситалар билан Худони бир дақиқага бўлса ҳам, сенга раҳм-шафқат қилишига кўндира олмайсан...»

Ваъз бундан кейин ҳам худди шундай саботли ва бешафқатлилик билан давом этади. Эдвардс ўз жамоати одамлари, виждони нопок одамлар қалбига зарба кетидан зарба беради. У ҳар бири гуноҳкор кишиларни уларга таҳдид солаётган хавф-хатардан огоҳлантириш учун мўлжалланган Муқаддас Китобнинг ёрқин тасвирларидан фойдаланади. Эдвардс бу кишиларга ўз вазнлари оғирлиги туфайли сирпаниб, йиқилиб тушишлари мумкин бўлган сирпанчиқ йўлдан боришаётганликлари ҳақида гапиради. Улар дўзах қаъри устидан исталган онда синиб кетиши мумкин бўлган чирик тахталардан ясалган ингичка ёғоч кўприк орқали ўтаётганликлари ҳақида гапиради. У ўлат каби куппа-қундуз куни учиб келиб ҳалок қиладиган кўринмас камон ўқлари ҳақида гапиради. Эдвардс Худонинг ёйи таранг тортилгани ва Унинг ғазаб ўқлари бизнинг қалбимизга қаратилгани ҳақида айтади. У Худо ғазабини шиддатли куч билан тўғон

дарвозаларига урилаётган сувга ўхшатади. Агар тўғон бузилиб кетса, гуноҳкор сув тагида қолиб кетади. У ўз тингловчиларига уларни дўзахдан фақатгина ҳаво бўшлиғи ажратиб туришини эслатиб ўтади:

«Сизнинг бузуқлигингиз сизни қўрғошин каби оғир қилиб қўяди, бу оғирлик сизни катта куч билан пастга, дўзахга қараб тортиб туради. Агар Худо сизни қўйиб юборса, сиз ўша заҳотиёқ бу тубсизлик сари чўка бошлайсиз, тубсиз бўшлиқ қаърига тушиб кетасиз. Бу ҳолатда сизга соғлом ақл-идрокингиз ҳам, эҳтиёткорлигингиз ҳам, тадбиркорлигингиз ҳам, айёрона қилинган ҳийла-найрангингиз ҳам ёрдам бермайди. Буларнинг ҳаммаси ўргимчак ини тошни тушиб кетишдан асраб қола олмагани каби сизни ҳам қулаб тушишдан сақлай олмайди».

Эдвардс ўз ваъзига қўшимча қилиб, Худо ғазабининг кучи ва табиатига кучли эътибор қаратади. Муқаддас Худо ғазабли Худо ҳам бўлиши кераклиги ҳақидаги аниқ тасаввур унинг марказий ғояси ҳисобланади. Эдвардс Худо ғазабига тегишли бўлган, биз панжа орасидан қарашга журъат қила олмайдиган бир нечта асосий ҳолатларни санаб ўтади.

1. *Бу кимнинг ғазаби?* Эдвардс ўз ваъзларида гапирган ғазаб — бу чексиз Худонинг ғазабидир. У Худо ғазабини инсонлар ғазабига ёки шоҳнинг ўз қўл остидаги одамга нисбатан ғазабига қарама-қарши қўяди. Инсоний қаҳр-ғазаб сўнади. Эрта ё кеч у ўз ниҳоясига етади. У чегараланган. Худо ғазаби эса абадий давом этиши мумкин.

2. *Худо ғазабининг қаҳри.* Муқаддас Китобда Худо қаҳрининг чархи ҳақида қайта-қайта гапирилади. Дўзахда жазо юмшатилмади, раҳм-шафқатга ўрин йўқ. Худо ғазаби — бу

оддий аччиқланиш ёки енгил норозилик эмас. Бу тавба қилмаган кишини куйдириб юборувчи ғазабдир.

3. *Бу абадий ғазаб.* Дўзахда ётган гуноҳкорларга қаратилган Худо ғазабининг чеки йўқдир. Агарда бизда ўз биродарларимизга нисбатан заррача ачиниш ҳисси бўлганида эди, у ҳолда биз улардан бирортаси дўзах қаърига тушиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзиданоқ қайғуга тушар ва алам билан йиғлаган бўлар эдик. Биз лаънатланган кишиларнинг дод-фарёдларини беш сония давомида ҳам тинглаб тура олмаган бўлар эдик. Биз бир дақиқа Худо ғазаби остида бўлишга ҳам чидай олмаймиз. Худонинг абадий ғазаби ҳақида эса ўйлашнинг ўзи ҳам даҳшатдир. Биз ўзимизни бу каби ваъзлар билан безовта қилмасликларини истаймиз. Биз ёқимли мудроқ, осойишта уйқуга чанқоқмиз.

Бизнинг фожеамиз шундан иборатки, Муқаддас Ёзувлардаги аниқ-равшан огоҳлантиришлар, Исонинг соғлом таълимотига қарамасдан, биз «Синайда дам олиш»ни давом эттираяпмиз ва нопок кишиларнинг келажақда жазоланиши ҳақида ўйламаяпмиз. Умуман олганда, агар Худога ишониш керак бўлса, у ҳолда биз Унинг қаҳр-ғазаби ёғиладиган кун келиши ҳақидаги даҳшатли ҳақиқат юзига тик боқишимиз лозим. Эдвардс мана шундай кузатиш қилди:

«Дўзах тўғрисида эшитувчи, деярли ҳар бир киши, яъни табиий ҳолатдаги ҳар бир киши ундан қочиб қутуламан, деб ўзини юпатади. У ўзига ишонади, ўзимни-ўзим хавфсизлик билан таъминлай оламан деб ўйлайди. У аввал қилган, ҳозир қилаётган ва энди қилмоқчи бўлган амаллари билан ўзига тасалли беради. Ҳар ким ўзининг лаънатдан қандай қочиб қутулиши мумкинлиги ҳақида ўз ақл-идорки билан чоратадбирлар кўради ва хулосалар чиқаради. У ўзи учун ҳамма нарсани мослаштираётганлигига ва ўйлаган нарсаларининг

муваффақиятли амалга ошишига умид қилган ҳолда ўзига таскин беради».

Биз Эдвардснинг ваъзига қандай жавоб берамиз? У бизда кўрқув ҳиссини уйғотадими? У бизни ғазаблантирадими? Биз ҳам дўзах ва абадий жазо ҳақидаги барча ғоялар устидан масхара қилиб куладиган кўпгина кишиларга ўхшаб жавоб берамизми? Худо ғазаби ҳақидаги тушунчани содда ва эскирган, деб ҳисоблаймизми? Дўзах ҳақидаги ҳар қандай эслатмани ҳақорат сифатида қабул қиламизми? Агар шундай бўлса, биз итоат қилаётган Худо — муқаддас Худо эмаслиги аниқ: моҳиятан олиб қарайдиган бўлсак, У умуман Худо эмас. Агар биз Худонинг адолатини писанд қилмасак, у ҳолда биз масиҳий эмасмиз. Биз Эдвардс шу қадар аниқ таърифлаб берган хавfli вазиятга ўхшаш бўлган вазиятда турибмиз. Худо ғазабидан нафратланиш — бу Худонинг Ўзидан нафратланиш демақдир. Биз бу каби айбашларга қарши кескинлик билан норозилик билдиришимиз мумкин, бироқ, бу кескинлик Худога нисбатан адоватимизни яна бир қарра тасдиқлаб беради. Биз ҳар бир сўзни таъкидлаган ҳолда: «Йўқ, мен Худодан эмас, балки Эдвардсдан нафратланаман. Мен Худони ёқтираман. Менинг Худоим — бу севги Худосидир», дейишимиз мумкин. Бироқ, ғазабга эга бўлмаган севги Худоси — бу Худо эмас. У — биз тошдан ўз қўлларимиз билан йўниб ясаган санам кабидир.

Жонатан Эдвардснинг яна бир машҳур ваъзи бор. Уни «Гуноҳкорлар ғазабга тўлган Худо кўлида» деб номланган ваъзнинг давоми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Эдвардс бу ваъзни: «Инсонлар — Худонинг табиий душманларидир», деб номлади. Агар менга Эдвардс қўйган номни ўзгартириш ҳуқуқи берилганида эди, мен бунинг ўрнига шундай ном таклиф қилган бўлардим: «Худо ғазабга тўлган гуноҳкорлар кўлида».

Агар биз имон келтирмаган бўлсак, бир нарсани тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин: биз Худодан нафратланамиз. Муқаддас Китоб бу савол бўйича аниқ ифода беради. Биз — Худонинг душманларимиз. Биз Уни бутунлай йўқ қилиш учун ичимизда қасамёд қилдик. Ёмғир ерни юмшатиши қанчалик табиий бўлса, бизнинг Худодан нафратланишимиз ҳам шунчалик табиийдир. Энди бизнинг норозилигимиз ғазабга айланиши мумкин. Биз мен ҳозиргина баён қилган нарсаларни қасам ичган ҳолда инкор қиламиз. Биз ўзимизни гуноҳкор деб тан олишга тайёрмиз. Ким тайёр эмас экан? Биз Худони лозим бўлганидек севмаслигимизни дарҳол тан оламиз. Бироқ, орамиздан ким ўзининг Худодан нафратланишини тан олади?

Римликларга Мактубнинг бешинчи бобида аниқ айтилган: «Биз Худонинг душманлари эканмиз, У Ўз Ўғлининг ўлими туфайли бизни Ўзи билан яраштириб қўйди...» Худонинг инсонларни Ўзи билан яраштириш хоҳишини Янги Аҳднинг ҳамма китобларида кўриш мумкин. Бир-бирини севувчилар ярашишга муҳтож эмас. Худонинг бизга нисбатан бўлган севгиси шубҳасиздир. Гумон сояси бизнинг устимизга тушади. Бизнинг Худога нисбатан севгимиз сўроқ аломати тагида турибди. Инсоннинг Муқаддас Китоб «дунёвий онг», деб атайдиган табиий онги Худо билан адоватда турибди.

Бизнинг Худога нисбатан табиий адоватимиз Уни қай даражада паст баҳолашимизда намоён бўлади. Худо бизнинг содиқлигимизга лойиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Худо ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан кўнглимиз тўлмайдди, қониқмаймиз. Хатто масиҳий учун ҳам тоат-ибодат қилиш қийин кечади ва ибодат зерикарли, толиқтирувчи мажбурият ҳисобланади. Биз табиий тарзда Худонинг ҳузуридан имкон қадар узоқроққа қочишга ҳаракат қиламиз. Унинг сўзлари худди тахтага тегиб сапчиган баскетбол тўпи каби бизнинг онгимизга тегадию, орқага қайтади.

Бизнинг Худога бўлган муносабатимиз ўз моҳиятига кўра шунчаки бепарво, совуққон муносабат эмас. Биз Унга нисбатан кек сақлаймиз. Биз Худонинг бошқарувига қаршилиқ қиламиз ва бизнинг устимиздан қиладиган ҳукмронлигини тан олишдан бош тортамыз. Бизнинг қалбимизда Худога нисбатан меҳр йўқ. Бизнинг қалбларимиз муз каби совуқдир, улар Худонинг муқаддаслигини қабул қила олмайди. Табиатимизга кўра, бизда Худога нисбатан севги йўқ.

Эдвардс айтиб ўтганидек, инсон Худога рақиб сифатида қарайди, дейишнинг ўзи камлик қилади. Биз бу сўзларни аниқ ифода қилишимиз лозим. Худо — бизнинг ашаддий душманимиздир. У бизнинг гуноҳқор истакларимиз учун катта хавф туғдиради. У бизнинг нафратимизни кўзғатади. Ҳеч қанақанги инсоний ишонтаришлар ва теологларнинг фалсафий асослари бизни Худони севишга мажбур қила олмайди. Биз Унинг борлигидан ҳам нафратланамиз ва борлиқни Унинг иштирокидан тозалаш учун бор имкониятимизни сарф қилган бўлардик.

Агар Худо Ўз ҳаётини бизнинг қўлимизга топширганида бир дақиқа ҳам яшай олмаган бўлар эди. Биз Уни инкор қилмас эдик, биз Уни ўлдирган бўлар эдик. Бу баёнот ўта кетган маъсулиятсизликка ўхшаб кўриниши мумкин. Бироқ, Худо Масих қиёфасида ҳозир бўлган вақтда юз берган воқеаларни яна бир карра эсга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг ҳақиқат эканлиги аён бўлади. Масихни оддийгина ўлдириб қўя қолмадилар. У дарғазаб кишилар қўлида азобли ўлим топди. Оломон Масихнинг қонини талаб қилиб айюҳаннос солди. Уни оддийгина ўлдириш етарли бўлмади, қотиллик масхаралаш ва таҳқирлашлар остида амалга оширилиши керак эди. Биз Масихнинг илоҳий табиати хочда ҳалок бўлмаганлигини яхши биламиз. Фақат Унинг инсоний танаси қатл қилинган эди. Агарда Худо Масих илоҳийлигининг қатл қилинишига йўл

қўйганида ва Ўзининг илоҳий борлигини Масиҳ қотилларининг миҳлари учун заиф қилиб қўйганида эди, у ҳолда Масиҳ ҳали ҳам ўлик, осмонда эса Худо бўлмаган бўларди. Агар Худо қалбига қилич санчилганида, узоқ кутилган инқилоб муваффақият билан яқунланган бўлар ва инсон шоҳ бўлиб қўтарилар эди.

Бироқ, биз — масиҳийлармиз. Биз Худони севамиз. Биз У билан сулҳ тузганмиз. Биз Муқаддас Рухда қайта туғилдик ва қалбларимиз Худо севгисига тўлиб-тошди. Эндиликда биз Унга душман эмас, балки дўстмиз. Бу гапларнинг ҳаммаси ҳақиқатдан ҳам масиҳийларга тааллуқдир. Имон келтириш бизнинг башарий табиатимизни бутунлай йўқ қилиб юбормаганлиги сабабли, биз ўзимизга қараб юришимиз лозим. Биз ҳар куни ўзимизнинг олдинги табиатимиз қолдиқлари билан кураш олиб боришимиз керак. Қалбимизда Худо иштирокидан қувонч топмайдиган бир бурчак ҳамиша қолади. Биз жамоатдаги хизматда ухлаб ўтирган, қайта-қайта гуноҳ қилган вақтимизда бу қолдиқлар ўзлари ҳақида хабар берадилар. Улар ҳаттоки теологияда ҳам намоён бўлади.

Тарихда теологиянинг масиҳийлик жамоатидаги ягона ўринга даъвогарлик қилган фақат уч тури мавжуд бўлган, деб айтишади. Улар пелагианлик, ярим пелагианлик ва августилик деб аталган. Пелагианлик — бу ҳеч қанақанги илоҳийликка ишонмайдиган табиий таълимотдир. У ўзининг бугунги кундаги кўринишида либераллик деб аталади. Ярим пелагианлик ҳозирги кунда арминианлик кўринишида мавжуддир. Августилик эса кальвинизм ёки ислоҳ қилинган теологияда ўз қиёфасини топди. Ярим пелагианлик ҳам, августилик ҳам масиҳийлар муҳокама қиладиган, баҳс юритадиган таълимотлар ҳисобланади. Пелагианлик — масиҳий таълимот эмас. Бундан ташқари у тўғридан-тўғри масиҳийликка қарши йўналгандир. Ўз моҳиятига қўра, бу

имонсизлик таълимоти ҳисобланади. Унинг кўпгина жамоатларни ўз измига бўйсундириб олгани инсоннинг Худога нисбатан табиий адоватининг кучи ҳақида гувоҳлик беради. Пелагианлик издоши ёки либерал учун ҳеч қандай илоҳийлик мавжуд эмас. Унинг учун Муқаддас Ёзувлардаги мўъжизалар ҳам, Масих ҳам, нажот топиш ҳам, ўликлардан қайта тирилиш ҳам, осмонга кўтарилиш ҳам, Исонинг қайтиши ҳам йўқ. Бир сўз билан айтганда, либерал учун Муқаддас Китоб масиҳийлиги мавжуд эмас. Бу художўйлик ниқоби остидаги ҳақиқий мажусийликдир.

Ярим пелагианлик-чи? Бу ҳақиқий масиҳий таълимотдир. Масиҳнинг илоҳийлиги ва нажот топишга бўлган ишончини, ўликлардан қайта тирилиш ва қолган барча нарсаларни чин кўнгилдан тан олиш бу таълимотга хос белгидир. Кўпгина Хушхабар масиҳийлари ва эҳтимол, шу китоб ўқувчиларининг кўп қисми ҳам шу қарашларга амал қиладилар. Бироқ, шу хусусиятларга эга бўлган ярим пелагианлик бизнинг табиий мойилликларимиз билан мурса қилувчи таълимот эканлигига имоним комил. Бу таълимотда Худони тушуниб етиш тўлиқ эмас. У Худонинг муқаддаслигини олқишлайди ва Худонинг ҳукмдорлигига ишонишини баралла ошкор қилади. Бироқ, у инсоннинг ўзи Худонинг олдига келиши ва янгитдан туғилиш учун «қарор» қабул қилиши мумкин, деб ҳисоблаб, ҳали ҳам инсонга нисбатан хомхаёллар билан яшаб келмоқда. Бу таълимотга кўра, Худо билан уруш ҳолатида бўлган кишини, унинг гуноҳкор қалби ўзгаришидан олдин ҳам, Худо билан ярашишга ишонтириш мумкин экан. Бу таълимотда юқоридан туғилмаган инсонлар юқоридан туғилмасдан туриб кўриб бўлмайдиган Худо Шоҳлигини кўрадилар ва юқоридан туғилмасдан туриб кириб бўлмайдиган Шоҳликка кирадилар, деб тушунтирилади. Ҳозирги замон Хушхабар тарқатувчиларининг фикрича имон келтирмаган, ўз

қилмишлари ва гуноҳлари туфайли ўлик бўлган гуноҳкорлар шахсий танлаш йўли билан ўзларига қайтадан ҳаёт бағишлайдилар. Масиҳ ўликлар ўз-ўзларича ҳеч нарсани танлай олмасликларини, тана ҳеч қандай самара келтирмаслигини аниқ кўрсатиб берди. Инсон Худо Шоҳлигини кўра олиши учун аввал Рухдан туғилиши керак. Бу Шоҳликка кира олиш учун ҳам юқоридан туғилиш зарурлиги ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Худо муқаддаслигини тушуна олмаслик ҳозирги замон масиҳийларининг камчилиги ҳисобланади. Агарда улар фақатгина мана шу нарсани тушуна олганларида эди, у ҳолда Масиҳнинг Худо ҳузурига ўз хоҳишлари билан келадиган ашаддий душманлари ҳақидаги сўзларга ўрин қолмас эди.

Иноят соғлом таълимотнинг марказий ғояси ҳисобланади. Худо табиатини тушунган, ҳеч бўлмаганда Унинг муқаддаслиги шуъласини англаб етишга муваффақ бўлган вақтимизда биз ўз гуноҳимиз ва ночорлигимизнинг тубан табиатини тушуна бошлаймиз. Ночор гуноҳкор инсонлар фақат иноят туфайлигина тирик қолишлари мумкин. Бизнинг кучимиз якка ҳолда бефойдадир. Биз марҳаматли Худонинг ёрдамисиз руҳан заиф бўлиб қоламиз. Биз Худонинг ғазаби ва адолатига ўз эътиборимизни қаратмаслигимиз мумкин, бироқ, Худо табиатининг мана шу аспектларини тушуниб етмагунимизча иноятнинг бизнинг ҳаётимизда бажарган ишига баҳо бера олмаймиз. Эдвардснинг Худо қўлидаги гуноҳкорлар ҳақидаги ваъзи ҳам жаҳаннамнинг оловли тилларига алоҳида эътибор қаратиш учун мўлжалланмаган эди. Бизнинг эътиборимиз ловуллаб ёнаётган жаҳаннам қаърига эмас, балки бизни қутқараётган ва жаҳаннам узра ушлаб турган Худо қўлларига қаратилади. Худонинг қўллари — марҳаматли қўллардир. Фақатгина улар бизни вайронагарчиликлардан сақлаб қолишга қодир.

Биз қандай қилиб муқаддас Худони севишимиз мумкин? Бу саволга мен бера оладиган энг оддий жавоб қуйидагидан иборат: бу бизнинг қўлимиздан келмайди. Муқаддас Худони сева олиш қобилияти бизнинг маънавий кучимизни ошириб юборади. Биз гуноҳкор табиатимизга кўра сева олишимиз мумкин бўлган ягона Худо — бу муқаддас бўлмаган худо, ўз қўлларимиз билан яратилган бутдир. Биз токи Муқаддас Рухдан туғилмас эканмиз, Худо бизнинг қалбларимизни Ўзининг муқаддас севгисига тўлдирмас экан, У бизга мурувват кўрсатган ҳолда қалбларимизни ўзгартирмас экан, биз Уни сева олмаймиз. галбларимизни тиклаш ишида Худо ташаббусни Ўз қўлига олади. Усиз биз бирорта ҳам хайрли ишни амалга ошира олмаймиз. Худо бўлмаганида, биз Унинг муқаддаслигидан абадий узоқлашиб кетган бўлар эдик. Худонинг Ўзи биринчи бўлиб бизни севгани учун, биз Уни сева оламиз. Муқаддас Худони севиш учун бизнинг тош каби қаттиқ юрагимизга кириб бора оладиган ва ўлаётган қалбимизни уйғота оладиган қудратли марҳамат керак бўлади.

Агар биз Масихда бўлсак, демак биз уйғонганмиз. Биз руҳий ўлимдан руҳий ҳаётга қайтиб, тирилганмиз. Бирок, кўзларимиз ҳамон боғлиқ бўлиб, вақти-вақти билан биз ўзимизни манқурт каби тутамиз. Бизда маълум даражада кўрқув қолган ва шу сабабдан, Худога яқинлашишга кўрқамиз. Биз аввалгидек, Унинг муқаддас тоғи этагида титраймиз.

Бирок, Худони таниб-билишда қай даражада ўсиб боришимизга қараб, биз Унинг поклигига нисбатан жуда чуқур севгига эга бўламиз ва Унинг марҳаматига янада кўпроқ таянамиз. Худо бутун борлиғи билан ва тўла-тўкис равишда бизнинг севги-муҳаббатимизга муносиб эканлигига амин бўламиз. Худога нисбатан юксалиб бораётган севгимизнинг натижаси — Унга нисбатан ортиб бораётган ҳурмат-эҳтиром туйғусидир. Эндиликда биз Худони чин қалбимиздан севамиз,

чунки Унинг қанчалик севгига тўлиб-тошганлигини кўриб турибмиз. Биз энди Худодан ҳайратланамиз, сабаби, Унинг буюклигини кўриб турибмиз. Биз Худога итоат қиламиз, негаки, Унинг Муқаддас Руҳи бизнинг ичимизда яшайпти. У муқаддас, муқаддас, муқаддасдир...